


**ҒАЙБУЛЛОҲ  
ас-САЛОМ**

**ЭЗГУЛИККА ЧОҒЛАН,  
ОДАМЗОД**

2-китоб





# Ғайбуллоҳ ас-Салом

*АСАРЛАР*

*Эзуликка Ҳоқлан,  
одамЗод*

*Иккинчи китоб*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБҒАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1997



## Таҳрир ҳайъати:

Алишер АЗИЗХУЖАЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Озод ХУСАНОВ, Башрулло МУҲИТДИНОВ, Фағхулла ЭРГАШЕВ, Бахтиёр ЭРКАЕВ, Муҳаммадҷон ИМОМНАЗАРОВ, Ҳамдам СОДИҚОВ.

## Тақризчи:

филология фақлари номзои Зухриддин Исомиддин

### Ас-Салом, Ғайбуллоҳ.

Эзуликка чоғлан, одамзод: 2-китоб//Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев ва бошқ./-Т.:«Шарқ», 1997.-320 б.

Ҳар бир ёзувчининг узгача бир меҳр билан ектирган уз қушини булади. «Кашмир қушини» ҳаммамиз учун ҳурматли адиб Шароф Рашидовнинг ака шундай қалб дафтари эди. У ўзининг бу ҳазин ва умидбахш, дилбар қушинини узоқ йиллар давомида басталаб, хиргойи қилиб юрди. Асарлар ҳам баайин муаллифларининг ўзларидай. Маълум бир даврда тунгилиб, яшаб, давр-даврон суриб, қариб-чуриб, дунёдан ўтиб кетади. Ғолибо, шундай «хиргойилар» ҳам борки, ўқувчининг дилидан жой олиб, адиб вафотидан кейин ҳам узоқ замонларгача қуйланиб юради. Чунки улар кишиларининг орзу-армонлари, ёруғ ўй-фикрларини ўзида акс эттиради.

Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг даъвосига кўра, «Кашмир қушини»да даврнинг тунд қиёфаси ва буюк адиб ҳаётининг сунги аччиқ палласи ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу довртли қушиқ биз учун ҳамон қадри ва мумтоз.

Китобнинг иккинчи қисмида баҳс бошқа муҳит ва руҳий иқлимда кечади. Бу ерда муаллиф ҳаёт экинлари, турмуш сабоқлари ва устозлари ҳақида мушоҳада юритади.

83.3У3

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош  
таҳририяти, 1997

## **Б и р и н ч и қ и с м**

# **СЎЗ СЕҲРИ ВА РАҚС ЖОЗИБАСИ**

(«КАШМИР ҚУШИҒИ»)

**ҲОЙИБДАН КЕЛАДУР БИР САДО**

### ***1-фасл***

**МАНБАЛАР ВА ИЛДИЗЛАР**

(қийёсий-қолиповчи таҳлил)

*«Кашмирга ухшаган жойни кишики қурмагай булғай».*

*(Муҳаммад Ҳайдар мирзо Дуглот. «Тарихи Рашидий»).*

### **БИРГИНА ТИЛАГИМ...**

Аллақандай куҳна Овруро қомусларидан бирида: узбек адабиёти деганда қўз унгимизда «Тоҳир ва Зухра», «Вомиқу Узро», «Чор китоб», «Юсуф ва Зулайҳо» сингари халқ дostonлари, диний ривоятлар, араб ва форс тилларидан таржима қилинган бир қанча афсоналар мажмуаси гавдаланади, деган маълумот берилган эди. Унда на Навоий, на Лутфий, на Бобур, на Машраб, Огаҳий, Аваз, Муқимий, Фурқат сингари унлаб энг йирик шоир ва мутафаккирларнинг номлари тилга ҳам олинмаган. Хайрият, биз энди бой мумтоз мсросимизни таниб олдик. Бу улғувор мерос бизнинг миллий гурур ва ифтихоримиз манбаларидан бирига айланмоқда. Куҳна утмиш адабиёти, узга қардош халқлар: украинлар, гуржилар, озарбойжонлар, урислар, арманлар ва бошқаларда булгани сингари, бугунги

замон манфаатларига хизмат қилароқ, муштарак маънавий ҳазинага айлана бошлади. Узбеклар Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин даҳосига таъзим қиладилар, Леся Украинкани севиб уқийдилар, Низомий Ганжавий, Махтумқули, Шота Руставелини эъзозлайдилар. Бошқа маърифатли мислатлар ҳам ҳазрат Навоийни, Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рудакий, Робиндранат Токур (Тагор) асарларини мутолаа қиладилар.

Бироқ мумтоз маданий меросимиз қанчалик бой, кўҳна, ранг-баранг бўлмасин, агар у узининг қонуний вориси бўлмиш ҳозирги адабий жараён ютуқлари билан мустаҳкамланмаса, унда биз кўҳна осори атиқалар, музейлар, равотлар, мадрасаларнинг пештоқлари харобаларига маҳлиё бўлиб утирган анойиларга айланаиб қолган булар эдик. Башарти, Навоийнинг шукуҳли «Ҳамса»си билан: Ҳамса-ён Абдулла Қолчирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» сингари румонларига, «Ҳазойингул маоний» билан бир қаторда Фитрат, Авлоний, Ҳамза, Гафур Ғулум, Усмои Носир, Ҳамид Олимжон, Зулфия лирикаси, Муқимийнинг гўзал ашъори билан баробар, Ойбекнинг «Навоий», Мирзакалоннинг «Фаргона тонг отгунча», Айнийнинг «Дохунла», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ғабдуловнинг «Уллубек хазинаси» румонлари, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, шунингдек, Миртемир, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Мамарасул Бобоев, Шухрат, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф ва куплаб узбек шоирларининг заррин лирик туйғуларини ифодаланган назм намуналари дунё юзини кўрмаганида, адабиётимиз узининг булунги салмоғига эга бўлолмас эди.

Булар сингари юзлаб асарлар Истиқлол давригача бўлган узбек адабиётининг гултожлари саналарди. Лекин замонавий мавзуларда ёзилган асарларнинг яна бир қанча фазилатлари ҳам борки, булар хусусида баҳс очишдан олдин, бир зум мавзудан четга чиқиб, бир қанча ширин фаразияларга изн берайлик.

**Ўзбек тилида шундай бир асар юзага келсаки, у:**

— мунис ва мушфиқ уқувчининг дил маҳрами бўлиб қолса: қайғусига қайғудош, шодлигига шодмон, орзу-армонларига қанот бўлиб, дил-дилидан хиргойни қилиб юрадиган қатта қушиғига айланса;

— табиат ва инсон хилқатининг адабий бирлигини

куйлаган ҳолда, улар уртасидаги монандлик ва муштараклик фарзанди улароқ, баҳорнинг лутфкор жамоли, Ёзнинг саҳий неъматлари, кузнинг маъсум маҳзуллиги ва қишнинг қирчиллама чиласи чизган сирли нақшлардан бир ноёб гулдаста тақдим этса.

**Ўзбек адабиётида шундай бир дoston пайдо бўлсаки, у:**

— умумбашариёт равнақи йулида катта ижтимоий дард билан Ёзилиши баробарида, миллий ёки ирқий мансублигидан қатъий назар, барча халқларга тушунарли булса;

— жаҳон миқёсида бир қанча унлаб тилларга таржима қилинса;

— узи бирон хорижий мавзуда Ёзилган эса-да, шимол ва жануб, мағриб ва машриқда яшашган кўпгина халқлар қатори, қайси бир эл-элатнинг ҳаётини акс эттирган экан — уша халқ тилига ҳам угирилган булса.

**Ўзбек маданиятида шундай бир қисса бунёд этилсаки, у:**

— ватан адабиётининг салоҳияти ошиб, бағри кенгайиб, мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганини намойиш эта олса;

— бир неча марталаб қайта-қайта нашр қилиниб (угирилиб), ҳар гал муаллиф томонидан узлуксиз сайқалланиб борган булса.

**Ўзбекона соф алфоз ва жозиб услубда шундай бир афсона битилсаки, у:**

— халқ оғзаки ижоди (фолклор) билан Ёзма адабиётнинг бағирдошлик ҳодисасини мужассамлаштиргани ҳолда, адабиёт билан санъатнинг азалий ҳамжинслиги, ҳамкору ҳамдастлиги, уларнинг барқарор бирлиги ҳамда бир-бирига «утиши» манфаатларига хизмат қилса;

— нотинч замона ташвишларини ҳаққоний ифодалагани ҳолда, бир неча халқлар уртасидаги адабий ва маданий муносабатларнинг тарихий ривожланиш тадрижи ва даврий саналарини акс эттирса;

— адабиётимизга янгича қарашлар, усул ва услублар, тадбир ва воситаларни инъом этса...

Бундай нодир асарнинг яратилиш тарихини кузатиш асосида маҳорат ва услуб, анъанавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик, мифология ва Ёзма адабиёт, адабий-азалий илдизлар ва назарий-қиёсий қолипловчи тарх (типология), таржима ва таҳрир сингари аллақанча мураккаб илмий муаммоларни муайян

аниқ-таниқ ижодий жараён ва тажриба негизида урганиш мумкин булар эди.

Шундай асар бор.

Бу — ёзувчи Шароф Рашиднинг «қисса» аталмиши «Кашмир қушиги»дир.

Навр, назм ва саҳна асарлари (драма) жанрларида ёзилган ҳар бир салмоқдор бадийий асар тугал монографиявий тадқиқотга сазовор ва муҳтож эканлигини алоҳида қайд этган ҳолда, бу галги баҳсмиз «Кашмир қушиги» қиссаси ва у билан бевосита ёки билвосита боғлиқ воқеалар таҳлилига бағишланади.

Ушбу сатрлар муаллифи «Кашмир қушиги»ни, юқорида санаб утилганидай, ҳар томонлама тадқиқ этишга ҳаракат қилдим. Лекин ёзувчи ижодхонасининг қанчалик ичкарисига кириб борган сайин шунчалик кун янгиликлар, чуқур мушоҳада қилиниши зарур бўлган жиҳатлар юзага қалқиб чиқа бошладики, мен бу масалаларининг барчасини бирдай батафсил ва батамкин ёритдим, деб айтилмайман. Купгина ҳолларда қаршимдан чиққан, чегаралош ижодий ҳамда илмий соҳалар билан боғлиқ гоаят муҳим, долзарб, қамровдор муаммоларга баҳоли қудрат муносабат қилдириш, уларнинг мундарижасини тайин этиш, мазмунини ва йўналишинини аниқлаш, таърифлаш билан чеklangан вақтларим ҳам бўлди. Чунки ушбу китобни ёзишдан мақсад қандайдир махсус филологик тадқиқот ёхуд дарслик қўлланма яратини эмас эди. Камгина «Кашмир қушиги» қиссаси матнининг ортига, илдизига, тили, образлар сиёсисаси, мажозий табиати, бирламчи ҳаётий-мифологиявий манбаларига қарашга ҳаракат қилдим. Муаллиф услуби, жанр хусусияти, таржима ва таҳрир муаммоларининг бирмунча чуқурроқ ёритишга уриниб кўрдим. Ушбу ишни ёзишда жиддий сипо (академик) услубга мурожаат этмадим, балки узининг уша эски «қуролим» бўлган илмий-оммабош таҳлил йўсинига юзланар эканман, қиссани, бамисоли, китобхонлар билан биргалликда «овоз чиқариб» уқигандай булдим. Ана шу «биргалликда мутолаа» қилиш давомида, ҳурматли китобхон, Сизни зериктириб қўймасликка ҳаракат қилдим. Айни вақтда Сизнинг ҳам лутфу карамингиздан умидворманким, мутолаада, «йўлнинг танобинини олмай туриб», муаллифни аросатда қолдириб кетмасенз. Зеро, асар муаллифининг уз таъбири билан айтганда:

— йўлнинг интиҳосини кўрай деганлар уни босиб утмоқлари лозимдир;



— қушиқнинг маънисига стай деганлар уни поёнига етказиб тингламоқлари лозимдир...

## ТАРИХИЙ ШАЖАРАЛАР ВА АДАБИЙ АНЪАНАЛАР. ИККИ ОФИЗ ДАРОМАДИ СУХАН

«Кашмир қушиғи» дostonининг мазмуни билан дастлаб 1955 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат (ҳозирги Самарқанд) дорилфунунининг катта мажлислар залида танишган эдик. Ушанда муаззам Ҳиндистон улкасига қилган расмий сафаридан қайтган Ш.Р.Рашидов дорилфунун профессор-уқитувчилар жамоаси ва талабалари ҳузурида узининг бир олам таассуротларини тулиб-тошиб ҳикоя қиларкан, зални лиммо-лим тулдириб утирган биз талабаларга бу ажойиб муъжизавий мамлакат ҳақидаги ҳар бир тафсилот, ҳар бир унсур қандайдир фавқулодда воқеадай туйилар эди. Албатта, эндиликда, орадан чорак асрдан (қирқ йилдан) зиёдроқ вақт утган чоқда бунинг сир-синоатини тушунтириш қийин. Чуқур мутаассирлик сабаби Ҳиндистондай бир азалий муъжизавий мамлакатга булган қизиқишми, уша вақтда биз еш талабаларнинг ҳамма нарсани билиб олишга булган чанқоқлигимиз, ёшлик мавсумига хос тиниқ, маъсумий (романтик) кайфиятларнинг уйғоқлигимиз, ё булмаса давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг узига хос нотиклик маҳорати, унинг улкан, оламшумул воқеаларини ҳам гоятда самимий тасвирлаш, таҳлил этиш услубими? Эҳтимол, буларнинг барчаси қушилиб намоён булгандир. Бироқ юқорида айтилганлар қаторида яна бир муҳим омилни қайд этмоқ даркор...

### ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУНИНГ ТАШРИФИ

1955 йил, Самарқанд. Ҳиндистон Жумҳуриятининг Бош вазири Жавоҳарлал Неру бу ерга келармиш деган хабар тарқалди. Шаҳар бамисоли байрам либосига бурқалди. Ҳаммаёқ озода-ораста. Самарқанд аҳли икки қушни днёр, эл-юрт уртасидаги муносабатларнинг жадал ривожланаётганидан ниҳоятда мамнун эди. Чунки бу минг йиллар сарҳадидан ошадиган куҳна алоқаларнинг янгидан куртак ота бошлаган новдаларни аста-секин вояга етиб, келажакда чинордай мустаҳкамланишига барчанинг ишончи комил эди. Самар-

қандликларнинг чехрасида Ёлқин, лабларида табас-сум. Инсон эзгуликни савқи табиий билан олдиндан ҳис этади.

... Юз минглаб кузлар Жавоҳарлал Нерунинг нигоҳи билан учрашди. Вазмин, сокин қиёфадаги Неру ҳар бир тоши, ҳар дов-дарахти, ҳар кучаси, меъморчилик санъати обидалари минг йилларнинг нари-берисидаги улугвор тарихий кечмишлар, маҳобатли воқеалардан гувоҳлик берувчи аллансчук сەҳрли ва афсонавий Самарқанд заминини кезар, узининг ёқимли табассуми билан кишиларнинг очиқ чехраларига боқар экан, ҳаяжонини яшира олмас эди.

Самарқанд дорилфунунида сеvimли адибимиз Шароф Рашид билан учрашув ана шундай воқеалар кечиб турган бир вақтга тўғри келганли. Оралам бир йил утгач (1956) ёзган бир мақоласида у узининг Ҳиндистон сафарида туғилган, бир-бири билан боғлиқ пккита воқеани эслайди.

#### ҲАЙДАРОБОД «ДОРУС-САЛТАНАСИ»ДА УЧРАШУВ

Дехлида, «Ҳайдаробод-ҳауз» ҳукумат меҳмонхонасида бўлиб утган ҳинд адиблари билан учрашув вақтида дустона суҳбат қурилади. Суҳбат давомида урис адабиёти, узимизнинг миллий ёзувчиларимизнинг ижодий ютуқлари, халқлар ва адабиётлар дўстлигилан гап кетганда, ҳинд адиблари узлари учун ҳайратомуз бир нарсага қизиқсениб қоладилар.

— Ҳуш, Сиз қайси тилда ёзасиз? Урис тилидами?

— Йўқ, узбек тилида ёзаман.

— Бундан чиқадики, Сизнинг китобларингизни фақат ўз дийрингизда ўқишар экан-да?

— Йўқ, бизда йстаган миллий тилдан — урис тилига ва барча бошқа республикалар халқлари тилларига таржима қилиш иши кенг йулга қуйилган.

Шундан сунг узбек адиби Ҳамид Олимжон, Самад Вургун, Ғафур Ғулум, Берди Кербобоев, Александр Корнейчук, Мирзо Туреунзода каби шоир ва ёзувчиларнинг номлари умумхалқ уртасида маълум эканлиги, Мухтор Аvezов, Меҳди Ҳусайн, Олес Гончар, Ойбек асарларининг қандай ва қанча тилларга таржима қилинганини маҳобатли далил сифатида келтиради.

Эртасига ҳинд ёзувчилари Шарқ мумтоз адабиёти-ни билишида узларининг чакки эмасликларини намоёнш этмоқчи бўлишган. Улуғ меҳмоннинг ҳузурда

учта хонанда-машшоқ галма-галига Ҳофиз, Румий, Навоий, Фирдавсийларнинг газаллари асосида ашула ихро этишган. Шавқ билан куйланган мақомлардан сунг суҳбатдош ҳинд адиблари тантанавор қиёфада:

— Яъни масалан, шунақа. Биз бу улуг шоирларни бидамиз ва эъзозлаймиз. Сиз-чи? — деган маънода улуг меҳмонга савол назари билан қараганлар.

Концерт тугагач, ардоқли меҳмон уша-уша Ҳофиз, Фирдавсий, Навоийларнинг газалларидан байтларни ёдаки айтиб берганида, бундан мезбонлар лол бўлишган:

— Сиз бу шоирларни ҳам биласизми?

— Мен уларнинг ижодларини ҳали дорилфунунда таҳсил қурган чоғларимда урганган эдим.

— Уларни ҳозир ҳам урганишадими?

— Албатта, ҳатто олдингига қараганда ҳам купроқ. Масковда ва жумҳуриятларда уларнинг асарлари нашр ҳам қилинади.

### ЛИСОННИЙ ПАРОКАНДАЛИК «САМАРАСИ»

Тиллар парокандалиги — инсониятнинг бир неча минглаб тилларда сузлашуви ҳамда яна шу турли-туман тилларда бир неча минг йиллар мобайнида яратилган ва ҳозир ҳам яратилаётган мислсиз маданият, адабиёт, илм-фан обидаларини «лисоний тусиқлар» оша умумбашарий, умумхалқ мулкига айлантириш муаммоси азал-азалдан, барча замонларда инсониятнинг орзуси бўлиб келган.

Бундай қараганда, уз миллий чегаралари теграсида расман ягона тилда иш олиб борувчи, бошқача айтганда, ягона давлат тилига эга бўлган, ягона бир адабий тилга таянган мамлакатларда таржимага эҳтиёж йўқдай туйилади. Аслида бошқача. «Бир тилли» давлатларда ҳам, гарчи «ички таржимавий тармоқланиш»га зарурат тугдирувчи омиллар булмасада, икки ҳаётий эҳтиёжга қура, улар барибир таржимага мурожаат қиладилар. Биринчи — жаҳондаги бошқа миллатларнинг тилларида бунёд этилган китобларни ўзлаштиришга булган қизиқиш; иккинчиси — уз тилида яратилган китобларни дунёдаги булак халқлар уртасида тарқатишдан кузатиладиган манфаатдорлик.

Қуимиллатли давлатларда эса, юқоридаги икки қудратли омилдан ташқари, ички миллий вазиятлар туйфайли куп томонлама, серқирра, мураккаб таржима

жараёнлари ҳам содир булади. Айтилик: инглиз тилидан — урисчага — узбекчага таржима ҳамда узбек тилидан урисчага — инглизчага таржима ва ҳоказо. Турғунлик, машғум мустабид тузум, «улугогачилик» даврида таржимавий фаолият андозаси шундай эди. Агар собиқ Шурулар Иттифоқида 130 миллат вакиллари яшаши, бу ерда 76 тилда адабиёт яратилишини кўз олдимизга келтирсак, бизда таржимавий вазият қанчалик мураккаб, кўп босқичли ва ссртармоқ эканлиги маълум булади.

XII аср форс-тожик ҳамда турк мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Жалолиддин Румийда (1207—1273) шундай масал бор: турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши чорраҳада учрашиб, иттифоқо бир дирҳам пул топиб олишади. Бу туртовлон форс, турк, рум фуқароси (юнон) ва араб эдилар. Ҳалиги бир дирҳамга нима харид қилиш баҳсида улар довлашиб қоладилар.

*Форси гуфто: «Аз ин чуи вораҳем,  
Ҳам биғ, к-ниро ба ангуре диҳем».*  
*Он араб гуфто: «Маозо.глоҳ ло,  
Ман шаб хоҳам, на ангур, эй даго».*  
*Он яке к-аз турк бул, гуфт: «Эй кузум,  
Ман намехоҳам шаб, хоҳам узум».*  
*Он ки руми бул, гуфт: «Ин қилро  
Тарк кун, хоҳам ман истодилро».*

Мазмуни шундайки, форс «ангур» олмоқчи булади, араб — «инаб», турк — «узум», юнон эса «истифил» харид қилишни истайди. Бу можаро сабабидан хабар топган юз тилни билувчи бир киши (полиглот) томонларни «мурасага» келтириб, уша бир дирҳамга узум олиб улашади. Бас маълум буладикки, форс, араб, турк, юнон тўртталаси ҳам, ҳар бири узича, айни бир нарсани хоҳиш этибди-ю, лекин уларнинг тилларида уша нарсанинг номи ҳар хил аталганидан, бир-бировининг тилига тушунмай, галва кутарайтган эканлар.

Бу лисоний парокандалик «самараси»дир.

#### «БОБИЛ МИНОРАСИ»

Қадимги яхулий ривоятига кўра, бутун қурран заминни сув босгандан кейинги даврда Бобил (Мессопотамия)даги Сенаар мужкида одамлар тулланиб, шаҳар ҳамда баландлиги кук гумбазига туташиб кетади-

ган минор қуришга жаҳд қилганлар. Шу тариқа банинй инсон насли Худойи таоло билан баҳслашишга қасд қилган. Тавротда айтилишича, одамзод наслининг бундай шаккоклигидан дарғазаб бўлган Тангри таоло уларнинг тилларини шу қадар «аралаш-қуралаш» қилиб юборганки, оқибатда кишилар бир-бирларини тушунмайдиган бўлиб қолганлар. Сунгра Парвардигор одамзод наслини, унинг авлодларини бир-биридан жудо қилиб, уларга рўйи заминнинг турлитуман бурчакларидан маъво (макон) ато этган. Қурилмай чала қолган шаҳарга эса «Бобил» номи берилган (айтишларича, бу қадимги яҳудий тилидаги «балал» — «аралаш-қуралаш», «олаговор» феълидан олинган). «Бобил минораси» ҳақидаги ривоятда Бобил мулкида (Вавилонияда) зиккуратлар (баҳайбат диний ибодатхоналар) қурилишида жуда кўплаб эл-юртлар, қавмлар, турли-туман этник гуруҳларнинг иштирок этганлиги уз аксини топган. «Бобил минораси қурилиши» (Вавилонское столпотворение) деганда оломоннинг алғовдалгов, гала-говурлари, баайни «ит эгасини танимайди» бир ҳолат тушунилади. (Катта Энциклопедия. Учинчи нашр, IV жилд, 221-бет).

Мазкур икки манба — масал ва ривоятда инсониятни азалдан банд этиб келаётган икки ҳодиса: лисоний парокандалик билан умумбашарий муштарак тил туйғуси уз аксини топган. Чунончи, «Бобил минораси»да инсоният ихтиёрида азалда ягона тил, муштарак алоқа воситаси мавжуд бўлиб, сунгра тиллар «парчаланиб», «тармоқланиб» кетганлиги воқсалари ҳикоя қилинса, Жалолиддин Румий масалида гуё ана шундан кейинги даврларда кечмиш ҳодисалар, яъни лисоний парокандаликдан келиб чиққан чигалликлар жонли манзара — форс, араб, турк, юнон тилларининг дучлашувидан содир бўлган вазият, бамисоли «қиссадан ҳисса» қаламга олинган.

## ТАМАЛ ВА АМАЛ

Франсия Фанлар академияси берган маълумотларга қура, Ер қуրраси аҳолиси қарийб 2.796 тилда сўзлашади. Башарият 11 та асосий, 50 та «майда» лисоний туркумларга кирадиган тилларда фикр алмашади. Халқлар жами 7-8 мингтача шевалардан фойдаланадилар.

Таржимачилик соҳасида собиқ Шуrolар Иттифо-

қи узоқ йиллардан бери дунёда муқим биринчи уринини ишғол этиб келаётганлиги, Ўзбекистон ҳам таржима адабиётининг кулами ва суръати жиҳатидан мисли кўрилмаган ютуқларга эришганлиги ҳақида тез-тез писанда қилиб туриларди. Бироқ Шароф Рашидов мақоласида Ҳиндистон дёрида ўтказилган икки суҳбат муносабати билан илгари сурилган маъкур икки фикр Ўзбекистонда Шарқ шърияти руҳи, гоълари, асотирлари асосида яратилган аслий (оригинал) асарларнинг урис тилига ҳамда жаҳондаги бошиқа халқлар тилларига ўгирилиши масалаларига тухташ лозим экан, бу хусусда Халқаро Фирдавсий мукофоти совриндори, профессор Шонслом Шомуҳаммаднинг «Туганмас хазина» номли мақоласини ҳавола қилиш билан, асосий мудлаога ўтишга ошиқамиз.

(Шонслом Шомуҳамедов, Хазиналар жилоси. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 380-392-бетлар).

Ўзбек халқи ўз классик фани, адабиёти, маданияти ва санъатини чуқур урганиш, нашр этиш билан бирга, жамики арабу ажам халқлари тарихи ва адабиёти намуналарини ҳам ўз тилига таржима қилишга жаҳду жадал қилмоқда. Улар орасида, хусусан, ҳинд адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган асарлар сони йил сайин ошиб борган. Бунида қадимги ҳинд адабий ёлгорликлари «Маҳобҳарата», «Рамаяна»дан қилинган таржималар билан бирга, «Калила ва Димна», Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони, Робиндранат Токурнинг саккиз жилддан иборат асарлар мажмуаси, Хужа Аҳмад Аббос, Прем Чанд, Кришан Чандр, Мулк Рож Ананд сингари машхур ҳинд адибларининг бир томлик танланган Асарларини курсатиш мумкин. Булардан ташқари, Анант Каршикнинг «Кашмир маликасининг сирини», М.Бандоподхойнинг «Падма дарёсининг қайиқчиси», Бхатгачариянинг «Очлик» сингари румонлари ўзбек тилига ағдарилган. Сунги беш йил (1975-80) давомида Ўзбекистонда Шарқ адабиётидан қилинган таржималарнинг миқдори (тиражи) бир миллион икки юз минг нусхани ташкил этган. Собиқ Шуролар миқёсида эса 25 ҳинд ёзувчисининг 200 дан ортиқ китоби 24 тилда 10 миллиондан ортиқ нусхада босилган. Жумладан, Робиндранат Токур асарлари 14 тилда 75 марта, Кришан Чандр асарлари 10 тилда 16 марта чоп этилган.

Шароф Рашидовнинг ҳинд ёзувчилари билан қилган суҳбатида илгари сурилган уша масалалар тарихий йўсинда ҳам, замонавий маданий жараён тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда, хусусан, муаммонинг тарихий анъана ва ҳозирги замон адабий жараёни, адабий-тарихий, таъбир жоиз бўлса, таржимавий анъаналарнинг вори-сийлиги, уларнинг адабий мукамаллик (адекватлик) томон ривожланиб бориши сингари жиҳатларини қараб чиқиш анча сезиларли самара беришига диққатни қаратмоқчиман. Ерқин мисол тариқасида эса, узоққа бормаё, уша-уша «Кашмир қушиги» дostonига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя.

«Кашмир қушиги» ўзининг адабий-тарихий илдизлари, икки ўрисча таржимаси ва, аксарият, улар орқали жаҳондаги аллақанча халқлар тилларига угирилиши, адабиёт (поэзия) ва санъатнинг узаро ҳамкорлиги, романтизм билан реализмни пайвандловчи омиллар, ҳозирги ёзма адабиётда мифологиядан фойдаланиш маҳорати, таржима ва таҳрир, мукамал таржима яратиш ишининг давомий (такрорий) хусусиятга эга эканлиги сингари масалалар таҳлили эътибори билан нодир манбага айланди.

«Кашмир қушиги»нинг тарихий илдизлари, гоёнинг тугилиши, асарнинг яратилиши ва саҳналаштирилиши жараёнларини тасаввурга келтирганда, шууримизда дафъатан асар охирида муаллиф ўзи қайд этган қўйидаги маданий-жугрофий минтақалар пайдо бўлади: Сринагар-Деҳли-Тошкент, 1955—1979 йиллар. (Бу маълумотлар дostonнинг 1982 йилги нашридан олинди. Асарлар. Беш жилдлик, 3-том. 335-370). Лекин юқорида қайд этилган генетик, тарихий омиллар, гоёнинг тугилиши ва қозога тушиши, ифода йўсини жараёнининг барча босқичлари эътиборга олинса, шартли равишда, бу минтақаларга яна бир қанча манзиллари қушишга тўғри келган бўларди. Чунончи: Кашмир-Сринагар-Деҳли-Самарқанд-Тошкент... Башарти, бунга асарнинг таржималар орқали жаҳон халқлари тилларига тарқалиш лисоний жугрофия (лингвогеография)си ҳам дахлдор деб қаралса, юқоридаги силсилага яна янгидан-янги маданий марказлар, пойтахтларнинг номларини қушиш жоиз бўларди.

Мана қулимизда янги таржималардан бири —

«Кашмир қушиги»нинг венгер ва урис тилларидаги матнларини гутурт қутисидай жажжи шаклга (4x5,2) ситдирган ниҳоятда бежирим нашри. Бадний асар жонли санъат, шундай экан унинг тугилиши, авлодлари, уз тақдирн мавжуд, демак қиссанинг венгерча таржимасини бунед этган Будапешт шаҳри ҳам, шубҳасиз, мазкур силсилага қушилади.

## ГОЯВИЙ НЕГИЗ ВА ТАБИЙ ТИМСОЛ

Гоя сифатида Сринагар ва Дехлида тугилиб, тугал бадний асар мақомда Самарқанд ва Тошкентда этилиб, яратилган, узбек тилида драматик асар тарзида радиокомпозиция қилиб эшиттирилган, мултипликасион филм қилиб намойиш этилган, балет сифатида Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театрида ҳамда Масковдаги академик Катта опера ва балет театри сахналарида ижро қилинган бу асарнинг зафарли юриши, турли-туман эл-юртлар, қитъалар, тиллар буйлаб жаҳонгашталигини таъминлаган қудрат нимада? Дастлаб, ибтидо маъносидан, Самарқанд дорилфунуни мажлислар залидан адабий-уй-нийат сифатида ҳикоя қилинган воқеа тугал бадний асар шаклига кириб, бугун Кремлнинг Сйездлар саройи сахнасида ажойиб балет сифатида намойиш этилишигача босиб утилган манзилнинг сеҳрли, жозно оҳанрабоосини қандай белгилаш мумкин? Бунинг бирон сабабиди, қонуниди, сирри борми?

Шак-шубҳасиз, миллий адабиётларнинг энг яхши, сара асарларигина бошқа тилларга таржима қилинади. «Яхши», «сара» деганда асарда бадний нафосат, тимсолли тасвир, лисоний-ботиний (интим) ҳис-туйғуларнинг қанчалик нозик ифодалангани инобатга олинади. Лекин бутгина эмас. Асосий талаб асарда чуқур умумбашарий мазмун-муддао, инсон озодлиги, эркин, ҳуқуқи учун кураш, уни асрий қуллик занжиридан халос этишга интилишининг бадний тимсолларда қай тарзда ифодаланганидан иборат. Агар юксак уй-нийат билан бадний маҳорат, ёзувчининг мусаффо қалби, шоирона, лирик ҳис-туйғуларни қушилиб намоен бўлса, бу чинакам санъат асаридир.

«Кашмир қушиги»нинг айни узбек адабиёти замирида пайдо бўлиши, унда ҳорижий мавзунинг қаламга олингани, асардаги юксак инсоний хусусиятларнинг нозик-нафис пардаларда қуйланиши, мажозий тим-



солларнинг кутаринки, тантанавор-маҳобатли (роман-тик) услубда гавдаланиши тасодифийми? Бундай қараганда, жуда қизиқ манзара намоён бўлади: ҳинд-на мифология — ўзбекна тасвир — русиёна талқин. Суз — ҳаракат-буёқ иттифоқи.

Хуш, муаллифни нега узга бирон манзил ёки халқ асотирлари эмас, балки айнан Кашмир афсонаси қизиқтирди? Бу афсонада ҳикоя қилинган воқеалар бошқа бирон иқлимга эмас, балки фақат шу Кашмиргагина хосми? Муаллиф Кашмир воқеалари тасвирини қаламга олар экан, уз ортида қандай адабий-тарихий анъаналарга эга эдию, ёзма адабиёт обидасига айланган бу ривоят ҳозирги ва келажак авлодларга нима бериши мумкин?

### •БУ ЙЎЛЛАР КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАР•

Кашмир! Шу биргина сузнинг узбек ўқувчисиغا Рум, Бадахшон, Сарандиб, Ҳирот, Балх, Бағдодшариф, Шомшариф, Дехли, Кобул сингарини шаҳар ва юртларнинг номларидек, қачонлардир, қандайдир, нима биландир боғлиқ нарсалар ва воқеалардан дарак бсради.

Дўст ҳинд адиблари Румий, Фирдавсий, Навоий, Ҳофиз, Фузулийлар яратган улмас бадий жавоҳирлар билан бизни ҳайратга солмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, бутунгина эмас, балки минг йил, беш юз йил олдин ксчмиш воқеаларни ҳисобга олганда ҳам, аҳвол нечук эди?..

Ўзбек-ҳинд илмий ва адабий алоқалари жуда қадимий тарихга эга. Бу икки халқнинг фан ва адабиёт намояндалари азал-азалдан бири-бирга устоз, бири-бирга шогирд, ҳамкору ҳамдаст бўлиб келганлар. Масалан, буюк ватандошимиз, риёзиёт ва жугрофия фанларида беазир, буюк олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (тахм.780-847) уз илмий фаолиятининг дастлабки даврида ҳиндларнинг фалакиёт ва риёзиёт (математика)га доир «Сиддханта» аталмиш асарини мукаммал таҳрир қилган. Айтишларича, Брахмагупта деган мунажжим томонидан 628 йилда ёзилган «Сиддханта»ни 772 йилда ҳинд олими Пандит Канка Бағдодга олиб келган. Халифа Мансур бу асарга жуда қизиқиб қараган ва уни дарҳол араб тилига ўгиришни топширган. Орадан бир йил утгач, китоб «Синд-ҳинд» номи билан араб тилига таржималаш қилинган.

Уша вақтларда бу асар Шарқ олимлари учун қўлланма бўлган. Лексин асарининг кўп жойларини тушуниш қийин ва унда анча-мунча хатолар ҳам бор эди. Хоразмий уни ўқиб, қийин ва хато жойларини топган ҳамда қайтадан ишлаган, китобга бир неча боб қўшган, тушуниб бўлмайдиган ибораларни уз тажрибасига асосланиб тузатган, сингиллаштирган ва асарга «Қисқача Синдихинд» деб ном берган. Шундай қилиб, янги ҳаётий бир илмий тадқиқот вужудга келган. Уша даврда «Синдихинд»ни ўқиган кишилар Хоразмийнинг бу янги асарини зўр қувонч билан қабул қилганлар. (А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов. Урта Осиёлик қирқ олим. «Фан» нашриёти, 1961).

### БЕРУНИЙ ВА ҲИНДИСТОН

Ватандош, бобокалон буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) Ҳиндистон, унинг аҳолиси, маданияти, тили, олимлари билан бўлган муносабатлари фан тарихида алоҳида бир бобни ташкил этади. Аввало, бу қадимий мамлакатга бағишлаб у «Ҳиндистон» деган маънос асар ёзган. Китобнинг тулиқ номи: «Китоби фи таҳқиқи молиҳ ҳинд мин мақола мақбула фил ақл ау марзула» (Ҳиндларга маънос нарсаларни тундунтириш китоби). Бу асарни олим 1020 йилда ёза бошлаб, 1030 йилда ниҳоятга етказган. Шуниси диққатга сазоворки, Беруний қулга киритган сингари мислсиз илмий ютуқлар ва кашфиётлар ҳам унинг Ҳиндистон даври ҳаёти ёки мазкур асарга вобастадир. Бу мамлакатда у алақанча жуғрофий тадқиқотлар ҳам олиб бориб, Лоҳур қалъасининг кенглиги 34 даража 10 дақиқа эканини ўзи аниқлаганини фахрланиб гапирди. Булардан ташқари, Ғазни, Кобул, Гандиамир, Дунпур, Ламгон, Пиршавур, Вайҳанд, Жайлам, Нандна, Мултон, Селқут, Мандаккапур сингари жойларнинг жуғрофий кенгликларини биринчи бўлиб аниқлаган ҳам Беруний бўлади. У Лоҳурдан Кашмир қалъасигача 56 мил эканини, унинг ярми теалик ва ярми текис даладан иборатлигини исбот этади. Беруний Нандна қургонидан туриб Ер шарни айланасини ўлчаб чиққан.

Олимнинг эътироф этишига қараганда, Ҳиндистон тўғрисида китоб ёзиш унга жуда қийин бўлган. Чунки у қандайдир, бизнинг тасаввуримиздаги «экспедициялар» йўли билан эмас, балки яқка ўзи текшириш олиб

борган. Бироқ на вақтини, на узининг маблағини аямасдан, улик тиллар жумласига кирадиган санскритда (қадимги ҳинд тили) ёзилган китобларни қидириб топади. Ҳинд тилини ургатадиган кишиларни излайди. Бу ишларнинг барини муаззам Ҳиндистон ва унинг халқига булган сунмас муҳаббати туфайли амалга оширганини Берунийнинг узи лутфан қайд этиб утган.

#### «БОШҚА ХАЛҚЛАРНИ БИЛИШНИ ИСТАСАНГ, ТИЛИНИ ЎРГАН»

Таниқли жугрифийун олим, профессор Ҳамидулла Ҳасанов Берунийнинг халқпарварлигидан, компл илмий эътиқодидан урناق олса арзийди, деган фикрни изҳор этаркан, далил сифатида бу мутафаннын (қомусий) олимнинг араб, ҳинд, юнон ва хоразм фанларини, маданияти ва тилини бирдай улуғлаганлиги, турли халқ, турли дин кишиларини қариндош, оғаниндай кўрганлигини алоҳида қайд этади. Улуғ Берунийнинг минг йиллик қанотида бизнинг давримизгача парвоз қилиб келган мана бу таббарук нафаси айни ҳикмат эмасми: «Сайёҳ олимлар» китобининг муаллифи Ҳамидулла Ҳасановдан: «Ҳар бир халқ бирон фан ёки амалиётнинг тараққий этганлиги билан машҳурдир», «бошқа халқларни севишни ўрганмоқ истасанг, уларнинг тилини ўрган, ҳаёт тарзини, одатларини, тафаккурларини эҳтиром эт» (Тошкент, 1981, 104-105-бетлар).

Абу Райҳон Берунийнинг Ҳиндистонга муносабатида диққатга молик жиҳатлар сифатида унинг ҳинд тилини махсус ўрганганлиги, ҳиндларнинг илмий ва диний китоблари билан муфассал танишганлиги, ҳинд фуқаросининг тафаккур тарзи, урф-одатлари, эътиқоди, тарихи билан шуғулланганлиги ва, ниҳоят, ҳинд олимларидан таълим олганлигини эслатиш мумкин. Айни вақтда у ҳиндлар орасида кўп янгилликлар тарқатди. Аввало, улар орасида араб, юнон, форс, яҳудий маданияти ва фани ютуқларини ёйди. «У аввало ҳиндуларнинг гўё талабаси, кейинчалик муаллими булган. Ҳиндуларнинг уни «бепосн илм уммони» деб атаганлари бежиз эмас».

Абу Райҳон Беруний санскрит тилини шу қадар мукамал эгаллаган эдики, унинг асосида икки томонлама таржима амалларини бажарган: бир томондан, санскритдан арабчага китоблар таржима қилган бўлса, иккинчи томондан, Эвклид ва Птоломей асарларини араб тилидан санскритга кучирган. Бундан кўринадики, Абу Райҳоннинг мазкур таржималарида ҳинд, араб, юнон тиллари ва улар асосида яратилган илмий-маданий мерос, турли миллий муҳитлар ҳамда чинакам юксак умуминсоний мақсадлар бир-бири билан чирмашиб, пайвандланиб кетган. «Бундан мақсад — билимларни тарқатмоқ истагим эди», — дейди Беруний. Яна: «Ҳиндларнинг икки китобини («Сангья» ва «Патаңжала») араб тилига таржима қилган эдим», «Мен Евклид ва Батлимуслининг «Алмажистий» китобини ҳиндлар учун таржима қилиб, уларга астролябия санъатини ёзиб бераман, ҳиндлар орасида илм тарқатишга ва уларда йўқ илмни бор қилишга қизиқаман» («Ҳиндистон»).

(Астролябия (юнон.) Астрономияда узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун XVII асргача қўлланилган бурчак улчаш асбоби. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», II жилд, 60-бет).

Бундай ниятнинг покiza ва олийжаноблиги ҳусусида айни мамлакатнинг доно ва фозил фарзандларига мурожаат этмоқ жоиздирким, Жавоҳарлат Нерудай бир улут зот «Ҳиндистоннинг кашфи» номли китобида мазкур «Ҳиндистон» асари ҳақида азбаройи мамнуният билан қайд этган эди: «Беруний юнон фалсафасини урганди; ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ургана бошлади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштирди, улардаги мавжуд умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби ҳақиқий материалларни қамраб олиш билан бирга, урушлар, босқинчиликлар, оммавий қиргинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний, бегона одам була туриб, бу улка кишилари аҳволини тўғри тушунтиришга ҳаракат қилди»

## БОБУР ВА ҲИНДИСТОН

Тақдир тақозосига кўра, ўз эл-юртини қўйиб, ҳинд сари юзланган, ўз тарихий салтанати ва шажарасини буюк Ҳиндистон билан боғлаб, вафотидан кейин ҳам узоқ даврларгача ҳукм сурган сулола қолдирган яна бир ўзбек олими ва шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир (1483—1530).

Бобур таниқли лашкарбоши, давлат арбоби, ёзувчи, шоир, дин, меъморчилик, санъат ва фанни гоят қадрлаган, мусиқа, ҳарбий хизмат борасида рисолалар яратган закий инсон эди.

Ун туққиз яшар Бобур 1504 йилда Кобулни қўлга киритади. У ердан туриб Мовароуннаҳрга бир неча марта юришлар қилади, аммо старли кучга эга булмагандан, муваффақият қозона олмайди. Шундан сўнг узоқ вақт тайёргарлик қургач, 1525 йилда Ҳиндистонга қўшин тортади. Понипат шаҳри ёнида юз берган ҳал қилувчи жангда Деҳли султони Иброҳим Лудийни, муҳолиф қўшини тўрт баравар ортиқ бўлишига қарамай, тор-мор келтиради. Шу тариқа Деҳли ва Оғрани (Агра) эгаллайди ва аста-секин шимолий Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини урнатади. Бангола қўлтигидан тортиб, бугунги Балх ва Амударё соҳилларигача бўлган катта ҳудуд Бобур давлати таркибига кирар эди. Бу давлатнинг асосчиси бўлган Бобур у ерда бор-йўғи беш йил ҳукмронлик қилиб, 1530 йилда вафот этади.

## БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ

Ҳиндистон Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган салтанат «Бобурийлар империяси» (1526—1858) номи билан машҳур бўлиб, бу тарихда «Буюк муғуллар империяси» деб юритилган. Бобур Ҳиндистонни забт этганидан сўнг, Маҳмуд Газнавий, Чингиз, Амир Темур сингари мулки Ҳиндистондан чиқиб кетмади, уни тарк этмади, балки у ерда турғун бўлиб қолди. Ҳаётининг охириги вақтларида ўз қўли остидаги ерларни уғилларига улашиб берди. Ҳиндистон тунгич угли Ҳумойунга, Панжоб Мирзо Комронга, Кобул билан Қандаҳор Мирзо Аскарӣга, Бадахшон эса Мирзо Ҳиндолга тегди. Ҳумойун вафотидан сўнг, 1556 йилда унинг угли Акбар тахтга утирди. Акбаршоҳ (1542—1605) даврида Ҳиндикушдан жануб тарафдаги Годавари дарёсигача бўлган ҳудудлар бобурийлар та-

сарруфига утди. Акбаршоҳнинг угли Жаҳонгир (1605—1627) салтанатни янада кенгайтириш сиёсатини утказди. 1614 йилда Меварни, 1615 йилда Ассомни, 1621 йилда Кашмирдаги кичик Киштвора мулкини Ҳиндистонга қушиб олди. 1624 йилдан эътиборан ҳокимият унинг хотини Нур Жаҳон қулига утди. Жаҳонгирнинг угли Шоҳ Жаҳон (1627—1658) Декан мулкини буйсундирди (1632—1636), 1638 йилга келиб Қандаҳорни эгаллади. Аврангзеб Оламгир (1618—1707) ҳам Ҳиндистон мамлакатини янада кенгайтиришга муваффақ булди. «Акбар, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳукмронлиги даврида бобурийлар империяси тараққий этди. Мамлакат бирмунча марказлашди ва маданий ҳаёт усди. Аврангзеб вафотидан сунг ички курашлар кучайди. Бундан ташқари, овруполиклар (Португалия, Дания, Ҳолландия ва Англия)нинг босқинчилик сиёсати бошланди. Натижада мамлакат майда-майда давлатларга булиниб кетди. Бобурийлар империяси 1858 йилда инглиз мустамакачилари томонидан бутунлай тугатилди» (Қомус, 2-жилд, 293-295).

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган булиб, уларнинг сулоласи хронологик тартибда қуйидагича кўринишга эга: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1526-1530), Ҳумоюн (1530-1539, 1555-1556); Акбаршоҳ (1556-1605), Жаҳонгир (1605-1627), Шоҳ Жаҳон (1627-1658), Аврангзеб Оламгир (1658-1707), Баҳодиршоҳ I (1707-1712), Жаҳондоршоҳ (1712-1713), Фарух Сийар (1713-1719), Муҳаммадшоҳ (1719-1748), Аҳмадшоҳ (1748-1754), Оламгир II (1754-1759), Шоҳ Олам II (1759-1806), Акбар II (1806-1837), Баҳодиршоҳ II (1837-1858).

#### ҲИНД ТАҚДИРИДА БОБУР ВА АКБАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Воҳид Зоҳид Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлиги билан Бобур ва бобурийлар салтанати даврини қиёсга келтирар эканлар, инглиз мустамакачиларига қарши Деҳлида кутарилган биринчи оммавий ҳинд озодлик ҳаракати (1857-1859 йилларда булиб утган сипойлар қўзғолони) бобурийлар давлатини тиклашни, ҳатто сулоланинг энг сунгги вақили Баҳодиршоҳни узининг дохийси тимсоли сифатида байроқ қилиб кутарганлигини эслатади («Бобурнома», 1960, 12-бет). Ниҳоят,

Жавоҳарлал Неру ҳам Бобур ва унинг набираси Акбар фаолиятига жуда юксак баҳо берган.

«Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган, — деб ёзганди Жавоҳарлал Неру. — У санъатни, адабиётни севади, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, зукко лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва ҳаёлпараст, булар билан бир вақтда у ҳаракатчан, уз ишини давом эттирувчиларнинг ижтимоий садоқатига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилувчи одам бўлган.

Саркарда сифатида у Ҳиндистоннинг кенг ҳудудини узига буйсундирган, лекин бу ютуқлардан ҳам мустаҳкамроқ галабани қўлга киритишни, яъни одамларнинг ақлини ва қалбини забт этишни уйлар, Акбар саройида бўлган португалиялик иезуитларнинг айтишларига қараганда, унинг боқиши жозибали бўлиб, «қўзлари қуёш тушиб ёриган денгиздай чақнаб турар эди...» Акбар қадим замонлардан бери ҳаёл қилиб келинаётган бир давлатга фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бир бутун Ҳиндистонни эмас, балки бир халққа уйғун ҳолда қўшилган ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўҳна орзунни қайта тиклади...

Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр, мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни учратиш мумкин эди. Ҳатто у барчани қаноатлантирадиган умумий дин барпо қилишга ҳам уринган. Шимолий Ҳиндистондаги ҳинду ва мусулмонларнинг бир-бирига бўлган маданий таъсирлари худди унинг даврида бирмунча олдинга силжиган. Акбарнинг ўзи сўзсиз ҳиндулар орасида қанчалик машҳур бўлса, мусулмонлар уртасида ҳам шунчалик машҳур бўлган. Муғул сулоласи худди ҳинд сулоласи сифатида мустаҳкамланган (Жавоҳарлал Нерунинг «Ҳиндистон кашфи» асаридан. 1955. Иқтибос уришчадан В. Й. Зоҳидов таржумасида берилди).

### ҲОЖИ ҲУСАЙН

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Русия билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлиги ҳам тарихдан маълум. Чунончи, академик В. В. Бартолд ўзининг «Оврупо ва Русияда

Шарқини урганниш тарихи» номли китобида (1925) қи-зиқ бир далилни келтиради. 1833 йил сентябр ойида Масковнинг савдо-тижорат аҳли узини султон Бобурнинг элчиси деб эълон қилган, шохнинг Масков подшоеси билан «дўстлик ва биродарлик» муносабатлари урнатиб қайтиши мақсадида юборганлигини изҳор этган Ҳожи Ҳусайн билан учрашиб, ҳанг-манг булиб қоладилар. Чунки Бобур Мирзо 1530 йил 21 декабрда дунёдан утган эди. Бундан чиқадики, Ҳожи Ҳусайн Бобур ҳаётлиги вақтида дўстлик муносабатларини урнаттиш учун Ҳиндистондан Русияга саёхатга отланган ва бу ерга икки йил деганда етиб келган.

#### «КАШИМИР» КАЛИМАСИНИНГ МАЪНОСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1525-1530 йилларда Ҳиндистонда яратилган, 1494-1530 йиллардаги воқеалар тасвирини ўз ичига қамраган қомусий асари «Бобурнома»да бу улуг мамлакат, унинг иқлими, табиий шароити, аҳолисининг иқтисодий турмуш тарзи, маданияти, тили ва ҳоказолар ҳақида жула кун қимматли маълумотлар берилган. Мазкур асарни диққат билан уқиган ҳар бир кимса Бобурнинг улуг Ҳиндистон мамлакатига булган чуқур муҳаббати аке этганлигини туймаслиги мумкин эмас. Тўғри, «Бобурнома» том матнодаги бадий асар эмас, балки юксак илмий аниқлик билан ёзилган воқеаномга булганлигидан, муаллиф ўз қурган-кечирганларини қандай идрок этган булса, шундайлигича тасвирлашга ҳаракат қилган. Гоҳи уринларда ҳиндларнинг иқтисодий турмуш тарзларидаги айрим жиҳатлар қора бўёқларда чизилган ҳоллардан ҳам куз юмиб булмайди, бироқ бундай ҳаққоний тасвирлар ҳиндлардан қандайдир нафратларини еки уларни таҳқирлаш мақсадларига қаратилмаган, балки фуқаронинг ноҷор аҳволига ниҳоятда ачинини, афеус ва надомат чекишни ифодалайди. Асарнинг асосий мавқеи эса, шак-шубҳасиз, Бобурнинг Ҳиндистон халқи, унинг олимлари ва мутахассисларига сизқидил ҳурмат билан қараганлиги, мамлакат ободончилиги йулида узининг заҳмат чекишганини ҳаққоний тасвирландан иборат.

— Ҳиндистон мамолики васиғ ва пурмардум ва нурҳосил вилоят воқий булуттур, — деб ёзди Бобур Мирзо. — Шарқи ва жануби, балки гарби ҳам Муҳит дарёсига мунтаҳи булур. Шимолни бир тоғдурким,



Ҳиндикуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвастур. Ғарби шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор вақиб буллубтур. Жамиғ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Дехли эрмиш.

Ҳиндустон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учунчи иқлимдиндур. Туртинчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур.

Абу Райхон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» аса-рида келтирилган етти иқлим мамлакатлари орасида курамиз: биринчи иқлимда — Ҳиндистон, Ҳиндихитой... Иккинчи иқлимда — Синд, урта Ҳиндистон ... Учунчи иқлимда — Шимолий Ҳиндистон... Туртинчи иқлимда — Кашмир. (Ҳ. Ҳасанов, 1981, 86-87).

Ғариб (ажойиб-ғаройиб. — Ғ. С.) мамлакате воқеъ буллубтур. Бизнинг вилоятларга боқа узга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозигъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча узгача воқиб буллубтур. Кобул тавобини гармсерлар агарчи баъзи ишта Ҳиндустонга мушобаҳати бор, баъзида йўқ. Синд сувини утгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тариқидадур. Шимолдаги тоғким, мазкур булди, Синд дарёсидин утгач, бу тоғда Кашмир тавобини вилоятлардур. Агарчи бу тарихда бу тоғдаги вилоятлар, мисли, Пакли ва Шаҳманг аксари Кашмирга итоат қилмас, вале бурун Кашмир дохили экандур. Кашмирдин утгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва парғана ва вилоятлардур. Банғола ва балки Муҳит ёқасигача бу тоғда пайваст халойиқдур. Ҳиндустон элидин мунча таҳқиқ ва тафтиш қилилди, ҳеч ким бу тавойифдин таҳқиқ хабар айта олмади. Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Кас дерлар. Хотирга еттиким, Ҳиндустон эли «шин»ни «син» талаффуз қилур. Чун бу тоғда муътабар шаҳр Кашмирдур, балки Кашмирдин узга бу тоғда яна шаҳре эшитилмайидур. Бу жиҳаттин була олурким, Кашмир демиш булғайлар («Бобурнома», 340, 342).

#### «...ВАЛЕ МЕНИНГ ИШИМ УЛ ПОДШОҲЛАРНИНГ ИШИГА ЎХШАМАС»

Узга эл-юртларни забт этиш билан боғлиқ барча ҳарбий тадбирлар: жаҳонгир мантиқи нуқтаи назаридан, шароит тақозо этган уринларда қамал, қувғин, қирғин, асир олиш, таъқиб ва ҳоказолар, шубҳасиз,

Бобурга ҳам бегона эмас эди (дарвоқе, у саркарда сифатида узи амалга оширган барча қилмишларини заррача яширмайди, уларни «пардозлаб» ҳам утирмайди, балки бор ҳақиқатни қандай булган бўлса ушандайлигича тукиб солади).

Аммо жаҳоннинг бошқа фотиҳларидан тубдан фарқ қилган Бобур, мамлакатни забт этгандан сунг, уни ташлаб чиқиб кетмагани, балки, шахс ва ҳукмдор сифатида, уз тақдирини ҳиндлар билан чамбарчас боғлагани, узидан сунг уларнинг ерида авлод қолдиргани юқорида айтиб утилди. Бобур узининг «шундайлигини», яъни бошқа фотиҳлар ва ҳокимлардан ажралиб туришини сезган ва эътироф этган.

Ҳазрати рисолат замонидин бу тарихқача ул юз подшоҳларидини уч киши Ҳиндустон вилоятига мусаллит бўлуб, салтанат қилибтурлар: бир, Султон Маҳмуд Ғози ва авлоди Ҳиндустон мамлакатида муддати мадид салтанат тахтига ултурубтурлар. Иккинчи, Султон Шихобиддин Ғурини ва қуллари ва тавобини куп йиллар бу мамоликда подшоҳлик сурубтурлар. Учунчи мендурмен, вале менинг нишим ул подшоҳларнинг ишига ухшамас; не учунким, Султон Маҳмуд Ҳиндустонниким мусаххар қилди, Хуросон тахти анинг тахти забтида эди ва Хоразм ва Дорулмурз салотини анга мутиб ва мунқод эди. Самарқанд подшоҳи анинг зери дасти эди. Черики икки лак бўлмаса, худ бир лакта не сүз эди. Яна ганимлари рожалар эди. Тамом Ҳиндустон бир подшоҳда эмас эди. Хар рожа бир вилоятга уз бошича подшоҳлик қилур эди (339).

Бобур мамлакатни бирлаштириб, марказлашган ягона салтанат урнатилга муяссар бўлди. Ундан кейинги замонларда, бобурзодалар даврида ҳам, бу майл, яъни ҳамма вақт Ҳиндистоннинг миллий чегараларини кенгайтириш, марказлаштириш, мустақкамлашга булган интилин бош мақсад бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, то инглизлар забт этгунга қадар Ҳиндистон узининг ҳозирги мавжуд миллий-жуғрофий, иқтисодий-сиёсий чегаралари ва қиёфасида, асосан, бобурнилар салтанати даврида қарор топди, ягона қудратли давлат мавқеиға эга бўлди.

### ҚАПАМИ ҚИЛИЧИДАЙ ЎТКИР

Бобур фаолиятининг яна бир жиҳатиким, у уз юрган йулларида жуда куп ҳолларда боғ, қаср, ҳаммом,

қурилиш ва сугориш иншоотлари, баланд суфалар, каналлар, маърифат уюқлари қолдирди. У жаҳонгирликдан ташқари, уз давридаги етук шахс, табиатан тадқиқотчи ва шоир эди. Ҳатто жангу жадал, ур-сур, таҳлика остида жонсарақ бўлиб юрган вақтларида ҳам, сасҳат ва ов кезларида ҳам бир қулидан қилнчу қалқон, бир қулидан қалами тушмади. Йулда учраган, уз кузи билан қурган, эшитган ҳар бир тарихий, табиий, илмий ашё, сана, воқеа-ҳодисани рақам қилар эди. Тошлар ва тошлардаги ёзувлар, гиёҳлар, тоғлар, дарёлар, юлдузлар, паррандаю даррандадан тортиб то ҳар бир алоҳида олинган шахснинг феъл-атвори, наслу насаби, хуш ва бад қилиқлари, садоқати ва хиёнат, утмиш, «ҳозирги» замон ва келажак билан боғлиқ воқеотлар ҳақида жуда муфассал ёзди.

Бобурда турли-туман сабабларга қура, ҳар хил кайфият остида ижод қилинган лавҳалар ҳам учрайди. Лекин Бобур Мирзонинг асосий жиҳати шундан иборатки, у ҳиндларга ҳурмат билан қарайди. Бугина эмас, агар бирон кимса, маълум бир сабабга биноан, ҳинд эли, иқлими, бу халқнинг урф-одатларига таҳқиқотмиз муносабатда бўлса, ундан қаттиқ койинган, хотири ранжийда булган. Масалан, 1525 йил воқеалари тасвирида (365) у Ғазни, Гардиз ва Султон Масъудий канорасини Хожа Калонга иноят қилганини сўзлар экан, унга нисбатан қанчалик илтифотли булмасин, бу султон Ҳиндистонни тарк этиб, Хуросонга бориб макон қурганида курсатган бир номақбул хатти ҳаракатидан жаҳли чиқади. «Хожа Калон чун ҳинддин мутанаффир (нафратланувчи) эди, борурида уйининг иморатларининг томида бу байтни битибтурким:

*Агар бахайру саломат гузар зи Сиид кунам,  
Спех руй шавам, гар ҳавойи Ҳинд кунам.*

(Мазмуни: Агар соғ-саломат Сииддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қаро булсин).

Биз Ҳиндустонда туруб, мундоқ зарофатомиз байт айтмоқ ва битмоқ бесураттур. Кетмакдин бир кудурат булса, бу навъ зарофаттин икки кудуратқур. Мен даги бадиҳада бир рубоний айтиб, битиб йибордим:

*Юз шукур дес, Бобурки, кариму гаффор,  
Берди сенга Сииду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиқдигига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини қурай десанг Ғазний бор.*

Шу тариқа иддао ва нафратга уткир пичинг билан жавоб қилади. «Ҳиндистоннинг иссиғига тоб беролмас экансан, узга истаган жойингга бориб ошён қуравер, лекин бошқа халқнинг турмуши ва иқлимига булчалик нафрату надоматдан ис ҳожат!» деб танбех беради.

### ҲИНД МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЖОНЛИ ОБИДАЛАРИ

Бобурнинг ҳинд элига булган самимиятини яна қуйидагилардан билиш мумкин: у узининг Ҳиндистонни қулга киритган даврида тугилган улгига шу мамлакат нишониси ва ҳурмати учун Ҳиндол деб ном қуяди.

Одина кунн ойнинг иккисиде Шайбоқ пиёда била Дарвеш Али пиёдаким, ҳоло туфангандоздур Кобулдин арзадошлар келтуруб, Ҳиндолнинг туққон хабарини ҳам келтурдилар. Ҳинднинг тасхири замонида бу хабар келгани учун, шугун тутуб, Ҳиндол от қўйдум (293).

Ҳиндистоннинг заҳматқаш, қули гул ҳунармандлари ҳақида у фахрланиб сўзлайди:

Темурбекнинг ва Улутбек мирзонинг имороти ва боготи Самарқанд маҳаллотида кунтур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуг қўшк солибтур, турт ошёнлик. Қўк саройга мавсум ва машҳур ва бисёр оллий имораттур, турт ошёнлик... Яна Оҳанин дарвозасига ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар (105);

«Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар ҳирфагардин (ҳунарманд) беҳад ва бениҳоят кунтур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жамий муқаррар ва муайяндурким, ота-оталариндин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболага била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна узга мамонлик сангтарошлариндин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошлариндин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дудпурда ва Гунаверда ва Кўлла минг турт юз туқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди. Ҳар ҳирфагар ва ҳар коригардин ушбу қиёс била Ҳиндустонда беҳад ва бениҳоятдур (361).

Бу қиёсдан учта жуда муҳим хулосани чиқазиб мумкин. Биринчидан, ободончилик ишлари суръати соҳибқирон Темур даврига нисбатан Бобур салтанатида қарийб олти баравар зиёд бўлган (Темур тошдан қурдирган мачитда 200 сангтарош хизмат қилган бўлса, Бобур қул остидаги вилоятларда 2.171 та сангтарош ишлаган). Иккинчидан, Темур бор куч гайратини пойтахти Самарқандни безашга қаратган бўлса, Бобурнинг бунёдкорлик фаолияти қарийб бутун Ҳинд дистри буйлаб ёйилган. Учинчидан, ва энг муҳими, Темур бошқа мамлакатларнинг (Озарбойжон, Форс, Ҳинд) ҳунармандларини ўз салтанатининг пойтахтига келтириб хизматга солган бўлса, Бобур ҳиндларнинг ўз ватанида кенг миқёсдаги бунёдкорлик, ободончилик ишларини бошлаб юбордики, бу ажойиб-гаройиб иншоотларнинг намуналари ва қолдиқлари, ҳинд ҳунармандларининг даҳосидан қолган жонли ёдгорлик сифатида, бизнинг давримизгача етиб келган.

1525 йил воқеалари баёнида Бобур ўзи бошлаган ободончиликлар хусусида ёзади:

Доим хотирга стар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуг айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ултурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тархлиқ ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келгандин бир неча кундин сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидин ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ билан андин убур эттук. Бу ернинг макруҳлиги ва нохушлуғидин чорбоғ ҳаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кундин сўнг зарур бўлуб, бу ерга-ўқ илик қўйулди. Ул улуг чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуг ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олиндаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлик боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гушада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукамал бўлди.

Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардиндин, яна бир тунд елидин. Ҳаммом ҳар уччаласининг дофини эрмиш. Гард ва ел худ ҳаммомда не қилар. Иссиқ ҳаволарда андоқ совуқ буладурким, ёвукдурким, киши совуққа тунг-

гай. Ҳаммомнинг бир ҳужрасиниким, қуллатайн ҳавз андадур, тамом тошдин тутатибтурлар. Изораси оқ тошдин, узга тамом фарш ва сақфи қизил тошдинким, Биёна тошидур.

Яна Халифа ва Шайх Зайн ва Юнус Али ва ҳар кимгаким дарё ёқасида ер тегиб эди, сисқлиқ ва яхши тархлик боғчалар ва ҳавзлар ясадилар. Лоҳур ва Диболлпур дастури била чарх рост қилиб, сувлар жорий қилдилар.

Ҳинд эли бу тарх ва бу андом била ерлар курмаган жиҳатидин Жуннинг иморатлари қилгон тарафи ерларга Кобул от қуйубтурлар. Яна қургон ичида Иброҳимнинг иморати била фасилнинг орасида бир холи ер эди, анда ҳам бир улуқ войин буюрдум даҳидардах. Хиндустон истилоҳи била зиналик улуг чоҳни «воийн» дерлар (369-370).

### ЭЗГУЛИК ДАРАХТИНИНГ ШИРИН ҲОСИЛИ

Ҳозирги даврда давлат бошлиқлари бошқа мамлакатларга ташриф буюрганларида, яхши уй-ниҳт тимсоли сифатида дарахт кучатлари утқаздилар. Бундай хуш манзарани кузатганда, мазкур удум Бобур замонидан қолмаганмикан, деган мулоҳаза кечади кишининг кунгидан. Негаки, уз тасаввуроти қанотларида «Бобурнома» саҳифалари буйлаб муаллиф билан узоқ сафарларда кезар экан, уқувчиша Бобурнинг турли улкаларда, жумладан, Кобулда ва Ҳиндистонда янги мевалин ҳамда манзарадор дарахт кучатлари экканлиги, уларнинг янги иқлим ва тунроқ шароитларида ҳосилга кирганлигининг шоҳиди булиш айниқса екмили туйилади.

Ҳиндистон этножугрофияси ва миллий таркибининг хилма-хиллигидан келиб чиқадиган муаммолардан бири турли ирқ, турфа миллат ва динга мансуб тоифаларининг тинч-тотув яшаш тарзлари билан боғлиқ. У ерда ҳатто ҳозирги вақтда ҳам ўша тескаричи табақа, имтиёзли табақа (касталар)нинг бошлиқлари хиндустоний халқлар уртасига шифоқлар солиш, уларни бир-бирлари билан гиж-гижлатиш, шу тариқа бетарафлик сисқатини утказатган ҳокимиятга қарши кенг ижтимоий норозиликлар туғдиришга ҳаракат қиладилар. Худди шу масалада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мазкур мамлакатдаги турли ижтимоий гуруҳлар, дин ва миллат вакилларини узаро муросада булиб, тотув яшашга даъват этгани жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мана Бобур гозий фармонларидан бир парча.

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сизинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуг подшоҳ имзоси билан етишса, эътиمود қилсинлар... (468).

### МЕҲРИБОН ВОЛИДА ЯНГЛИФ

Хуллас, Ҳиндистон ва Кашмир узбек халқининг фарзандлари учун қадимул айёмдан ажойиб-гаройиб саёхатлар маскани, қадрдон диёр, кези келганда уларни меҳрибон волида янглиф ўз бепоён бағрига олиб иситган, бошпана берган, бир-бирлари билан туғишган ога-инидай булиб яшаганлар. Ҳиндистон, жумладан, Кашмир мавзуини олимларимиз илмий таҳлилдан утказганлар, шоирларимиз таърифлаганлар, бастакорларимиз куйга солганлар. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ташқари, Абдураззоқ Самарқандий (1413 йил 8 ноябрда Ҳиротда таваллуд топган, асли самарқандлик) узининг «Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн» (Икки саодатли (юлдуз)нинг болқиши ва икки денгизнинг қушилиши) номли китобининг махсус бобида, Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар мирзо Дуглотнинг (1499 йилда Тошкентда туғилган) «Тарихи Рашидий» асарида бу улка ҳақида жуда қимматли маълумотларни берганлар.

Ҳайдар мирзо Қашқар, Еркент, Оқсув, Мугулистон, Тибет, Ҳиндистон, Кашмир ерларида булиб, у ерларда турли вазифаларни бажарган. «Тарихи Рашидий»да Кашмирнинг манзараси мана бу зайдда тасвирланган: «Кашмирнинг узун (буйи) 100 куруҳга яқин борадур, 30 фарсах булғой, тугроси (эни) баъзи ерда 20 куруҳ ва озроқ ерларда 10 куруҳ булғой. Бу ҳудуднинг ичидогиси тамоm ерлар 4 қием турур. Бир қисмиси сув билан зироат қиладургон (сугориладиган) ердир. Бир қисмисини ёмғир суви бирлан зироат қиладургон (лалмикор) булғай. Бир қисмиси ҳамвор (текис) майдон ерлардирки, батамом бинафша ранг гуллар кулнинг ва рудхоналарнинг (дарёлар) атрофида унибдир.

Аммо Кашмирнинг ҳавоси тобистонда (ёзда) андог латофатлидирки, ҳеч вақт елпугич ҳожат бўлмайду... Зимистон фаслидаги ҳавоси ниҳоятда эътидолдир (муътадил), ҳар қанча тула (куп) ёғса ҳам жуба (иссиқ кийим) киймоққа ҳожат бўлмайди. Чунончи, ул вақтнинг борудати (совуғи) ҳароратни жиҳвага келтурадир... Сувларким, тоғлардан қуйилади. Латофати оламга гулгула солибдир. Хуллас, Кашмирга ухшаган жойни кишики қурмагай бўлмай».

#### «ЛАТОФАТИ ОЛАМГА ГУЛГУЛА СОЛИБДИР»

*«Бир қамар сиймони қурдум  
балдан Кашмирда».*

*ФУРҚАТ*

Ҳиндистон ва Кашмир Марказий осиеликлар, жумладан узбекларнинг кечмиши, тарихи, тақдироти, узаро яхши қушничилик муносабатларида қандай урин тутганлиги билан танишдик. Ҳозирги Кашмирнинг жуғрофий ва устиворлик мавқеи, аҳолисининг тирикчилиги, сиёсий ва иқтисодий аҳволи нечүк? Бу узи қандай бир зебо диёр эканки, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Дуғлот ибораси билан айтганда, «латофати оламга гулгула солибдир»? Инчунин, бу иборани, мажозий маънода, Шароф Рашиднинг «Кашмир қушиги» ва у асосда ишланган балетга нисбатан ҳам қуллаш мумкин. Лекин Кашмир афсонасининг узбекона бадий талқини, русиёна санъат ижроси, ҳиндиёна мўъжизаси, таҳлилига утишдан олдин, шуларнинг барчасини, таъбир жоиз бўлса, санъат саҳнасига олиб чиққан, уларга интиқолини долзарб маъно бахшида этган бирламчи манба — манзилгоҳ бўлмиш Кашмирнинг узи қандай улка экани билан танишишга тўғри келади.

Кашмир Осиё қитъасида, Ҳимолай ва Тибетнинг уртасида жойлашган вилоят бўлиб, ҳозирги замоннинг энг «қайноқ нуқта»ларидан биридир. У азалдан қулдан-қулга утиб, турли давлатлар уртасида низолар чиқишига сабаб бўлиб келган. Миллоддан аввалги III асрда Магадха аталмиш қадимги Ҳинд қулдорлик давлатининг таркибига кирган. Миллоднинг I-II асрларига келиб, Кушон подшолигида бўлган. 1586 йилда Кашмир бобурийлар давлатига қушиб олинган. Илмий манбаларда (Қомус, 5, 405-406) курсатилишича, Ак-



баршоҳ, Жаҳонгиrhoҳ, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳукмронликлари даврида бу ерда ободончилик ишлари яхши йулга қўйилган, катта-катта боғлар барпо этилган. Масалан, биргина Дал қулининг атрофида 777 та боғ бўлган. 1756-1819 йилларда бу ҳудуд афгонлар, 1819-1846 йилларда сикхлар қул остига утган. 1846 йилда инглиз мустамлакачилари домга илишиб, улар бу улкани Жамму рожаси (ҳокими) қулига йирик бож тўлаш эвазига топширишган. 1947 йил ўктябрда Кашмир Ҳиндистонга қўшилди. Ҳозир унинг гарбий ва шимол-гарбий қисми Покистон назоратида бўлиб, 1952 йил июлда Кашмирга алоҳида штат — Жамму ва Кашмир — ҳуқуқи берилди. Кашмирининг 1956 йил 17 ноябрда қабул қилинган асосий қонунида у Ҳиндистон Иттифоқининг ажралмас қисми деб белгиланган. Ҳиндистон билан Покистон уртасида бир неча йиллардан буён (1956, 1960, 1962, 1963, 1966...) тинчлик музокаралари утказиб келинаётганига қарамай, икки давлат уртасидаги бот-бот қонли тўқнашувлар давом этиб келади.

#### КАШМИРИЛАР

Кашмириларнинг умумий сони, 1970 йил аҳоли рўйхати маълумотига кўра, 2,5 млн. кишини ташкил этади. Улар ислом динининг асосан сунний мазҳабига, бир қисми эса ҳиндуизмга эътиқод қилади. Кашмир тили Ҳиндистондаги 14 расмий тилнинг бири ҳисобланади, ҳинд-эрон тиллари оиласига мансуб. Араб имлосига асосланган ёзувдан фойдаланадилар.

XIV-XV асрларда Кашмирда ислом дини тарқалиши муносабати билан бу ерда форс тили расмий адабий тил бўлиб қолган. XIX аср шоирларининг аксарияти зуллисонайн бўлиб, ҳинд ва форс тилларида баравар ижод қилганлар. Шу асрнинг ярмидан эътиборан кашмир тилида ёзилган асарлар тарқала бошлаган. Ҳозирги Кашмир ёзувчиларининг кўпчилиги қисми икки тилда, урду ва ҳинд тилларида ижод қиладилар.

Алқисса, минг йиллар орасида Урта Осиёдан Ҳиндистонга қадам раижида қилган хоҳ олим бўлсин, хоҳ сайёҳ бўлсин, хоҳ саркарда, савдо-тижорат аҳли, табиб, адиб, раққосалар бўлсин, бу мамлакатга, аксарият, ҳолис ният билан, уз қалами, китоби, ҳунари, усқунаси, устурлоби, дипломатияси, шеър, санъатига

таъиниб хизмат қилди. Таниқли давлат арбоби, ўзбек ёзувчиси Шароф Рашид Ҳинд дёрига қилган сафарлари давомида икки буюк мамлакатнинг яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашдек қўтлуг ишга ўз ҳиссасини қўшиб баробарида, Қашмирдан жуда катта бойлик, халқнинг муқаддас озодлик ҳақидаги асрий орзу-умидларини ўзида мужассамлантирган, булоқ сувидай мусаффо афсонасини ўзи билан бирга олиб қайтди. Уни бир неча мартаба қайта ишлаб, ёзма адабиёт намунасига айлантирди. Масаланинг ҳайратомуз жиҳати шундаки, элликдан зиёд тилга таржима қилинган уша «Қашмир қўшиғи», жумладан, ҳинд, урду, қашмир тилларига ҳам ўгирилиб, ўзининг бирламчи асл манбаи — Қашмирнинг маънавий дунёси истикболига ҳам равона бўлди. Уларнинг эрк-своб қалбларидан мустаҳкам ўрин олди.

### АДАБИЙ ТАРКИБЛАНУВ (СИНТЕЗЛАШУВ) ҲОДИСАСИНING МУНДАРИЖАСИ

«Шарқ шоирлари олим, ҳукмдор, мураббий, бунинг устига бастакор ҳам бўлганлар, — деб ёзади украин шоири Павло Мовчан. — Шейрият—сузлар тили билан ифода топган ҳаёт садоларидир. Шарқда шейрият ҳаминша қўшиқ билан боғлиқ бўлган. Бизнинг Шарқимиз — бу жаҳон цивилизациялари чатишиб кетган маъво. Бу ерда ҳинд ва юнон, эрон ва араб, туркий ва хитой, анча кейин эса ўрис маданиятлари ўнсурлари бирлашиб кетган» («ЎзАС», 23.10.81).

Собиқ Шуrolар даврида ўзбек адабиётининг славян адабиётлари билан узаро алоқаларида ўрис-ўзбек, украин-белорус-ўзбек адабиётларининг узаро ҳамкорлигида ижтимоий ҳаёт тақозодорлиги катта рол ўйнади. Ўрис ва украин адиблари ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти мавзуларида асарлар яратдилар. Ўзбек ёзувчилари эса ўрислар ва украинлар ҳаётига бағишланган шейрлар, достонлар, насрий асарлар ёздилар. Бу адабиётлар ўртасида узаро таржимачилик ишлари уларнинг бир-бирларига пайваста бўлишларида муайян ўрин тутди. Шунга ўхшаш, адабий ҳамкорлик, пайвастали узаро таъсир ҳодисаларини айрим адиблар ижодида, ўзбек адабиёти билан Кавказ ва Болтиқ бўйи халқлари адабиётлари намояндалари миқсолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек адабиётининг бошқа туркийзабон халқлар адабиётлари билан узаро бе-

восита ва билвосита алоқалари қадимий тарихга ва замонавий мазмун-мундарижага эгадир. Ўзбек-тожик адабий муносабатларида уйғунлашув ҳодисаси (гарчи ўзбек ва тожик тиллари тамомила бошқача грамматик қурилишга эга булсалар-да), адабий-тарихий ва лисоний мундарижа касб этади. Бунда, хусусан, таржима, татаббу, зуллисонайнлик ҳодисалари адабий уйғунлашув ҳодисасининг мазмунини янада бойитади.

«Кашмир қушиги» дostonи тахлили муносабати билан ҳозиргача кун тартибига махсус қўйилмай ва урганилмай келатган бир қанча мураккаб назарий масалалар юзага қалқиб чиқади. Булар: бир миллий адабиёт замининда бошқа миллий мавзунинг ёритилиши, бунинг тарихий-анъанавий ва ҳозирги замонавий ифодаларидаги ўзига хослик; бир миллий заминда кечмиш воқеаларнинг бошқа миллий адабиёт замининда муштараклашган бадний шаклда, бошқа миллий замин ва ижодий мақсадларга мослашган ҳолда тасвирланиши; бир миллий муҳитда пайдо булган афсона ва ривоятлар асосида бошқа миллий заминда ёзма адабий ёдгорлик яратишда фойдаланиши; муайян икки миллий маданият қирраларининг дучлашувидан ҳосил булган янги бадний гоёнинг бошқа жанрларга кучишидан келиб чиқадиган ўзига хосликлар; хорижий мавзунинг ишланиши ҳамда санъат жанрлари дучлашувинда икки ёки ундан ортиқ миллий маданиятларнинг узаро ҳамкорлик қилиши ва ҳоказолар. Қайд этилган масалалар ўз табиати эътибори билан мураккаб ва жиддий аҳамиятга молик, бинобарин, уларни ёритиш учун махсус тадқиқотлар яратиш талаб қилинади.

### ВАТАН АДАБИЁТИДА «ХОРИЖИЙ» МАВЗУ

Узоқ йиллик тараққиёт тарихига эга булган барча адабиётларда хорижий мавзуларда асар ёзиш ёки хорижий мавзуларга муносабат билдириш аксарият ворисий масала ҳисобланади. Бу нарса шарқ ва ғарб адабиётларига ҳамда уларнинг узаро алоқаларига хосдир. Жаҳон мумтоз адабиётининг буюк намояндалари Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Вилһам Шекспир, Кристофер Марло, Иоганн Волфганг Гете, Жорж Гордон Байрон, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. С. Тургенев, Л. Н. Толстой ҳамда Фурқат, Аҳмад Дониш, Мирза Фатали Охундов

ҳамда кейинги даврларда К. Симонов, Н. Тихонов, И. Эренбург, А. Исаакян, Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулом, Чингиз Айтмат, Шароф Рашид, Шухрат, Зулфия ва бошқа ёзувчи, шоир, драматурглар хорижий мавзуларни ёритишда узига хос, катта тажриба яратишди.

Шароф Рашидов узининг «Шоир, мутафаккир, инсонпарвар» мақоласида Алишер Навоий ижодининг ана шу томонини алоҳида қайд этади. Чунончи, Навоийнинг ижодий тақдирида мутафаккир ватанида мавжуд ижтимоий воқелик ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлиги айтилиб, шу билан бирга, у уз даврига нисбатан олиб қараганда жуда кенг, қомусий билимга эга бўлганлигига далил келтирилади. Алишер Навоий Юнонистон ва Рум, Ҳиндистон ва Эрон, араб ва бир қанча Оврупо давлатлари, Озарбойжон, Арманистоннинг адабиёти, санъати, фалсафаси ва фанини атрофлича билганлиги ва урганганлиги таъкидланади. Алишер Навоий «инсон тафаккурининг бебаҳо ютуқларига муҳаббат ва гурур билан ёндашди, — деб ёзади у. — Уз маънавий дунёси ва уз халқининг маданиятини улар билан бойитишга интилди» (Беш жыллик Асарлар мажмуаси, 4-том, 274. урис тилида).

#### БАДНИЙ ТАФАККУР ЖАВОҶИРОТИ

Алишер Навоийнинг йирик эпик асари булган «Ҳамса» шундай силсилада дostonлар яратиш соҳасидаги уч юз йиллик тарих, тажриба ва анъаналарни узид ақс эттиради. Ҳамсачилик анъанасини улуг озарбойжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1209) бошлаб берган бўлса, улуг ҳинд шоири Ҳисрав Деҳлавий (1253-1325), улуг форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий (1414-1492), улуг ўзбек шоири Алишер Навоийлар (1441-1501) қизгин ижод майдонида, маҳоратда буюк Низомий билан беллаша олишга, унинг «панжасига панжа уриш»га муяссар буладилар. Бундан кўринадики, Навоий бунёд этган беш буюк дostonдан иборат («Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий») «Ҳамса» замнида озарбойжон, ҳинд, форс-тожик ва ўзбек миллий адабиётлари, тафаккур тарзи, тарихий тараққиёт омиллари билан боғлиқ куп асрлик миселсиз тажрибалар ётади.

Албатта, «Ҳамса» даставвал бадний тафаккур хази-

насининг жавоҳири. Ундан аниқ тарихий-хронологик воқеалар, шоҳлар, саркардалар, олимлар ҳаётининг баёнотини акс эттирувчи маълумотларни топиш қийин. Буларнинг барчаси буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг беҳудуд бадийий ҳаёлот ва фалсафий мушоҳадалар супрасида йугрилиб, адабий салмоқдор асар даражасига кутарилган. Бироқ ҳамма гап шундаки, Навоий, аввало, ўзигача булган ҳамсачилик тажрибасини мукаммал бир тарзда эгаллаб, тула тайёргарлик курган ҳолда бу бениҳоя огир ишга қул урган экан, демак у узидан аввал яратилган «Хамса»лар таг заминини ташкил этган бирламчи манбалардан ҳам тула хабардор булган.

#### •ХАМСА•ДА БИРЛАМЧИ МАНБАЛАР

Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. Н. М. Маллаев берган маълумотларга кўра, айтайлик, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Хисрав, Фарҳод, Ширин ва Меҳинбону образлари тарихий илдизга эга булиб, бу илдизлар Эрон, Византия, Сурия, арман манбаларига бориб тақалади («Ўзбек адабиёти тарихи», 1976, 440). Диққатга лойиқ нуқта шундаки: ошиқ Фарҳод, маъшуқа Ширин, уларнинг ҳомийси ва дўсти Шопур уч миллат намояндалари сифатида тасвирланган. Чунончи, Фарҳод — хитойлик, ширин — арман, Шопур эса эронликдир. Умуман, Фарҳоднинг фаолияти бир неча мамлакат: Хитой, Юнонистон (Греция) ва Армания (Арманистон) билан боглиқ. Шундай қилиб, уч миллат намояндаси сифатида тасвирланган қаҳрамонларнинг улугвор бадийий тараннуми тўртинчи миллий воқелик бўлмиш туркий тил, қадимги ўзбек тилида мужассамлашган.

«Лайли ва Мажнун»нинг тарихий илдизлари араб манбаларига бориб тақалади. Достон воқеасининг ана шу адабий илдизи, араб миллий заминига мансублиги даъвосига содиқ қолган ҳолда, туркий тил асосида ҳикоя қилинган.

«Сабъан сайёр» достонида Баҳром Гур ва Дилором билан боглиқ қиссаларнинг манбалари Эрон воқелигига бориб тақалган. Баҳром Гур ҳақидаги ривоятлар Кавказ халқлари орасида ҳам машҳур булган. Навоий «Сабъан сайёр»да космогоник мифологиядан кенг фойдаланган, — деган фикрни илгари суради проф. Н. Маллаев. — У Баҳромни Миррих (Марс)га, Дилоромни Зухра (Вене-

рага ухшатади. Миррих қаҳрамонлик ва жангу муҳориба маъбуди, Зуҳра гузаллик ва санъат маъбудаси — ҳомийси ҳисобланган. «Сабъан сайёр»даги етти қаср, уларнинг туси, етти ҳикоя ҳам қадимги «илми нужум» ва космогоник мифология билан боғлиқ. Бундай космогоник билимни қиссий урганиш давом эттирилса, ҳинд-юнон-араб-форс-турк адабий ҳамкорлигининг бошқа қуплаб тафсилотлари ҳам муайянлашувни мумкинлиги ҳақидаги далил ҳамда кузатишларни узга бир қанча манбаларга — Ҳомер («Илиада» ва «Одиссея»), Абу Райҳон Беруний («Ҳиндистон»), «Калила ва Димна», «Рамаяна» (Валмики), «Шоҳнома» (Абулқосим Фирдавсий), «Ҳамса» (Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий) — суянган ҳолда илгари суришга журъат этаман.

Хуллас, «Сабъан сайёр» дostonида воқсаларнинг кечмиш жойлари, Навоий талқинида, Мовароуннаҳр, Хитой, Хуросон, Ҳиндистон, Ажам, Сарандиб, Миср, Румо, Яман сингарни улкалар билан боғлиқдир.

#### •ИСКАНДАР МАҚДОН•

Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи талқин этилаётган масалага дахлдорлиги жиҳатидан янада муҳим. Бундаги одил шоҳ Искандар билан қадимги Юнонистон лашкарбошиси ва давлат бошлиғи Искандар Мақдон (Александр Македонский) (м.о. 356-323 йиллар) уртасида айрим ўхшаш томонлар булса-да, аммо улар орасига тенглик аломати қўйиб булмайди. Умуман, шуниси қизиқки, Шарқда «Искандар Зулқарнайн», «Искандари Румий», «Искандар Мақдон» номилари билан машҳур булиб кетган қаҳрамон билан ҳақиқий тарихий шахс Искандар Македоний уртасида жуда катта фарқ бор. Бу фарқ шу даражадаки, улар уртасида умумий чизгилардагина элас-элас ўхшашликни топиш мумкин, холос.

Машҳур тарихий шахслар, жаҳонгирлар, саркардалар, қаҳрамонлар, даҳолар ҳақида ҳамиша турли-туман афсоналар, ривоятлар туқилиши маълум. Лекин Искандар Македон ҳақида туқилган ривоятлар шу қадар тарихий ҳақиқатни кўмиб юборганки, бу жиҳатдан унга бонқа бирон жаҳонгир тенглаша олмайдди. Ана шундай сохтакорлик манбаларидан бирини проф. Н. Маллаев домла қайд этган. Афсуски, бу таржима билан боғлиқдир.

Македониялик Искандарнинг юришлари ҳақида унинг вафотидан кўп ўтмай Плутарх-ва Онескрит бир асар яратибди. Ана шу манба асосида қадимги юнон ёзувчиси Плутарх (м.о. 46-126) бу саркарда ва унинг фаолияти ҳақида тарихий-биографик асар ёзган. Лекин бу сингари китоблар билан бирга, унинг ҳаётини тамомла узгартириб тасвирловчи бошқа ишлар ҳам бунёд этилганки, шулардан бири «Сохта Каллисфен» румонидир. Нега бу румон «сохта» деб юритилади? Сабаби, у Македониянинг сарой табиби ва тарихчиси ҳисобланмиш Каллисфенга (м.о. 370-324) нисбат берилган. Бироқ текширишлар натижасида мазкур асарнинг Каллисфенга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги аниқланган. Румонда ҳикоя қилинишига қўра, гуё Искандар Филиппнинг угли эмас, балки Миср қўқинининг фарзанди эмиш. Фиръавнлар авлодидан бўлган бир қўқин Мисрдан Македонияга қўчиб ўтган, у ерда Филиппнинг хотини Олимпияни сеҳрлаб ўзига ром қилган. Натижада Олимпия хоним ўша қўқиндан угил қўрган бўлиб, бу Искандар эмиш. «Сохта Каллисфен» қадим замонлардаёқ паҳлавий, сурья, арман, лотин ва бошқа тилларга таржима қилинган, лотинча таржимаси асосида унинг инглизча, франсузча, олмонча талқинлари вужудга келган. Таржималарда унга турли-туман ўзгариш ва янгиликлар киритилган.

Эроннинг сарой тарихчилари Искандарни Доро иккинчининг угли деб таърифлайдилар. Рабғузий ўзининг «Қисасул анбиё»сида (XIV аср) Искандар ҳақида тузилган афсоналардан ва Қуръондан фойдаланиб, уни исломнинг ҳомийси қилиб тасвирлайди.

Алишер Навоий талқинида, Искандар одил шох сифатида, Эронни олади. Сунгра Кашмир, Ҳинд, Чин, Ҳирот ва Самарқандга қўшин тортади. Кашмир шох Маллуни енгади, оқибатда у ерда ҳам адолат урнатилади. Искандар Қоф тоғи этагида яшовчи яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиш учун девор қурдиради. Бу девор унинг номи билан «Садди Искандарий» деб юритила бошлайди. Буюк мугафаккирининг тасвирлашига қўра, Садди Искандарийни барпо этишда румликлар, Мовароуннаҳр эли, форслар, хитойлар, ҳиндлар, урислар, франсузлар ва бошқа миллат кишилари қатнашадилар.

«Садди Искандарий» достонида аллақанча юнон олимларининг номлари учрайди: Нақуможис (Никомахос, асарда Арастунинг отаси), Арасту (Аристотел),

Афлотун ёки Филотун (Платон), Сукрот (Сократ), Букрот (Гиппократ), Асқалинус (Исклилинус), Хурмуc (Гермес), Файсоғурс (Пифагор). Классик юнон фани намояндаларининг номлари Навоий асарларида учраганлиги тасодифий ҳол эмас. Ҳали XI асрда Бағдод таржима мактабининг намояндalари (улар орасида Марказий осёёлик олимлар ҳам кўпчилиكنи ташкил этар эди) араб фани, фалсафаси ва адабиёти асарларини араб тилига ўтирган ва шарҳлаган эдилар. Бу иш кейинги асрларда ҳам давом эттирилган. Бинобарин, Навоий бу олимларнинг асарларини, асосан, арабча ва фореча манбалардан олган бўлса керак. Лекин мазкур олимларнинг номларидан келтирилган фикрлар ҳам илмий нақл эмас, балки Навоийнинг ўз қарашлари ва мулоҳазалари ифодасидир.

«Садди Искандарий» дostonида қуйидаги жойларнинг номлари учрайди. Ироқи Араб, Ироқи Ажам, Миср, Макка, Искандария, Рум, Мағриб, Фаранг, Заңгирбор, Қрим, Андалуз, Ҳалаб, Шом, Форс, Хоразм, Дашти Қинчоқ, Рус, Ос, Гуржа, Чаркос, Фархор, Мовароуннаҳр, Хирот, Самарқанд, Рай, Сипоҳон, Мурғоб, Руд, Марв, Гажрот, Чаҳрон ва бошқалар.

Шарқда турли маданиятлар, турфа ғоялар қушиб-чатишиб кетган. Бу ерда Оссурия-Бобил, Эллин ва қадимий Миср, аҳмонийлар Эронин ва Урта Осёёнинг буюк маданиятлари бир-бири билан алоқага киришиб, уйғуллашиб кетган. Мана шунинг учун ҳам айнан шу Шарқда, академик Конрад Ёганидек, инсониятнинг энг асосий, энг муҳим ғояси — кенгқамровлилик (универсализм) ёрқин шаклланган. Бу ҳуёуният муқаддас Рим давлати ёки Чингизхон ҳокимиятидaгидек сиёсий йуналишда намён бўлмасдан, балки маданиятга даҳдор эди. Ушбу кенгқамровлилик Рудакий, Румий, Форобий, Фарғоний, Фирдавсий, Унсурий, Анварий, Хоқоний, Саноний, Беруний, Ибн Сино, Саъдий, Низомий, Амир Хисрав, Хофиз, Лутфий, Жомий, Навоий каби даҳларнинг ижодиётида ўз ифодасини топди. Уларнинг барчасини вақт, давр бирлаштирмайди, балки, Конрад айтганидек, тафаккурнинг улугвор куламин, ҳайратомуз рухий бойлик, яқинлик бирлаштиради. Бу даҳлар ижодиётида тирак миллий узига хоёлик билан умуминсоний бағри кенглик ажойиб тарзда уйғуллашиб кетганлиги кишини мафтун этади. Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер



Навоний асарларининг қаҳрамонлари қайси миллат вакилларидан эканлигини яна бир карра эслаб кўринг: Фарҳод — хитой, Ширин — арман, Искандар — юнон, Шопур — эронӣ, Қайс — араб...

### ХОРИЖИЙ МУНДАРИЖА ВА МИЛЛИЙ МАЗМУН

«Хамса» бой илмий манбалар, тарихий воқеалар, фазовий (космогоник) тушунчаларга асосланиб ёзилган булса-да, Навонийда булар муаллифнинг чуқур мушоҳада қуввати билан яратилган улкан бадний-қомусий даҳоси ичра аксарият шартли тус олган. Бу узундан тушунарли ва бадний ижод қонунига, унинг шарт-шароитларини талабларига сира зид келмайди. Дарвоқе, адабиётдаги бундай шартлилики ҳам Навонийнинг узи асослаб берган эди («Ҳайратул аброр»). Шу тариқа, «Хамса»да жўғрофий кенглик, аниқ-таниқ жой эмас — макон, муайян тарихий сана, йил, астрономик улчов эмас — замон: бирон бир тарихий шахс, саркарда, мутафаккирнинг ҳаёт тарзи эмас — умумлаштирувчи тимсол ҳақида гапириш, буларнинг барчасини худди шундай идрок этиш тўғрироқ булади.

Шу билан бирга, Алишер Навоний асарларида учраган жўғрофий номлар, фалсафий истилоҳлар, соф илмий тушунчалар, халқларнинг номлари ва ҳоказолардан шоирнинг уз замонасида чинакам қомусий билимга эга булган аллома эканлигини билиш қийин эмас. Айни вақтда, Навоний уз башорати, фалсафий нигоҳи билан бутун курран заминни, жуда кўплаб эл-элатлар ва халқларни қамраган булса-да, у уз замонаси, миллий заминни ва уз даврининг тарихий муҳитидан узилган асар яратмади. Аксинча, фақат туркий лисоний манба, услубий жарангос ва миллий хослик жиҳатидангина эмас, балки бош курсаткич мазмун ва гоёвий йўналиши, кузатилган аниқ мақсад эътибори билан ҳам уз халқига, уз замонасига, уз эътиқодига содиқ бўлиб қолди. Бошқача айтганда, воқеаларнинг қасрда кечганлигидан, қаҳрамонларнинг қайси миллатга мансублигидан, қандай хорижий мавзу, саргузашт, ривоятлар асос қилиб олинганидан қатъини назар, булар барчаси мундарижа эътибори билан ажойиб умумбашарийлик йўналиши касб этиши баробарида, чуқур миллий мазмун, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳи билан сугорилган эди. Навоний асарларида

миллийлик ва байналмилаллик, уз ва ўзга, мазмун ва шакл, ботинийлик ва зоҳирийлик, миқдор ва сифат, зиддият ва тараққиёт сингарии диалектик тушунчалар ҳайрон қоларли даражада бир-бири билан чамбарчас боғлиқлик ва тақозодорлик мақомида тасвирланади.

### АДАБИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ВОРИСИЙЛИГИ

«Кашмир қушиғи» қиссасига хорижий афсона асос бўлганлиги ҳақида гап борганда, ўзбек адабиётининг бобокалони Алишер Навоий ижодига мурожаат қилингани бежиз эмас. Бу ҳол, аввало, ҳозирги ўзбек адабиёти учун хорижий мавзуга (жумладан бошқа миллатлар томонидан яратилган озгак халқ ижоди, афсона ва ривоятларга) мурожаат қилиш ворисий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, «Кашмир қушиғи» асрлар синовидан утган ҳаётбахш адабий аъёнларнинг давоми сифатида юзага келди. Бу нарса фақат Навоий ижодининг ҳинд ери, ҳинд адабиёти намояндаларига чуқур эҳтиром, улуг мутафаккир шоирнинг айни уша Кашмирга назари тушгани, айни уша кашмирликларнинг эрк ва озодлик учун курашига ҳайрихоҳлиги билангина эмас (аслида, булар ҳам муҳим омил), балки қайд этилган гоё ва мотивлар нозик, нафис лирик пардаларда тараннум этилгани, лирик кайфиятларни тасвирлаш услуби ҳам ўзбек ёзувчиси томонидан асосий дастур қилиб олингани билан белгиланади.

Гап шундаки, кашмирликларнинг миллий асорат, зулм, диний маҳдудлик тутқунишига қарши сабот билан олиб борган курашини тамомила бошқа жанрда (масалан, драма ёки рўмонда), булак услубда ёритиш ҳам мумкин эди. Бироқ Ш. Р. Рашидов фақат адиб сифатидагина эмас, балки ўз даврининг давлат ва жамоат арбоби, таниқли дипломат сифатида ҳам, минтақадаги аҳвол ва сиёсий вазиятни бағоят нозик ҳис этгани ҳолда ҳамда, энг муҳими, ўз услуби (насрода лиризмга мойиллик), таъб-дидига тула мос равишда шундай антиқа тadbир, бадийий тасвир воситаларини топиб қўлаганки, натижада воқеалар яланғоч ҳолда, қуруқ «насрий» йўлла эмас, балки мажозий тинимсоллар ёрдамида табиат кучларини жонлантирган, ташбеҳли тасвирни бургитирган ва лирик туйғулар пардаларини таранг созлаган ҳолда, муаллиф ўз қушигини шундай

мақомга солганки, буида халқнинг эрк, озодлик сари интилиши, галамис кучларга қарши кураш туйғуси баралла ифодаланган. Айни вақтда, яна шунини айтиш керакки, Шароф Рашидов ута романтизмга берилиб кетмайди. У йиғирманчи аср ёзувчиси. Буни ҳаётбахш романтика анъаналаридан жуда усталлик билан фойдаланган ҳолда, фикр, уй-ниятнинг муайян мақсад томон изчиллик, маънавий қатъият билан йўналтирилганда кўриш мумкин.

### СЎЗ СЕҲРИ ТАЪРИФИДА

Алишер Навоий узининг «Ҳайратул аброр» достонида сўз таърифида чуқур фикрларни изҳор этади.

*Базмда ҳар мутриби дастон саро,  
Чекса тараннум била дилкаш наво.*

*Нақилда ҳар неча талоло деса,  
Е амал неча таналирно деса.*

*Борчасидини ҳаз элар аҳли уқул,  
Гар худ узоқ чекса булурлар малул.*

*Е бу наво зиминда асраб маҳал,  
Чекса Навоий сўзидини бир ғазал.*

*Ким анга алфоз удуб оташ фишон,  
Берса улус кунглига мунгдини нишон.*

*Базмда ул лаҳза алолоини кур,  
Куйи харобот аро гавғонини кур.*

*Курки нечукдур яқо чок айламак,  
Узини фиғон бирла ҳалок айламак.*

*Донау дур сузини афсона бил,  
Сузин жаҳон баҳрида дурдона бил.*

(«Хамса», 1950, 43).

Мазмуни: Базмда ҳар қандай созанда дилкаш куйларни ижро этиб, куйда қанча яхши такрорлар, машқда қанча яхши нақаротлар бўлмасин, тушунган одамлар ундан тула қаноатланмайдилар. Куй ижроси чузилиб кетса, уларга малол ҳам келади. Бу куй орасида жойини топиб, Навоий сўзи билан бир ғазал ашула қилиб айтилса, сўзлар куйга олов пуркаб, тингловчилар қалбини мунг билан эвса, у вақтда

сен базмдаги жунбушни кур! Харобот куйидаги гавголларни томоша қил! Еқа йиртиш қандай булишини кур, фигон тортиб, узини улдирганларга боқ!

Дурнинг бир донаси билан боглиқ гапга ишонма, сузни жаҳон денгизидаги ҳақиқий дурдона деб бил (Насрий баён, 1974, 14-15).

Демак, куй суз билан қушилганда янада таъсирчан булгани сингари, бадний суз ҳам, хусусан назмда, куйли, мусиқий булиши керак.

### ШЕКСПИР АСАРЛАРИНИНГ «ЖУЎРОФНИЯСИ»

Хорнжий мавзуда асар ёзиш буюк инглиз драматурги Вилйам Шекспир (1564-1616) ижодида ҳам кенг урин эгаллайди. Шекспирнинг фожеаларида булгани каби, комедияларида ҳам аксарият воқеалар жаҳоннинг турли улкаларида содир булади, лекин шунга қарамай, мутахассисларнинг қайд этишларича, унинг сахна асарларида ҳаракат Италияда ёки Францияда ёки қасрда булмасин, бошқа бирон маънода воқе булмасин, томошабин куз унгида инглизлар, хушчақчақ авом халқнинг ватани, зукко муаллимлар, дилкаш қизикчи аёллар гавдаланади. Уйлайсанки, бундай воқеалар фақат «Ёз кечасидаги туш» сингари айрм комедияларида интирок этувчи шахсларнинг тийнати ва сажиясида жануб ва унинг иқлими таъсири «Ромео ва Жулиетта»даги каби баралла сезилиб туради.

Шекспир фожеаларидан «Юлий Сезар»га (1599) асос булган воқеа антик дунё тарихчиси Плутархнинг «Қиёсий таржимаи ҳол» деб номланган китобидан олинган булиб, унда уз даврига хос муҳим сиёсий воқеалар тасвирланган. Воқеалар Римда кечади. Унда Республика тарафдорлари (Брут, Кассий) билан монархиячилар — сезарчилар (Антоний, Октавий) урта-сидаги кураш акс этган.

### ҲАМЛЕТ : ДАНИЯ – ЗИНДОН

«Ҳамлет» фожеасида (1601) тасвирланган воқеалар Данияда булиб-утади. Узининг бу шоҳ асари воқеаларини Шекспир турли адабий манбалардан, биринчи галла XIII аср бошларида яшаган даниялик Саксон Грамматикнинг хроникасидан олган булишига қарамай, чинакам инглиз фожеасини яратган. Зотан, воқеаларнинг қасрда кечиши маълум даражада шартли

булиб, бу асарнинг миллий моҳияти учун унчалик хос эмаслигини асардан олинган қуйидаги парчадан ҳам билса булади:

Ҳамлет

...Фортунани, у толе маъбудасини нима қилиб шунча даргазаб қилдиларингки, у сизларни шу ерга зиндонга юборибди!

Гилденстерн

Нега зиндонга булсин, шаҳзода?

Ҳамлет

Дания—зиндон.

Розенкранц

Ундай десангиз, бутун дунё—зиндон.

Ҳамлет

Ҳа, бунинг устига жуда намунали бир зиндон. У ерда беҳисоб обхоналар, авахталар, чоҳлар борки, булардан энг бадтарини Дания деб атайдилар.

Розенкранц

Биз, бунга қушилмаймиз, шаҳзода.

Ҳамлет

Демак, у сизлар учун зиндон эмасдир. Зотан, дунёда яхши ва ёмон нарсалар узи-уздан булавермайди. Фақат бизларгина уларга шундай баҳо берамиз. Мен учун Дания—зиндон.

Розенкранц

Демак, сизнинг гурурингиз уни назарингизда зиндондай курсатади. Сизнинг кенг тилакларингизга бу ер торлик қилади.

Ҳамлет

Ё раббим! Мени ёмон тушларнинг азобидан қутқазинг-да, бир ёнгоқ пучоғининг ичига банд қилингни. Мен у ерда узимни бепоён оламнинг султони деб санаган булар эдим!

## Гилденстерн

Ана, шу тушлар узи гурурликдан туғилади. Магрур одам нуқул хом хасёллар оламида юради. У узи узига бино қўйиб юргани юрган. Ҳа, ундоқ одам уз тушларининг қўланкаси, уз уйдирмаларининг сояси, холос.

## Ҳамлет

Туш — узи соядан бошқа нарса эмас-ку!

## Розенкранц

Ҳамма гап ҳам шунда! Шундан қуриниб турибдики, киши узини катта олиб юриши бежиз ва бемаъни гап. Бундоғ димоғдорлик бор нарсанинг сояси тугул, соянинг сояси деса булади.

## Ҳамлет

Ундай булса фақат гурурланишга ҳақи қолмаган паст кишиларгина бизда чинакам «бор нарса»-ю, чинакам ҳиммат — бу паст кишиларнинг сояси экан-да! Булди энди.

(Мақсуд Шайхзода таржимаси).

«Дания—зиндон», бас: «бутун дунё—зиндон» мантикий иқтибосидан қуриниб турибдики, ана шу зиндонда яшаётган кишиларнинг фожаси минтақани макон қилиб олиши у қадар муҳим эмас. Шу тариқа XVI асрда яшаган италян адиби Чинтионнинг «Венеция маври» номли новелласида тасвирланган воқеалар асосида ёзилган «Отелло» фожасида макон Венеция ва Қибрис отаси (Кипр)дир. Бу фожеда бош қаҳрамон ҳам Отелло—қора мавр (араб) бўлиб, оқ танли Дездемонага уйланади ва уларнинг ҳаёти жирканч ирқий разолат қурбони булади.

## АЛПШЕР НАВОИЙ ВА ВИЛҲАМ ШЕКСПИР

Шекспир асарларининг «жугрофияси» жуда кенг. Аксарият, у жараёнларнинг кечмиш жойларини уз замонаси учун хос «макон» ҳисобланган маданий марказлар, тарихий едгорлик манбалари, пойтахтлардан олади. Унда бош қаҳрамон, иштирок этувчи шахслар ҳам турли-туман миллат вакиллари — инг-

лизлар, фаранглар, данияликлар, араблар, италянлар ва бошқалар. Ниҳоят, Шекспир уз асарларига ҳар хил тарихий йилномалар, воқеаномалар, новелларни асос қилиб олиб, уларни таниб булмас даражада, тамомила янгича талқин даражасига кутаргунга қадар қайта ишлаб, умуминсоний муаммоларни инглиз миллий руҳи билан йўғирган ҳолда тақдим этади. Қайд этилган ҳар уччала омил ҳам Шекспирни ҳайрон қоларли даражада Алишер Навоийга яқинлаштиради. Жаҳон адабиётининг бу икки даҳси уртасида адабий-услубий жиҳатдан муштарак жиҳатлар куп. Буларни адабий жараённинг кўпгина унсурлари — манба, воқеа, космогония, инсон хилқатининг моҳияти талқини, воқеа ва фикрлар ривож, руҳият, образ таҳлили ва бошқа муҳим курсаткичлар буйича бирма-бир очиб бериш мумкин. Шубҳасиз, келажакда журъат этиб бу майдонга тушадиган тадқиқотчи қаршиида «Алишер Навоий ва Вилйам Шекспир (қиёсий-қолипловчи таҳлил)» мавзуини ёритишда адабий жамловчи (интеграл) ва фарқловчи (дифференциал) йўналиш (аспект) юзага қалқиб чиқади. Бу икки мутафаккир ижодидаги муштарак ва хосликлар, меъёрни сақлаган ҳолда, мутаносиб бир тарзда ёритилмоғи даркор.

#### АМИР ТЕМУР — КРИСТОФЕР МАРЛО ТАЛҚИНИДА

Шекспирнинг замондоши, унинг яқин сафдоши Кристофер Марло (1564—1593) қаламига мансуб уч фожеани биламиз. Булар: «Буюк Темур» (1587—88), «Доктор Фаустнинг фожеали тарихи» (1588—89), «Малта яҳудийси» (1592). Бу асарларнинг номларидан ҳам кўриниб турибдики, улар турк (Мовароуннаҳр), овруполик ва яҳудийлар ҳаётини акс эттиради. Булардан «Буюк Темур» икки қисмдан иборат фожеа булиб, унда кучли шаҳе, ўз даврининг машҳур ҳокими, жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва ҳарбий юришлари тасвирланади. Марло талқинида инглиз саҳнасида гавдаланган Темур сиймоси тарихий шахс, жаҳонгир ҳаётдан жиддий фарқ қилади. Инглиз драматурги тасвирида Темур сариқ тўр, кузлари кук кини булиб, асли оддий чупонликдан уз гайрат-шижоати ва ақл-идроки билан ҳокимликка кутарилган. Саҳнада курсатилишича, Темур шафқатсиз ва тадбиркор шахс, лекин у Миср подшосининг қизи Зенократани

свади, уғилларининг тарбиясига, уларнинг муносиб ворис бўлиб стишишларига ҳаракат қилади. У ақл-идрокнинг қудратли кучига ишонади. Кристофер Марлода Темур шу қадар иродаси мустаҳкам шахски, ҳатто жон бераётганида ҳам улим билан тиккама-тика олишади.

## ГЁТЕ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИ

Хорижий мавзуда асар ёзишда, хусусан, Шарқ, жумладан, Мовароуннаҳр, Хуросон, Самарқанд пойтахт Темур салтанати, буюк форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозий ижодига муносабат билдирган, шу асосда ҳатто ўзининг «Ғарбу Шарқ девони»ни тартиб берган улуг олмон шоири Иоганн Волфганг Гете ҳақида индамай ўтиб бўлмайди.

Гете «Ғарбу Шарқ девони»нинг «Муганнийнома» фаслида ёзади:

*Ғарбу шимол, жануб вайрона,  
Тахта дарз кетди, салтанат ғамхона,  
Қочил сси озод Шарқ томон,  
Боболаринг нафасидан булғин баҳраманд,  
Куйла, севгини, қилгин кайфсафо  
Лигр чапмасдан ёнариб яна.*

*(Салим Жабборнинг  
таглама-таржимаси).*

Шарққа юз тутишга ундаган ҳодиса тахта дарз кетиб, салтанат вайрон булганлиги ҳақида сўзлар экан, Гете Наполеон империясининг барбод булиши оқибатида 1814—1815 йилларда Оврупонинг сиёсий харитаси яна бошқа андозалар асосида қайта бичилишини назарда тутди.

Гете ёшлик йилларидаёқ, Инжил ва Қуръон билан танишган даврларида, Шарқ ижтимоий фикр тараққиётининг хусусиятлари билан юзма-юз келган кезларида, бу дунёга ошўфта булган эди. Шунинг таъсирида 1772—75 йилларда «Муҳаммад» деган драматик поэмасини ёзади, ҳинд ривоятлари мақомида баллада яратади (1797). Шарқ шеърятини севиб қолган Гете таржимага ҳам киришиб кетади. У, ку пинча, инглизча таржималар орқали Ҳофиз, Румий, Саъдий асарларини олмон тилига ўгиради, уларнинг ижоди таъсири остида ўзи ҳам Шарқ донишу ҳик-



матлари услубида бир қанча аслий (оригинал) шърий намуналарни юзага келтиради.

Ғете ҳаётининг кейинги паллаларида ҳам форс, ҳинд, хитой адибларининг асарларини уз тилига таржима қилиш ишидан тийилган эмас. 1825 йилда у ҳинд-форс эртақлари силсиласидан иборат «Тутиннома»дан урта қиссанинг олмончага қилинган таржималарига тақриз ёзиш муносабати билан Ғарбу Шарқ адабий-нафосат тараққиётининг узига хос хусусиятлари ҳақида ихтилатда муҳим фикрни уртага ташлайди. У «Тутиннома»нинг XIV асрдаги қадимги варианты билан XVII асрда яратилган янгича намунасини (версиясини) қиёсга келтирар экан, шундай ёзган эди: «Янги китоб... шундан далолат берадики, Шарқ халқлари орадан кечган икки юз йил ичида анча вазминлашиб қолишибди, зеро, энди ҳар қандай жозибадорликлардан холи бўлган ҳолда, қиссанинг умумий моҳиятини баён этиш, қуруқ мазмунни, қоқ суягичини сақлаш билан кифояланидиган ҳолга тушибдилар. Дарвоқс, олдингисининг барча афзалликларига қарамай, ғарбликларнинг динига қиссанинг мана шундай тахлити айни муддаодир».

#### •ЛИСОНУЛ ҒАЙБ•

Ғете «Ғарбу Шарқ девони»ни Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз газаларига тақлидан яратган экан, бу олмон поэзияси заминиде бегона Шарқ шърийати ақидалари ва тамойилларини жорий этишга уриниш маҳсули эмас эди. Ғете «Девони» ғарб шоирининг асари, олмон поэзиясининг намунаси эканлиги ҳеч қандай шубҳа тугдирмайди. Бу ерда олмон мутафаккири буюк форс шоирни ижодида ёрқин намоён бўлган «лисонул ғайб», шарқона услубдан фойдаланишга ҳаркат қилади. Албатта, бу асар Ғарбу Шарқ шърийи анъаналарининг пайваста бўлиш чизигида тугилиб, воқса ва мотивлар Шарқ ҳаётига ишора тарзида воқе бўлган ва тараннум этилган экан, бу ерда хос тушунчалар, истилоҳлар, мажозлар жуда кўп учрайди. Ғете уларга изоҳ беради. Ана шу изоҳлар силсиласининг ўзи шарқ адабиётидан олмон тилига таржима қилиш қонун-қондаларининг муҳим хусусиятларини белгилайдиган мунтазам назарий мажмуага айланган, деса бўлади.

«Яратилш ва жон ато қилиш» шърида Ғете ёзади.

*Ҳанс Одам ато эди бир кесак,  
Уни айдаптирди Худо инсонга шу чок.  
Яна келтирди она бағридан  
Бир қанча беҳиштов руданоларин.*

*Оллоҳ имон димоғига  
Сара рӯши сскин нуркади.  
Шунда у ниманидир сезгандай бўлди  
Ҳам жонланиб, акса ура бошлади.*

*Лек суяк, жнем, бөл билан  
Турарди у ярим гувала бўлиб.  
Ва, ниҳоят, соддиши одам учун  
Келтирди Нуҳ майи косасини тўлдириб.*

*Гувала шу он жонланиши сезди,  
Майида ювди бор буйини.  
Ачитилган хамир каби сскин қунчиб,  
Келди у ҳаракатга шу он.*

*Эй Ҳофиз, гузал-нафис газалини;  
Муқаддас, азиз ибрат мисолини.  
Қалаҳлар жарани, саси остиди  
Бизни даъват этар ижод қасрига.*

*(Сўзма-сўз таржима Салим Жаббориқки).*

Бу шеър асосида гарчи инсоннинг яратилиши ҳақидаги диний ақида ётса-да, аммо у мутаассибликка, жаҳолатга қарши ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, бу Ҳофиз услубига жуда яқин. Айни вақтда Ҳанс олмон Одам атоси Нуҳ номида Ҳофиз майидан сипқорган экан, бундай ашёлар («компонентлар») ча-  
тишувидан-янги ажойиб-шеърини-услуб-яратилган.

«Ғарбу Шарқ девони»да Гете араб мамлакатлари, уларнинг муқаддас диний китоблари ва турли-туман ривоятлари, Эрон, Ҳиндистон, Марказий Осиё, жумладан, бу ердаги Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, жаҳонгир Темур, диний ривоятлардаги Ҳотам, Зулайҳо, Искандар Зулқарнайн, Мажнун образлари ва ҳоказолар ҳақида нафис шеърини сатрлар ёзди. У Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тузуми, диний ақидалари, халқларнинг миллий урф-одатлари, фолклор намуналари билан ўзи яшаган олмон ижтимоий-сиёсий воқелиги, Оврупода ва Олмонияда қутурган тескаричи хуружлар шароитини қиёсга келтиради.

Уз тафаккур йўсини, ички олами, дунёқарашини бадний тарзда ифодалашда, уз ижодий уй-ниятлари ва мақсадини бадний мақомда рўёбга чиқаришда бошқа халқ ва маданият тарихида кечмиш воқеалардан, узга миллий адабиёт намояндасининг ҳаёти ва ижодидан қолни (стереотип) тарзида фойдаланишнинг ажойиб намунасини арман адабиётининг атоқли намояндаси Австик Исаакйианда ҳам кураминз. У узининг «Абул Аъло Маъаррий» номли дostonи (қасидаси)да урта аср араб мутафаккири ва шоирининг образидан намуна сифатида фойдаланади.

Австик Саакович Исаакйиан (1875—1957) «Абул Аъло Маъаррий» асарида (1909—1911) зулмга асосланган жамиятнинг иллатларини фош этади. Исаакйианнинг ижоди 1892 йилдан бошланган бўлиб, 1911 йилда чор ҳукуматининг тазйиқчи остида чет элга чиқиб кетади. Унинг ёшлиги Олмония, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатларни дарбадар кезиш билан ўтди. 1936 йилда уз она ватанига қайтади.

Австик Исаакйиан «Қушиқлар ва жароҳатлар» (1897), «Лилит», «Ли-Тан-По» сингари насрий афсона ва дostonи, «Уста Каро» румони, «Аждодларимиз» тарихий балладаси, «Сасма Мгер» эпик дostonи, «Ватанимга» (1940), «Арман меъморчилиги» (1942) шеърини туркумлари ва бошқа куп асарларнинг муаллифи. У Арманистон Фанлар академиясининг академиги (1943), Давлат мукофоти лауреати (1946) эди. А.Исаакйианнинг асарларидан намуналар узбек тилида «Поэма ва шеърлар» номи остида босилиб чиққан бўлиб (1961), унда «Алагез қушиқлари» дostonи Султон Акбарий таржимасида, лирикасида 61 та шеър Хамид Фулом, Шухрат, Азиз Абдураззоқ, Иброҳим Ғафур, Тулқин, Наим Карим, Анвар Исроил, Назарматлар таржимасида chop этилган. 1976 йилда «Абул Аъло ал-Маъаррий» дostonи Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриетида Асқад Мухтор таржимасида босилиб чиқди.

#### АБУ-Л-АЪЛО АЛ-МАЪАРРИЙ

Дostonга бош қаҳрамон қилиб олинган араб мутафаккирининг тула номи Абул Аъло Аҳмад ибн Абдул-

ла ибн Сулаймон ат-Танухи ал-Маъаррий Суриянинг Маъаррат ан-Нуъмон шаҳрида (Халаб ёнида) 973 йилда туғилиб, 1057—1058 йиллар орасида вафот этган. Уч ёшида кузи қур булиб қолган. Маъаррий узини Мутаннабийнинг шоғирди деб ҳисоблаган. Унинг «Аҳмад муъжизаси» аталмиш девонига шарҳ ёзган. Маъаррий «Лузум мо лам ялзум» (Лозим бўлмаган (нарс)нинг лозимлиги) асарида ижтимоий адолатсизликни танқид қилади. Мутафаккир адолатсизликни Худонинг иродасига боғлайди. У билишнинг асоси тафаккур деб билгани ҳолда, инсон ҳақиқатга эриша олмайди, деб талқин этган.

Ал-Маъаррийнинг фикрича, яшашдан мақсад инсонларга хизмат қилиш. Муътадиллик ва нафсни тийишни тарғиб қилган. «Рисолат ул-ғуфрон» (Авф тўғрисида мактуб, 1033(1903) йилда нашр қилинган) ҳамда «Рисолат ул-малонка» («Фаришталар ҳақида мактуб (1932 йилда урис тилида нашр қилинган) асарларида жоннинг улмаслиги ва охират ҳақидаги Қуръон талқини хусусида баҳс юритади. Ал-Маъаррий асарларида киноя, мажоз, қочиримлар жуда сероб бўлиб, улар мураккаб тилда ёзилган (Қомус, 7,73).

Академик Игнатий Юлианович Крачковский ал-Маъаррийни ва ал-Мутаннабийни ҳам шоир, ҳам файласуф деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу икки мутафаккир чуқур фалсафий масалаларни шеърини шаклда ёзган олимлардирки, уларнинг ижодидан шеър мухлиси, поэзия тарихчисидан қура мутафаккирлар кўпроқ маънавий озиқ топадилар.

Академик Крачковскийнинг фикрича, «Рисолат ал-ғуфрон» асарида ал-Маъаррий гарчи Муҳаммад пайгамбарнинг меърожга чиқишини тасвирлаган ҳолда, асосий манба сифатида Қуръон сураларига мурожаат этса-да, аслида нариги дунё ҳақидаги диний тасаввурларга қарата жуда нозик ухшатма-тақлид (пародия) яратган. «Рисолат ал-малонка» асари ҳам уртача савиядаги мусулмоннинг охират ҳақидаги одатдаги жун тасаввурларига нисбатан заҳарханда киноя билан сугорилган. Абул Аъло гоят катта ақл ва истеъдодга эга бўлган санъаткор эдики, асарларидаги зоҳирий, анъанавий шакл орасидан мутафаккирнинг асл муддаосини ажратиб олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. «Замондошлари уни тушунмадилар ва тушуна олмас эдилар ҳам. Бу ашаддий шаккок-пессимистнинг эмас, балки узига маълум бўлган жамики тизимларни

инкор этган эди» (И.Ю.Крачковский, Сайланма асарлар, 2-том.М.-Л., 1956, 416). «Рисолат ал-малоика» асарининг тили шу қадар мураккаб эдики, дейди акад. Крачковский, бутун араб адабиётида мураккабликда у билан тенглашадиган бошқа иккита асарни топиш амри маҳол.

1932 йилда Фанлар академияси Ленинградда «Рисолат ал-малоика» асарини нашрдан чиқазди. Бу нашр Қоҳира ва Лейден шаҳарларида сақланиб қолган қўлёзмаларга асосланиб амалга оширилган эди. Уни тайёрлашда Дамашқдаги Араб академиясининг аъзоси Аҳмад Темур пошшо ҳам иштирок этган.

### «ҒОЙИБДАН» КЕЛГАН МАКТУБ

Мазкур нашр ҳақида ал-Фурайқи водийсидан Амин ар-Райҳоний академик И.Ю.Крачковскийга мактуб йуллаган (ар-Райҳонийнинг узи ҳам ал-Маъаррий мероси устида фаол иш олиб борган тадқиқотчилардан саналади). Мактубнинг мазмуни шундай:

Сиз, жаноб шарқшунослар, ажойиб-ғаройиб кишиларсиз: Сиз «суякларга ҳатто улар чириб кетганида ҳам жон ато этувчи» илоҳий кучга яқин турасизлар. Ал-Маъаррий Абул Аъло қўз унгимда яққол намोён бўлиб турибди: у узининг тузиб-чириб битган, лекин Сиз ҳаёт бахшида этган асарини таниб, камтарлик билан шундай демоқда: «Худо ҳаққи, биз унинг (асаримизнинг — Ғ.С.) уз умримиздан ҳам узоқ даврлар яшашини билмаган эканмиз! Мана, у биздан кейин қарийб минг йил умр курибди. Унинг тақдирига тасанно, биз уни «фариштаном» мақомида, араб тилини эъзозлаш учун алайҳиссалом биродари булмиш Жаброил қавми орасига, — иккаласига ҳам раҳматлар ёғилсин, — йуллаган эдик. Агар уша ёққа, яъни осмонни фалакка тарқалса, шунинг узи кифоя, деб зикр этган эдик. Биз тасаввур ҳам этган эмасдикки, лоақал минг йилдан кейин булса-да, асаримизга шимолнинг илиқ нафаси тегади-ю, унга заминий ҳаёт бағишлайди, бинобарин, инсоний тилда, арабчада, сатрлар орасида урисча талқинлар билан безалган ҳолда, қайта тилга киради деб. Илоҳим Оллоҳ таъоло жонингни сиҳат қилсин, азиз урис биродарим. «Рисолат ал-малоика» сенинг қаршингда тиз чуқиб ерни тавоф қилади. Сунгра сенга тавозе билан мурожаат этади: менинг муаллифим одамлар, жинлар ва фаришталар

орасида лисоний, адабий, фалсафий, шаккокий ниятларини тарқатишга интилган эди. Уларнинг барчасига махсус йўсин ва услуб танлаганди. Инсоиларга у «Рисолат ал-ғуфрон» асарини бағишлади, сўнгра «Рисолат ал-малонка»ни эзди. Ундан кейин жишлар учун махсус «Шайтон ҳақида рисола»ни ёза бошлади. Муаллифим уша асар номини ёза бошлаганига кўзим тушган эди, ажабмаски, уни ёзган ва ниҳоясига стказган булса. Фикримча, мен кеча қандай аҳволда булсаму, у ҳам шундай ҳолда ётгандир. Сиз, Оллоҳнинг ҳабиби, уни ҳам бир қидириб кўрмайсизми? Худо хоҳласа, Сиз уни топардингиз ва, мен сингари, уни ҳам ҳаётга қайтарардингиз. Марҳаматингиз юзасидан каминанинг «шайтоний биродари»ни ҳам қидириб топиб, узоқ давр ҳажр азобимизга чек қўйиб, бизни бирлаштириш майлингиз йўқми?! Мен уз номимдан, уз биродарим, «Лузум мо лам ялзум»—уч рисола эгаси булган муаллифимиз номидан Сизга ташаккур изҳор этаман ва бу фоний дунёда бошингиз омон булсин, дейман.

Бу сатрларни ёзувчи киши, ал-Маъаррийнинг Фурайқидаги дўсти ал-Маъаррийнинг Санкт-Петербурлик дўстини табриклар экан, деб ёзди акад. И.Ю.Крачковский, араб ва урне адабиётлари равнақи, халқлар уртасида тинчлик ва қардошлик алоқаларининг мустаҳкамлаишни йулидаги талқиқотлари ва изланишларида унга омонлик ва бахт-саодат тилайди.

— Бу мактуб 1932 йил 30 сентябрда ёзилган эди, — дейди атоқли шарқшунос олим. — Ушандан буён кўп вақтлар ва воқеа-ҳодисалар кечди. 1940 йилда мактуб муаллифи барҳам топди, лекин унинг яқунловчи сўзлари уруш машаққатлари ва оғир синовлардан ўтиб, энди янада баралла-жарангламоқда. Шуниси, айниқса, хурсанд қиладики, таваллуд топган кунидан минг йил утгандан кейин ҳам, Абул Аъло ал-Маъаррий халқлар уртасида қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга даъват этишгина эмас, балки унинг ўзи, биргина номи билан ҳам бу алоқаларни мустаҳкамлайди... (3-том, 261-263).

Шундай қилиб, Крачковский Абул Аъло ал-Маъаррийнинг «Ар-рисола ал-фаллоҳиййа», «Мулка-с-сабил», «Рисолат ал-ғуфрон», «Рисолат ал-малонка», «Рисолат ал-игрид», «Лузум мо лам ялзум» сингари асарларини таҳлил қилар экан, буюк араб муаллифининг ижодига ва услубига хос мажозийлик, ўткўр киноя, раддия, поумидлик кайфиятларини алоҳида таъкидлайди.

Абул-Аъло ал-Маъаррий, Аветик Исаакйан, Асқад Мухтор, минг йиллик давр орасидаги турли-туман саналар, воқеалар, ижтимоий ва миллий муҳитларни боғлайдиган парчаланмас ҳалқалар булар.

### «ШАРҚНИНГ ҲАЙНЕСИ» ВА «ҒАРБНИНГ САЪДИЙСИ»

Арман шоири Аветик Исаакйаннинг араб маданияти, адабиёти, фалсафасининг узоқ утмиш даврига мушоаат қилиши тасодифий эмас. Унинг шеъриятида Ғарб билан Шарқ маданияти бир-бирига ажиб бир тарзда чирмашиб кетган. Шоир ижодида фаранг символикасини ҳам, Умар Хайём ва Ҳофиз лирикасига хос Шарқ фалсафий мушоҳада шаклини ҳам топиш мумкин. «...Мен Петраркани италёнчада, Верленни фарангчада, Менандрни юнончада, Новалисни олмон тилида ўқиганман», — деганди арман шоири. А.Исаакйанни «Шарқнинг Ҳайнеси» ва «Ғарбнинг Саъдийси» деб бежиз айтмайдилар. Лекин уз миллий мансублигидан қатъий назар, Инсон ва унинг тақдири адиб ижодида марказий ўринни ишғол этади.

А.Исаакйаннинг «Абул Аъло Маъаррий» достони муносабати билан гоёнинг туғилиши, қаҳрамон ва унинг прототиби, асарда тарихий утмиш ҳамда замонавийлик туйғуси ва талқини, адабий алоқа, таржима ва таъсир, муаллиф ва таржимон, тимсол ва гоёнинг бадий тажассум намуналарини қиёсий асосда урганиш, бадий адабиётда шартлилик, тил ва услуб масалаларига доир жуда қизиқ ҳодисаларни кузатиш мумкин.

Исаакйан узининг мазкур достонини яратиш устида Қазарapotда 1909 йил 30 августдан 2 сентябргача, 1910 йил 27 мартдан 4 апрелгача ишлади. Достоннинг 1,2 ва 4 суралари «Ғсхарвест» (Санъат) ойномасининг 1909 йил 3-сонида босилиб чиқади, сунгра 1911 йилда Константинополда (Қустантанния: Истамбул) тула ҳолда нашр этилади. Муаллиф 1916—1917 йилларда, 1929 йилда ва ундан кейин ҳам асарга биринчи узгаришлар киритади. Аммо бу таҳрирлар жузъий бўлиб, асарнинг асосий мағзи тула сақлаб қоллинган.

Арман шоири узининг Ақраб тунтаришидан олдин яратган достонига X-XI аср араб мутафаккирининг сиймосини, яъни Инсон ва унинг тақдири ҳақидаги асарига минг йил муқаддам яшаган араб мутафакки-

рининг номини асос қилиб олганлиги тасодифий ҳолми?

Бу масала жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган. Чунончи, шарқшунос олимлар ва адиблар, таржимонлар, шунингдек, муаллиф ҳам шу хусусда ўз фикрлари ва нуқтан назарларини изҳор этганлар.

### ВАРПЕТ

Аввало, дostonда тасвирланган Абул Аъло ал-Маъаррийий сиймоси билан мутафаккир ал-Маъаррийий ҳамда муаллиф Аветик Исаакийанининг уртасида қандай жиддий тафовутлар борлиги, бунинг сабабларини аниқлашга киришиндан олдин булар орасида қандай муштараклик, яқинлик ва ухшашликлар мавжудлигини таъини этиш лозим.

Абул Аъло ал-Маъаррийий 84 йил умр кўрди. Аветик Исаакийан умри ҳам баракали бўлди — 82 йил яшади. Бундан ташқари, дostonда «прожил три раза десять лет ва великолепном граде калифов» (Халифатнинг ажойиб пойтахтида уттиз йил яшади) миерасида қайд этилган сана ҳам, айтишларича, шоирнинг таржиман ҳолига дахлдор бўлиши мумкин: 1905 йилда Исаакийан 30 ёшга тулган эди.

Варпетнинг ўзи (арманлар Исаакийанинн эъвозлаб «Варпет» — Уста деб атаганлар) нима сабабдан араб саҳросини воқеаларининг кечмиши жойи қилиб олганлиги, араб адабий муҳити тарихига мурожаат этганлигини шундай изоҳлайди: 1909 йилда Метак қалъасида олти ой авахтада ётганимдан кейин кафилиликка чиқиб, Александрополга қайтиб келдим. — дейди у. —

---

Бў ерда бир неча кун бўлгач, менни яна Ереванга терговга чақиринди. Ҳукуматга қарши фаолиятда айбланиб, таъин турмага ташлаш хавфи туғилди. Бундай таъкиблар менда чор ҳукуматининг зулмидан қочишга ўткир майл пайдо қилди. Ниҳоят, бир неча кун чузилган қаттиқ терговлардан сунг Исаакийан ватанига ошиқади. Ереван вокзалида бир таниш ҳайдовчинини учратиб, унинг паровозига чиқиб олади. Поезд жунаб кетади. Шоир зур ҳаяжон ва изтироб ичида атрофни кузатиб бораркан, кўз унгидан телеграф симеочлари, темир йўллар бири-кетин алмашар, узок-узоклардаги тоғлар утиб борар эди. Поезднинг шиддати ошган сайин менда қочиш нстаги тобора алангаланиб борар эди, деб ҳикоя қилади шоир. Гилдиракларнинг овози



остида, қани энди, шу поезд бир зум тухтамасдан, мени чор истибодди қабоҳатидан нари ёқларга олиб кетсайди, деб хаёл сурардим. Биз Сардорободга етиб келганимизда, мени ана шундай уй-хаёллар буткул чулғаб олган эди. Тун зулматини ой майин ёритиб турарди. Кохпа томондан устига туз ортилган туялар карвони ута бошлади... Поездда қочиш ҳақидаги хаёллар карвон ҳамроҳлигида қочиш истаги билан алмашди. «Абул Аъло Маъаррий» достонини ёзиш нияти ана ушанда тугилган эди.

Достонда ал-Маъаррий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жиҳатлар кам. Шулардан баъзиларини қайд этамиз. Оташн араб шоирининг номини А.Исаакйан 1908 йилда, яъни достон ёзлишидан бир йил олдин эшитган. У Иоганн Шернинг «Жаҳон адабиёти тарихи» ҳамда доктор Аберланднинг «Шарқ халқларининг асосий адабиётлари» деган китоблари билан танишар экан, араб шоирининг номига кузи тушади. Бу даврда ҳали у академик И.Ю.Крачковскийнинг «Абул Аъло Маъаррий — «Рисолат ал-малонка» асарини курмаган эди. Достон босилиб чиққандан кейингина у Крачковскийнинг тадқиқоти билан танишган.

Маъаррий Исаакйан достонида тарихий шахсдан кура купроқ афсонавий қаҳрамон қилиб олинган. Достонда бош қаҳрамон сифатида гавдаланган ал-Маъаррий X асрда Сурияда, Ҳалаб ёнидаги Маъарра шаҳрида яшаган, араб халифати ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқирозга учраган бир даврда фаолият курсатган мутафаккир эди. Исаакйаннинг Абу-л-Аълога қизиқишининг сабабларидан бири, эҳтимол, у ҳам уз достонини ижтимоий қабоҳат ва декадентлик айни авжига минган бир даврда ёзганлигига вобастадир, деган фикрни илгари суради проф. О.Т.Ганаланийан.

### ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДНИЙ ТЎҚИМА

Исаакйаннинг достони урис тилига таржима қилиниши натижасида машҳур арабшунос олим Крачковский билан таржимон, атоқли шоир В.Я.Брюсов уртасида мунозара бошланади. Академик Крачковский Аветик Исаакйан достони қаҳрамонига тарихий шахс сифатида қараб, араб мутафаккирининг ҳаёти арман шоири тасвирлаганидан жиддий фарқ қилишини қайд этади. Чунончи, ахир Абул Аъло Бағдодда эмас, балки Маъарра шаҳрида яшаган. Бағдодга у «давлат-

мандлар билан базм қуриш» учун эмас, балки уқнишга борган эди, холос. Ахир, у уч яшарлик чоғидаёқ кўр булиб қолган эди! — дейди машҳур урис арабшуноси. В.Я.Брюсов эса бадний асарда шоир тарихий шахснинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ барча тафсилотларни аниқ сақлаши шарт эмаслигини эслатган ҳолда, мунозарада арабшунос олимнинг «шаштинин қайтариш» мақсадида: шуниси борки, Исаакйан уз асарида аниқ тасаввурга эга булмаган араб шоири Маъарийнинг номини қўллаб юборган, деган фикрни илгари суради.

Проф. О.Ганаланийан бундай фикрга эътироз билдириб, Исаакйан уз «гира-ширағина тасаввурга эга булган» тарихий шахсни асарига бош қаҳрамон қилиб олмаса керак, деган эътирозни билдиради. Чунки Варпет араб шоири ҳаётининг ва дунёқарашининг асосий жиҳатларини билганлигини унинг уз эътирофларидан ҳам билиб олиш мумкин. Аввало, у Абул Аълонинг «Урушларга ошурфта булган одамларини кураман...» номли саккиз мисрадан иборат шеърини арман тилига таржима қилган. Уз таржимасига у «Абуль Ала Маарийский. Пособие к лекциям проф. Е.А.Крымского. Составитель Д.В.Соловцов» (М.,1903) (Абул Аъло Маарий. Проф. Е.А.Кримский маърузаларига қўлланма. Тузувчиси Д.В.Соловцов (М.,1903) деган китобчада келтирилган шеър таҳририда асос қилиб олган бўлса керак. Исаакйан таржимаси мазкур таржимадаги айрим сўз ва жумлаларга бир қадар ўхшаб кетади, холос. Лекин шуниси муҳимки, уша китобчада келтирилган икки сатр Исаакйан дostonида акс этган: «Болаларнинг туғилиши учун ота масъулдир...» -У ҳеч қачон уйланмаган, ҳатто узига қўйиладиган ёдгорлик тошига ҳам қўйидаги сўзларни ёздириб қўйишни буюрган:

*Мени туздирини билан отам гуноҳга ботган;  
Мен эса ҳеч ким билан гуноҳ қилмадим.*

Варпетда ҳам шундай мисралар бор:

*Утмишда отам менга зомини будди,  
Лекин мен ҳеч кимга зомини булмадим.*

Ўзбекча таржимада:

*Мен учун отам гуноҳкор, ҳеч босмасман изини, —  
Шул эрур қабрим тошига қон билан битган сузим.*

*(То денгиз мавж ураркан, то мениг йиллар утар,  
Мен кунини куймам аёлга, ошён курмам, стар!).*

*(«Абул Аъло ал-Маарий». Достон. Асқад Мухтор таржимаси.  
1976, 5)*

Хуш, литография усулида чоп этилган бу ноёб нашр қай тариха арман шоир қулига тушиб қолган? Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, Исаакйан фаранг ва олмон тилларини жуда яхши билган. Чунончи, у Фарбий Олмония адиби Ованес Авакйанга йуллаган хатида қуйидагиларни айтган эди: «Менинг қулимга машхур араб шоирининг олмон тилидаги кичкина бир китобчаси тушиб қолган эди, уни мутолаа қиларканман, менинг қалбим Абул Аъло қалбига жуда монандлигини пайқадим... Бинобарин, у яшаган муҳит менинг романтик табиатим — карвон, сахро, Шарқона сирлилик — билан ҳамоҳанг эканлигига иқрор бўлиб, уларни уз туйғуларимни ифодалаш воситаси қилиб олдим. Араб шоирдан мен аттиг икки сатргина олдим, холос. Бошқа бирон қатор, бирон образ ҳам олган эмасман... Мен унинг ҳатто яшаш тарзини ҳам узгартирдим: у камбагал, кур, Бағдоддан ҳеч қайққа чиқмаган эди. Мен унинг фақат моҳиятинигина олдимки, бу менинг ҳам моҳиятим эди». («Литературная Армения» ойномаси, 1965, 10-сон, 69).

Шундай қилиб, ҳар икки майл: «Абул Аъло Маъарий» достонида машхур араб шоири ҳаётининг барча кечмишлари, тарихий саналари, жуғрофий макони аксини қидириш ҳам, ёки аксинча, унда муаллиф Автик Исаакйан ҳаётининг ниқобланган инъикосини қидириб топнишга интилиш ҳам туғри булмайди.

### МИРЗА ИБРОҲИМОВ ТАЛҚИНИ

Шуниси қизиқки, Автик Исаакйан таваллудининг юз йиллиги муносабати билан уз хотираларида озарбойжон ёзувчиси Мирза Иброҳимов арман шоирининг мазкур достони ёзилиш сабабларини бошқа томондан тушутиришга ҳаракат қилган. Унинг талқини ўзига хос бўлиб, булак манбаларда учрамайди.

Мирза Иброҳимовнинг айтишича, X-XI асрлар: араб шоири ва мутафаккири Абул Аъло Маъарий тўққиз яшарлигида чечак касали билан оғриб, пировардида кўр бўлиб қоладн. Истеъдоди ва фавқулудда меҳнатсеварлиги орқасида у ўз даврининг барча фан-

ларини ушлаштиради. Шарқнинг буюк шоирлари ва файласуф олимлари қулида таҳсил куради. Ун ёшидан шеър ёза бошлайди. Бир қанча шеърний ва фалсафий асарлар яратади. 85-86 ёшларида вафот этади. Биллурдай пок, олийжаноб, фалсафий эътиқодига қура, болалик чоғларидан бошлаб гушт ичсёмол қилмаган бу шоир ҳақида куп афсона ва ривоятлар туқилган. Дуслари, муҳаббати, адолатсиз қонун ва ҳокимлардан ҳафсаласи пир бўлган шоир умрининг охирида шаҳардан бош олиб чиқиб кетади... Одамлардан узоқлашади ва, ривоятларга қура, сахрою тоғларда кун кечиради. Бошқа ривоятларга асосан, у ҳеч қасрдан таскин тополмагач, қарвонларга қушилиб дарбадар бўлиб кетади. Аветик Исаакйан уз достонига худди шу ривоятни асос қилиб олган.

### МУАЛЛИФ ВА ҚАҲРАМОН ДУНЁСИ

Варпет қаҳрамони билан X аср араб шоирининг таржимаи ҳоли тафсилотлари бир-бирига мос эмаслигига фақат Крачковский домла эмас, балки ундан олдин бошқа адиблар ҳам эътибор беришган. Чунончи, «Маъаррий тарихий далилларга туғри келмайди» деб эътироз билдирган Карен Микаэлийанга жавоб қайтарар экан. Исаакйан бунни шундай тушунтирган эди: «Мен бунни яхши биламан, азизим. Менга фақат бу шоирнинг номигина ва, қисман, унинг фалсафий-пессимистик қарашлари, куҳналик таъм-мазаси, миллий бўёқ керак эди, холос» (Женева, 1917 йил 11 март). Ованес Авакйанга (Венция, 1926 йил, 31 январ) ёзган хатида эса яна шундай тафсилот бор: «Абул Аъло Маъаррийга келсак, азиз О.Авакйан, у менинг қалбим фарзанди, бинобарин, уз қаҳрамонимнинг аччиқ тушқун кайфияти менинг ўзимга ҳам бегона эмас». Худди уша мактубида мазкур асарнинг мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган мана бу сузларни учратамиз: «Достон яхши чиқдимп экн чиқмадимп, билмадим. Лекин шуниси аниқки, мен, бахтга қарши, ҳаётда жуда куп азоб-уқубат чекдим: узоқ вақт касал бўлиб ётдим, — ҳозир ҳам асабларим қақшаган, — турмаларда, сургунларда, қувгинларда юрдим, нуқул муҳтожликда кун кечирдим; мен ўзим учун жуда қадрли булган кишиларимдан жудо бўлдим, ва, ниҳоят, арман халқининг бошига тушган фалокат шахсий мусибатим ва изтиробларимни унутишга мажбур этади».

Шуниси борки, умидсизлик, чорасизлик, укинч туйгулари фақат «Абул Аъло»дагина эмас, балки йиғирманчи йилларда езилган Исаакіян лирикасида ҳам баралла сезилар эди. Агар мазкур дostonга тадбиқан айтилса, бу умидсизлик кайфиятининг сабабларини арман халқининг моддий ва маданий ҳаёт тарихи, X аср араб шоири ал-Маъаррийининг ҳаёти, дунёқарашини, у яшаган давр тарихи ҳамда умрининг ярмидан ортиқ даврини муҳожирликда, миллий хўрлик ва тазйиқ, муҳтожликда утказган Аветик Исаакіяннинг тақдиридан ажратган ҳолда тушуниш амри маҳол.

«Абул Аъло»даги мана бу байтларни олайлик:

*О, илон ин қўйса майли, уйда чайламга, бироқ  
Менга бас инсон зотидан дайр аро булсам йироқ.*

*Аmmo мен дуст бирла нон сиидирмагайман то абад,  
Яхшидир сиртлону қонлон бирла базми беадад.*

*Оталик даъво қилар ким—қузима чиркин бало:  
Янги зарра ташлар ул ҳам маънисиз гирдоб аро.*

*Менга Шаҳристонга йул йўқ, мозига дарбоза берк,  
Уйда ёв инсонга инсон, уйда қон қусмоқда эрк!*

— *Дустлар, — дер изтироб бирла Маъаррий ҳар қадам, —  
Дустлардин алҳазар, дустлар илондин тарқаган.*

*Шухрати шулки, бутун кукларга нуфлаб қадрини,  
Эртага гурга тикиб, пайхон этарлар қабрини.*

*Эҳтиром-ҳурмат эса қўрқув, хушомаддир ҳамон,  
Гар қоқинсанг бир куни, таҳқир этарлар беомон.*

*Жамият — ёв лашкари, сафларда биз куллармиз,  
Уйда сўз — тутқун, ҳақиқат булса, куру кармиз.*

*Буида угри нул билан ошпоқ, бузуқлар покдомон,  
Ҳар бир аҳмоқ бир даҳо, қўрқоқ булса — қаҳрамон.*

## ФРИДРИХ НИТШЕ ФАЛСАФАСИГА ҚОЙИМ

Узлатга чекиниш, ёр-дуст, хеш-ақрабо, жамиятдан беэиш, дили озурдалик ва ҳоказоларни ҳар ким ҳар хил талқин қилиш ҳоллари куп учрайди. Баъзилар бунни ҳатто файласуф Фридрих Нитше (1844—1916) таълимоти билан боғлашга ҳам уриниб кўрдилар.

Дарҳақиқат, Станислав Рассадиннинг айтишича,

асар намуналаридан бирида янги фаёл муқаддимасида Нитшедан олинган: «Одамзодга равона булма, — саҳ-рога, ҳайвонларга бор» деган сузлар сарнақш (эпиграф) тарзида келтирилган эди. Кейинчалик Варпет бу сарнақшнинг баҳридан утган. «Исаакйянинг дostonи Нитше фалсафаси билан сугорилган», — деб ёзган эди 1915 йилда «Арман поэзиясининг мотивлари» китобининг муаллифи Ив.Глунн. Лекин бу фикр нотури, деб ҳисоблайди Станислав Рассадин. Чунки Нитшенинг таъсири Исаакйя шърийатининг инсонпарварлик моҳиятини сундириш у ёқда турени, аксинча, мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бошқача айтганда, Нитшенинг ғайри инсоний қарашлари Исаакйя лирикасида моҳият эътибори билан рад этилди. Бошқача айтганда, дostonдаги барча раддиялар, қаргашлар, инкор ва нафратларга қарамай, буларнинг барчаси ғайри инсоний ахлоқ нормаларини тасдиқлаш, маъқуллаш эмас, балки тамомла инкор этишга хизмат қилароқ, кучли, продали, ниймони мустаҳкам шахснинг адолатсизлик, зулм ва узлатга чекилиш кайфиятларига қарши эълон қилинган исъёни эди.

Эндилликда бу муаммони теран тадқиқ этиш зарурати бор.

### УЧИНЧИ АДАБИЙ-НАФОСАТ ВОҚЕЛИГИ

Хорижий мавзуда ёки бошқа миллий адабиёт муҳитидан, тарихий кечиниш, афсоналар бисотидан олиб ёзилган асарлар, одатда, адабий алоқалар, адабий таъсир, туркумлаш ва услубий қисс, бадний таржима муаммоларини урганишда жуда қимматли манба булади. «Абул Аъло» дostonи ҳам бундан мустасно эмас.

Таржималар патижасида миллий маданиятлар бойини, халқлар уртасида гоёлар алмашуви содир булади, адабиётларнинг байналмилал жамгармаси ортади, деймиз. Хорижий мавзуларда ёзилган асарларда бир миллий маданиятдаги муайян аниқ-таниқ тарихий воқеа ва кечиниш бошқа халқ маданиятига афсонавий воқелик булиб кучини, бир миллий адабиётдаги афсонавий тинсол фольклор воқеаси (сйужети) бошқа миллий заминга ёзма адабиёт нусхаси сифатида кириб келиши мумкин ва ҳоказо. Бадний таржималар туфайли эса ана шу икки томонлама алоқалардан туғилган янги, учинчи адабий-нафосат воқелиги янада турли-туман мундарижа ва мазмун сифатларини орттиради.

«Абул Аъло»нинг урис тилига таржима қилиниши муносабати билан олим (акад. И.Ю.Крачковский) ҳамда таржимон В.Я.Брюсов уртасида илмий идрок билан бадний тафаккур хусусияти масаласида жиддий баҳс қўзгалган бўлса, мазкур асарнинг узбек тилига угирилиши муносабати билан, бир томондан, миллий-муштарак заминдаги адабиётлар таржимасида анъанавий адабий турлардан фойдаланиш имконияти масаласи («шоири» вазнининг арузда ифодаланиши) юзага қалқиб чиққан бўлса, иккинчи томондан, бунинг натижасида бизда азалда, адабиётимизнинг яқин минг йиллик тарихида мавжуд бўлиб келган боҳабарлигимиз (Абул Аъло ал-Маъаррий ижодидан замонасининг узбек шоирлари ва олимлари хабардор бўлганлар) эндиликда арман адабиёти воситачилигида қайта тикланишига туртки бўлди ҳамда тарихий араб-узбек адабий ҳамкорлигидаги самарадорлик ҳозирги арман-узбек таржимачилиги натижаси улароқ, афсонавий тимсолли воқелик сифатида қарор топди. Азалда мавжуд анъанавий алоқа ришталари хийла жонланди. Бунинг устига, янги адабий воқелик таъсири остида адабиётимиз тагинам бойиши. Минтақадаги (Кавказ) адабий ҳаётда эса «Абул Аъло» достонининг таржимаси муносабати билан бошқа ҳодиса, таъсир масаласи қўзгалди. Чунончи, 1929 йилда машҳур гуржи шоири Титсиан Табидзе «Абул Аъло Маъаррий» достонини таржима қилиб, муаллифдан ана шу гуржий нашрга бағишлов тарзида бирон нарса ёзиб беришни илтимос қилади. Бунга жавобан Варпет Т.Табидзегга иккита мақола юборади. Уларнинг бири таржиман ҳолга оид маълумотларни қамраган бўлса, иккинчиси асарнинг гуржий нашрига бағишланган эди. Достон 1931 ва 1936 йилларда Т.Табидзе муқаддимаси ва А.Исаакян маълумотлари билан гуржи тилида жами икки марта босилиб чиққан. Иккинчи мақоласининг охирида Исаакян Митскевичнинг «Фарис» ҳамда Бараташвилининг «Мерани» асарлари руҳи «Абул Аъло»га яқинлигини айтади. Бироқ Исаакяннинг сузлари гуржи тилига бузиб угирилиши оқибатида, айрим гуржи адабиётшунослари «Абул Аъло»нинг яратилишида Бараташвилининг «Мерани» достони арман шоири ижодида «чуқур таъсир қилганлиги» ҳақида фикр билдирганлар. Бундай хулосадан воқиф бўлган А. Исаакян А. Меликсет-бекка хат ёзиб: «Абул Аъло»ни Бараташвили қаламига мансуб «Мерани» достонининг бевосита

таъсири остида ёзганман, деб қасрда ва қачон эътироф этганлигимни эслай олмайман», — дейди. Сунгра Исаакйан руҳий яқинлик ва кайфиятлардаги монандлик эътибори билан «Абул Аъло» Байроннинг «Чайлд Харолд»ига, Митскевичнинг «Фарис»ига, Бараташвилининг «Мерани»сига яқинлигини қайд этади. Айни вақтда, бу ерда уста-Варпет домланинг «Абул Аъло Маъаррий»сига ҳам, Бараташвилининг «Мерани»сига ҳам бирдай илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган М.Ю.Лермонтов даҳосининг таъсири янада сезиларлироқ.

Шундай бўлишига қарамай, номлари тилга олинган асарларнинг барчаси ҳам бошқа миллий адабиётнинг таъсири маҳсули эмас, балки муаллифларнинг мустақил адабий, фалсафий мушоҳадаси натижаси улароқ майдонга келганлигини мутахассислар алоҳида таъкидлайдилар.

### СОҲИБҚИРОН ЮЛДУЗЛАР

«Абул Аъло» дostonининг икки урнеча (В.Я.Брюсов, П.Антоколский), узбекча ҳамда бошқа ушлаб тилларга қилинган таржималари муносабатида таржима ва таржимон масалаларига дахлдор кўпгина соф ижодий, фалсафий-устубий масалалар ҳам юзага қалқиб чиқали. Чунончи, Гете ўз «Ғарбу Шарқ девони»га буюк форс шоири Ҳофиз Шерозийни, Хайне — Абулқосим Фирдавсийни, Аветик Исаакйан эса X аср араб мутафаккири Абул Аъло ал-Маъаррийни бош қаҳрамон қилиб олган эканлар, бу ерда олмон, форс, арман, араб адабиётлари буюк намояндаларининг руҳан бир-бирларига яқинликлари асос бўлган бўлса, айни асарларнинг учинчи, тўртинчи ва ҳоказо тилларга қилинган таржималарида ҳам муаллифлар билан таржимонлар ўртасидаги ана шундай руҳий яқинлик жуда муҳим эътибор қозонади.

«Чиннакам жонқуяр сингари, Блок ҳеч нарсани тасодифан таржима қилган эмас. Унинг барча таржималари ўз ижодига қўшимча бўлиб кирган, зотан ҳар бир муаллифдан у фақат ўзига тегишли нарсанигина олар эди», деб таъкидлайди мутахассислардан **Е.Ф.Книпович**

«Блок ўсмирлик йилларидан бошлаб таржима қила бошлади. Фақат айни вақтдагина ўз ижодий интилишларига ҳамоҳанг бўлган нарсаларни бирма-бир са-



ралаб олган ҳолда, мудом жуда кам таржима қиларди» (Е.В.Ланда).

«Исаакйан Блок ашъорини жуда севганлиги маълум. Исаакйаннинг ён дафтарлари ҳам, Блокнинг бир томлиги саҳифаларига битган хатлари ҳам шундан далолат беради. Блок билан Исаакйан бир-бирларига ижодий яқин шоирлар эдилар. Бундай яқинликни уларнинг иккаласи ҳам, айниқса, Блок сезар эди. Узи таржима қилаётган шоирга яқинлигини ҳис этиши А.Блокка илҳом бағишлар эди».

Одатда, мураккаб асарларни таржима қилиш қийин. Лекин шуниси қизиқки, таржимонларнинг эътирофи этишларича (В.Рогов), Аветик Исаакйан лирикасини бошқа тилларга уғирлашнинг асосий душворлиги шоир асарларининг мутлақ содда ёзилганлигидадир.

# УСЛУБНИНГ БИЛЛУРЛАШУВИ

## 2- фасл

### УМУМБАШАРИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК, УСЛУБ ВА ТАҲРИР

#### ОЛМОС ҚИРРАЛАР

«Кашмир қўшиғи» достони Шароф Рашидов ижодида ҳам, умуман ўзбек адабиётида ҳам алоҳида мавқега эга. Бироқ асарнинг «махсуслиги», «ўзига хослиги»ни тайин этишдан олдин, унинг муаллиф ижодига дахлдор умумий белги ва фазилатига тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу умумийлик даставвал тасвирининг нозик кечинмалар билан йўғрилганлигида намоён бўлгандир. Бошқача айтганда, мазкур аломат, яъни тасвирининг майин туйғулар билан омўхта қилиниши адибнинг ҳаёт воқсалари тасвирига бағишланган бошқа асарларида ҳам хийла буртиб намоён бўлади. Бу Шароф Рашидов ижодий услубининг хос белгиларидан саналади. «Кашмир қўшиғи»га келганда, ушбу асарда муаллиф услубининг ана шу хислати янада қабарик ҳолла зухур кўргазган. Бу тасодифий эмас. Чунки мавзу, муддао, мақсад нуқтан назаридан бу ерда ана шундай, таъбир жоиз бўлса, лисоний ва услубий майинлик, нафосат яратмасдан иш куриш амри маҳолдир. Шароф Рашиднинг ўзига хос тили ва услубига дахлдор ана шу умумийлик «Кашмир қўшиғи»да буртиб-намоён-бўлган-экан,—бу-нарс,—айни-вақтда; муаллиф ижодий тасвирлаш тадбир ва тадорикнинг хослиги замирида найдо бўлганлигидан ташқари, мазкур асарнинг ўзбек адабиётида, қолаверса, фақат ўзбек адабиётида ҳам эмас, сўз санъатининг янгича намунаси бўлиб қолишига замин тайёрлаган.

Услубий назокат достоннинг бош белгиларидан саналаркан, бу хусусда ҳали алоҳида баҳс очаман. Асарнинг хослиги ҳақида юқорида бошланган мавзуга қайтганда эса; даставвал ёзма адабиётда халқ оғзаки ижоллан фойдаланиш анъанасини алоҳида қайд этишга тўғри келади.

Албатта, ҳар қандай нозик кечинмалар, ботиний туйғу ва кайфиятлар гуллар, капалаклар, шаббодалар, кумрию булбуллар тасвири орқали нақадар усталик билан омухта қилиб ифодаланган бўлмасин, булар барчаси фақат назокат рамзи бўлиб қолади. Таъкидлайман: жуда нозик санъат, сўз орқали уймакорларча тасвирлаш маҳорати билан яратилган нодир санъат нусхасидир бу ҳам. Бироқ «Кашмир қушиги» фақат шахсий кечинмалар ифодасидан иборат асар эмас, балки зоҳиран қараганда беозор гуллар, асаларилар, қушлар ҳамда даҳшатли табнат ҳодисалари ҳисобланмиш булут, момақалдироқ, бурон, изғирин, улатлар тасвири орқали, тўғрироғи, ана шу «ашёлар» замирида, чуқур ижтимоий моҳиятини ифодалай олиш туйғули, жиддий, салмоқдор гоё, катта башарий мазмуни, жанговар руҳ пайдо бўлган.

«Кашмир қушиги» таҳлилида Шарқ билан Ғарб адабий анъаналарининг ажиб бир тарзда қўшилиши ва омухталаниши ҳодисаси кузга ташланади. Шарқ мумтоз газалиётида баҳор, гул, булбул, май, ёр, маҳбубанинг қошлари, кузлари, дудоқлари, сочлари ва ҳоказолар тасвирида бешиҳоя кўп, беазир нафис асарлар яратилган. Уларда мажозийлик ҳамма вақт ҳам дунёвий мазмуни касб этавермайди. Энг яхши сўз санъати намуналарида шу ёруғ дунё нсъматларидан баҳраманд бўлишга даъват этишни куриш мумкин. Эҳтимол, мазкур адабий тур (жанр) тақозосига кура газал, рубоий, туюқда катта ижтимоий-маҳобатли гоёни мукамал ифодалаш қийиндир. Наср-назм аралаш ёзилган «Кашмир қушиги»да эса Шарқ ишърийятининг анъанавий «ашё»ларидан, оҳанг-образларидан, услуб-тадбирларидан фойдаланган ҳолда, уткир гоёвийликни ифодалаш талабига изчиллик билан риоя қилиниши ҳозирги умумидабий тараққиётимизга хос санъат асари яратилишига имконият яратган. Бу ерда ички нафосат ва туйғу-кечинмалар ҳам, нозик куй, мусиқа, оҳанг ҳам, теран ижтимоий фикр, ҳаёт-мамот жанги, кураш, мағлубият ва ғалабалар ҳам мавжуд.

### БАҲРАМАНДЛИК

Халқ огзаки ижоди ёзма адабиётининг ҳаётини манбаларидан бири эди ва шундай бўлиб қолади. Бироқ

гап муаллифнинг «Кашмир қушиги»ни ёзишда огзаки ижодий дурдоналардан жуда усталлик билан истифода этганлигида ҳам эмас. Қалам аҳли борки, муайян даражада ва меъёра фолклордан фойдаланади, унга мурожаат этади. «Кашмир қушиги»да эса яна бошқа жиҳатлар кузга ташланади. Аввало, ишнинг биринчи фаслида қайд этилгани сингари, бу асар уzbek халқ огзаки ижоди негизиде эмас, балки узга халқ афсонаси замирида қад кутарди. Бу ҳам эмас, — узбек маданияти, фани, адабиёти тарихида Ҳиндистон ва ҳиндларга бағишланган асарлар азалдан мавжуд булганлиги ҳам ишнинг бош қисмида эслатиб ўтишди. Абу Райҳон Берунийнинг «Таҳқиқи молли ҳинд» китоби, «Бобурнома», «Ҳумойуннома», «Акбарнома», Ҳиндистонда бобурийлар яратган меъморчилик ёдгорликлари ва адабий обидалар, ҳинд-узбек адабий ҳамкорлиги, Абдураззоқ Самарқандий, Абдулқодир Бедил, Мирзо Ғолиб, Зокиржон Фурқат ижоди ва ҳоказолар. «Кашмир қушиги»да яна бошқа анъана, қардош туркий халқлар адабиётлари ва янги давр узбек адабиёти анъаналарининг жонли излари мавжуд. Достоннинг узбекча нашрларидан биринга (1978) ёзган сунг сузида шоир Туроб Тула ҳам бу таъсир изларини эслатиб утади. Чунончи, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий куп мурожаат этган усул ва услуб — баҳри таъвилнинг «адиб қаламини кузатиши» ва ҳоказо. (Таъвил — арабча... Сузни уз маъносидан бошқа маънога буриш; Тушни йўйиш). Мен худди шу уришда Ҳамид Олимжон мактабининг сабоқлари, унинг ижодида фолклордан фойдаланиш, халқчиллик, шоир уй-ниятларининг гоят даражада софлиги ва самимиятининг содда тилда ифодаланиши каби сифатларнинг ҳаётбахш таъсирини қайд этсам булардики, бу махсус тадқиқ этишга муносиб катта мавзу.

### ТАЪСИРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

«Кашмир қушиги»да Шароф Рашид ижодига таъсир курсатган омилларнинг илдизлари таҳлил қилинар экан, яна иккита муҳим масалани четлаб ўтиб булмас. Биринчиси шуки, достонда адиб ижодига таъсир этган омиллар ҳақида гапирганда, яна бошқа бир жарасен ҳам руюбга чиқади. Бу, таъбир жоиз булса, «акс таъсир» масаласи. Бошқача айтганда, икки буюк омил — адабий-тарихий анъана билан янги, самарали

адабий тажриба — Шароф Рашидов ижоди узи ҳам ибратли бир ижодий усул ва услубга туртки берди. Қардош туркий ва бошқа халқлар адабиётлари, узбек адабиёти тадрижиётининг кейинги даврларида ёзилган асарлар кўздан кечирилса, бу нарса янада яққолроқ намоён бўлади. Чингиз Айтматнинг «Оқ кема», «Бутакуз», «Соҳил ёқалаб чопаетган олапар» сингари қиссалари, Асқад Мухторнинг «Чинор» румони ва бошқа бир қанча асарларда халқ огзаки ижодидан фойдаланиш, Чингизда эса тагин бошқа қардош халқлар афсоналаридан истифода этиш ҳоллари яққол кўзга ташланади.

«Кашмир қушиги»да узбек огзаки ижодига ҳамонханг лавҳалар, муштарак оҳанглар мавжуд булган афсонадан фойдаланиш билан бирга (умуман, барча халқлар фольклори учун умумий булган сифат ва аломатлар борлиги шубҳасиз), айни вақтда, бу афсона узининг миллий-анъанавийлиги тарафидан жиддий бир тарзда фарқланади ҳам. Шу тариқа, муаллифнинг хизмати мазкур дoston орқали бошқа халқ — ҳиндлар (кашмирликлар)нинг маънавий бисотидаги нодир дурдона, ажойиб афсонани ёзма адабий манбага утказиш орқали узбек адабиётида унинг узига хос бир тарзда ижодий ушлаштирилишига мушарраф бўлишдагина эмас, балки, шу билан бирга, асарнинг бир неча унлаб тилларга таржима қилиниши, саҳналаштирилиши орқали унинг (ҳинд миллий-маънавий бисотининг) дунёнинг бошқа мамлакатларида яшаётган халқлар уртасида тарқалишига олиб келганлиги билан ҳам белгиланади.

### УМР ФАСЛЛАРИ ВА ИЖОДИЙ САМАРА

Алишер Навоий йилнинг турт фаслига қиссан уз умрини турт босқичга бўлади: ёшлик, йигитлик, урта ёшлик ва кексалик. Чунончи: туфулият (ёшлик палласи — 7—8 ёшдан 20 ёшгача), шабоб (йигитлик) — 20 ёшдан 35 ёшгача, куҳулат (урта ёшлик) — 35 ёшдан 45 ёшгача ва кексалик 45 ёшдан 60 ёшгача. Улуг шоирнинг узи эътироф этишича, ҳар бир девон умр фаслларида бирининг маҳсули бўлиб, уларга шунга мувофиқ тарзда ном берилган. Бошқача айтганда, ҳар бир девон кечган умрнинг маълум даври самараси улароқ, қатъий хронологик чегарага эга, шунга кўра улар мазмун тарафидан ҳам бир-биридан тафо-

вут қилади. Девонлардан ҳар бирининг номланиши эса қуйидагича:

- I «Ғаройибус сигар».
- II «Наводируш шабоб».
- III «Бадойиул васат».
- IV «Фавойидул кибар».

Умр фаслининг ҳар бир даври бадний ижод хусусиятига таъсири масаласини аниқлашга киришганда қуйидаги уч ҳолатни инobatта олиш лозим:

— биринчидан, умрнинг турли даврларида яратилган турли асарларда ўш хусусиятнинг акс этиши («Хазойинул маоний»);

— иккинчидан, бир ёзувчининг турли даврларда муайян бир мавзуда ҳар хил адабий турларда ёзган асарлари (Ойбекнинг Алишер Навоий ҳаётига бағишлаб ёзган дoston ва румони);

— учинчидан, бир адибнинг ҳар хил даврда узининг муайян бир асарига қайта-қайта ишлов бериб (таҳрирдан ўтказиб), бадний камолот сари интилиши (Шарoф Рашидовнинг «Кашмир қушиги» қиссаси).

#### ИЖОД РУҲЯТИ

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафур «Кашмир қушиги»нинг янги наشري (1982) муносабати билан ёзган «Ижодий жасорат намунаси» номли мароқли мақоласида: шундай адиблар борки, улар уз асарларини умр бўйи юксалтириб борадилар, дейди. «Асарлари ҳам ўзлари каби юксалиш йулларини босиб ўтади, муаллифнинг инсоний такомилотини акс эттиради» («ЎзАС», 4.06.82). Мунаққид-масалани-тўғри-қўяди: қисса узининг биринчи нашридаёқ (1957) кенг шуҳрат топган эди, шунга қарамай, муаллиф асарни қайта-қайта жиддий таҳрирдан ўтказган экан, «биз буни тинимсиз камолотга интилиш эҳтиёжидан деб тушунамиз...», деган фикрни изҳор этади.

Бу мақолада бадний ижод хусусияти, муаллифнинг уз асарига муносабати, кўп вариантлилиқ, уз-узини таҳрир қилиш сингари уз табиати эътибори билан ниҳоятда муҳим масалалар қўтариладики, мен ана шу даъволардан айримларини бир қадар ёритишга ҳаракат қиламан.

Шарoф Рашид «Кашмир қушиги»ни қирқ ёшида ёзди. Олтинчи бир ёшида қиссанинг иккинчи наشري-

ни берди. Олтмиш беш ёшида эса учинчи нашр пайдо бўлди.

Шу зайл муаллиф баракали, сермазмун ижодий-бунёдкорлик фаоллигининг чорак асри, бошқа аслий асарлари билан бир қаторда, «Кашмир қўшиғи»нинг уч нашрини ҳозирлашга сарфланди.

«Ижод руҳияти» жуда кенг тушунча. Истиснодлик ёзувчи ҳамма вақт бир моромда, сидирга асарлар яратмайди. Бундай ҳолда услуб сийқалашиб кетиб, у барпо қилган асарлар ўқувчига зерикарли бўлиб қолар эди. Шу сабабдан, танланган мавзу ва «мулжалга» олинган ўқувчини куз олдига келтирган ҳолда, адиб ҳар гал ҳар хил «қалам тебратаети». Ана шу, қаламни ҳар хил «тебраниш»га мажбур қилладиган омиллардан яна бири — муаллифнинг ёши билан боғлиқ. Ҳар бир ижодкор ўз умрининг турли поғоналарида турли-туман мавзуларга қўл ураркан, бунда у ҳар хил услубий воситаларга мурожаат этади. Шунинг учун ҳам айни бир ёзувчининг турли ёшларда яратган асарларида муайян даражада фарқ сезилади. Бу нарса, айниқса, адиб ўзининг айни бир асарига мурожаат этганида ярқ этиб кузга ташланиб қолади. Шу бонсдан булса керак, улуг Алишер Навоий ҳам ўзининг тўрт девондан ташкил топган улкан «Ҳазойинул маоний» шеърини мажмуаси мундарижасини ёш кўрсаткичи, яъни умр фаслларига қараб тайин этган.

### ЛИСОННИЙ ХАЗИНА

Ҳар бир аслий бадний асар маънавий ҳаётимизга ўзи билан бирга куплаб янгиликлар олиб келади. Булар ўқувчини ҳаётга, кечаётган воқеа-ҳодисаларга янгича қарашга ўргатади, уни янги гоёлар билан қуроллантиради. Агар асар қанчалик ўткир ёзилган, жозибадор, таъсирчан бўлмасин, тафаккур қуввати суст бўлса, бу асар шунчаки эрмакдан бошқа нарсага ярамайди. Бунинг аксича, башарти, адабий асарда жуда салмоқдор гоёлар кутарилган бўлсаю, унинг бадний-ифодавий таъсирчанлик қуввати паст бўлса, бундай «ижод намунаси» ҳам тез орада, ҳаётдан ўз ўрнини топиб улгурмай, умрини тугатади. Бас, ҳақиқий бадний асарда кучли ижтимоий мазмун фасих бадний тасвир воситалари орқали ифодаланган бўлиши керак.

Йирик ёзувчиларнинг рўмон, қисса, ҳикоя, достон, шеър ва сахна асарлари бундай гоёвий ҳамда

бадний-ифодавий янгилекларга келимиз. Олайлиқ, Алишер Навоийнинг беш бебаҳо дostonдан ташқил топган «Хамса»си, уч миңгу бир юзу уттиз икки шеър эки қирқ тўрт миңгу тўққиз юз мисралар иборат «Хазоиниул маоний» (Маънолар хазинаси) мажмуасининг қиммати шу асарларнинг номлариданоқ кўриниб турибди: булар сеҳрли алфоз ва каломлар маъданининг миселсиз кони, янги маънолар кашфиетидан иборат. Ўзбек қадим адабиетидан хужа Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Юсуф Хос Ҳожиб, мавлоно Лутфий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат ва бошқа бадний сўз даҳолари ҳамда янги давр адабиетининг улкан намоёндалари Ҳамза Ҳакимзода Нисзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чулпон, Ойбек, Усмои Носир, Фафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, шунингдек, кундаб энг янги давр шоир ва ёзувчиларининг сара асарларида ҳам шода-шода янги сўз ва маъно жавоҳиротларини топши мумкин.

### ЯНГИ СЎЗЛАР ВА МАЪНОЛАР КАШФИЁТИ

Бадний асар «маънолар хазинаси» бўлиб, ёзувчи узининг ҳар бир китобида қандайдир «янги гап» айтишига ҳаракат қилар экан, у ўз муддаосини она тилининг мавжуд лугавий-ифодавий воситалари орқали русба чиқаради. Бошқача айтганда, адиб янги маънолар ихтиро қиларкан, бунда ҳар қандай янги маъно ҳамма вақт ҳам янги сўз, ибора, ифодавий таркибининг пайдо бўлишига олиб келавермайди. Ҳар қалай, адиб ижод қилаётганида муқаррар равишда аллақандай «лисоний-янгилик» — янги лугавий-услубий бирликлар барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Лекин шунга қарамай, ижод жараёнида, кўпинча беихтиёр, гуё «ўз-ўзидан» у янги сўзлар эки янги таркиблар ҳам кашф этади. Бу, умуман, тушунарли ҳол. Зеро, ёзувчи уша айтмоқчи бўлган «янги гапини», чиндан ҳам, янгича воситалар билан ифодаланга ҳаракат қилади.

Ёзувчининг «лисоний кашфиёти», яъни тил соҳасидаги ижодкорлиги, яратувчилик фаолиятини тор маънода, яъни унинг айрим сўз ва иборалар бериши қабилда тушунмаслик даркор. Шундан бўлиши ҳам мумкинки, адиб бундан муқаддам маълум бўлган тил бисоти, лугатда мавжуд сўзлар негизда иш кўрган



ҳолда ҳам янгилик бунёд этиши мумкин. Бунда бунёдкорлик фаолиятининг мундарижаси эскириб, унутилиб кетган суз ва таркибларни ҳаётга қайтариш орқали уларга янги ҳаёт бағишлаш, бу орқали янги маънолар ихтиро этишни ҳам қамрайди.

«Кашмир қушиги»да ҳозирги ўзбек адабий тили лугатида бундан муҳаддам учрамаган аллақанча янги сузлар ҳам, тилимиз лугат қатламининг хийла қўҳна даврларида мавжуд лексикавий бирликлар асосида бинно қилинган маъновий (лексик-семантик) янги кашфиетлар ҳам куп учрайди.

Муаллим ўз шоғирлари билан савол-жавоб қиларкан, айрим муаммоли масалаларни янада чуқурроқ муҳокама қилинишини кутиб биров «мусоада» қилади. Бу қалима купчиликка маълум эмас. Ўзбек тилининг изоҳли лугатига мурожаат қиламан: Мусоада эск. кт. қўмаклашиш, имкон туғдириш...» (Ўзбек тилининг изоҳли лугати (УТИЛ), 483). Бу ердаги «эск.», «кт.» қисқартмаларни нимани англатади? Булар «эскирган», «китобий» дегани. Бироқ сузларнинг эскирганлигини аниқлаганда, уларнинг ҳозирги вақтда истифода этилишига қараб ҳукм чиқазиб булмайди. Тугри, мусоада ва шу хил бошқа юзлаб, минглаб қалималар борки, улар, чиндан ҳам камёб, аҳён-аҳёндагина учраб қолади. Сабаби, уларнинг «улик» сузлар қаторига утиб, тилдан буткул чиқиб кетганлигида, яъни тил учун бу ҳодиса табиий жараён эканлигида эмас. Гап бу сингари сузлардан гофилликда, уларни билмасликдадир. Гофиллик эса, қайси соҳада булмасин, далил була олмайди.

Мусоада сузини қўллаш билан муаллиф жуда кесракли, зарур, бизга етишмаётган бир қалимага ҳаёт нафасини пурқади. Бу сингари қайта ҳаёт топган ёки қисса мантиқи тақозоси билан янги кашф қилинган сузлар жуда куп учрайди.

Бўрон «айёҳаннос солиб» укириб, ҳамма ёққа даҳшат оловини сочиб, нозик гул ва новдалар устига ёпириларкан, муаллифнинг мана бу тасвири диққатни тортади: «Гудак кафтидек мурғак япроқлари, нурга йугрилган навниҳоллар аёзда изиллаб, титроқ босиб, бир-бирини суяб турадилар. Муртгина буталардаги гуллар-чи, уларнинг иложи қанча? Қуёш ва шаффоф сувларнинг, инсон тийнати ва меҳру оқибатининг фарзандлари булмиш улар бошпана ва зарра ҳарорат илнжиде ер пинжиге биқинадилар, унгирлар ва тошлар панасига, рахналарга яшириниб оладилар» (347).

Табнат тасвирига бағишланган энг сара, нозик, олиймақом кузатишлар ва тасвирлар даражасида турадиган ажойиб лавҳа! Манзаранавис рассом учун тайёр «тап». «Инсон тийнати ва меҳру оқибатининг фарзандлари» булмиш «улар» — нима? Бу — гулларга берилётган таъриф. Хуш, тийнат нима? Тийнат характер, хулқ, табнат, феъл, яратилиш (Навоий асарлари лугати (НАЛ), 1972, 608). Қаранг-а, тилимизда «характер» маъносини нфодалайдиган уз сўзимиз ҳам бор экан. Афсуски, бу нодир калима ҳам академик изохли лугатимиздан урин олмабди. Демак, «Кашмир қушиғи» яна бир жуда зарур, ҳар нафасда эҳтиёж тугилиб турадиган каломни бизга ҳадя этди.

Бундай сўзлар — унлаб...

### СЎЗНИНГ СЕҲРИ ВА МЕҲРИГИЁСИ

Суз фаровонлиги фикр ва маънавий қиёфа зийнатига далил. Яхши бадий асар фақат дилларни қувонтирибгина қолмай, шу билан бирга, тилга ҳам янги янги инжу доналарини ҳадя этади. Натижада ўзи мутолаа қилаётган асарнинг бадий нафосатидан завқ олаётган китобхон илк дафъа дуч келган янги суз, ибора, тасвир воситаларини ҳам эсда сақлаб қолади. Мана улар: обият (335), дилқушо (345), оламтоб (340), маъво (353), фаромуш (335), сано (352), тийнат (347), ниллий (340), чокар (350), сарафроз (370), маъсум (364), муножот, тавалло (359), барқ (360), вожиб (358), меҳриғиё (364), реза (307), тиға (341) ва ҳоказо. Бу сингари сўзлар сифат, равиш, ҳаракат, ухшатиш, қиёс маъноларини англатган ҳолда, тароватли раӣҳону жамбиллар, —лолақизгалдоғу—ранг-баранг\_капалаклар, шабнамнинг инжу доналари тасвиридек, кўзни уйнатиб, асар саҳифаларида «экиб» ташланган.

«Кашмир қушиғи»да шаклнинг мазмунга, тасвирнинг гоёга, сифатнинг ҳаракатга, равишнинг моҳиятга мослигини таъминлаган бундай аксарият камёб, мазмундор сўзлар ҳаётнинг турт фаслига хос исигиру совуғи, аччиқ-чуқларини имкони бор қадар чуқур, қўламдор манзараларда гавдалантиришда муаллифга жуда қўл келган.

Қиссининг муқаддима қисмида уқийман: «Дарёларни тоғу тошларда бинога келади, деганлар, обиятнинг у ёқларга денгизу океанлардан утишини фаромуш қилади» (335). Обият сўзини «Ўзбек тилининг

изоҳли лугати»дан ҳам, «Навоний асарлари лугати»дан ҳам топиб булмади. Курнадики, салоҳият, моҳият, офият, ҳуррият сузлари қолипи (моделли) асосида об (суб) суздан обият ҳосил қилинган. Хуш, бунинг урнига ҳаммага бирдай тушунарли булган оддийгина сув сузини қулланса булмасмиди, деган савол тугилади. Йук, гап донишманд муаллим тилидан айтилмоқда. Бинобарин, бу ерда «шунчаки» ичимлик сув эмас, балки фалсафий умумлашма маъносидаги айнан обиятга зарурат бор эди. Оддий унутмоқ урнида фаромуш калимасининг истифода этилиши сабаби ҳам умумлашма тимсол ҳисобланмиш муаллимнинг узига хос тилини яратиш эҳтиёжидан келиб чиққан.

Муножот сузини «Навоний асарлари лугати» ялиниш, ёлвориш деб (415). «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» эса — «диний. Худодан нажот, мадад тилаб қилинадиган тунги ёки яширин ибодат» маъносида талқин этади. Шунингдек. «Изоҳли лугат»да: «Тавалло эск. Ёлвориш, ялиниб сураш, илтижо» (УТИЛ, П, 104) деб тушунтирилади.

«Кашмир қушиги»да «айрилик утида уртаниб адо булган» Бамбур офтобга муножот қилади ва офтоб ҳам унинг таваллосини эшитади (359). Агар бизнинг лугатларимиз маантиқига таяниб иш қуриладиган булса, ҳар иккала суздан фойдаланишда — улар диний маънога эга булганлиги ва эскирганлиги учун — тилшунослик илмининг «ҳозиклари» даъвосига қура, эҳтиёт булишга тўғри келарди. Зеро, бу асли арабча сўз булиб, уни истифода этилса, гуё ислом динини тарғиб қилган булиб қолардиқ-да! Уфф... Бироқ Бамбурнинг офтобга юзланиши «шунчаки» мурожаат, ялиниш, илтимос ҳам эмас, балки бу айнан: муножот ва таваллодир.

## МЎЪЖИЗАВИЙ УСЛУБ

*Эй, тисон кўзига нур сочган кўзи,  
Омон бул...*

*Шароф РАШИДОВ*

## ВАТАН ҚАСИДАСИ

Қиссада тасвирланган жамки воқеалар — Бамбур билан Наргизнинг танишувидан тортиб, хандон че-  
чакларининг шовқинигача, Бурон билан Хоруднинг қу-

лоқларни қоматга келтирувчи бақриқ-чақриқларидан то қумрию булбулларнинг хонишигача, қисқаси, оддий заррадан тортиб Хуршиди тобонгача бутун борлиқ ва ҳодисотлар интиҳойи сирли, савқи табиий мўъжизакор. Лекин... укувчи узи библи, англаб турган барча бундай «фавқултабиий» шартлиликлар пардасини бартираф этиб, қиссага ғоят самимий равишда бажонидил ишонади. Чунки муаллиф бадий ҳаёт оламининг жозибаси, унинг қутлут мақсад-муддаоси ва бениҳоя самимий ҳикоя қилиш услуби укувчини гуё инон-ихтиёридан маҳрум этгандай булади: қиссада тасвирланган воқсалар ва манзаралар уни ўз оғушига олади.

Бундай қараганда-ку, қор, бурон, ой, қуёш, юлдузлар, ёмғир, дўл, шамол, изгирин, насим, момақалди-роқ, усимлик зарарқунандалари, капалаклар, турли-туман ҳашаротлар, қурт-қумирсқалар, майсалар, гуллар ва ҳоказоларнинг барча-барчаси уша-уша бор нарсалар. Деярли ортиқча, гаройиб бирон нарса йўқ. Лекин бундай табиий нарса ва ҳодисалар, жараёнларга маъно берилган. Уларга инсоний, онгли нуқтан назар, фаоллият, хулқ-атвор бағишланган. Бунинг натижасида табиий ҳодиса-воқсаларга инсоний тус бериб тасвирланган. Асарнинг услубий ўзига хослиги ана шу табиий-инсоний тушунчаларнинг чоғиштирилиши, пайвандланиши замирида пайдо булган.

Шу тариқа, «Кашмир қушиги»ни ўқиганда Фариддин Атторнинг «Мантиқут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» дostonларидаги, Жалолиддин Румий, Муҳаммадшариф Гулханий масалларидаги шартлиликлар, рамзлар, тимсол ва образлар кўз олдинга келар экан, ёзувчи Шароф Рашид қиссасининг туб мазмуни ва ғояси бирлик, эрк ва озодлик учун фаол курашга бориб тақалиши, унинг асл муддао негизи нотинч йиғирманчи аср муаммоларини юксак бадий савияда ўзида акс эттираётгани ошкор булади.

### ЖИЛАМ СУВИДАЙ ТИНИҚ АЛФОЗ


«Кашмир қушиги» оддий баён, қуруқ ахборотдан тамомила холи, бошдан-оёқ образли тил билан ёзилган. Ибратли жиҳати, қисса пок бадий-ифодавий тарзда ҳикоя қилинган. Асар Жилам дарёсига келиб қуйилувчи, қуйлаб оқаётган чашмалар, сойларнинг сувидай тиниқ, жарангдор, соф тил, дилбар, майин,

мафтункор услубда бунёд этилган. Муаллиф табиатнинг турт фаслига хос нашида, ҳарорат, ҳазонрсзлик, зулматни инсоният ҳаётига, уз кашмирлик қаҳрамонлари фаолиятига тадбиқ этар экан, алоҳида олинган ҳар бир манзара, лавҳа, ҳолат ва кайфиятга мос буёқлар, сўзлар, жумла ва ибораларни топади.

### ҚУРҒОҚЧИЛИК, ҚИРҒИН ПАЛЛАСИ ТАСВИРИ

...Гуллар боғи Буроннинг ҳалокатли хуружи, қабих ишлари оқибатида, битмас-туганмас ситамлар оқибатида қурум босган овлоқ харобалар маконига айланди. Энди бунда майсалар ҳам, чечаклар ҳам йўқ, лолалар, гуллар ҳам қуринмайди, қушлар, булбуллар ҳам сайрамайди, булоқлар қайнаб-тошмайди, сувлар оқмайди, қуй-қузилар утламайди, чупон ва деҳқонлар бу жойларни тарк этишган (350).

Бу ерда муаллиф маънодор тасвир яратиш мақсадида икки хил тадбир қўллаган. Биринчиси — такрор санъати, иккинчиси — ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ҳаракат ва фаолиятига хос ранг-баранг феълларни қаторлаштириш, уюштириш санъати.




Бу тахлит жумла қурилиши воқеанинг ҳазин оҳангда тасвирланишига имкон яратган.

## МУСНБАТ, САРСОНЛИК-САРГАРДОНЛИК ВА ҲИЖРОН ТАСВИРИ

Бамбур ҳақиқатан ҳам Наргизи йулини йуқотиб қуйган, Наргиз васлига ета олмай оворайи жаҳон эди. Қай тарафга бош урмасин у вайронага туқинар, у қурган йуллар, у сайр қилган боғлар, чаманлар, водийлардан асар қолмаган эди. Йулнинг қоқ уртасида шилдираб унга ҳамроҳ булган сойлар тескари оқар, у қурган қоялар муаллақ, у севган турнакуз фируза булоқлар қайнамас, у тинглаб маст булган дилором қушиқлардан ному нишон йуқ эди. У йул юради, йул юрса ҳам мул юради, узоқ-узоқ юради. Наргизи фируқида у тортмаган қайғу-гамлар, чекмаган жафолар қолмади. Тушлари юлдузлардан, кунлари шамоллардан, тушлари елдирим оёқни оҳулардан, кунлари олмос кузли булутлардан суроқлаб ҳоли-жони қолмади. Ҳеч биридан курдим, эшитдим, деган жавобни ололмади. Бургутлар қоя ковакларига кириб кетган, шамоллар уз ихтиёридан айрилган, юлдузлар эса булутлар дастидан нотавон эдилар (358—359).


Бу ерда жумла қурилиши ички руҳий тасвир: Бамбурнинг сарсонлик-саргардонлик ҳолатини ифодаланишга мосланган. Ганнинг биринчи қанотида Гуллар водийсида Бурон билан Хоруднинг бузғунчилиги натижасида содир булган даҳшатли манзаранинг тафсилотлари бирма-бир таъкидланади:



## ЖОНЛАНТИРИШ, ТАСВИРНИ ҚУЮҚЛАШТИРИШ, МАЪНОНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Ораста гуллар қуёшли тонг шуъалари ва шабнам-лари, оби зам-замларини эмиб ноз билан анвои рангларини куз-куз қиладилар, баҳор фаслининг дунё-дунё севинчларини намойиш этадилар. Бири биридан латофатли, бири биридан тароватли, бири биридан сербарг, бири биридан сергунча бу гуллар эркаланиб қуёшга ишва қиладилар, қуёш ҳам улардан нурини аямайди. Жазирадан сулинқираб қолганларида эса оппоқ парку булутлар узларининг учар кулкаларини уларга соябон қиладилар (337).

Бу ерда жумлалар, бирикмалар, услубий такрорлар бир-бирлари билан мураккаб занжир ҳосил қилиб, яхлит манзара яратган.



«Кашмир қушиги»нинг тили ташбеҳли, лугати бой, услуби ранг-баранг, жилвакор эканлигини қуйидаги мажоз, сифатли ўхшатишлардан ҳам билса бўлади: хуш овозлар (346), чарос қўзлар, ипак зулфлар, ёқут дудоқлар (338), осуда рафторлар, гулгун чехралар (353), қаҳрабо юзлар (364), дилқушо суҳбат (345), дилрабо қўйлар, шайдойи булбуллар (346), шафоатли қуёш, биллур шалолалар (370), ногирон гунчалар (362), уфори бўйлар (360), муаттар ҳидлар (360), барра майсалар, хандон чечаклар (341), беором қушлар (339), шаффоф сув (347), жингиртоб саҳролар (339), залворли тоғлар, симобий қупиклар, зилол сувлар, ораста гуллар, анвои ранглар, парқу булутлар (337), инжу қатралар, сарин ел (338), ниллий уфқ (340), оромижон қушиқ, мунгли ғамза, дилнавоз рақс, оламтоб фазл (340), саодат ошени, омонлик диери (342), иқбол чашмаси (330), инсон тийнати (347), ажал чокарн (350), ҳаёт гули, вабо элчиси (358) ва ҳоказо.

Тил, услуб ва бадий тасвир воситалари ҳақида гап кетганда, асарнинг муҳим бир хусусиятини алоҳида қайд этмоқ даркор.

Ривоят қилишларинча, Лукмони ҳаким доривор утланлар йиғиб келиш учун тоғларга чиқиб, далаларни кезганларида, дуч келган ҳар бир гиёҳ тилга кириб, «Мен фалон дардга давоман», «Мен фалон иллатни қуритаман» деб ўзи хабар берар экан.

Достонга асос булган Кашмир «воқаси»нинг узига хос жиҳатлари нималарда зоҳир булади?

Аввало, соф табиий ҳодисалар куйланади. Бу ерда тараннум этилган нарсалар илмий истилоҳотда «фауна», «флора», «орнитология», «климатология», «метеорология», «набобот» (ботаника), «селекция», яъни ҳайвонот, ўсимликлар, паррандаю даррандалар, иқлимшунослик соҳаларига доир қонуниятлар, нарса ва ҳодисаларнинг атамалари билан ифодаланади. Психология ва офталмология фанлари мавқеидан жуда қизиқ кузатишлар ҳам ўз бадний ифодасини топган. Инсон табиат фарзанди, унинг қўйнида яшайди, бинобарин, табиат инсон зурриёди учун макондир. Лекин достонда кишилар сиймоси кўринмайди. Бутун воқеа табиат номидан, табиий ҳодисалар замирида, табиий ашёлар иштирокида кечади. Мана асарда иштирок этувчи нарса ва ҳодисалар: замин, қуёш, водий, бурон, шамол, изғирин, насим, зилзила, булут, туман, тун, момақалдироқ, чақмоқ, ёмғир, дўл, сел, хазонрезлик, тутун, саҳро, булоқ, шабнам, дов-дарактлар, новдалар ва илдиэлар, асаларилар, қушлар, гуллар ва ҳоказо. Хуллас, бу ерда, таъбир жоиз булса, Бош қаҳрамон — табиатнинг ўзидир.

---

#### ҲИҚДИЁНА НАШЪУ-НАМО (КОЛОРИТ)

---

«Табиат — қотиб қолган интеллект», — дейди Гегел. Гап табиатга шайдоликда эмас, балки унга мутафаккир назари билан қараш, уни шоир қалби билан ҳис этиш, ана шу нуқтаи назар ва бой туйғуни мусаввир муйқалами билан ифодалаб, булар асосида, тасвирда, таъбир жоиз булса, табиатни ҳаракатга келтиришдадир. Айтишлик, олим эсаётган шамолнинг кучини аниқлайди, энтомолог бирон зарарли ҳашаротга қарши заҳарли модда тавсия этади, сейсмолог зилзиланing исча балга эга булганлигини текширади. Адиб эса табиий ҳодисалар тасвири асосида зўр бадний қувватга эга булган ташбеҳ, тимсол, манзара, мажоз яра-



тади. Бунинг натижасида нарса ва ҳодисаларнинг табиий-ҳаётий (биологик) таҳлили эмас, балки чуқур бадиний умумлашма ҳосил булади. Бу ерда расом тасвирида илғаб олинган ва бўёқларда қотган, ҳаракатсиз, соқит гузал лаҳзалар эмас, балки ҳаракатдаги нафосат, амалдаги жараён уқувчининг куз унгида ястанадди. Узининг бутун тилсимоти, сеҳру жодуси, жилваси, ишваси, нашъу намоси ва каромати билан!

Машҳур Кашмир афсонасининг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда ҳиндларнинг ўзига хос бир тарздаги табиатга муносабати ўз ифодасини топган. Ҳиндлар табиатга жонли мавжудот, сирли воқеаларнинг кечмиш макони деб қарайдилар ва шу зайдда жуда куп табиий нарса ва ҳодисаларга илоҳий маъно ато этадилар. Бинобарин, ҳинднинг наздида олов (оташ), осмон, булут, сув, ситир, маймун, қутос, фил, какку ва ҳоказоларнинг барчаси шунчаки табиий нарсалар эмас, балки илоҳий, инсоний, маънавий, руҳий тушунчаларга вобаста ҳодисалар тарзида талқин қилиниб келинган. Худди шу боисдан ҳинд огзаки ижодди асарларида паррандаю дарранда, турли махлуқотлар, ботирлар, маъбудлар, инсу жинслар бамисоли чинакам адабий қаҳрамонлар сифатида зоҳир буладилар. Фақат огзаки адабиёт намуналаригина эмас, балки ҳозирги замон ҳинд адабиётида, ҳинд театри, тасвирий ва кино санъатида ҳам реал воқеа-ҳодисалар билан бир қаторда, ҳиндлар учун аъъанавий-миллий мажоз, тимсол, удум ва маросимлар хийла кенг тасвирланди.

### МУҚОЯСАВИЙ ТАРҲ

Адабиётнинг бош аломати унда инсон ҳаётининг тасвирланишидан иборат. Табиат ёки табиий ҳодисалар ўз-ўзича қанчалик гузал, мусаффо, дилбар бўлмасин, агар асарда инсоннинг иштироки, инсоний дид, инсоний нуқтаи назар иштирок этмаса, яъни тасвирланган табиий воқеа-ҳодисалар ортида инсоннинг назди-назари бўлмаса, табиатнинг бутун гузаллиги мавҳум бир нарсага айшаниб қолади.

«Кашмир қушиги»да иштирок этувчи бош қаҳрамон — асаларилар шоҳи Бамбур, гуллар маликаси — Наргиз бўлиб, Бурон билан Хоруд (қишлоқ хужалик усимликлари зараркунандаси) салбий қаҳрамонлар тимсоли. Ҳар иккала гуруҳ — Бамбур билан Наргиз,

Бурон билан Хоруд бошлиқ ижобий ва салбий кучлар тимсоли узларича ёлғиз эмас, уларнинг атрофида уз муҳити, мадакдорлари бор: Бамбур билан Нарғиз тарафида — қушлар, гуллар, дов-дарахтлар... Бурон билан Хоруднинг измида шамол, улат, изғирин, чақмоқ... Асарда бамисоли табиат — жамиятта, жамият эса табиатга муқояса қилингандай туюлади, бошқача айтганда, табиий ҳодисаларга башарий маъно берилса, кишиларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларига хос сифат ва белгилар табиий ҳодисаларда ҳам зухур кўр-газгандай бир таассурот пайдо булади. Табиат билан Инсон ёки табиийлик билан одамийлик уртасидаги «чегара»ни оддий куз билан кўриб булмайди. Достонни диққат билан ўқиган китобхонгина асарнинг бу хусусиятини муаллиф муносабати ёхуд нозик ифодавий-услубий «ишораларни» орқали ўқиб олиши мумкин.

### СЎЗ ЖОНЛИДИР

Тасвирга махсус маънодорлик бағишлаш натижа-сида, унда чизилган ҳар бир дарахт, тош, қуёш, гул, қуш, зилзила ва ҳоказолар гўё одатдаги нарса ва ҳо-дисалар эмас, балки ҳаракатдаги тимсолдир. Бунинг натижа-сида улар ўқувчининг кўз ўнгиде ва тасаввуриде қандайдир нашьа, кайфият, кўтаринкилик, гурур ёки даҳшат, кўрқинч, нафрат, қарғаниш, тушқулик, па-рокандалик ҳисларини тутдирувчи аллақандай сеҳрли тимсолларга айланадилар. Гўё ҳар бир калима ҳам «шунчаки» сўз эмас, балки аллансчук маънодор, муъжизавий жонли мавжудотлар сингари ўқувчининг оёғиде, қалбиде, шууриде нақшланиб қолади. Чун-чи: Гуллар боғи — макон; Нарғиз — нафосат тимсо-ли, гуллар маликаси; Бамбур — асаларилар шоҳи; Хо-руд — офат, бало-қазолар тимсоли; Бурон — вайрона-лар соҳибни; Лола, Атиргул, Сарикгул, Ёвунгул, Нав-рўзгуллар Нарғизнинг дугоналари, соҳибжамол маҳбу-балар, эзгулик ва гузаллик тимсоллари: водий; булбул-лар ва қумрилар маскани; қуёш ёлдулари; ойинаи жа-ҳон; дунё томи; қуш тилини билувчилар; гул тилини тушунувчилар; шабнам, шаббода, куйи, мусиқа; гузал-лик, кинот, илтифот, висол, садоқат, вафо, самий-мият, уялиш, ийманиш, ақли расолик... Булардан ташқари: булутлар, тун зулмати, момақалдирак, чақ-моқ, зилзила, ҳид, ҳажр, изғирин, қора либос, қузгун,

ҳасад, қора кучлар ва қора юраклар, ажал туфонлари, хазонрезлик, ёмғир, дул, сел, ажал, улат, алвасти, харобазор, иблис, япроқ, тақир саҳро, маккорлик, дагдага, шовқин, қора офат, заҳарли тил, қутқу, қаҳр-газаб, заҳар, вабо, гунг, нола-афгон, тутун, қабрнстон, баттол, қашшол, дажжол ва ҳоказолар. Асарда гузаллик билан куполлик, нафис вужуд билан рудапо турк, ҳаёт билан ажал, абадият билан муваққатлик, боқийлик билан фонийлик, васл билан ҳажр, тинчлик билан уруш, қуёш билан булут, ҳаёт нафаси билан ажал қаҳқаҳаси, насим билан изгирин, бог билан саҳро бақамти қуйилади, муқоясага келтирилади, дучлаштирилади. Қиссада буларнинг барчаси қандайдир мавҳум, шартли куланка эмас, балки уз вужуди, қиёфасига эга булган ҳаракатдаги жонли нарсалардай ўқувчи куз унгида гавдаланади. Муаллиф гузал, нафис, маъсум нарса ва ҳодисаларни гоёт самимият, муҳаббат туйғулари билан майин пардаларда тасвирласа, бадқирдор, рудапо, бузғунчи, жирқанч, исқирт ҳодисаларни тасвирга олганда қора бўёқлардан қуюқ фойдаланади. Бунинг устига, сўзларнинг куп маънолик хусусиятларидан фойдаланиб, ширдор лавҳалар чизилган.

#### ЧЕГАРА ҚАЙСИ НУҚТАДАН БОШЛАНАДИ?..

Ораста гуллар қуёшли тонг шуълалари ва шабнамлари, оби зам-замларини эмиб ноз билан анвои рангларини куз-куз қиладилар, баҳор фаслининг дунё-дунё севинчларини намоён этишди (337).

Бу ерда табиий жозибали ҳодисага (гуллар, эммоқ) инсоний талқин берилди. Нарғиз булбуллар, қушлар даврасида гулзор бўйлаб уйинга тушади. Муаллиф қайд этади: Яна қалби қайноқ ёшлик орзуларига, гузал ҳаёт нашъу намоларига лнммо-лим тулиқ бир қизнинг ҳам ҳамроз хониши эшитилади. Унга ёлғизоёқ йўллари, нилйи уфққа пайваст узоқ-яқин қишлоқ қизларнинг қувноқ яллари улаиб кетади (340). Чап-пор уриб усаётган гуллар, маст булиб сайраётган қушлар оғушида яшаётган қишлоқ қизларини тасаввур қилинг. Қайси нуқтада табиат жамиятга айланади-ю, қай нуқтада жамият табиат қуйнига утади; қайси нуқтада афсона ҳаётга эврилади-ю, қасрда ҳаёт афсонага айланади: буни илғаш қийин. Чунки муаллиф асарда гўё фақат ёзувчигина эмас, яъни у фақат сўз воситаси

билангина иш кўрмайди, балки рассом сингари, буюқлар, жыллар воситасида тасвирлайди, бастакор сингари табиий мусиқани майин, жозибали авж пардаларда тараннум этади.

Асаларилар шоҳи Бамбур гуллар маликаси Наргизга: сени излаб от солмаганим бустон қолмади, дейди. Яна бошқа бир уринда Бамбур отини уша туполон турган осмон остига қараб буради. Асаларининг «от солиши» орқали бир-биридан тамомила фарқланувчи биологик турларнинг «қовуштирилиши», яъни бутунлай бошқа-бошқа маъновий тушунчаларнинг бириктирилиши натижасида қитқдор, таъсирчан, жонли манзара чизилган.

Дилрабо куйларга гоҳ қизларнинг хуш овозлари, гоҳ шайдоин булбулларнинг гуллар рақсига эш наволари, гоҳ олис қирлар кучоғидаги чупон найларининг нолон садолари жўр булади (346—347).

Асалари билан гул муҳаббати тасвирида қишлоқ қизларининг рақси, чупонларнинг найларидан таралган дилбар оҳанглар ва бошқа шу сингари инсон ҳаётининг моддий ва маънавий жиҳатлари «иштирок этиши», тасвирга майинлик бахш этишдан ташқари, табиат мадҳиясида турмуш лавҳаларининг жуда нозик, сезилар-сезилмас бир тарзда услубан омухта қилинишига имкон яратган.

#### •ГУЛЛАР ВА •БУЛБУЛЛАР ҲША-ҲША. ҒОЯ РАЛАТ

Ғарб адабиёти руҳида қалам тсбратадиган адиблар, Ғарб адабий анъаналари асосида тарбияланган адабиёт мутахассислари, таржимонлар Шарқ адабиётида, — жумладан, — ҳозирги — замонавий — узбек адабиётида ҳам «гул» ва «булбул» ҳаддан ташқари кўп учрашини писанда қиладилар. Ана шу асосда кўпинча таржима давомида асардаги «гуллар», «булбуллар», «ой», «қуёш», «юлдузлар»ни анъанавий бежамадорлик белгилари деб ҳисоблаб, улардан халос бўлишга, асарни «реализм» (баъзан ҳатто «социалистик реализм»!) талабларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Эҳтимол, чиндан ҳам, қаердадир қайд этилган «ашёлар» қуруқ анъанавий тимсол, жимжимадор кашта бўлиб қолган ҳоллар ҳам топилар. Бусиз булмайди. Бироқ анъана ҳар бир миллий адабиёт тараққиётининг ҳаётий негизи эканлигини унутиш ярамайди. «Кашмир қушиғи»да Шарқ мажозий ифода тарзи, таъбир жоиз

булса, буюк Ҳофиз, Навоий, Бедиллар услубига хос «лисонул ғайб»дан фойдаланган ҳолда, тамсилий образлар, адабий шартлилик, халқ оғзаки ижодига хос тасвирий воситалар, жонлангириш усулларига таянган ҳолда, миллий озодлик, эрк, ҳуқуқ учун курашга чорловчи катта ижтимоий жарангос ўз ифодасини топган. Гуллар, булбуллар, кумрилар, шаршаларар воситасида муаллиф мавҳум ишқий гоёни тараннум этмайди, балки икки севишган қалбнинг қайноқ муҳаббати воситасида миллий озодлик учун ҳаёт-мамот курашини тасвирлайди. Бунда билвоситалик, шартлилик, мажозийлик, тимсоллардан фойдаланади. Шу тарзда қиссада реализм билан романтизм бир-бири билан чагишиб, жуда ажойиб адабий «пайванд» ҳосил булган. Бошқача айтганда, бунда аниқ-таниқ заминий ҳаёт воқеалари тарихий, афсонавий, ҳаётий олам тасаввурлари билан ҳамда афсонавий воқелик реал ҳаёт унсурлари ва гоёлари билан сугорилганлиги сингари, реалистик тасвир бой, ранг-баранг романтика билан, романтик бўёқлар эса заминий-реалистик мазмун билан бойитилган.

#### ТАМСИЛИЙ ИФОДА ВА ВОҚЕИЙ ТАСВИР

Шундай қилиб, мазкур дostonда учта услубий тарҳ бор. Бири: зоҳирий — бу тамсилий талқин, яъни усимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар тимсоли орқали воқеаларни жонли ифодалаш; иккинчиси: ботиний — бу аниқ тасвир, яъни тамсилий талқин орқали воқеаларнинг башарий моҳиятини ифодалаш; учинчиси: пайвандлаш тарҳи, бунда муаллиф масал жанрига хос шартлиликни рўйга чиқараркан, ҳар иккала тарҳни бир-бири билан боғлаш ва пайвандлашда, юқорида эслатилганидай, ишора воситаси орқали табиий ҳодисаларга инсоний маъно бағишлайди. Тасвирда шундай таассурот тугиладики, гуё гуллар, ҳашаротлар, табиат ҳодисалари «инсон тахлит» ҳаракат қиладилар, қилиқ курсатадилар. Шуниси қизиққи, баъзан иқлимий ҳодисаларга ҳайвонларга хос сифатлар тиркалади, усимликларга ваҳший ҳайвонларга хос қилиқлар бағишланади. Бироқ тасвир хусусияти, адабий тур тақозоси ва муаллиф услубининг табиийлиги ҳамда самимияти натижасида бу сингари «ғайри табиийлик» деярли сезилмайди.

Таналарига зулукдай ёпишган бало дастидан гул-

лар инграб юбордилар (349); (Бурон) охири зардаси қайнаб, бошига тупроқ сочиб... букириб юборди; бойуглидай якка-ёлғиз қолиб... қурқинчли сукунатдан ваҳима босиб, оч буридай увлайди (348).

### БЎЁҚЛАР РАМЗИ

Қиссада оқ, қизил, пушти, сарик, яшил, бинафша, қора, кук ва бошқа кўп ранглар турли-туман бадний мақсадларга хизмат қилдирилган. Улар, юқориде айтиб утилганидай, гулларининг либоси, тақинчоқлари, кайфиятларининг ифодалашга, турли-туман табиий ҳодисаларининг (шамол, бурон, улат, сахро) моҳиятини акс эттиришга қаратилган. Муаллиф узининг ҳар бир қаҳрамонини — у хоҳ ижобий, хоҳ салбий булсин — уша ашё, жонивор ёки ҳодисанинг табиий ранг-тусига қараб тавсифлайди. Бошқача айтганда, бу ерда рангларнинг чапланиши ҳодисаси кўзга ташланмайди. Олайлиқ, агар бирон «гул-қаҳрамон» тасвирланар экан, унинг «қадди-қомати», «либоси», «хўйлак» ёки «нимчалари», «тақинчоқлари»нинг табиий рангига қараб сифат берилади. Шу тариқа асар қаҳрамонларининг рафтори, турқи, хулқ-атвори, қилиқлари, «хатти-ҳаракатлари» ва ҳатто «фикрлаш тахлити», «мафқураси», «тили»гача фарқланади.

Шу билан бирга, асарда ранг истифодасида зериктирувчи сандирғаниқ, янраглиқ, бир хиллик кўзга ташланмайди, балки айни бир ранг бир қанча вазибаларни утайди. Қизил ва қора рангларининг қандай қўлланилганига мисоллар.

**Қизил — гўзаллиқ рамзи:**

— Куёш нуўталарига кўмилиб, беқисс яшнаб, қизил қалпоқли Ёвун гули кўринди (Иккинчи нашр, 1978, 66).

**Қизил — қон рамзи:**

Бамбур гўзал Наргизини ҳазонлар орасидан қўтариб олди ва унинг сулгин чехрасига ҳижрон оловларида яллигланган чехрасини қўйди. Шу он еру осмонда зилзила турди. Гуллар боғини, гуллар водийсини бугиб ётган қора муҳит пардалари чекилди, осмонда кўрғошин сингари осилиб ётган даҳшатли булутлар парча-парча булиб кетди, куёш, Бамбур ва Наргизининг дустни, қадрдон Куёш йрақлайди, Бурон билан Хоруд узоқ-узоқларда, уфқда қип-қизил қонга буялдилар. Чанг-тузонни чиқиб ётган водийини кум-кук гиёҳ-

лар қоплади, дарахт новдаларида худди ипак қуртларидек куртаклар гимирлаб қолдилар. Ҳаёт бош кутарди, гуллар шовқини кутаришди... (Иккинчи нашр, 60).

Қизил учлик (триада) ҳаёт гузаллигининг рамзи:

...Олма йўқки, гир айланаси бир текисда қирмизи бўлса.

Бустон йўқки, бир чеккаси тоғларга тақалмаган, бирор жойи жарлик билан тилинмаган бўлса.

Эзгулик йўқки, атрофида фалокат уралашиб юрмаган бўлса (342).

Қора — офат ва мусибат рамзи:

Гул қора офат билан олишди (Иккинчи нашр, 39).

Қора — ажал рамзи:

...У тоабод, то ажал унинг кузларига қора пардасини торتماгунича кунни кунга, соатни соатга, лаҳзани лаҳзага улаб ёрини ахтаргани ахтарган... (339).

Қора — ҳамдардлик рамзи:

Унинг (Буроннинг — Ғ. С.) важоҳати ҳам, нафаси ҳам совуқ, унинг ажал келтирувчи нафасидан гуллар суларди. Бу гулларнинг бошқа чаманлардаги дугоналари қора либос кийиб, аза тутардилар (Иккинчи нашр, 27).

Қора — гузаллик рамзи:

Аммо унинг (Наргизнинг — Ғ. С.) тимқора кузлари маъюс (Иккинчи нашр, 8).

Қаҳрабо юзларига соя ташлаган узун, қоп-қора киприklarини зурга кутарди (Иккинчи нашр, 60).

Шу тариқа, оқ, биллурий, бинафша, яшил, қизил, пушти, зангори ранглар билан ифодаланган аксарият ижобий мундарижага эга мажозий ҳодиса-воқеалар қора юраклар, қора кучлар, қора офатлар, қора ниятлар ҳамда бошқа буюқлар воситасида яратилган жирканч нарсаларга қарама-қарши қуйилади.

#### «ХАЗОН ИЧРА БАҲОР»

Адабий асарда ранг туйғуси ҳосил қилиш ёхуд бундай туйғуни муайян адабий мақсадга йуналтириш масаласини олайлик. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, қизил рангни — ут (олов) билан қонга, сариқ рангни — қуёшга, мовий (кўк) рангни — сув билан уфққа, яшил рангни — урмон ва далаларга нисбат берадилар. Адабиётшунос Ёкубжон Исоқ «Ранглар рамзи» деган мақоласида Алишер Навоий ижодида бундай адабий тадбирдан фойдаланишда илк бор

муайян бир тартибот яратилганлигини исботлашга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи бу ерда «Хазойинул маоний» лирик қомусида нуқул ранглар тасвири, талқини ва таҳлили билан боғлиқ уттиз битта газални ажратиб кўрсатади. Унинг кузатишича, тасвирда қизил сўзи қон тушунчаси билан боғланади, гулгун — қадаҳ, май билан, оташин эса ут билан боғланади, яъни шунга нисбат берилади. Ё. Исоқовнинг ранг тасвири орқали Низомий ва Навоийда («Сабъан сайёра») муштарак сўжет асосида яратилган асарда тамомила бошқа-бошқа, мустақил, янги бадиний тамойил яратилганлиги ҳақидаги илмий хулосаси жиддий аҳамиятга эга ва бу масала махсус урганилмоғи даркор («Шарқ юлдузи» журнали, 1982, 2-сон, 160—162).

Алишер Навоийда ранглар жиҳоси фақат гузаллик яратилишигагина эмас, балки чуқур ғоявий-фалсафий тушунчаларни ифода этишга ҳам хизмат қилади.

*Сариг либос аро ул пушлабки хандошдур,  
Эрур Масиҳки, хуришд ичинда пинҳондур.  
Либосу жисм ила ул гулузор кўргузди,  
Хазон ичиде баҳорски, ақл ҳайрондур.*

(«Навоируи-шаббоб», 153).

«Кашмир қушиғи»да буюк Навоий доҳиёна таърифлаган айнан шу «хазон ичиде баҳор» тасвирланган экан, бу кун аерлик азалий анъаналаримиз ҳамон ҳаёт ва уйғоқ эканлигидан, бу ҳаётбахш анъаналар янги замонда ва заминда тадбиқ этилаётганлиги ва ривожлантирилаётганлигидан дарак беради.

---

#### АДАБИЙ ТУРҒУНЛИК ВА БАДИНИЙ ДИНАМИКА

---

«Кашмир қушиғи»да муаллиф гоҳи уринларда воқеаларни аташ ёки эслатишдан айни воқеалар замирида қамровдор, чуқур фалсафий хулосалар чиқариш томон борган. Бошқа ҳолларда эса тур тақозоси билан тасвир мажозий воситалар орқали ифодаланган бўлса, кейинчалик уларга воқеийлик туси берилган, умумий ҳолатлар аниқлаштирилган. Бунинг натижасида бирмунча тургун тимсоллар гўё жадал ҳаракатга келиб, руҳий асослар кучайган. Бу фикрнинг исботи тариқасида кейинги икки нашрда тимсоллар (Нарғиз, Бамбур, Бўрон, Хоруд ва б.) аро мулоқотларнинг кескин тарзда қупайиб борганини қайд этиш мумкин.



Қиссанинг биринчи нашрида ҳис-ҳаяжон кучли, эҳтирослар туғени сезилиб туради. Жумлалар сиқик, воқеага бевосита дахлдор булмаган ёки «уз-узидан тушунарли» нарсалар тафсилотига берилишдан муаллиф ўзини жуда эҳтиёт қилган. Шундай қилиб, унда бадний тасвир жозибасини янада кенгроқ миқёсга кучиришнинг имконияти сақланиб қолган эди. Иккинчи нашрда муаллиф ўзининг бош аъмоли: лисоний тежамкорлик, услубий сиқикликни сақлаб қолган ҳолда, бадний тасвир воситаларини қуюқлаштириш, мажозийлик, романтикага махсус эътибор қилган. Лекин, барибир, унда ҳам тугун, баён ҳолатида булган жиҳатлар анчагина бўлиб, бу муаллифга асар устида янада ишлашни давом эттириш учун қулай имкониятларни туғдирган эди. Учинчи нашр ҳар жиҳатдан туқис, муқаммал асар сифатида намоён бўлди. У олдинги ҳар иккала нашрдан ҳам тубдан фарқ қилади. Бунда муаллиф донишманд сиймо, мутафаккир, тадбиркор адиб сифатида қўринади.

Учинчи нашрнинг ҳар бир қисмида, воқеаларнинг бир-бири билан «уланиш» нуқталарида, дебоча ва хотимада, айрим лавҳалар мазмунида жуда қуп ибратли мушоҳадалар, фалсафий кузатишлар, ҳаётний умумлашмалар найвандланган ва сингдирилган. Бироқ бу жаминки қўшилган нарсалар қиссанинг олдинги қўринишларида мавжуд қандайдир «бушлиқлар»ни тўлдирш мақсадда қилинган деб бўлмайдн. Йўқ, булар воқеалар бадний таҳлили ва талқини замирида, табиий йўсинда гўё «уз-узидан» келиб чиққан. Бунда воқеалар эҳтироси, кескин зиддиятли ҳолатлар, эрксевар кучлар билан қора гуруҳлар туқнашувидан келиб чиққан шиддат, долзарблик чуқур ижтимоий ҳулосалар, башорат, сокин услубий фасоҳат, вазмин ҳаётний мушоҳадалар билан омухталанган. Асарнинг тили, бадний тасвир воситалари янада бой ва хилма-хил эканлиги ҳам алоҳида кўзга ташланади.

### ГУЛЛАР БОҒИ ВА ОҚ КЕМА

Шароф Рашид тасвирлаган Гуллар боғи, Чингиз Айтмат талқинидаги Оқ кема сингари, мажозий бир маскан. Бироқ улар «масофа» жиҳатидан фарқ қиладилар. Чингиз Айтмат қиссасида Оқ кема фақат бир марта — Бола дурбиннинг нарсаларни яқин келтириб қўрсатадиган тарафидан қараганда — бир қадар ва

бир лаҳза муайян аниқ шаклга кўнгандай бўлади. Шароф Рашидов қиссасида эса Гуллар боғи барча воқеаларнинг кечмиш макони, гузаллик, адлу инсоф маскани сифатида гавдаланади.

Иброҳим Гафур қайд этганидай, Гуллар боғининг ўз «фуқаролари» ва рақиблари, ганимлари, кушандалари бор. Гуллар боғи кишилик жамиятининг гуё «моделл»дай намоён бўларкан, унинг ўз баравж даври, зиддиятли дамлари, тараққиёт ва инқирозга юз тутган ҳолатлари бор. Тириклик, мавжудлик, тараққиётнинг бирдан-бир асосий шарти эса кураш.

Қиссада кураш жараёни тасвирланаркан, бу курашнинг тагида инсоният жамиятига хос ҳодисалар — адолатли ва адолатсиз урушлар ётса-да, адиб ҳеч қачон «табиий кураш» манзаралари, шарт-шаронглари, турли мавсумга хос «жазавадор» ҳамда «чеккинш» ҳолатларини диққат марказидан қочирмайди.

Изғирин қишдан баҳорга ўтиш давомида даҳшатли Бурон ҳам, табиий равишда, ҳолдан тоя бошлайди, табиат аста-секин уйғонишга киришаркан, «қора кучлар» дармонсизлана боради.

—...Рост, ҳозир дастёрларим кам: аёз, қор, музлар — ҳаммаси тоққа чиқиб кетган, — деб зорланади Бурон Хорудга. — Бироқ ёмғирлар, дуллар, қуюнлар, момақалдирок ва чақмоқлар ихтиёримизда-ку. Сенинг лашкарларининг ҳам сени сапоғи йуқ! Биз ҳали узимизни курсатиб қуямиз! Улар қуёшга зорми? Майли — мен водийни яна қора булутларга бостириб ташлайман. Улар иссиққа ташнами? Бемалол — мен водийни тошқинларга кумаман. Антика ранглариини липиллатиб капалаклар гужгон уйнасинми, тиллақунғизлар замзама қилсинми? Марҳамат — қурт-қумурсқаларингни, зарарқунандаларингни қўйиб юбор (354).

Ўзининг салбий ва ижобий қаҳрамонларига муносабат билдиришда муаллиф инсоний таъбир ва эътиқод, дид, нуқтан назарга таяниб иш куради. Чунончи, Бурон билан Хоруднинг навбатдаги хуружларидан кейинги парокандалик шундай тасвирга олинади: Шу асно кун яна тунга, осмон қора ўпқонга, водий қайнаётган қозонга айланди (349). Бу ерда танланган ашёларнинг бари — тун, ўпқон, қозон — қоралик рамзи бўлиб, Гуллар боғига мудҳиш мусибатли кунлар тушаётганидан дарак беради.

Асарнинг қандай макон, замин, замон ва вақт асо- сига қурилганлигини аниқлаш кийин. Бошқача айт- ганда, бундай бадний воқелик қандай миллий замин- га асосланганини аниқлаш осон эмас. Негаки, қисса- да уз ифодасини топган жаминки табиий ва ижти- мойий нарса ва ҳодисалар: замин, сув, осмон, дов- дарахтлар, жугрофий, иқлимий ва фазовий ҳодисалар барчаси умуминсоний. Зеро, бундай нарса ва ҳодиса- ларни истаган бошқа миллий заминга, иқлимга «кучи- риб» тасвирлаш ҳам мумкин. Ҳиндий хусусият билан боглиқ нарсалар: исмлар (Наргиз, Бамбур) ва миллий халқ огзак ижоди анъаналаридир. Биз биламизки, ҳайвонот ва усимликлар оламга хос нарса ва ҳодиса- лар, диний ривоятларга хос мавжудотлар, махлуқот- ларни адабий қаҳрамонлар сифатида тасвирлаш, та- бий ҳодисалар ва жондорларга сингиниш кўпроқ ҳинд халқ огзак ижодига хос. Лекин қиссада вақт бамисоли гринвич улчови билан аниқ-таниқ тайин- ланмаган булса-да, у йил фасллари доирасида алоҳида хусусиятларга эга. Яна аниқроқ айтганда, тасвирга келтирилган воқсаларнинг фасллар билан қатъий бог- ликлиги асарнинг узига хос аломатларидан биридир. Чунончи, бу ерда йил фаслларига хос даврийлик, уз- гарувчанлик узининг аниқ-таниқ ифодасини топган. Табиатнинг баҳорга хос уйғониши, гуллаши; ёзга хос иссиқлик, пишқиқчилик, маъмурлик; кuzга хос сар- гайиш, хазонрезлик, маҳзунлик; қишга хос бурон, из- гирин ва ҳоказолар аниқ ифодаланган. Шуниси бор- ки, асарда буларнинг барчаси «йил фасл»лари эмас, балки асарда кечмиш воқсалар тарзида тасвирланади.

#### МАҲОРАТДАН МАҲОРАТ БЎЛДИ ПАЙДО

«Кашмир қушиги», уз услубий табиатига ва тасвир моромига кура, оҳангдор, жарангли, таъбир жонз бул- са, «қуйли» асар. Гап қиссада наср билан назм қуши- либ келишида, яъни насрий матнда шърлар ҳам бе- рилганлигида эмас. Бунда насрнинг узи ҳам ички қо- фиюли булиб, муаллиф саждан жуда унумли фойда- ланган. Ҳамовоз сузлар, ҳамқофия жумлалар, жаранг- дор иборалар, таърифлар романтик мазмун ва мунда- рижани кучайтиришга, оҳангни шоирона майин, юк- сак пардаларга кутаришга имкон туғдирган.

Шеърда муайян вазнга тушиб олган укувчи уни қоқинмасдан, бир моромда уқиб кетаверади. Радифлар, қофиялар куришиб туради. Бироқ насрнинг узига хос мусиқасини ташкил этаётган унсурларни ҳамма ҳам куравермайди. Оҳанг, жозоба, мусиқий уйғунлик барчаси муҳайё, бироқ булар ниманинг эвазига, не тариқа, қай йусинда юзага келаётганлигини китобхон кўпинча англамайди. Бундай «қуйли матн» яратиш эса уз-узидан пайдо булавермайди.

Дилрабо куйларга гоҳ қизларнинг хуш овозлари, гоҳ шайдойи булбулларнинг гуллар рақсига эш наволари, гоҳ олис қирлар кучоғидаги чўпон найларининг нолон садолари жўр булади (346-347).

Бу баён, огоҳ эмас, балки тайёр манзара. Дидли рассомнинг мана шу дилбар манзарани қогозга тушириши учун бошқа қушимча «маълумот» талаб қилинмайди. Айни вақтда бу фақат гўзал манзаранинг узи ҳам эмас, унда, тасвирийликдан ташқари, қизларнинг хуш овозларини, булбулларнинг наволари, чўпон найларининг садолари ҳам «иштирок» этмоқда. Бошқача айтганда, кўз курмоқда, қулоқ эшитмоқда, дил яйрамоқда. Бу ҳам эмас. Айтилган фазилатларга мазкур матннинг узи ҳам ҳамовоз бўлиб келмоқдаки, бунинг натижасида амал билан тамал вобасталиги ҳосил булган. Айни матн ичидан олинган мана бу сузларга диққат қилинг:

дилрабо — або,  
овозлари — ово,  
наволари — аво,  
шайдойи — ао,  
нолон — оо,  
садолари — ао.

Куринадики, матн ичида келган сузларнинг «овозий қиёфаси» ҳам бир нарсани — «наво»ни «эслатиб» туради.

Бу ноёб хусусият Шароф Рашидовнинг фақат шу қиссасига хосми? Йўқ, унинг бошқа асарлари, жумладан шеъриятида ҳам, ялпи ҳамовозликка интилиш сезилиб туради.

*Елкаларни елкаларга тираб улкалар  
Қўши томон йўл содилар.*

*(«Бахтлилар юрти» шеъридан.  
1939. 7 ноябр)*

Атиги икки мисра шеър ҳам жуда кўп нарсадан дарак беради. Бу Шароф Рашидов ижодида қуёш улқасига юзланиш, ёруғликка интилиш майли, романтикага ҳавас азалдан мавжудлигини курсатади. Бундан ташқари, шоирда сажга мойиллик ҳам кўриниб турибди (елкалар-елкалар-улкалар-солдилар). Қайд этилган хусусиятлар, айниқса, мана бу тўртликда равшан кўринади:

*Меҳр қуйган чин ҳаёт —  
Сен юборган гул гунча.  
То улгунча асрайман,  
Гул бўлиб очилганча.*

(«Гунча» шеърдан, 1942 йил 6 ноябр.  
Ғарби-шимолий фронт).

Эътибор қилинг:

чин — ин,  
сен — ен,  
гул — гул,  
улгунча — гунча,  
гунча — гунча,  
гул — гул,  
очилгунча — гунча.

#### ҲАЁТНИНГ ЁЗИДАЙ СЕРЖИЛВА, МАФТУНКОР, ГЎЗАЛ

Ҳаётни, фақат афсонавий воқеликнигина эмас, балки аниқ борлиқни бутун мукамаллиги: ижобий ва салбий томонлари, бўёқлари: гунафша ва қора ранглари, овозлари: мусиқа, куй, шовқин-суронлари билан қушиб тасвирлаш ёзувчидан маҳорат талаб қилади. Адабий асарнинг ана шу фазилати, муаллиф услубининг узига хос йўналишини сезмаган, туймаган, пайқамаган, тушунмаган киши, — у хоҳ оддий китобхон бўлсин, хоҳ омилкор қаламкаш бўлсин, — муайян бадиий воқеликка тўғри баҳо беролмайди.

Узоққа бормай, яна Шароф Рашидов ижодидан, унинг бошқа асари — «Бурондан кучли» романидан бир мисол.

Гузаллик ҳам бамисоли осмондаги булут парчасидай гап: гоҳ сутдай оппоқ, гоҳ пушти, заррин тусга кириб, гоҳ садафдек товланиб дилларга завқ бағишлайди, куриб кузинг туймайди. Назокатхон ҳам бугун бир хил дўппи кийиб келса, эртасига бошқаси-

ни кияр, индинига гулдор 'дуррасини тангиб келарди.

Юрий Карасев таржимаси: Красота, как облако: оно радует глаз оттого, что неустанно меняет окраску — то оно снежно-белое, то розовое, то золотистое, то переливчато-перламутровое. Так и Назакатхон: сегодня она в пестрой тюбетейке, расшитой причудливыми узорами, а завтра в черной «чусти», а через день в легкой косынке самой веселой расцветки.

Таржимон буюқларни узгартиради. Узбекчада булутнинг оқлиги сутга нисбат берилса, уришчада — қорга ухшатилади. Бунга қўшилиш мумкин, чунки уришларда оқлиқ рамзи — қор. Асосий масалада таржимон муаллифнинг узига хос ухшатиш, қиёслаш услубига солиқ қолган: бу гузалликни булутга қиёс қилишдир. Бироқ худди шу уринда Ю. Карасев гузаллик ҳақидаги гузал тасвирга хол қўйиб қўйган. Зотан, таржимон уқувчини ишонтирмоқчи булгандай, «красота, как облако» (гузаллик булутдай гап) ухшатишида мантиқ йўқ: булут гузаллик рамзи эмас, балки қоронгиллик, хафагазаклик, зулмат тимсолидир. Бу гузалликка хилоф. Ҳолбуки, муаллиф гузалликни булутга эмас, балки... булут парчасига, тўғрироғи, турли-туман шаклларда парчаланган булут бағридан кесиб ўтаётган қуёш ёғдулари туфайли унинг камалакдай ранг-баранг товланишига нисбат берган. Бу эса, чиндан ҳам, гузал! Таржимон инсон идроки ва тасаввурига қўз орқали етиб келаётган гузаллик манзарасини тўғри қабул қила олмаган.

Инсоннинг ҳиссий хусусиятлари орасида куриш асосий уринни ишғол этади. Мутахассисларнинг шаходат беришларича, ташқи оламдан олинган ахборотнинг қарийб 90 фоизи қўз ҳиссасига тўғри келади. Инсоннинг муайян мақсадларга қаратилган хатти-ҳаракатларининг 75-90 фоизи қўзнинг зиммасига тушади (Герхард Цойгнер. Ранг таълимоти, М., 1971, 3).

### ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ...

Маълумки, табиатни, табиий ҳодисаларни, жараёнларни гўё муайян мақсадга қаратилган онгли ҳаракатга айлантириб тасвирлаш бениҳоя қийин ва мураккаб. Ёзувчи бунинг учун, яъни ўз уқувчиси ёки томошабинни ишонтириш, табиий жараёнларни ўз бадний-фалсафий, гоёвий ақидасига, ўз иродасига хизмат

қилдириш, тасвирнинг айни вақтда табиий булишига эришиш мақсадида уз ихтиёрида мавжуд жамики воситалардан фойдаланади. Чунончи, паррандаларга хос чуғурлашдан — газалхонлик, куй; гулларга хос рангбарангликдан — либос ва безак; шамол, бурон ва изгиринага хос жараёнлардан — ҳаракат ва шовқин; жилгаларнинг жилдираб оқишидан — қушиқ; қуешдан — нур, булутдан — зулмат, зилзила ва чақмоқдан — даҳшат ва ёнғин, зарарли ҳашаротлардан — захар олиб, муайян мақсадга буйсундирилган воқеа, ечим, тугун асосида бадий асар яратаркан, жамият фаолиятига тадбиқан тўқнашув, кураш, галаба ва маглубият, тараққиёт ва таназзул ҳиссини усталик билан мажозий ҳамда тамсиллий бир тарзда ифодалашга муяссар булган.

### ДИЛРАБО КУЙ ВА ҚУЛОҚЛАРНИ ҚОМАТГА КЕЛТИРУВЧИ ШОВҚИН

Асарнинг бошидан охиригача ранглар ял-ял товланиши баробарида, укувчининг қулоқлари остида майин муסיқий садолар, куйлар янграб туради, шунингдек, қора кучларнинг қулоқни қоматга келтирувчи турли бақирӣқ-чақирӣқлари эшитилади. Чунончи, майин куйлар, муножотлар, най наволари Хоруд, Бурон, момақалдироқнинг табиий гувиллашлари, гулдирослари билан алмашиб туради. Қора кучларнинг тўступолонлари, шовқин-суронлари гулларнинг мафтункор рақслари, қушларнинг чуғурлашлари билан галмагал алмашгандай булади. Хоруд билан Бурон маъсум гулларни маҳв этишга қурблари етмай, «жазавалари тутиб», ушқириб, бақириб, дўқ уриб, шовқин сола бошлайдилар. Маъсум табиатнинг «тили» эса тамомла узгача: Гуллар ишқ-муҳаббат ҳақида куйласалар, қушлар чуғурлашиб садоқат ҳақида баҳс қилишади, қизгалдоқлар Наргизга тасалли берсалар, булбуллар чаҳ-чаҳлаб Бамбурни ёри қошига чорлайдилар (345).

Хуллас, «Кашмир кушиги»да инсон идроки, ҳистуйғулари билан боғлиқ барча воситалардан ўринли фойдаланилган.

Асарда қулланилган бадий тасвир воситалари, бадий-услубий тадбирларни таҳлилдан утказганда, бу борада анъанавийлик ва янгилик, Ғарб билан Шарқ анъаналарини аниқлаш жуда муҳим аҳамият қозонади. Бу мавзу махсус урганилиши лозимлигини алоҳи-

да уқдирган ҳолда, каминна унга йул-йулакайи муносабат билдиришни лозим топган булардим.

### НИСБАТ БЕРИШ, ҲИШАТИШ ВА СИФАТЛАШ САНЪАТИ

«Кашмир қўшиғи»да, адабий тур ва мажозий шартлилик тақозоси билан, бадний тасвир воситалари танлаш, ухшатиш, сифатлаш, муболага қўллаш жуда қийин. «Чаросдай қора кўзлар», «қалдирғоч қанотидай найваста қошлар», «қадди шамшод», «гул юзли» сингари ибораларни истифода этамиз. Булар анъанавий бадний тасвир воситалари бўлиб, яратилаётган сиймо ёки манзаранинг сифати, хусусияти, шаклу шайиғли ва тийнатиши ўқувчи ёхуд тингловчининг тасавурида равшан гавдалантиришга хизмат қилади. Куринадикки, инсоний сифатлар табиий нарса ва тушунчаларга қиёс қилинади ё бўлмаса нисбат берилади. Бундай тадбир ёзма адабиётда ҳам, оғзаки ижод асарларида ҳам кенг қўлланилади.

Хуш, аҳвол аксинча бўлганда-чи? Кишилар эмас, табиатнинг ўзи, олайлик, уша чарослар, қалдирғочлар, шамшодлар, гуллар ва ҳоказоларнинг узлари «бош қаҳрамонлар» сифатида гавдаланганда аҳвол қандай бўлади? Ваҳимадор ҳодисалар-ку момақалди-роқ ва чақинга, нафосат олами гул ва гунчаларга, зулумот ва қабоҳатлар булут, туман, бўрон ҳамла бошқа табиий офатларга нисбат беришаркан, бу ерда бўлгандай, уша табиий ҳодисаларнинг манзаралари чизилганида адиб сифатлар, равишлар, рафторлар, аъсаю замзамалар, бўёқлар, оҳанглар қиёси, уларнинг «моддий негизи»ни қасқдан тонади?

— Асарни ўқиган-киши-муаллиф-содир-бўлган-мушкулотни ҳал қилиш, аҳволдан қутулиш йул-йуригини топганина эмас, балки кенг маънода табиий ва башарий нарса, ҳодиса, тушунчаларга нисбат бериш, сифат ва равишларни кучириш йули билан уша табиий қийинчиликни ҳатто афзалликка айлантирган. Бунда жонли мавжудотлар — жонсиз табиат ҳодисаларига нисбат берилади ва, аксинча, бир хил жонли мавжудотлар тури бошқа турларга қиёс қилинади ва ҳоказо. Бундай қиёслар, нисбат беришлар замирида эса инсоний нуқтан назар ётганлиги тасвирга тағинам узгача таъсирчан жозоба бағишлайди.



«Ойдаи тулишган Атиргул» (362) қиёсида табиий-ижобий-шаклий асосга риоя қилинса, «улкан илондай сирғалиб чиққан чақмоқ» (354) сифатлашидан икки салбий манба қиёсга келтирилган. Бурон уз иродасига итгаот қилмаган Наргизга дағдага қилади: ... Мен сенинг дақиқа сайин ит азобида жаҳаннам аталмиш уша чоҳ сари силжишингни мириқиб томоша қиламан! (358). Гулнинг... «ит азобига» йўлиқиши ҳодисасида учта тамомла ножинс нарса бақамти қўйилган (бурон-гул-ит). Бурон: кучи пашшаю гумбақларга етдиган унинг хуштори Бамбур қани?! (348) — дея дағдага қиларкан, бунда турдош жонли мавжудотларни қиёсга олиш йўли билан асаларининг табиий ижобий сифатини пасайтириш асосида шгнинг ясалган. Бурон узни ҳақида муҳокама қилганида халқ назарида «олийжаноб» ва қудратли йиртқич ҳисобланмиш арслонни эслаб қолади: Арслонни ёлидан тутаман деганлар ким? Қани у қайсар чечаклар? Худди шу манзаранинг узидаск жоҳил Буроннинг ортиқча чиранишидан даргазаб булган адиб рўйрост эмас, балки тагдор ишоралар билан унинг моҳияти ва аҳволидан огоҳ қилади: ...Бурон... бойуглидай якка-ёлғиз қолиб, бу кўрқинчли сукунатдан ваҳима босиб оч буридай увлайди (348). Қиёсда арслондан бойугли билан бурига кучлиши муаллиф муносабатини жонлантиради.

Қиссада бу сингари бадий тасвир воситаларидан жуда унумдор фойдаланиш баробарида, ҳаракат, кураш, жараён, фаолният маъноларини ифодалашда жонлантириш усулига тез-тез мурожаат қилинади. Бунда ҳам ҳар бир мавжудотнинг табиий, тугма сифатларига мос келадиган ҳолатлар тилга олинади: Наргизни қуршаб олган гуллар, дугоналари, қушлар, қумрилар, булбуллар, гиёҳлар маъқуллаб, гув-гувлаб, париллаб чапак чалардилар. Буроннинг назарида уларнинг ҳаммаси: қай бирлари латиф бошчаларини силкитиб, қай бирлари яшил баргларини ҳурпайтириб, қай бирлари қанот қоқиб — ҳаммалари тумонат бўлиб, ёпирилиб, унинг устига юра бошлагандай туюлиб кетди (344). Бу ерда муаллиф паррандаларнинг «гув-гувлаши»дан, ун-сиз гулларнинг эса барча аъзолари — таналари, бошлари, баргларини ҳаракатга келтиришидан гуё муайян мақсадга қаратилган онгли фаолният туйғусини ҳосил қилишда фойдаланади.

## ДАЛИЛЛАШ САНЪАТИ

Тасвир, тамсил, мажоз, ишонтириш ва далиллаш санъатида ёзувчи табиий нарса ва ҳодисаларга инсоний маъно бераркан, яъни уларни ҳаракатга келтириб, табиий ҳодисаларга онгли фаоллият ва кураш ғоясини пайванд этаркан, айни табиий ҳодиса-воқеаларнинг ҳолат ва хоссаларидан ташқари, уларнинг ташқи куриниши, «тасвири»ни яратиш орқали ҳам бунга эришади.

### Наргизнинг қиёфаси

Мана у шоҳи куйлағи устидан зангор бахмал нимчасини кийиб, жамик гуллар куркини жо этган бежирим оппоқ дуррачасини тангиб, қулоқларига шабнамнинг инжу қатраларидан исиргалар тақиб, ёшлик ва гузаллик нашидаларидан, орзу-умидларидан сархуш бўлиб товусдек товланиб турибди (338).

### Лоланинг рафтори

Алвон шоҳига уралиб, тароватдан ял-ял ёниб, тарам-тарам лаъли ёноқлари, ширин табассуми билан у нафосат ва малоҳатнинг, буюқларнинг уша беқиёс уйғунлигининг тимсоли эди. Унинг теран шахло кўзлари порлаб турар, қалин пайваста қошлари қалдирғоч қошларини эслатар, шамшод қомати ҳуснига ярашиқ эди. У ўз оти билан Лола, исми жисмига монанд: тонг шафағи ва қорли чуққиларидан андоза олган куйлағи ҳам, нимчаси ҳам, мўъжаз қалпоқчаси ҳам ол рангда. Фақат енгларининг уқалари, қулоғидаги зираклари-ю, буйинидаги маржонларигина ут-уланлар сингари кум-кук (345).

### Наврўзгулнинг ҳусн-жамоли

Унинг эгнидаги пушти ранг шоҳи куйлағи, зангор шоҳи чалвори хипча буй-бастига куйиб куйгандек, жуда башанг эди. Танқис чечаклардан ясалган тақинчоқлар оқ-қизил қийиқчаси унинг ҳуснига ҳусн қушиб туради (365).

### Ёўронинг башараси

... Наргиз қошида қора булутлар ичидан чиқиб келган ёвуз кучлар корчалони, пахмоқ бошли рудапо

Бурон зоҳир булди. Унинг аъзойи баданидан куйинди нси анқир, устидан тузон, кукун тукилиб турарди (343); Шакли шамойили бетайин бу хурпак дузахи минг-минглаб қонли панжаларини таҳлика қилиб, минглаб кузларини уқрайтириб, қадами етган жойга жаҳолат уругини сепеди, қиргин келтиради. Унинг кузгунники сингари кузларини, унинг мурданики сингари бесунақай афти ангорини курган гуллар бу фалокат ҳали яна кўп мусибатларни бошга солишини сезишар, бир даҳшатларига ун даҳшат қўшилар эди (348).

### Хоруднинг турқи

... Эгнида қуриган, чириган дарахтлар пустлоғидан, хазон булган гуллар япроқларидан, дард нуқсидан илвираб, титиғи чиқиб кетган илдизлардан ясалган либос. Қорамтир патила сочларида ҳашаротлар уялаб, бижғиб ётарди. Машъум турқи-таровати унинг ажал чоқари эканлигини, очу ялангочлик, хору зорлик манбаи эканлигини фош ётарди. Бақрайган нурсиз ола кузларида у зомин булган, у нобуд қилганлар чеккан жабру жафолари акси куринарди (350).

Ёзувчи узининг ҳар бир «қаҳрамони» суратини чизганида, уларнинг ташқи қиёфасини тасвирга олганида, айна қаҳрамонга асос булган жондор, усимлик, ҳашарот ёки табиий ҳодисанинг ички жараёни, моҳияти ёнки уларнинг инсонлар наздида қандай гавдаланиши сифатларига таяниб иш куради.

### ИШОНТИРИШ УЧУН ИШОНИШ КЕРАК

Асарда деярли барча ҳодиса-воқеалар жонлантирилган, улар уқувчининг куз унгида худди жонли мавжудотлар сингари гавдаланади. Буроннинг «бошига тупроқ сочиб келиши», сойларнинг қирлар бағридан «қушиқ айтиб оқиши», қушларнинг «чувиллаши», булбулларнинг «фарёд чекши», гулларнинг «инграши» қанчалик галати туюлмасин, турнинг узига хослиги, тасвирнинг тамсилӣ хусусияти туфайли уқувчини ишонтиради. Қизиги шундаки, муаллиф узи тасвирлаётган нарса ва ҳодисаларга «инсоний» мазмун бағишлар экан, яъни инсон фаолияти билан боглиқ хусусиятларга ишора қилар экан, айна ҳодисаларнинг уз табиӣ хусусиятларидан ҳам жуда усталик билан

фойдаланади. Чунончи, юқорида Буроннинг уз «бошига тупроқ сочиб келиши»ни тасаввур қилинг. Қиссаннинг бешинчи фаслида (364) уқиймиз:

Боши узра эгилиб парвона булаётган Бамбурнинг илқ нафасидан узига келиб, Наргиз оҳиста қимирлаб кўйди...; Бамбур қулларини унинг (Наргизнинг — Г. С.) кифтларига кўйди; Разолат губоридан фориг этилган мусаффо осмоннинг ложувард гумбази устидаги кушқига Офтоб чиқиб утирди ҳамда чарақлаб ҳар бир гулни, ҳар бир майсани, ҳар туп ниҳолни силаб-сийпалаб, водийни узининг олтин нурларига кумиб юборди.

### АҚЛ БОВАР ҚИЛАДИГАН ХАЁЛОТ

Асарда ижодий хаёлот парвозидан кенг фойдаланиш узининг яхши самарасини берган. Табиатнинг жонлантирилиши, унинг тилга кириши, яшаш учун курашдан иборат табиий-инстинктив ҳаракатга ҳаётбахш кураш гоъларининг сингдирилиши ва ҳоказолар шулар жумласидан. Бироқ ёзувчи узининг бу сингари фавқулудда антиқа бадий тасаввур ва тасвир манзараларида айни уша вазиятга мос келадиган савқи табиий ва табиий хоссалардан ҳам ўқувчини ишонтирадиган қилиб, ақл бовар қиладиган тарзда истифода этади.

Асаларилар шоҳи Бамбур билан гуллар маликаси Наргиз бону ораларига ҳижрон азобини солиш учун қора кучлар (Бурон ва Хоруд) турли-туман тўсиқларни ишга соладилар: Улар ишни офтоб рўйини тўсишдан бошладилар. Осмону фалакни гала-гала қора булутлар билан қоплаб ташладилар. Ҳамма ёқни тун зулмати босди. Кундузлари кўш шўъласи, кечалари юлдуз шарпаси водийга йўл топа олмай қолди.

Аммо Наргиз висолига ошиққан кўйи Бамбур адашмай етиб келаверди. Наргиз рухсори яшнаб йўлни чарогон қилиб турди, у ҳам йўлни беҳато топаверди. Ёвуз кучларнинг баттар қаҳри келиб, ботқоқларнинг рутубатини, қуланса ҳовурини кутариб, ерни лахта-лахта қуюқ туманларга бурқаб ташладилар.

Бироқ Бамбур йўлни топаверди. Чунки Наргизнинг мушкни анбари димоғига урилиб турди (I фасл, 342-343).

Келтирилган манзарада асаларининг ҳид сезиш савқи табиийси кучли эканлигига таяниб иш қурил-

ган. Олайлик, илмий кузатишлар натижасида боларининг «хушёрлиги» қуйидагича аниқланган: ишчи асарилар соатига 60 километр тезликда уча олади, ошладан 2-3 километр, ҳатто ундан ҳам узоқроқ масофага парвоз қилиши мумкин. Асарларининг бир жуфт элаксимон ва 3 та «оддий» кузи булади. Элаксимон куз билан, асосан, узоқни, оддий куз билан эса қачонки гулга қўнгандагина қуради (Қомус, I, 493-494); бу муъжизакор ҳашаротлар ҳаракатдаги ашёларни одамларга қараганда яхшироқ пайқар экан. Масалан, инсоннинг куз унгида 30 дан камроқ сурат алмашганда тасвирнинг қўшилиши (қовушиши, боғланиши) юз беради. Башарти, асарилар учун ҳам махсус «кино-театрлар» булганида, уларнинг куз унгида ҳаракат тасвирини пайдо қилиш учун бир лаҳзада 300 суратни алмаштиришга тўғри келган буларди! Мана бу далил ҳам қиёс учун жуда муҳим: сувараклар учун бир лаҳзада 8-10 сурат утказишнинг узидек кифоя қилади. Чигирткада эса 20-30 сурат утиши билан тасвирнинг қўшилиши тасавури ҳосил булади. Бу маълумотлар асарларининг кузи нақадар сезгир эканлигини далиллайди. Унинг ҳид сезиш аъзолари ҳам юксак даражада ривожланганлиги маълум.

Демак, муаллиф асарларига қанчалик синов шартлари юклаган, — зилзила, шамол, улат ва ҳоказолар, — у бу синовлардан эсон-омон утиб, уз мақсади ва маъшуқаси томон интилиши айни ҳашаротнинг савқи табиий инстинктив хусусияти нуқтан назаридан ҳам далилланади, бинобарин, муаллиф талқини уқувчини тула ишонтиради. Шу тариқа, қўлланган далиллаш тадбири унинг узга соф ҳаёлот супрасида йўғрилган тасвирларига ҳам ишонч туғдиради.

### НИГОҲЛАР «ТИЛГА КИРГАНДА»...

*«Идрокимиздан кура кузларимизнинг қамрови кенгрок бўлса не ажаб» (341).*

«Қашмир қушиги»да куз тасвири ва куз орқали бир қарашда севиб қолиш ифодаси ҳам диққатга сазовор. Қиссада куз (нигоҳ) билан боғлиқ манзаралар, лавҳаларни кузатган уқувчи куз унгида Алфред Мюссе, А. С. Пушкин, Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Ойбеклар яратган куз-қарашлар таърифи ута бошлайди. Бу ерда Наврузгулнинг ҳумор кузлари, Нарғиз-

нинг тўм-қора кузлари, кузларидан нур томган Лола, кузларидан ут чақнаган муаттар гуллар нигоҳига Бу-роининг кузгунникидай чуқур ва даҳшатли, жаҳаннам оловлари чақнаб турган кузлари қарама-қарши қўйи-лади. Майини, маъюс, хумор нигоҳлар даҳшатли, олов-ли, даргазаб кузлар билан туқнашади.

Қуйидаги манзарада шик муҳаббат куртакларининг уйғонишида нигоҳларининг учрашуви шоирона тасвир-ланган:

Кушлардан бир кун эрта тонг чоғи саховатли куёш илк шўълаларини сочиб нурафшон палагини тушага-нида, ана шу ёғдули поёндоздан Гуллар боғига зигга чулғаниб у тушиб келгани Нарғизнинг эс-эс ёдида, холос. Тушиб келган эди-ю, унинг қаршисида тек қо-тиб қолган эди. Улар бир-бирларидан қуз узолмай қолган эдилар. Бу ҳол бир соат давом этганимиди, икки соатмиди, балким, минг йилмиди — номаълум. Ким-кимнидир сеҳрлаб қўйган эди: ё Бамбур Нарғиз-ни, ё Нарғиз Бамбурни. Гуллар боғидаги барра майса-лар, хандон чечаклардан кўрк олган Нарғиз кузлари-нинг тимқорасида фақат Бамбур қолган эди. Чаман гулбоғ ҳам, самовий тоғлар ҳам, бутун олам ҳам Бам-бур кузларида ниҳон булгану, таиҳо Нарғиз қолган эди (341).

... Нарғиз қаҳрабо юзларига соя ташлаган узун-узун киирикли бодом қовоқларини зурга кутариб... азиз ёрини кўрди. Нарғизнинг бу нигоҳининг тили жамики китоб, эртақ, афсоналар каломидан равшан-роқ эди; Улар бир-бирларининг дийдорларига терми-либ, сўзсиз ишқ тилида дардлашиб узоқ утирдилар (364).

---

## БИЙРОН БОҚИШЛАР ВА СОҚОВ ЗАБОНЛАР

*Мухандисс топаю, эғнима қанот ясатай,  
Учиб ҳавосида, қушлар аро узумни қотай.*

*Алишер НАВОИЙ.*

Табиат қонуниятининг сирлари, яшаш учун кураш қийлу-қолнининг аломатлари, жонли ва жонсиз табиат-нининг хусну латофати, «инжиқлик»лари, офатларини кузатиш асосида улар уртасида алокалорлик муноса-батларини аниқлаб, гўё яхлит бир «занжир» яратишга муяссар булган адиб, уз ижодий тасаввуротига тая-ниб, буларнинг барчасини «муайян мақсадга қаратил-

ган» ҳаракатга келтиради. Шу тариқа яхлит адабий мақсад доирасида «табиий қаҳрамон» ёзувчининг иродасига бўйсунди.

Бироқ адабий асар — қутирчоқ театрининг намоиши тасвиридан иборат эмас. У ҳаётнинг узи сингари тсран, беҳудуд, гўзал ва зиддиятли. Бошқача айтганда, табиатни «уйғотиш», уни «онгли ҳаракат» қилишга «мажбур этиш» билан ҳам иш битмайди. Энди энг қийини — ҳис-туйғу пайдо қилишдир. Адиб бу муаммони ҳам яхши ҳал қилган.

Асаларилар шоҳи билан гуллар маликасининг муҳаббати таҳлилини олайлик. Муаллиф бу меҳнатсевар ҳашарот билан нафосат тимсоли ҳисобланмиш гулнинг бир неча минг йиллик, азалий «муҳаббати»ни «келиб қолган жойидан» «давом эттириб» кетавериши мумкин эди. Чунки «у ёғи» ҳаммага ўз-ўзидан тушурарли. Лекин ёзувчи бошқа йўлни танлайди: ўз ҳикоясини Бамбур билан Наргиз муҳаббатининг «ибтидосидан» бошлайди. Гуллар боғидаги харсанг тош устига Бамбур, нурга беланган ҳолда, Қуёш нурларидан ясалган поёндоз устидан юриб келади ва ёр висолига эришади. Мана шу уринда адиб жуда нозик руҳий кузатиш (психологик этюд) беради: Наргиз уни қачон курганини, тушидами-унгидами, юзма-юз келиб қачон севиб қолганини билмасди. Шундай ҳоллар булади-ку, унг билан тушнинг сарҳади ипак толасидан ҳам, ургимчак риштасидан ҳам нозиклашиб кетади, масъуд дамларда — ухламаяпманми? — деб ўз-ўзингни пайпаслаб кўргинг, мусибатли дамда эса — оҳ, шояд тезроқ уйғонсам, — деб юборгинг келади (340).

Бундай руҳий-лирик чекиниш узининг самимияти ва нозиклиги билан ўқувчини ром қилади ва унинг қисса мантиқига бўлган ишончини баттарроқ оширади. Муаллиф эса ўз «психологик» мавқеини янада мустаҳкамлаган ҳолда, ўқувчининг руҳиятига таъсир этишни давом эттиради. Бу гал у «бир қарашдаёқ ссвиб қолиш», «сехрланиш» сингари хусусиятдан фойдаланади. Юқорида келтирилган мисолга мурожаат этаман: Улар бир-бирларидан куз узолмай қолган эдилар. Бу ҳол бир соат давом этганмиди, икки соатмиди, балким, минг йилмиди — номаълум. Ким кимшидир сехрлаб қўйган эди: ё Бамбур Наргизни, ё Наргиз Бамбурни. Гуллар боғидаги барра майсалар, хандон чечаклардан кўрк олган Наргиз кўзларининг тимқорасида фақат Бамбур қолган эди. Чаман гулбоғ

ҳам, самовий тоғлар ҳам, бутун олам ҳам Бамбур кузларида ниҳон булгану, танҳо Нарғиз қолган эди (341).

Жуда нишонарли ва жуда таъсирчан манзара. Ошиқ-маъшуқаларнинг кузлари дучланганида уларнинг тиллари калмага келмай қолади, бас, бундай руҳий ҳолатнинг тасвирида ҳам ортиқча «сузамоллик» жоиз эмас. Зотан, хумор боқишлар қанчалик нишонтирса, сузлар шунчалик алдаши ҳам мумкин: «Они поцеловались и, улыбаясь, посмотрели друг на друга. Совершился тот таинственный, невыразимый словами, многозначительный обмен взглядов, в котором все было правда, и начался обмен слов, в котором уже не было той правды». «Тирилиш» романида Нехлюдов билан опаси Наталя Ивановнанинг учрашуви тасвирида куз билан суз ҳамма вақт ҳам бир-бирига содиқ дўст эмаслиги хусусида Лев Толстой бошлаган бу баҳс жуда ажиб бир тарзда шундай якулланади: Много бы тут надо сказать, но слова ничего не сказали, а взгляды сказали, что то, что надо бы сказать, не сказано.

Бу сингари руҳий тасвир услубини таржиманда аке эттириш қийинлиги асл нуханинг ўзида яратилш, юқорида курганларимиздек, ёзувчидан катта маҳорат талаб қилишидан далолат беради. Тўғри, суз бадний адабиётининг асосий қурилиш ашёси, лекин уни пероф этиш, сунистеъмоҳ қилиш таъсирчанликка барбод бериши мумкин. Шунинг учун бадний тасвирда ҳаракат, бўёқ, товун, мусиқа, сукут ифоласи ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият қозонади.

---

#### «О. ЎСИШ ВА ЮКСАЛИШ ТИЛСИМОТИ!»

---

*Олимларининг шаҳодат беришларича, бир болари бир кинограмм асал тайёрлаш учун қарийб уч минг километр масофани боғиб утиб, ун туққиз миллион гул қосаларини «зиёрат» қилиши керак.*

Шароф Рашидов ижодига хос яна бир хусусият: уз асари устида муттасил ишлаб бориш, унга адабий сайқал бериш «Кашмир қушиғи»ла яққол кузга ташланади. Асарнинг 1957, 1978 ва 1982 йилги нашрлари бир-бирига қиёсланса, бу равшан бўлади.

Ёзувчи уз асари устида бу қадар кунт билан ти-



нимсиз ишлашининг боиси нимада? Олдинги нусхалар муаллифни қаноатлантирмаганмиди?

Албатта, дастлабки нашрларда мустаҳкамланиши, далилланиши, изоҳланиши, асосланиши лозим булган лавҳалар, фасллар ҳам йўқ эмас эди. Учала нашр нусхасини қиёслаш шундан далолат берадики, муаллиф бу ишни жуда чиройли бажарган. Лекин бутуна эмас. Алмаштирилган айрим лавҳалар, қушиқлар, тафсилотлар ҳамма вақт ҳам олдингисига қараганда жуда аъло булганлигидан ёки, тўғрироғи, олдинги талқин кейингисидан заиф булганлигидан эмас, балки муаллифнинг узига талабчанлиги оқибатида юзага келган. Чунончи, олдинги нашрдаги халқ оғзига тушиб кетган айрим дилрабо қушиқлар ҳам кейинчалик «шафқатсизларча» алмаштирилган экан, бунга муаллифнинг янгилик қидириш сари изланишлари самараси дсб қараш керак.

#### ТАҲРИР – САҢЪАТ

Қиссанинг 1978 йилги нашрини унинг 1957 йилги нусхасига нисбатан чоғиштирилганда, жами 330 га яқин узгариш қилинганлиги аниқланди. 1978 билан 1982 йил нашрлари уртасида ҳам юзлаб тафовутлар мавжуд. Булар тиниш белгиларидан тортиб, сўз, жумла ва бутун бошлиқ фасллар, манзаралар, лавҳалардаги узгаришлар, ортиқча қуринган айрим нарсаларни қисқартириш, янги лавҳалар қушиш, услубий сайқал бериш, баъзи вазиятларда мантиқий мукамалликка эришиш мақсадида муаллиф томонидан қилинган майда ва жиддий таҳрир намуналарини уз ичига олади. Адиб таҳририни урганиш, унинг ижодхонаси билан яқиндан танишиш, услуб ва таҳрир хусусиятларини аниқлаш, тасвирни тиниқлаштириш, фикрни янада ихчам ва лунда ифодалаш ёки, аксинча, дастлабки вариантда тумтоқроқ бўлиб қолган ифодаларни бирмунча ёзиш ва ойдинлаштириш мақсадида қилинган оғир меҳнатнинг самараларини баҳолашда гоят катта аҳамият касб этади. Қуйида айрим таҳрир намуналари билан танишамиз.

Асарнинг дастлабки икки нашрида турт уринда бутун бошлиқ янги лавҳалар қушилган (1957 йил нашрида: 15, 35, 44, 50-бетлар; 1978 йил нашрида: 14, 46, 59, 69-бетлар). Ана шу янги қушилган нарсаларнинг мазмуни ва мундарижаси билан танишайлик.

Қушилган биринчи лавҳада (15:14) асарда тасвирланган воқсаларни бир-бири билан боғловчи, пайвандловчи муҳим воқсалар, тафсилотлар қушилган. Олдинги талқинда Бамбур ҳамда Нарғизнинг бир-бирлари билан илк учрашишлари қандай, қачон, қаерда содир булганлиги бироз маъхум булиб қолган эди. Янги қушилган парчада муаллиф буни асослашдан, демакки, воқсани мукамаллаштириш, далиллаш, асар қурилишини тукис ҳолга келтириш, воқса-ҳодисаларга янада кескин тус бериш, олдинда чизиладиган манзараларга замин тайёрлаш, зиддиятни кучайтиришга эришган. Бунда у ҳаслот (фантазия) самарасидан фойдаланган. Ҳикоя қилинишича, Бамбур билан Нарғиз илк бор қаерда бир-бирларини учратганларини эслай олмайдилар. Эҳтимол, тушимизда қуришган булсак керак, деб уйлайдилар. Бироқ муаллиф маъхум тушдан кура анқ восита — **Ойинан жаҳонни** воқсалар силсиласига киритади. Улар: Бамбур билан Нарғиз бир-бирларини даставвал ойинан жаҳонда қурган эдилар. Сунгра муаллиф воқсаларни (учрашув, висол дамларини) ойинан жаҳондан мавжуд борлиққа кучиради. Ниҳоят, улар Гуллар боғида, ажойиб фирдавмонанд чаманзордаги катта харсанг тош устида қуришадилар. Аммо бу учрашув ҳам жунгина содир булмайдн. Икки севишган қалбнинг висол онлари ҳам турли-туман, фарахли, нафис лавҳаларда чизилади. Бамбурнинг Нарғиз ҳузурига келиши қуёш ёғдуларининг Гуллар боғига ёйилиши билан боғланади. Бошқача айтганда, асаларилар шоҳи Бамбур баҳодир гуллар-маликаси Нарғиз бону ҳузурига офтоб нурларига беланган ҳолда етиб келади. Тафсилотлар (деталлар) жуда антиқа, ҳайратомиз, фарахли: **Қуёш (хуришд, офтоб) — Гуллар боғи — Харсанг тош — Субҳидам — Бамбур ва Нарғиз — Икки севишган қалб шгоҳи!**

Мазкур чизгилар ва тафсилотлар ниҳоятда муҳим. Лекин фақат шунгина эмас. Қушилган бу лавҳада нарғизлар ва бамбурлар билан қора кучлар деб аталмиш Бурон, шамол, дажжол, сел, булут, зилзилалар уртасида бошланган ҳаёт-мамот жангининг сабаблари ҳам очиб берилган. Бу — ҳасад. Ҳасад қиссада даҳшатли бир қора куч сифатида гавдаланади. Ҳасад туфайли митти баҳодир Бамбур билан маъсум, нозик-ниҳол

Наргизнинг бошида қора булутлар пайдо бўлади. Чақмоқлар чақади. Дарёлар тескари оқади. Буронлар, изгиринлар, туфонлар, жала, сел, ёмғир бошланади. Зилзилалар қупади. Тоғу тошлар муаллақ ҳолга келадилар! Хаёлий, буюқдор услуб ва тадбир билан чуқур ҳақиқат узининг зоҳирий «ашёвий» ифодасини топади. Асарда тасвирланишича, барча мусибатлар, жаҳолатлар, уруш, жанжал, қирғин, вайронгарчиликлар асосида «ҳасад» аталмиш кўзга кўринмас, қудратли чиркин бир куч зуҳур кўрғазади.

Қиссанинг бу қисмида (биринчи фасл) Бамбур билан Наргизнинг учрашуви иккинчи нашрда қанчалик тўлдирилган ва асосланган бўлмасин, адиб учинчи нашрда (1982) манзарани янада мукаммал бир ҳолга келтириш устида астойдил ишлайдиган (340-341-бетлар). Учинчи нашр таҳририда, айниқса, бадний мантиқни чуқурлаштириш, тартибот ва воқеа узларини жипс-лаштириш, ёрқин унсурлар киритиш, тасвирланаётган воқеалар билан боғлиқ ҳолда янги фалсафий ва руҳий умумлашмалар беришга диққат қилинган. Буюқлар янада қуюқлашган, нафосат янада нозиклашган, жонба янада тиниқлашган.

Қушилган иккинчи лавҳада (35:46) Буроннинг найранги, тўрт томондан қирқиб ташланган Гуллар боғи ва ундаги соҳибжамол Наргизни қидириб юрган Бамбурнинг сарсон-саргардонликларини, Хуршиди тобон Қуешнинг унга кўрсатган марҳаматини туфайли асарларилар шохининг, ниҳоят, Гуллар масканида ҳолсизланиб ётган уз маъшуқасини Наргизбонунини излаб топгани ҳикоя қилинади. Бу ҳам асардаги шакл ва мазмун уйғунлигининг тўқис ҳолга келиши, воқеаларнинг бир-бирига пайвандланишига қўмаклашган.

1982 йил нашрида тўртинчи фаслдаги узғаришлар мундарижасини ҳам моҳият эътиборини билан қиссани янада фусункор, зебо, таъсирчан қилиш мақсадларини қамрайди (358-363). Бу фаслга янги лавҳалар қушилган, мавжудларини эса таҳрирдан ўтказилиб, янада бойлантирилган. Таҳрирнинг мазмунини ҳақида тулароқ тасаввур ҳосил қилиш учун қиёсланг:

1978 йил нашрида

1. Узоқ-узоқларда музика йиғларди (51).
2. Эҳтимол, бу куйи Бу-

1982 йил нашрида

1. Узоқ-узоқларда бир куйи гирён этарди (300).
2. Эҳтимол, бу куйи Бу-

рон билан Хоруд таҳқирлаган гузалнинг оху зоридир.

3. Эҳтимол, бу куй узоқ кунлар ёр жамолини курулмай сарсон-саргардон булиб юрган йиғитнинг нолаасидир.

4. Эҳтимол, бу куй Бурон билан Хоруд жабрини тортган гул-гунчалар йиғиси, ҳаёт ва севги йулида курашга бел боғлаганлар — Наргизнинг вафодор дустлари юрагидан отилиб чиққан садоқат таронаси, бирлашиш чакириғидир (51).

рон билан Хоруд таҳқирлаган мазлумаларнинг оху зоридир.

3. Эҳтимол, бу куй айрилик домида қолган ошиқ-маъшукларнинг фиғонидир.

4. Эҳтимол, бу куй Бурон билан Хоруд жувонмарг этган гул-гунчаларнинг фарёдидир, Наргиз дустларининг курашга даъватидир (300).

Олдинги нашрда келтирилган парчада 55 та сўз бўлса, кейингисиде сўзлар сонни 40 тага келган, яъни 15 калима камайган. Демак, жумлалар ихчамлашган. Лекин бу билан маънога халал етмаган, балки, аксинча, ифода этилаётган фикр тағинам тиниқлашган. Ёзувчи адабий услубнинг қатъий талаби: сўзлар ихчам, фикр лўнда бўлишига янада қатъий билан киритилган. Натижада сўзларнинг сонни камайиб, салмоғи ошган. Чунончи, биринчи нашрда таҳқирланган ошуқа (2) билан маъшук (3) ҳақида гап борса, иккинчи нашрда таҳқирланган мазлумалар билан ошиқ-маъшуклар қайд этилади. Тўртинчи жумлада эса ихчамликка эришиш баробарида, йул-йўлакай олдин утиб кетган бир қусурга ҳам барҳам берилган («Хоруд жабрини тортган гул-гунчалар»: «Хоруд жувонмарг этган гул-гунчалар»).

Бу ерда ҳам тасвирда ҳаракат, суръат ва жараённинг узвий боғлиқ ҳолда воқе бўлишига алоҳида диққат қилинган.

Учинчи лавҳага бўлган зарурат VI боб мазмундан келиб чиқади. Бу эса нашрнинг (1957) учинчи-тўртинчи сузбошилари уртасига (44) ва кейинги нашрнинг (1982) еттинчи сузбошидан кейинги уринга туғри келади (59). Олдинги нусхасида —

3-сузбоши:

Қушлар, гуллар галаба қилаётган ҳаётни, кукараёт-

ган табиатни, яшнаётган водийни, гуллаётган баҳорни қушиқ айтиб табрикладилар.

4-сузбошининг бошланиши:

Гуллар боғи уртасидаги баланд тош устида ажойиб гул очилди.

Мана шу ораликда Бамбурнинг уз Наргизини излаб топгани, гуллар маликасининг аянчли ҳолати, висол бахтидан Наргизнинг жонланиб, икки севишган қалбнинг бахтли қовушиши, уларни уйғонган табиат, чарақлаган қуёш муборакбод этганликлари ҳақидаги зарур тафсилотлар ҳикояси урин олган.

Бамбур уз маҳбубасини хазонлар орасидан даст кутариб олиб, чехрасига уз чехрасини қўяркан: шу он еру осмонда зилзила турди, дейди ёзувчи (60). Қиссада зилзила Буроннинг ёвуз ҳамроҳи сифатида тасвирланади. Бу уринда эса зилзила маънавий ҳаётда юз берган буюк ўзгаришлар дарақчиси булган романтик мажоз сифатида гавдаланади.

1978 йил нашрида: Шу он еру осмонда зилзила турди (60); 1982 йил нашрида: Шу он еру осмон гумбурлаб ҳамма ёқ ларзага келди-ю, зилзила сурони бошланди. Бироқ буларнинг ҳаммаси қутлуг галаси эди (364).

Туртинчи лавҳада Бамбур, Наргиз, Лола, Атиргул, Наврузгул ва бошқа эркесвар кучларнинг даҳшатли қорағуруқчи тудаларга қарши матонатли жанг манзаралари ёритилади.

### СЎЗ, ТИМСОЛ ВА ТИЙНАТНИНГ ТОБЛАНИШИ

Қиссанинг учала нашрини бирма-бир, синчиклаб қиёс қилганда шу нарса маълум буладики, кейинги таҳрир нусхаларида қўл урилмаган, йирик ёки майда тузатиш қилинмаган деярли биронта ҳам жумлани топилган амри маҳол. Асар тубдан қайта ишланган. Бундай ишлов беришнинг мундарижаси ҳақида гапирганда қуйидаги ҳолларни қайд этиш мумкин: айрим манзараларнинг урни алмашган ёки лавҳалар бир фаслдан бошқасига кучирилган; тасвир табиатига ярашмаган безаклар суфталанган; тасвирда хусусан тимсолийликка алоҳида эътибор қилинган. Бунда, айниқса, «майда-чуйда» таҳрир ва тафсилотларнинг жуда нозик ва муҳимлиги диққатни узига тортади. Ана шундай таҳрир намуналарининг айримлари билан танишайлик.

**Биринчи нашрада (1957)**

(Бурон...) Гуллар боғини ер билан яксон этиб, тупроқни ағдариб-тунтариб, йиртқичдай буқирди (21).

**Иккинчи нашрада (1978)**

(Бурон...) Гуллар боғини ер билан яксон этди, бошига тупроқ сочиб йиртқичдай буқирди (28).

**Учинчи нашрада (1982)**

Охири зардаси қайнаб, бошига тупроқ сочиб у (Бурон. — Ғ. С.) буқириб юборди (348).

**Биринчи нашрада**

Қушлар чуғурладилар, булбуллар фарёд чекдилар, гуллар таналарига ёпишган офат аламларини ютдилар (23).

**Иккинчи нашрада**

Қушлар чувилладилар, булбуллар фарёд чекдилар, гуллар таналарига зулукдай ёпишган офат аламларидан инградилар (30).

**Учинчи нашрада**

Таналарига зулукдай ёпишган бало дастидан гуллар инграб юбордилар... (349).

**Биринчи нашрада**

...Гулларнинг сулгин япроқларига, заъфарон вужудларига... (24).

**Иккинчи нашрада**

...Гулларнинг заъфарон япроқларига, сулгин вужудларига... (31).

**Биринчи нашрада**

Ғуё у (Атиргул. — Ғ. С.) қадам қўйган ерда тулин ой пайдо бўлади-ю, тўрт томонни нурга қоплайди (39).

**Иккинчи нашрада**

Ғуё у қадам қўйган ерда тулин ой пайдо бўлади-ю, тўрт томонни нурга белейди (53).


**Учинчи нашрада**

Унинг (Лоланинг. — Ғ. С.) ордидан бошдан-оёқ оқ кийиб, ойдай тулиб луппи юзли Атиргул хуш буйинни димоққа урди (362).

Унинг (Наргизнинг.— F. C.) бошида ҳам, белида ҳам, қулларида ҳам, оёқларида ҳам ранг-баранг япроқчалар жилва қилди (53).


Унинг бошида ҳам, қадди-қоматида ҳам, қулларида, оёқларида ҳам ранг-баранг япроқчалар жилва қилди (72).


Муаллиф ҳар гал айна вазиятга, руҳий ҳолат, кайфиятга мос сўзни қўлайди. Иккинчи мисолга эътибор қилинсин:

Қушлар —  чугурладилар (1957)  
чувилладилар (1978)

Дастлабки кўриниши тўғри эмасми? «Чувиллаш» паррандалардан қура қўпроқ одамларга хос нарса-ку, дейишлари мумкин. Йўқ, муаллиф ҳар иккала сўзни ҳам қўлайди, лекин кейинги нашрларда уларни фарқлайди: энди хушнуд онларда қушлар — «чугурласалар», таҳликали дамларда — «чувилладилар». Шунингдек, дастлаб гуллар офат аламларини «ютган» булсалар, энди улар аламдан «инграйдилар». Таҳрир тасвирдаги руҳий ҳолатга мос тушган. Узгача айтганда, кейинги нашрларда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари анча хилма-хиллаштирилган, айтайлик, энди бир вазиятда, чиндан ҳам, аламларини ичларига ютиб, азоб-уқубатларга чидасалар, бошқа бир уринда, — зулм, ситам миқёси қуюқлашганда, — «инграб» юборадилар. Ҳаракат тасвири ҳолат ва вазият ривожига мослаштирилади.

Учинчи мисолда икки ҳолатда сифатлар билан ухшатилаётган нарсаларнинг ўрни алмаштириб қўйилган, яъни «қайчи-таҳрир» қилинган:

I Гулларнинг —  (1) сулгин (2) япроқлари  
(3) заъфарон (4) вужудлари

II Гулларнинг —  (3) заъфарон (2) япроқлари  
(1) сулгин (4) вужудлари

Туртинчи мисолда дастлаб Атиргул ҳамма ёқни нурга қоплаган бўлса, кейинги нашрда нурга беллади,

деб узгартирилган. Дафъатан қараганда, бу ҳам майда нарсадай. Аслида, жиддий гап: қопламоқ феъли мантқан булут, туман, зулмат сингари салбий маъноли нарса ва тушунчаларга қойим келса («булут қоплади», «туман қоплади», «зулмат қоплади»), ойдинлик рамзи: нур, сут ва ҳоказолар «қопланмайди», балки «беланди» («сутга беланди», «нурга беланди» сингари).

Қисқаси, ҳар бир таҳрир, тафсилот, ниманидир қушиш, қисқартириш, алмаштириш, узгартиришлар барчаси нечоқлик заррадай майда булмасин, шунчалик вожибдир.

### ТАҲРИР — НОДИР АДАБИЙ ЖАРАЁН

*Китобим — муносиб, дилбандим эрур,  
Анинг ҳар байти бир фарзандим эрур.*

*Мажлисий.*

Юқорида айтиб утдим: икки ҳолда адабий таҳрирга мурожаат қилинади: бири — асар муаллифни қониқтирмаганида; иккинчиси — муаллиф ўзи ёзган, кенг адабий жамоатчилик томонидан эътироф қилинган асарини янада барқамол, янада сулув, бегубор ҳолда қуришга булган орзумандлигиндан.

Турган гап, асарнинг уша дастлаби нусхасини ҳеч бир узгаришсиз қайта нашрга узатавериш ҳам мумкин эди. Бироқ ундай ҳолда биз муаллифнинг қалбида ва онг-шуурида айни қисса асосида узлуксиз давом этган қимматли ва бағоят ибратли адабий жараён маҳсулидан маҳрум булар эдик.

«Кашмир қушиги» сингари асарларда муаллифнинг ўз-ўзини таҳрир қилишига зарурат туғдирувчи омиллар масаласига келганда, бунда қиссанинг олдинги нашрларида муқаррар равишда қандайдир нуқсонлар, кемтик жойлар булиши шарт эмас. (Албатта, дастлабки тажрибаларда, ҳақиқатан ҳам, муаллифни қониқтирмаган айрим лавҳалар алмаштирилган, учраган баъзи кам-кустлар тузатилган). Ишнинг бош қисмида ёзувчининг ўзи ўқувчини огоҳ қилади: «...Муаллифлар ўз севимли асарларига умр бўйи мурожаат этиб, қайта ишлаб, тўлдириб турадилар. «Кашмир қушиги»нинг... янги нашри ҳам шундай асарлар жумласидан» (334).

Шоир Мажлисий ўз китобини «мунис», «дилбанд»



деб баҳолаб, унинг ҳар байтини бир «фарзанди» деб билади. Маълумки, фарзанд айниқса мурғак гудаклигида ота-онасига жуда азизу лазиз бўлади. Лекин дунёда ҳеч бир ота-она йўқки, уз боласининг, у қанчалик ширин бўлмасин, уша жужиклик ҳолатида қолиб кетишини истамайди. Ота-оналар уз болаларининг улгайишини, балоғатга стишини, узоқ умр куришини, эслик-хушлик, одоблик, қобил инсон бўлишини орзу қиладилар. Адабий асарнинг ҳам балоғатга стиб умрбоқий бўлиб қолиши ҳар бир адибнинг орзуси. Ана шу эзгу истак Ёзувчини мазкур қиссага қайта-қайта мурожаат этишга жазм этган. Ана шундай сунмас, эҳтиросли, бузургворий муҳаббат, «ижодий жасорат» (И. Ғафур) «Кашмир қушиги»нинг долғали шухратини таъминлади, уни жаҳон саҳнасига олиб чиқди.

### МАЗЗУ, ҒОЯ ВА ТАҲРИР

Таҳрир адабий камолотга эришишнинг муҳим воситаларидан бири экан (Лев Толстой узининг айрим румонларини йиғирма-уттиз марталаб қўлда кўчирганлигини бир тасаввур қилинг!), бу йўл билан ҳамма ва ҳар қандай асарни ҳам нодир, «классик» ижодий намунага айлантириш мумкин экан, деб бўлмайди. Бунда муаллифни уз ижодий тажрибасига бир неча марталаб қайтишга ундайдиган жиддий сабаб бўлиши даркор. Айтайлик, бирон асарни минг қайталаб «айлантирган» билан ундан бирон дуруст нарсачиқмайди. Бинобарин, уша асарни «умр маҳсули»га айлантириш учун арзигулик кенг миқёсли маззу, салмоқдор мазмун, пишиб стилган ижтимоий «дард» бўлиши лозим.

«Кашмир қушиги»да кутарилган масаланинг миқёси, «журғоний кенгликлари» фақат Кашмир, Ҳиндистон, бўғи Марказий Осиё билангина эмас, балки жаҳоний, умуминсоний аҳамиятга молик. Зотан, қиссада кутарилган уткир ғоядан ташқари, Табиат ва Инсон баҳон ҳамма замонларда бирдай долзарб аҳамият касб этганлигидан ташқари, бу абадий маззу бўлиб, унинг аҳамияти тоабод ортгандан ортиб, замланиб, уткирлашиб ва мураккаблашиб боравради...

Ёзувчи Шароф Рашидовнинг қиссасида Гуллар боғининг, Иброҳим Ғафур таъбири билан айтганда, «фуқаролари» — бсозор ва ожиз гуллар, булбуллар, қумрилар, мунаввар Қуёш, зулматли булут, даҳшатли шамол, қуюн, бурон ва ҳоказолар узаро ҳаёт-мамонт кура-

ши олиб борадилар. Бунда муаллиф, таъбир жонз бўлса, табиатнинг табиий хусусиятларидан (шамолнинг смирувчилик, қуёшнинг куйдирувчилик қудрати ва ҳоказо) фойдаланиб, уларга тагдор маъно бағишлайди:

Ҳаёт курашсиз бўлмайди.

Одамлар курашадилар. Қушлар курашадилар. Гуллар курашадилар. Курашларда тобланадилар. Фақат курашларда зафар қучадилар (363).

Бу гоё асрлар мобайнида занжирбандлик, қуллик шароитида, муте ҳолатда сақланиб келган бутун Шарқ мазлум халқлари учун гоёят маънодор ишора ва ибрат бўлиши эътибори билан табаррук. Бинобарин, мазкур фикр ва мавзу узининг мазмуни теранлиги, бағри кенглиги билан янги-янги бадиий талқин ва таҳрирларга кенг йул очади.

### МАНЗАРА ҚАНДАЙ БЕЗАНДИ

Туртинчи фаслда (дастлабки икки нашрда — бешинчи фасл) Бамбурнинг Бурон билан Хоруд вайронага айлантирган Гуллар водийсининг харобаларига дуч келганидаги ички изтироблари, ҳувиллаб ётган манзилгоҳ даҳшати тасвирланган. Бу манзара тасвири иккинчи ва учинчи нашрларда жиддий фарқланади — муаллиф уни тублан қайта ишлаган. Бундан ташқари, худди шу манзара ўрнеча таржимала ҳам аслидан анча тафавут қилади.

### Иккинчи нашрда (1978)

---

Бамбур тепалан учиб угди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Нарғизнинг гулзорини зулмат ва қоп-қора тутун қоплаб олиб, тўрт атрофга қабристон сукути чуқибди. Бутун водийнинг зеб-зийнати бўлган турли-туман гуллар Хоруд ва Бурон юборган офат натижасида ерпарчин қилинибди. Гулларнинг япроқ ва гунчалари сўлиб, қуриб ерга тўкилибди, новдалари эса, Хоруд захари билан оғрибди. Уз севгилисидан Нарғизни ахтариб келган Бамбур Гуллар боғи ўрнида қўрқинчли саҳронини кўрди-ю фиғонини фалакка чиқди (50).

### Учинчи нашрда (1982)

Бироқ водийга кўз ташлаб, унинг кўринишидан хангу манг бўлиб қолади. Бу тенги йўқ кишварга зеб

бериб, ҳилва қоматларини таманно билан тсбратиб, анвои буюқлари билан фусун сочиб ётган ададсиз гул ва чечаклар қолмабди. Улар урнида зулмат ва қабристон сукунатидан қоп-қора култспалар тутаб ётибди. Васфига тил лол булган, еру қукка татиган муаттар ҳидлар, уфори буйлар йуқ, уларнинг урнига гард, могор, фасод ва куйиндиларнинг омихта исн биқсиб ётибди. Турли-туман қушлар, уларнинг дил-дилни сеҳрлагувчи наволари ҳам қолмабди. Гунча ва япроқларининг оҳишта шивир-шивирлари ҳам йуқ, улар қовжираб хазон булибдилар. Бутун атроф шипшийдам булиб қолибди (300).

Биринчи нашрда даҳшат ва саросималик манзарасини чизишда нуқул қора буюқлар («зулмат», «қоп-қора тутун»), унсизлик ва вазминлик («қабристон сукути»), бало-қазолар («Бурон юборган офат»), ҳалокат («ерпарчин қилинмоқ», «япроқ ва гунчаларнинг сулиши», «қуриб ерга туқилиши»), хасталик («Хоруд заҳари билан огримок»), харобазор даҳшати («қурқинчли саҳро») тасвирлари келтирилади. Иккинчи нашрда эса қайд этилган белгиларнинг барчаси ифодавий тарафдан янада кучайтирилиб, бурттирилиб берилиши баробарида, улар қиссини тарҳга кучирилади ёхуд олдинги мавжуд чоғиштиришлар янада чуқурлашади, муайян тус олади, энди уларнинг буюқлари қуюқлашади. Чунончи: «анвойи буюқлар»: «қоп-қора култспалар»; «тенги йуқ кишвар»; «қабристон сукунати»; «муаттар ҳидлар», «уфори буйлар»: «гард, могор, фасод ва куйиндиларнинг омихта исн».

### ТАЛҚИН – ТАРЖИМА – ИДРОК

*Илҳомимга бериб зур қанот,  
Мамлакатим гуллар тутажақ.*

*Шароф Рашидов. Ватан ишқи. Жиззах. 1937. Асарлар. Беш жилдик, III том, 437.*

«Кашмир қушиги»нинг уч наشري муаллифнинг ижодий такомилот йулини намоиш этиши баробарида, яна «ёзувчи ва замон», «ёзувчининг фуқаролик бурчи», «муаллиф ва таржимон», «асл нусха ва таржима», «фалсафий талқин ва бадий ифода», «асл нусха, таржима ва китобхон идрок» сингари бутунги адабий

ҳаётнинг унлаб долзарб муаммоларини муҳокамага ташлаш имконини беради.

Жуда қизиқ ҳодиса: чорак аср давомида машҳур ҳинд қиссасининг уч кўриниши билан «мулоқот»да булиш бахтига эришдик. Чорак асрли тарихга эга булган бу нодир адабий жараён ёзувчининг ижодий такомили учун ниҳоятда хос ҳодиса эканлиги қайд этилди. Лекин китобхончи? Бунинг устига «китобхон» деганда фақат ўзбек ўқувчиларигина назарда тутилмасдан, асарнинг бир неча унлаб тилларга қилинган таржималари туфайли қиссадан баҳра олганлар, баҳра олаётганлар сони ҳам шунга мувофиқ тарзда юз карра ортиб, кенгайиб бораётганлиги назарда тутилса, замонавий долгали адабий ҳаёт мазмуни нақадар мураккаб ва жилвакор эканлиги равшан бўлади.

Ўзбек ўқувчиси асарни адиб ижодининг уч палласи маҳсули сифатида мутолаа қилди. Бу давр орасида китобхоннинг узи ҳам усди. Масаланинг соф «биологик» томонини ҳисобга олганда ҳам, китобхон айни қиссани ўз умрининг турли погоналарида ўқишга муяссар бўлди. Чунончи, «Кашмир қўшиғи»нинг биринчи наشري билан 1957 йилда 18 ёшлик йигитлик ёки қизлик даврида танишган киши унинг иккинчи нашини 1978 йилда 39 ёшли баркамол эркак ёки аёллик даврида, китобнинг учинчи нашини эса 1982 йилда 43 ёшли камолот палласида ўқиди. Бу давр орасида ўқувчида талаб, таъб ва диднинг ҳам ўсганлиги инобатга олинса, ёзувчи-китобхон муносабати янада хилма-хил ва сермазмун эканлиги аён бўлади.

Таржима масаласини олайлик. Бу ажойиб адабий восита (таржима) туфайли тутилган манзара янада ранг-баранг. Қай бир тилларга қисса — биринчи нашидан, бошқаларига — қайта ишланган иккинчи нашидан, айрим булак тилларга эса мукаммал учинчи нашидан утирилган. Бунинг устига, асар аллақанча тилларга асл ўзбекча нусхасидан ағдарилган бўлса, купчилик бошқа тилларга урисча таржима нашрларидан утирилган... Шундай қилиб, биргина афсона-қўшиқ мисолида бири-биридан қизиқ, қанчадан-қанча янги-янги адабий-эстетик, миллий-лисоний ҳодисалар жонланади.

Юқорида қайд этилганлар шунчаки маърифий аҳамиятга эга булган гап эмас, балки масаланинг амалий томони ҳам муҳим. Чунончи, биз купмиллатли ҳамда купмиллионли хорижий ўқувчиларни «Кашмир қўши-

ги»нинг турли нашрлари, нусхалар аро жиддий таф-  
вутлардан огоҳ этишимиз зарур, токи уларда асарнинг  
илк нусхаларидан қачонлардир қилинган таржима уз-  
бекча асл нусха ва ўрисча сўнгги мукаммал таржимага  
нисбатан аллақачонлар эскирганлиги маълум бўлиб,  
янги таржималарга ҳавас ва рағбат пайдо қилсин.

# ҚУШ ТИЛИНИ ҚУШ БИЛАДИ

## 3-фасл

### АДАБИЁТ ВА ТАРЖИМА. САНЪАТДА МЕЪЁР ВА МУВОЗАНАТ ДЎСТ НИГОҲИ БИЛАН

Ўзбекистон Телеграфхонаси хабар беради: «Кашмир қўшиғи» Ҳиндистонда нашр этилди.

Зарҳал нақш билан безатилган кук муқовали чиройли китоб — Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари куни кеча Ҳиндистонда нашр этилди.

Ўзбек ёзувчиси илҳом билан тараннум этган қўшни халқнинг қадимий эртаги кенг қанот чиқариб бутун дунёда парвоз қила бошлади. Эзулик, муҳаббат ва адолатнинг ёвузлик кучлари устидан тантанасига ишонч бахш этувчи доно ва нафис қисса ўзимизда ва бошқа мамлакатларнинг халқлари тилларига таржима қилиниб, оддий кишилар қалбида жушқин акс садо берди. Юксак адабиётнинг ҳар қандай ҳақиқий дурдонаси каби «Кашмир қўшиғи» ҳам купгина санъат арбобларига илҳом бахш этди: у мусиқа, театр, кино тилига қайта-қайта қўчирилмоқда.

Шуниси қувончлики, дунёвий ҳудудлар узра парвоз этиб юрган бу асар яна ўз ватанига қўнганида, у самимий офаринлар билан кутиб олинди. Дўстнинг қалами халқ афсонасининг маъносига чуқурроқ назар ташлашга, шу дурдонанинг янги-янги қирраларини қўришга ёрдам берди. Ҳиндистон жамоатчилиги ёзувчининг бу асарини қўшни халқнинг маданиятига ва анъаналарига бениҳоя ҳурмат ва астойдил қизиқишининг яна бир намунаси деб билди.

Ниҳоят, асар Ҳиндистонда ўзбек тилидан ҳинди тилига таржима қилиниб нашр этилди. Китобни «Навьюпаблишерз» нашриёти чоп этди.

Ҳозир «Кашмир қўшиғи» кашмир, урду ва Ҳиндистондаги бошқа тилларда нашр этилиши кўтилмоқда («ЎзАС», 29.01.82).

*Бир халқ тилидаги сўз иккинчи бир халқнинг дил изҳори бўлиб қолди.*

*Юрий Григорович, халқ артисти.*

Асарнинг ўзувчи С. П. Бородин қаламига мансуб илк урисча таржимаси ўзбекча асл нусхаси билан бир даврда, 1957 йилда Тошкентда чоп этилган эди. Купчилик таржималарга С. П. Бородин томонидан қилинган ана шу урисча нусха асос бўлган. Қиссанинг иккинчи урисча таржимаси (1979) шоир Николай Грибачев қаламига мансуб. (Шароф Рашидов Асарларининг Масковда нашр этилган беш томлик тупламига ҳам Н. Грибачев таржимаси киритилган).

«Кашмир қушиғи» қиссасининг урисча янги таржимаси асл нусхага жуда яқин, фақат гоҳи уринлардагина бирмунча тафовут қилади. Бунинг сабабларини муаллифнинг мана бу сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

«...Қушиқ уни яратган, уни тасарруф қилган халқ тилидагина тугал ва мукаммал жаранглаши шак-шубҳасиздир» (372).

#### УЗУККА КЎЗ ҚЎЙГАНДАЙ

Умуман олганда, Николай Грибачев мумкин қадар муаллиф услубига — таърифда майинлик, ранг-баранглик, сўз бойлиги, мажозийлик билан бирга, асарнинг узига хос жанр талабидан келиб чиқадиган белги-аломатларигача, шарқона ёки ўзбекона таъриф-тавсифларнинг узига хос белги-аломатларигача беришга, қиссанинг руҳини, муаллифнинг асл муддаосини тўқис акс эттиришга астойдил ҳаракат қилган. Масалан, «у севган турнакуз булоқлар қайнамас» (358) жумласи «Когда-то чистые, как глаза журавлей... родники» (51) деб угирилар экан, турнакуз булоқлар «родники, как глаза журавлей» деб берилгани айни муддао.

Тунлари юлдузлардан, кунлари шамоллардан, тунлари елдирым оёқли охулардан, кунлари олмос кўз бургутлардан суроқлаб ҳоли жони қолмади. Ҳеч биридан курдим, эшитдим, деган жавобни ололмади (359). Ўзбек халқ оғзаки ижодига хос ҳикоя қилиш, ривоят услуби, бундай анъанавий нутқ қолипини бошқа тилда бериш мушкул. Қўйидаги таржима, гарчи бироз

янги тафсилотлар билан амалга оширилган булса-да, лекин шонр-таржимоннинг узбекона фолклор услубини айнан акс эттиришга уринишини, изланишини маъқуллаш керак:

Он окликал орла: «Откликнись!», призывал звезду: «Покажись!», просил ветер: «Развей тучи!» Но орлы забллись в расщелины скал, но звезда не могла прорваться сквозь тучи, но ветер, неподвластный себе, бросался попусту из стороны в сторону, сам не зная зачем (52).

Баъзи уришларда таржимада узбекча асл нусхада булмаган янги-янги тафсилотлар қушилганлиги юқорида эслатиб утилди. Масалан, Бамбур уз маҳбубаси Наргизга: Мен сени ойнаи жаҳонда кўрган эдим (341) деса, таржимада: Есть волшебное зеркало мира, в котором отражено все, что было, все, что есть, все что будет, — в нем я увидел тебя (16), — дейди. Аммо бу зарурий қўшимча, матн ичида масаланинг моҳиятини изоҳлашдир. Ойнаи жаҳон нималигини ҳамма ўзбеклар билади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида яхши тасвирланган. Унда утган, ҳозирги ва келажак замонларда бўлиб ўтмиши, бўлаётган ва булажак воқеалар тасвирланиши бизга тарихан аён. Лекин урнс уқувчисига «волшебное зеркало» жумласининг ўзи ҳеч нарса англатмайди, чунки бундай тушунча уларда илгари маълум эмас эди...

#### ТАРЖИМАВИЙ ВОРИСИЙЛИК

Ёзувчи ўз қиссасига нашрдан-нашрга сайқал бериб, олдинги нусхаларда унчалик кўнгли тулмаган лавҳаларни қайта-қайта ишловдан чиқазиб бораркан, бунда таржимонлар томонидан тавсия қилинган ёки уларнинг ишларида мақбул кўринган айрим янгиликлар, зарур фикрларни ҳам инобатга олади.

Қиссанинг тўртинчи фаслида тасвирланишича, Бурон билан Хоруд Наргизга тажовуз қилганларида, у мадад сураб Бамбурга нидо қилади:

— Бамбур! Асаларилар шоҳи Бамбур! Кел, мени халос эт!..

Шу биргина суз Буронни ҳам, Хорудни ҳам саросимага солиб, тигратиб-қалтиратиб юборди. Улар жон талвасасига тушиб қолдилар.

Бамбур ёлғиз учиб келмайди, унинг минглаб, миллионлаб дустларни бор. Шу улуг куч уларни эсанкиратиб қўйди... (1957, 33).



Сергей Бородин бу парчани урисчага угираркан, Бурон, Хоруд сингари даҳшатли ёвуз кучларнинг гузаллик ошиги, беозор ва бегидир Бамбурдан бу қадар «титраб-қалтираб», «талвасага» тушганликлари сабабларини тушунтиришга, вазиятни бир қадар асослашга журъат этади.

— О повелитель пчел Бамбур! Заступись!

Повелители холода, зимней стужи, зимних ненастий, они никогда не осмеливались явиться сюда в пору пчел. Один лишь призыв Наргис к пчелам ужаснул богатырей зимы, безжалостных угнетателей.

Пчела не прилетает одна. Они появляются сотнями тысяч, роями, стремительные, готовые ужалить всякого, кто посягнет на их трудолюбивую жизнь. Их миллионы и все они устремлены к одной цели, заняты одним общим делом, неутомимые, но беспощадные, если обидеть их (1957, 29).

1978 йилги узбекча нашрда келтирилган манзара тасвирига унча-бунча жузыйи тузатишлар киргитилган бўлса-да (42-43), урисча нусхадаги «ишоралар»ни муаллиф эътиборсиз қолдирган эди. 1982 йилги узбекча нашрда эса С. П. Бородин киритган тафсилотлар инобатга олинибгина қолмай, айнаи вазият тасвири янада чуқурлаштирилган. Энди масаланинг фақат «биологик» омилларигина (асалариларнинг чақиши) эслатилиб қолмасдан, жаҳондаги улкан нарсаларнинг бари майда зарралар ва қатралардан ташкил топиши ҳақидаги фалсафий далил, умумлашма билан мустаҳкамланган.

— Бамбур! Асаларилар шоҳи, Бамбур! Кел, мени халос эт!..

Бурон билан Хоруд шу биргина сүздан жонни ҳалқумига текилиб титраб кетадилар. Негаки, улар Бамбурнинг ёлғиз учиб келмаслигини, минг-минглаб, миллионлаб дустлари борлигини билардилар. Ҳар бир асалари уз ҳолича миттигина, қанотлари муртгина, лекин уюшиб жам бўлгач, улар қояларни қулатишга, дарахларни емиришга қодир улуг кучга айланадилар. Битта асалари чаққан жой ловиллатиб ёмон куйдиради, аммо унинг ягона ниши бор, қуюндай епирилиб келганларида эса уларнинг зарбалари найза ва уқейникидан қолишмайди, не-не алп паҳлавонларни Бамбурга қарши бош кутарган кун ва соатидан пушаймон едириб ҳалок этади.

Жажжигина, миттигина, увоққина — шу ҳам сал-

моқ бўлдимми? Қум зарраси увоққина, бироқ чуққиларида юлдузлар ором олгувчи салобатли тоғлар шу увоқлардан иборат; сув қатраси жуда жимит, бироқ улкан кемаларни қаърига тортгувчи тубсиз денгизлар шу реза томчилардан иборат (356-357).

Келтирилган бу манзара узининг барча тафсилотлари билан янги урисча таржимага (Н. Грибачев, 1979, 48) мукамал тарзда утказилган. Демак, қиссанинг биринчи таржимасида қилинган «ишора» асл нусхада яхлит бир манзарага айланиб, у орқали иккинчи таржимада тула акс этган. Бу таржимавий вориёнликнинг яхши намунаси бўла олади.

Муаллиф келтирган «биологик далил»нинг гоётда тажовузкор булиши — қанчалик даҳшатли ва ишонарли эканлигини қуйидаги маълумотлардан ҳам билса бўлади.

Матбуот хабарларига қараганда, АҚШ дан жануб томонда Африқо асалариси билан Бразилия асаларисининг чатишувида ҳосил бўлган йирик ҳашаротлар жуда меҳнаткаш, сермаҳсул ўлароқ, жаҳлдор, қотил ҳисобланади. Бу асаларининг чақишидан 150 та одам ҳалок бўлганлиги маълум (1982 йилгача қурбонлар сони 400 тага етган). 1967 йилда Рио-де-Жанейро шаҳридаги уйлардан бирига шундай асалариларнинг бир уяси кириб қолганда, ут учирувчилар уларга қарши ут очганлар, бироқ узлари таслим бўлиб чекинишган.

Урмондан қишлоқ жойларига учиб борган бундай асаларилар нимадандир ранжиб қолгудай бўлса, от борми, уй ҳайвонлари, итлар, товуқлар, одамлар борми — дуч келган нарсага ёнишадилар. Мазкур «африқонлашган» асаларилар соатига 300 км. тезликда Қушма Штатлар томон парвоз қилинган. 1975 йил июнда АҚШ сенати тасдиқлаган қонун лойиҳасига кўра, чет элдан АҚШга асалари ёки унинг уруғини олиб келган ҳар бир шахсга бир йил қамоқ жазоси берилиб, минг доллар жарима солинади.

Африқонлашган асалари АҚШга бориб стадиган бўлса, мамлакат қишлоқ хужалиги хароб бўлиб, бир неча миллиардлаб доллар зарар етказиши мумкин («Эврика» — 77, М., 1977, 167-170).

Яна бир қизиқ далил: Бразилияда наштарсиз арилар тури ҳам мавжуд бўлиб, шуниси борки, улар... нордон асал тайёрлар экан.

Бадний таржима шундай санъатки, у бир тилда яратилган асарни бошқа тилда сузловчи китобхонларга етказаркан, угирилаётган асар аслига мос эканлигига кафиъл булмоги даркор. Лекин юқорида эслатиб утилганидай, ҳар бир санъат намунаси узи бунёд этилган тилда, яъни асл нусхасидагина «мутлақ туғридир».

Таржима аслига нисбатан заиф булганида, у салбий ҳодиса сифатида тез кузга ташланади. Бироқ аслига нисбатан бир қадар кўҳлик ва ҳатто янада мукамалроқ булиб чиққанида эса аслиятдан бохабар булмаган соддадил уқувчи бу ҳодисани мамнуният билан қабул қилади. Аслида эса, моҳият эътибори билан, ҳар иккала ҳодиса ҳам муаллифни «йулдан оздиришда» бир хилда салбий ҳодиса ҳисобланади.

Модомки, ҳар қандай аниқ таржимада ҳам угирилган асар асл нусхасига мутлақ тенг булолмаслиги важидан «ноаниқ» экан, яъни у тилларнинг хусусияти (лисоний омил) ва ижодкорларнинг хос услуби важдан, улар мансуб булган мактаблар, даврлар тафовути тақозоси билан таржима аслиятга нисбатан ё бирмунча кучлироқ, ё бир қадар заифроқ булиб чиқиши муқаррар. Ҳар икки ҳолат ҳам назарияда аниқ, амалиётда мавжуд нарсалар. Бироқ бошқа бир хусусият, назаримда, камроқ тилга олинади. Бу шундан иборатки, айни бир асарнинг муайян бир таржимасида ҳам афзаллик, ҳам заифликлар мавжуд булиши мумкин. Бошқача айтганда, муайян бир таржимада асл нусха узининг қайси жиҳатлари биландир ютган булса, бошқа тарафдан лат сийиши тайин.

#### ТАРЖИМА «ИҚЛИМИ» НИМА?

Н. Грибачев таржимаси С. Бородиннинг илк урисча таржимасидан тубдан фарқ қилгани ҳолда, ундан баъзи бир нарсалар ҳам утганки, буларни ҳатто ўзбекча нашрнинг 1957 йилги нусхасидан ҳам топиб булмайд.

Шубҳасиз, қиссанинг янги урисча таржимасида умуман бадний таржиманинг ижодий табиати, урис китобхонининг диди, тайёргарлиги ва талаби тақозоси, шонр-таржимон Николай Грибачевнинг узига хос тили ва услуби йуригига маълум даражада мослашиш, таъбир жоиз булса, «таржимавий иқлим»га мойишла-

шиш заруратига кўра содир буладиган жузъий узгаришларни тушуниш мумкин. «Тушуниш мумкин» булган бундай узгаришлар ҳам анча-мунча.

Николай Грибачев таржимаси илк урисча таржимада мавжуд бирмунча қуруқлик, шаклбозликдан холилиги билан яққол ажралиб туради. (Қиссининг биринчи урисча таржимаси ҳам дастлабки уриниш улароқ, узига хос матний аниқлиги, муаллифнинг ғоявий йўналишига содиқлиги тарафларидан уз даврининг маҳсули сифатида муайян ижодий ютуқ деб қаралмоғи даркор). Аввало, катта истеъдод, нафис кайфият, ҳиссиёт билан ёзилган «Кашмир қушиғи»ни шоир таржима қилар экан, асарнинг бу хусусиятлари, нафислик, оғзаки ижод оҳанглирига хос майинлик, буюқдорлик янада мукаммал бир тарзда намоён бўлишини кутиш керак эди. Дарҳақиқат, янги урисча таржима билан танишиш бунинг аъло даражада амалга оширилганини яққол курсатади.

Маълумки, таржима тиллар, адабиётлар, диллар учрашувигина эмас, балки тарихан таркиб топган миллий ва адабий анъаналарнинг ҳам дучлашуви, уйғунлашуви маҳсули. Мана шу учрашувда турли адабий майиллар маҳсуллариининг баҳолалиши ва талқини содир бўлади. Ана шундан мослаштириш майли зуҳур эта бошлайди. Мослаштириш майли онгли равишда ҳам, беихтиёр, яъни таржимонининг хоҳишидан ташқари ҳам содир бўлиши мумкин. Фарб билан Шарқ адабий анъаналари дучлашувида, яъни Шарқ ёзувчилари асарларининг таржималарида, аксар ҳолларда, «далиллаштириш» (расионализм)га мойиллик сезилиб туради. Хоҳ Шарқ классикаси таржималарини олайлик, хоҳ кейинги давр миллий адабиётлари намояндалари асарларининг таржималарини олайлик, бу майл муқаррар равишда уз таъсирини утказди. Масалан, бизга оддий, табийи куринган адабий жараён узбек адабиёти асарларини таржима қилувчилар нуқтаи назаридан шарқона услуб жимжамдорлиги, тасвирий бежамадорлик булиб куринади. Ана шундай юксак услуб, шуқуҳли тасвир мороми ва зарбини пасайтириш, оҳангни «муътадиллаштириш» мақсадида таржимонлар турли-туман тадбирларни ишга соладилар. Гоҳи ҳолларда юксак шоирона услубни бирмунча жўнлаштириш, ҳароратни совутиш ва «тиндириш»га ҳаракат қилинади. Фарчи «Кашмир қушиғи»нинг Н. Грибачев таржимаси ҳам бу тараф-

лардан буткул мустасно булмаса-да, чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этиш керакки, бу ерда урис шоири узи угираётган қиссага диққат билан ёндашган. Иложи бор қадар муаллиф услубига ва талқинига содиқ қолишга, асарнинг руҳини, ширасини, узига хос шарқона бадий тасвир воситаларини, фалсафий умумлашмалар, ҳикматлар, нафис кечинмалар, руҳиятни беришга уринган ва куп уринларда бунинг уҳдасидан чиққан. Грибачевнинг бу таржимасини унинг узбек адабиётидан қилган энг яхши ишларидан бири, бугина эмас, мазкур таржима кейинги вақтларда умуман узбек адабиётидан қилинган энг сара таржималардан эканлигини эътироф этган ҳолда, унда ҳам янада пухталаса буладиган жиҳатлар борлигини айтиш лозим. Чунончи, айрим лавҳалар таржима-сида мулоҳазакорлик майли кучайтирилган, мажозийлик, ҳиссиёт руҳи ва ҳарорати бирмунча суниб, тасвирга аниқ тасвирий унсурларни олиб киришга ружув қилинганга ухшайди. Масалан, далиллаш, асослаш, воқеаларни боғлаш, аниқлаштиришга бироз ортиқча уриниш кўзга ташланиб қолади. Гоҳи уринларда асл нусхада фикран «тушунилган» вазиятлар юзга чиқазилиб, «аталиб», «муомала»га киритилади. Баъзан асл нусхада булмаган янги лавҳалар қушилади. Мавжуд тасвирлардан гоҳо воз кечилади. Ана шу мулоҳазакорлик, воқеаларни мажозийлик ниқобидан чиқазиб, аниқлаштириш, воқеа парчаларини бир-бирига пайвандлаш мақсадида булса керак, яхлит матнлар баъзан майда мулоқотларга булиб берилади.

Уйлаймизки, ҳеч шубҳасиз, уз асарининг узбекча матнини доимо мукаммаллаштириб бораётган ҳар бир ёзувчи омилкор урис таржимонларининг тажрибасидан ҳам нималарнидир қабул қилиши мумкин. Хоҳ ижодий яратувчилик булсин, хоҳ адабий таҳрир булсин, хоҳ бадий таржима булсин, — буларнинг барчаси катта ва сахий ижодий майдон. Бунда ижодий урганиш-узлаштириш жараёни бир тарафлама, қатъий йўналишдаги тугри чизиқдан: аслий адабиётдан — таржимага, муаллифдан — таржимонга қараб бормайди. Худди шундай булиши шарт эмас. Бу жараёнда ёзувчи, муаллиф уз асарининг таржимасидан, таржимондан ҳам нималарнидир олади. Ундан қандайдир майл ва қарашларни қабул қилади. Ноёб ҳодиса! Муаллиф ва мутаржим, асл нусха ва таржима алоқаларининг фавқулодда узига хос «табиати». Ижодий

яратувчилик жараёнида таъсир ва акс таъсирнинг узига хос куриниши.

### ШОИР ТИЛИНИ ШОИР БИЛАДИ

Николай Грибачев таржимасининг афзаллиги шундаки, бу ерда таржимон — муаллифни, унинг уй-муддаосини, асарининг узига хос фазилати, оҳанги, услубини, бир сўз билан айтганда, шоир — шоирни дуруст тушунган.

Асарининг насрий қисмида ҳам, шеърини парчаларда ҳам нафис туйғу баралла сезилиб туради. Ана шу нафосат, ширин кайфият, ҳароратни бериш тарафидан Н. Грибачев таржимаси С. Бородин таржимасидан жиддий фарқ қилади.

Биринчи фаслда Наргизнинг биринчи қўшиғи таржимасини кўздан кечирайлик.

#### *СЕРГЕЙ БОРОДИНДА:*

*О долгожданый! Путь твой далек,  
Но возлюбленная твоя жлет.  
Приди, любимый, не томи меня, —  
Бессонны ночи мои без тебя...*

*Весной расцветают цветы в полях,  
Путники спешат в путь-дорогу:  
Почему же ты еще не пришел,  
Почему не торопишься меня обнять?..*

*Все дни напролет я жду тебя,  
Ночи напролет о тебе мечтаю.  
Приходи, любимый, не томи меня, —  
В саду среди цветов я тебя жду.*

*(1957 йил нашри, 9-бет).*

### ҚЎШИҚЛАРДА НУР ВА ТУЙҒУ ТОШҚИНИ

Қиссанинг 1978 йилги нашрида деярли барча қўшиқлар ё тула, ё қисман узғаришга учраган эди. Бу таҳрирнинг боиси мазкур қўшиқларни янада жарангдор қилиш, халқ куйлари оҳангига яқинлаштириш, шеърини шакл ва услуб талабларини тўлароқ қондириш зарурати билан амалга оширилган.

## 1957 йил нашрида:

*Жоним, йулинг йироқдир,  
Еринг сенга муштоқдир,  
Кел, ургулай, зор қилма,  
Тунлари бедор қилма!(11)*

## 1978 ва 1982 йиллар нашрида:

*Жоним, кетдинг йироққа,  
Мени қуйиб фироққа.  
Кела қолсанг-чи, ёшим  
Тенг қилмайин булоққа (9; 338).*

Биринчи нусхадаги халқ қушиқлари учун унчалик хос бўлмаган «-дир» қушимчаларидан халос бўлинган (йироқдир, муштоқдир). Иккинчидан, аввалги нусхада қофиялаш а-а, б-б шаклида бўлиб, кейинги икки мисрада радифли қофия мавжуд бўлса, таҳрирдан сўнг радиф бартараф этилиб, қофиялаш силсиласи а-а-б-а шаклига кучган.

Учинчи банд таҳрири ҳам диққатга сазовор.

*Куни билан кутаман,  
Туни билан кутаман,  
Кел, ургулай, боғимга,  
Гуллар билан кутаман!*

Таҳрирдан сўнг:

*Куни билан кутаман,  
Туни билан кутаман.  
Дилимнинг муштоқ бўлган —  
Хуни билан кутаман.*

Илк нашрдаги кусур — тўртинчи мисрадаги гуллар сўзининг дастлабки икки мисрага ҳамқофия эмаслиги бўлса, таҳрирдан сўнг бу нуқсон бартараф этилган: куни билан — туни билан — хуни билан тарзида тукис бўлган. Шу билан бирга, биринчи банд таҳририда йўқотилган яхши муштоқ сўзи ҳам тикланган. Бундан ташқари, Наргизойнинг «гуллар билан кутаман» дейиши ҳам муаллифга (гулнинг гул билан кутиши!) бироз сийқароқ кўринади.

«Дилимнинг муштоқ бўлган хуни билан кутаман» деганда эса маъно, мажозийлик, шеърый нафосат янада тарақлашган, тиниқлашган (хун — қон ранги ҳам гулга вобаста).

Асардаги кўп сонли «майда-чуйда» таҳрирлар тас-

вирни равон, фикрни аниқ, нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини чуқурроқ ифодалашга хизмат қилган.

### СИРКАСИ СУВ КЎТАРМАЙДИГАН САНЪАТ

Сузма-суз таржимадан, яъни ҳижжавий угиришдан энг куп зиён курадиган адабий жанр — шеърдир. Сузма-суз «аниқ» таржимада шеърнинг сиркаси сув кўтармайди. Бундай таржимада шеър буткул хароб бўлади, нафосат гули сулади. Чунки шеър миллий хослик билан чамбарчас боғлиқ. Миллий ҳис-туйғулар шеърнинг жони. Шеърни суз, жумла, гап билан эмас, балки шеърни шеър билан, туйғунни туйғу билан, куйни куй билан бериш керак. Ҳолбуки, ҳар бир адабиётнинг шеърини бисоти, оҳанглари, бўёқлари, таъриф-таъсифлари бошқаларникидан жиддий фарқланади. Боронин таржимасининг ожиз томонларини курсатишдан олдин Грибачев таржимаси билан танишиб курайдик.

*Печалью не томимый,  
Ты так далек, любимый.  
Кто ж слезы высушит мой,  
В любви неутомимой?*

*Все шут в час цестенья  
Дорогу единенья.  
Что ж ты не начинаешь путь,  
Что медлишь в отдаленья?*

*Нет тяжелой страданья,  
Чем это ожиданье.  
Приди и слезы осуши,  
Приди, я жду свиданья!*

(1979 йил нашри, 10-бет).

Биринчи таржимада шеър шаклида бандларга бўлиниб берилган оддий насрий мантнини курамиз. На вазн, на қофия, на куй... Иккинчи таржимада эса сузма-суз, жумлама-жумла аниқлик йўқ. Бунинг эвазига шеър бор.

Учинчи фаслнинг охирида Наргиз, Лола, Атиргул, Наврузгулларнинг шеърини мулоқоти илк урисча таржимада оддий насрий диалог билан угирилган эди. Грибачев таржимасида эса бу — узбекча аслига мос. Бирон ҳолда ҳам шеърни насрга угириш учрамайди.



Бешинчи фаслда (1982 йил нашрида — тўртинчи фасл) ҳижронзада Бамбурнинг қушиги биринчи таржимада аслига сузма-суз айнан тугри кслади:

**Шароф Рашидов:**

- 1 Наргиз ёрим,
- 2 Вафодорим.
- 3 Қайлардасан,
- 4 Гулбаҳорим?
- 5 Излаб келдим,
- 6 Бузлаб келдим,
- 7 Ишқ нақлини
- 8 Сузлаб келдим.
- 9 Кел, жонгинам,
- 10 Шараф-шоним.
- 11 Мустаҳкамдир
- 12 Аҳд-паймоним.
- 13 Қутурсинлар
- 14 Хоруд, Бурон
- 15 Биз бермаймиз
- 16 Зарра омон!
- 17 Наргиз ёрим,
- 18 Вафодорим.
- 19 Қайлардасан,
- 20 Гулбаҳорим?

(1957, 38-39).

**Сергей Бородин:**

- 1 Милая Наргис,
- 2 Верная Наргис,
- 3 Где ты,
- 4 Ранней весны цветок?
- 5 Я тебя ищу.
- 6 Рыдая,
- 7 О своей любви
- 8 Сказать тебе.
- 9 Отзовись, любимая,
- 10 Я горжусь тобою,
- 11 Крепко мое слово,
- 12 Слово любви.
- 13 Как бы ни гневались
- 14 Ураган с Хорудом,
- 15 Им пощады
- 16 Не будет от нас!
- 17 Милая Наргис,
- 18 Верная Наргис,
- 19 Где ты,
- 20 Ранней вссны цветок?

(1957; 33-34).

Сатрма-сатр, сузма-суз, ҳижжама-ҳижжа фавқулуд-да мос таржима. Агар шеърӣ таржимадан мақсад асл нухсага қатъӣ матнӣ аниқликка эришиш бўлса, биринчи таржимада бу нарсага тула-тукис эришилган. Бироқ иккинчи урисча таржимага бу жиҳатдан жуда жиддий «эътироз» билдириш мумкин.

**Николай Грибачев:**

- 1 Открыть мне путь моля,
- 2 В дальние края
- 3 Прошел, чтоб отыскать  
тебя,
- 4 Наргис, любимая!

5 Где ты? где ты? где ты?

5 —1537

- а Быть может, в том, Хоруд,
- б Твой замысел и труд?
- в Быть может, ты, слепой  
Буран,
- г Творил неправый суд?

д Так что ж молчите вы,

6 Темны вокрут, пусты  
 7 Ложбины, холмики,  
   холмы —  
 8 Где ж птицы и цветы?

9 Закрылись их глаза,  
 10 Замолкли голоса.  
 11. И, как могила, надо  
   мною  
 12 Угрюмы небеса.

13 Кто он, каков собой  
 14 Тот, кто вершил разбой.  
 15 Кто в озверении привык  
 16 Играть чужой судьбой?

е С овечьем сердцем львы?  
 ж Зову на бой! Никто из  
   вас  
 з Не сносит головы!

и Зову на бой! Зову на бой!  
 й И ты, весна, помощник  
   мой,  
 к Спеш! И не грусти,  
   Наргис, —  
 л Мы встретимся с тобой!

(1979; 56-57).

Қиссанинг биринчи нусхаси мазкур шеърда 38 та сўз бўлса, таржимада — 54 та, иккинчи нусхада 47 та сўз бўлса, янги таржимада уларнинг сонини нақ икки баравар ошиб, 94 тага етган. Бу шундан далолат берадики, сўзларнинг миқдори Бородинда унчалик ошмаган бўлсада (демак — «аслига мос!»), Грибачевда танланган вази аёл нусхага нисбатан хўшла фарқ қилади. Лекин шаклан ўзбекча аёл нусхадан жиддий тафовут қилувчи Николаёв Грибачев таржимаси бадиний жиҳатдан мукаммал бўлиб, ушбу асар таржимаси учун зарур аҳамият касб этувчи бошқа бош кўрсаткич, услубий ҳамоҳанглик тарафидан хўшла дуруст натижага эришилган.

#### ТАРЖИМА – АСАРДАН ГУЛА КЎТАРИШ ЭМАС

Гапни шеър таҳлилига ўтишдан олдин Бамбурнинг ўша мунгли қўшиғига муққаддима бўлган насрий парча билан танишишдан бошлайлик:

Тош устида ҳаёл суриб утирган Бамбур севги йулида, бахтли ҳаёт йулида минг-минглаб азоб-уқубатларга дучор бўлганларга қўшилиб куйлади (1957, 38).

С. Бородин таржимаси: Бамбур понял, что был причиной всех печалем и бедствий на земле, и он запел о своей печали и о своем гневе (1957, 33).

Ғурбатда куйни тинглаб утирган Бамбур таъсирланиб жабрдийдаларга қўшилди (1982, 361).

Н. Грибачев таржимаси: «И, опечаленный, сел он на камень и запел — потому что только в песне во всей полноте может излиться душа и дума, соединяя прошлое и настоящее, деяние и мечту (56).

Насрий таржимада Бородин жуда яхши иш бошлаган. Унда: понял причинной — печалей — запел сузлари оҳангдош. Шуниси жуда муҳимки, оҳангдошлик асосига бош қаҳрамон асарини — «пчела» сузи олинган, чунки қушиқда Бамбурнинг гам-аламлари қуйланмоқда. Худди ана шу оқилона тадбирини Грибачев ҳам илғаб, бу тажрибани давом эттирган. Кейинги таржимада: опечаленный — сел — запел — полноте сузларида «пчела» калимасининг жарангосини эслатувчи товушлар муҳайё эканлиги куришиб турибди. Бугина эмас. Иккинчи таржиманинг таҳсин уқийдиган жойинана шундаки, мазкур ҳамоҳанг-услубий тадбир давом эттирилган! Моля: мол, дальние: даль, прошел — шел, холмики (холмы) — хол, замолкли — мол, голова — гол, замысел — сел, молчите — мол... Қайд этилган қушимчаларнинг барчасида бош қаҳрамон асарининг — «пчела» — жарангоси гўё куришиб ва эшитилиб тургандай. Бу шоир-таржимоннинг жуда нозик кузатиши ва катта маҳорати аломатидир.

Аммо бошқа бир жиддий эътироз тугилиши мумкин. Шеърини таржимада эркин ижодий парвоз бўлмаса иш бўлмайди, лекин таржимон-шоир муаллифда (асл нусхада) мавжуд бўлмаган нарсани уз ёнидан қушиши мумкинми? Чунинчи, таҳлил этилган шеърда таржимадаги фазилат ва хусусиятлар муҳайё эмас-ку?

Бироқ эътироз масалага тор қараш булар эди. Гап шундаки, таржима асардан гула қутариш эмас. Таҳлил қилинган мисолга келганда, бу сарда, дарҳақиқат, қайд этилган шеърини-услубий нозик аломатларни асл нусханинг худди шу сридан тополмайсиз. Лекин шу билан бирга, бу шоир-таржимон томонидан қиссага инъом этилган деб ҳам бўлмайди. Гап шундаки, мажозийлик, насрий матнда ички қофиядошлик, сажъ, услубий такрор ва таъкид «Кашмир қушиги»нинг узбекча асл нусхасида жуда қуп, тугрироғи, асар бошдан-охиригача жаранглайдн. Урисча таржимада эса ҳамма уринларда ҳам қиссанинг тил, услуб, шеърини шакл, мажоз билан боғлиқ фазилатлари, ранг-баранглиги тукис берилган деб бўлмайди. Шоир Николай Грибачевнинг маҳорати шундаки, у бир уринда бой берилган фазилатни бошқа бир жойда тиклайди, бир ҳолда амалга ошириб бўлмаган шеърини техникани бошқа жойда бошлаб уринлатади. Ва ҳоказо. Юқоридagi урисча таржима тукислиги ва хусусиятлари ҳам муаллиф ва асарнинг умумий услубий андозаси, жанр

хусусияти негизда амалга оширилган. Бундай тадбир — «компенсация», яъни «стказилган зарарни қоплаш» усули таржима амалиётида синалган ва маъқулланган усулдир.

### УСЛУБДА МЕЪЁРИН БИЛИШ ТАЛАБИ

Таржиманинг нуқсони, гоҳо таъриф, тавсиф, услубда муаллиф услубига хос майинлик, тиниқлик, беғуборликка эътибор қилинмайди. Маълумки, Ш. Рашидовда зулмат билан нур кураши тасвирланар экан, нобакор қаҳрамонлар тилида, албатта, лутатнинг салбий маъно ифодаловчи қатламларидан ҳам фойдаланилган. Лекин ёзувчи бу ерда жуда эҳтиёткорлик билан иш куради. Унда ҳатто ашаддий салбий қаҳрамонларнинг муомала-муносабатларида ҳам «ҳаддидан ошмаслик»ка алоҳида эътибор қилинади. Чунончи, Бурон Нарғизга дейди: Энди рад этма қўлимни, Нарғиз! (344). Таржиманда: Будь моей женой, Нарғис! (21). Бу ерда Бурон дангал: Менинг хотиним бул, Нарғиз! — деб юборади.

44-бетда уқиймиз: Только мудрость старости всегда помнит, что в один и тот же день вылетают из гнезд и соловьи и коршуны, что на одном и том же поле могут рядом расти пшеница и колючка, от которой отворачивается даже ишак.

Асл нусхада: ҳайвон емига яроқсиз янтоқ (355), дейилса, таржимон ҳайвон сўзини «эшак» деб ўтгирishi оқибатида сезиларли нуқсонга йўл қўяди: бу қўпол, муаллиф услубига қўйим эмас.

В долину, где встретились Наргис и Бамбур, пришло пробуждение, продолжение и обновление. И похожа она была на прекрасное сюзанае, которое для глупца всего лишь полотно, а для умного... (74). Бу ерда ҳам сузанага «нодон» назарини киритиш бутунлай ноурин. Аслида эса, атиги воқиф булмаган киши, гофил ҳақида гап боради.

### АНИҚ ВА ЭРКИН ТАРЖИМА ЎРТАСИДАГИ МАСОФА ҚАНЧА?

Қиссанинг янги урисча таржимасида шоирона таржиманинг пардалари ҳамоҳанг бўлган икки сиймо: Шароф Рашидов билан Николай Грибачевнинг нигоҳлари, овозлари, услублари бир-бири билан учрашди.

Бу таржимада бемустасно ҳар бир унсур, ҳар бир майда ишора ва рамз, ҳар бир ҳаракат ва ранг диққатни узига тортади. Фалсафий-ҳикматона фикрлару, турлитуман ифодавий воситалар, лугат ва жумлаларнинг тарҳлари асл нусха-таржима аро бир-бирига айнан, қуйиб қуйгандай мос келганда ҳам, бир-биридан зоҳиран бир қадар йироқлашгандай бўлиб, баъзан ҳатто бир-бирига зид келиб қолган ҳолларда ҳам, мазкур таржима жозибали, қуп жиҳатдан урганса арзигулик. Эҳтимол, таржимон ўзбекча матндан ниманидир қисқартирган, ажабмаски, ниманидир узгартирган ёхуд ўз ёнидан унга «бирон нарса» қўшиб юборгандир, — таржимоннинг бундай «ўзбошимчалиги»га қўшилишимиз ё булмаса қўшилмаслигимиз ҳам мумкин, — аммо бу зайлдаги хатти-ҳаракатларнинг биронтасини тасодифий ё ногаҳоний деб булмайди. Бу жуда муҳим. Зотан, таржима асл нусхага сатрма-сатр, сузма-суз мутлақ мувофиқ келгандагина эмас, — бундай бўлиши амри маҳол, — балки ундан фарқланган ҳолларда ҳам, у асл нусхага заррача хиёнат қилмаган бўлиши мумкин.

Сузма-суз аниқ таржиманинг ҳам, ижодий-эркин таржиманинг ҳам ўз мақсади ва ўз йўриги бор. Шундай ҳоллар қуп учрайдики, таржимон асарни жумлама-жумла, сузма-суз, сатрма-сатр угиришга, асл нусхада ифодаланган мазмун-муддаони «оқизмай-томизмай» сақлаб қолишга ружув қилган кезларда — асл нусхадан... узоқлашади. Ва аксинча. Муаллифнинг ижодий мақсади, матлаби, услубий йуналишида барқарор булган таржимон узини эркин ҳис қилиб, асарнинг мазмуни билан бирга, бадний гузаллигини бошқа адабий муҳитда тарбияланган китобхон учун иложи бор қадар тукис ҳолда етказишга чоғланиб, «қасд» билан ишга киришаркан, ўз эмин-эркинчилиги доирасида муаллифга, у яратган тимсолларнинг мағз-мағзига сингиб, адибнинг бадний-руҳий оламига яқинлашгандан яқинлашиб боради.

## ГУЛЛАР ВА КАПАЛАКЛАР

Туртинчи фаслнинг мана бу манзарасида урисчада айнан бериб булмайдиган айрим таърифу тавсифлар, тафсилотлар, чизгилар урнини тулдириш мақсадида бир қанча янгиликлар киритилган.

Наконец, Бамбур опустился в долину. Но, огля-

нувшись вокруг, он не узнал ее. «Ужели снова я ошибся?» — подумал он. Ибо то, что он видел, не было долиной цветов, долиной жизни. То, что он видел, было долиной разрушения, запустения, смерти. Где цветы и травы, которые, разбегаясь от края до края и колыхаясь под летним ветерком, похожи были на желтых, синих, красных, оранжевых, фиолетовых бабочек, кружившихся в причудливом хороводе?

Вместо них были черные и коричневые пятна, промоины, бугры песка, сыплетения, клубки размочаленных корней и стеблей.

Где тонкие и пряные, кружившие голову ароматы, для обозначения которых не найти слов ни в одном языке?

Их не было. Пахло пылью, тленем.

Где бесчисленные песни бесчисленных птиц, их пересвистыванье, перещелкиванье, трели и рулады, заслушавшись которыми останавливались в предутреннем небе луна и в полудневном мареве слепящие белизной облака? Где шорохи лепестков, листьев, стеблей, былиннок, веток, которые обменивались приветствиями друг с другом и рассказывали друг другу обо всем, что случилось в долине, за краем долины и в том дальнем далеке, куда не постигает глаз?

Их не было. Только сипел мертвящий ветер и далеко в ущельях глухо, как собака, подвывал Буран (55).

Урипча таржимада ганнинг баён тарҳи узгарган. Чунончи, узбек тилида Гуллар боғида содир булган даҳшатли воқеалар тасдиқ-ифода шаклида булса, таржимада бу савол (ички ёки ўз-ўзига савол) гаплар йули билан берилган. Буннинг сабаби нима? Сабаби, таржимон рўй берган фожесининг даҳшатини янада бұрттирмоқчи, Бамбурнинг руҳий ҳолати, таажжуби, газабини янада таъкидламоқчи булган. Жумланинг бошда Бамбур тилидан қушылган «Ужели снова я ошибся?» («Наҳот яна адашган булсам!») савол гапининг қушилиши ҳам фикрни тасдиқлайди, яъни бу билан таажжуб тагин ҳам асосланади.

Асл нусхада турфа гуллар: ҳилва қоматларини таманно билан тебратсалар, таржимада, аввало, бундай тебранниш ёзги насм туфайли содир булиши таъкидланиб, сунгра бу виқорли «тебранниш»нинг ҳаракат тезлиги жиддий тарзда оширилади: улар боғнинг у бошидан бу бошига чаппор уриб чопадилар! Ниҳоят, шу бир гап-

нинг узида учинчи узгариш амалга оширилади. Ўзбекчада: анвои бўёқлари билан фусун сочиб ётган ададсиз гул ва чечаклар, дейилса, таржимада улар базм даврасида гир айланишар, бу гуллар сариқ, кўк, қизил, жигарранг, нафармон капалакларга ўхшатилади.

Келтирилган ўзбекча мисолнинг куйли жиҳати (сажъ) ҳам диққатга молик. Васфига тил лол бўлган, еру кўкка татиган муаттар ҳидлар. Бунда тил-лол-бул; тат-атта-ҳидлар жаранглаб турибди. Бундай лисоний омилларни таржимада ифодалаш мушкул. Бунга интилиш баъзан шаклбозликка йулиқтириши ҳам мумкин. Лекин шоир Н. Грибачев ҳам узини ожиз сезмаган. Айни парчанинг узидаёқ, сал қуйроққа тушиб, шундай ажойиб бир янгилик киритганки, унга қура уша асл нусхада тасвирланган қушларнинг: дил-дилни сеҳрлагувчи наволарини (дарвоқе, ўрисчада қушларнинг бу «наволари» ҳам «тилга киритилган», яъни «қуш тили»да аталган) тинглаган осмондаги ҳиллол ҳам уз сафарини тухтатиб, эрта тонг маҳали мафтун ва лол бўлиб қолади!

Юқорида саналган узгаришлар фақат шоир Грибачевнинг «хоҳишигина» эмас, ёки таржимоннинг асарни ўрис укувчиси наздида «бўёқдорроқ» қилиб кўрсатишга интилишдан ҳам келиб чиқмаган, балки икки беистисно сабабга қура содир бўлган: бири — икки тил уртасида лисоний анъаналарнинг бир-биридан анча жиддий фарқланиши бўлса, иккинчиси — асарнинг жудаям узига хос жанр ва услуб белгиларини ўрис тилида беришнинг бениҳоя қийинлиги. Ўзбек тилида узига хос абстраксиялаш (мавҳумлаштириш эмас!) қонуниятига қура, турли-туман манбалардан олиб ўзлаштирилган лугавий бойлик муайян бир нарса ёки ҳодисанинг турли-туман сифат ва белгиларини кўз илгамас нозик нуқталаригача ифодалашга кенг имконият туғдиради. Олайлик, «ҳар хил», «турли-туман», «турфа», «анвои» ва бошқа сўзларнинг ҳар бири умумлаштириш ёки «хилма-хиллаштириш»нинг турли даражаларини белгилайди.

Бинобарин, ўзбек тилида «анвои ранглар» дегандан сўнг, бу қандай, нечук ранглар (оқ, пушти, яшил ва ҳ. к.) эканини аниқлаштириш у қадар шарт эмас. Бошқа тилларда эса, эҳтимол, айни маъновий ифодага нисбатан айтганда, бундай абстраксиялаш имкони йукдир. Бас, сифат, равиш, ҳаракат ва ҳолат белгиларини аниқ аташга тўғри келади.

## ҲОРДИҚ ҚҰНАЛҒАСИ

Сузнинг кучи фикрнинг кучида мужассам. Каллада йуқ нарса тилда ҳам булмайди.

Ақли чуқур инсон, жар тубида ётганида ҳам, тоғ тспасида турган ҳавойи одамдан кура купроқ нарсани куради.

Поездга кечикиб қолганидан афсус-надоматлар қилиб, вақтни беҳуда утказайтган одам навбатдаги поездни ҳам утказиб юбориши мумкин.

Агар сенга ақлли кишисан деб айтишган булсаю, сен бунга ишонган булсанг, ишонавер: сени алдашибди.

Фақат қулогигача қарзга ботган одамгина сует хотира билан хотиржам яшаши мумкин: виждони кийнамайди.

Ҳақиқат аёл эмас, у пардоз-андозсиз ҳам гузал.

Шатакка илинган одам тагин қаерда йиқилиши хавфи борлигини кўз тагига олиб кўйиши лозим.

Ноз уйқуда роҳатланаётган виждон — ноз уйқудаги сулув эмас. Уни муччи билан эмас, туртиб уйғотиш даркор.

Киши ўз нодонликларини пайқаб боргани қадар ақллидир.

Кўр каламуш наздида ёруғлик — Қуёшнинг энг катта қусурп.

Адабиёт билан шуғулланишга ўзингни урган булсанг — касб-кор топибсан; ўзингни ижодга бағишлаган булсанг — тақдир топибсан.

(Николай Грибачёвнинг ён дафтаридан).

---

## АСАЛАРИ ЙИҒЛАЙ ОЛАДИМИ?

«Кашмир қушини» таржимасида, турли сабабларга кура, аслиятга бир қадар эркин ёндашиш ҳоллари учраб туради. Бу эркинликлар: ихчамлаштириш, қушиш, узгартириш, алмаштириш дейсизми, — башарти, муаллиф мавқеи ва услуби, асар мақсади, китобхоннинг талаби ва диди ҳамда, ниҳоят, тилнинг имкониятнню таржима мантиқи тақозоси билан қилинган булса, — уларни жўяли деб топиш мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, таржима асл нусхани бошқа тилга утказиб лавом эттиришдан иборат бир уриниш булиб қолмаслиги лозим. Қисса таржимасида аҳен-аҳенда



кузга чалнииб қоладиган «уздан қушиш», «бахшидачинлик» ҳоллари, — гарчи бундай янгиликлар, умуман, мазмун ва гоя эътибори билан бирон эътирозга сабаб бўлмаса-да, — ҳамма вақт ҳам узини оқлайди, дейиш қийин.

Бамбур Наргизнинг ватани — Гуллар боғини биларди, севарди ва бу даргоҳнинг эндиги қурқинчли манзарасидан жигар-бағри эзилиб, кузларига мунчоқ-мунчоқ шашқатор ёш келади (360).

Таржимада: Если бы Бамбур мог, он заплакал бы слезами горя и отчаяния. Но ему не дано было слез, облегчавших душу (55).

Муаллиф: Бамбур алам-ситамдан йиғлади, деса, таржимон: Бамбур гам-андухдан ёниб йиғлагиси келдию, лекин у йиғлай олмайди, дейди.

Айтишларича, шер, сигир, от ва бошқа жониворларда йиғлаш қобилияти бор экан. Хуш, тузилиши, равиши, савқи табиииси, тинимсиз меҳнати билан инсоннинг энг яқин дусту сифатида танилиб, буюк ақл эгаларининг таҳсини ва эътиборига сазовор бўлган асалари... йиғлай оладими ёки йўқми? Бу — масаланинг табиий соф томони. Инчунин, ҳашаротнинг мазкур хусусияти бизнинг махсус таҳлил йуригимиз була олмайди. Бироқ бадний мантқ юзасидан олиб қараганда, асарда яратилган жуда ишонарли руҳий вазият ичида Бамбурнинг йиғлашига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки айни ҳолда Бамбур «асаларисимонлар оиласига мансуб найзали ҳашарот» (Қомус, 1, 493) эмас, балки, ривоятга кура, асаларилар шоҳи, адабий персонаж тимсоли. Тўғри, муаллиф тасвирининг аксини «даъво» қиларкан, таржимон тарафида ҳам маълум даражада мантқиқий далил йўқ эмас. Майдонга тушган алп манглайини қашимас, дейдилар. Жанговар курашчи ҳар қандай оғир дамларда ҳам ашқу надомат қилмайди. Эҳтимол, таржимон талқинида ҳам (агар мен, чиндан ҳам, унинг нуқтан назарини тўғри белгилаган бўлсам) жон бордир. Бироқ уша жумладан кейин асарга яна иккига жумла «тиркаб» юборадими, буларнинг мақбул иш эканлигига кафил бўлиш қийинга ухшайди.

#### БАМБУР – ДОННЯ ШАҲЗОДАСИ ҲАМЛИЕТ ЭМАС

Если бы он мог, он проклял бы законы неба и земли, которые допускают унижение слабого силь-

ным, несправедливость и гибель, глумление зла над добром.

Но он не умел проклинать. Он умел только сочувствовать, сострадать, помогать (56).

Биринчидан, бу мулоҳазалар, баъзан ҳатто сузма-суз, таърифу истилоҳлари билан Дониё шаҳзодаси Ҳамлетнинг «Ё ҳаёт, ё мамот — масала шундоқ» деб бошланувчи маълум ва машҳур нутқини эслатади. Нега энди Бамбур самовоту заминот қонуниятини ланнатлаши керак? Охириги жумлада таржимон уз фикрини дарҳол қайтариб олади ва дейдики: ланнатлаш ҳам унинг қўлидан келмасди. У фақат раҳм-шафқат қилиши, изтироб чекиши ва кўмаклашиши мумкин экан... Бу эса асарларнинг қиссада тасвирланган ута «жанговарлик» қобилиятига, — демак, асар зиддиятининг асосий далилларидан бирига ҳам, маъжудот сифатида бу жажжи ҳашаротларнинг уз-узларини бирлашиб ҳимоя қилиш, уз рақибларига омонсиз ҳужумга утиш сингарин табиий хусусиятларига ҳам хилоф.

Асарларлар шоҳи Бамбур, — Дониё шаҳзодаси Ҳамлет эмас...

## ҲАЙРАТ

Қизиқ: муаллиф уз асарини қайта-қайта ишлайди ва ирривардида уни тоҳо таниб булмас даражада узгартириб юборади. Начора. Унга шундай ҳуқуқ берилган. Башарти, бирон ёқдан қандайдир эътироз чиқиб қолгудай булса, адибнинг жавоби қисқа ва аниқ: таъбимда, дейди-қуяди. Зотан, бор гап ҳам шу: қозончида ихтиёр қайдан қулоқ чиқазса. Энди, мабодо уна асарни бошқа тилга ўгираётган киши, таржимон, — у ҳам ихлоқкор, ахир! — жиндай «йўлдан озса» борми, унга турт тарафдан таъналар, писандалар, дашномлар ёғилаверади.

Италён тилида таржимонни «традuttore» дейишади. Бунга жуда оҳанглош булган «трэдuttore» сузи «хонин» маъносини беради. Шу асосда италёнларда «традuttore-трэдuttore», яъни «таржимон — хонин» деган ибора қўлланиб, бу бутун дунёга шоён бўлиб кетган. Бошқа халқларнинг тилларида ҳам шурлик таржимон ҳақида нималаргина дейишмайди — «таржимон — рақиб», «таржимон — қул»; «таржимон хотинга ухшайди: тўғри булса — чиройли эмас, чиройли

булса — түгрн эмас» ва ҳоказолар... Иложимиз қанча, бу ерда ҳам мантиқ қисқа ва аниқ: таржимоннинг вазифаси — таржима қилиш. Бор нарсани, албатта.

Лекин... Ҳар қандай асар фақат узи барпо этилган тилдагина «мутлақ узига мос», бинобарин, «мутлақ түгрдир». Дунёдаги энг олий таржима ҳам (агар булса!), у таржима экан, узининг асл нухаси — биродарига мутлақ тенг булолмайди. Бу ҳам таржима мантиқи, бу ҳам таржима табпати.

Яна бир гап. Шоир шоирни таржима қиларкан, юлдуз юлдуз билан учрашаркан, қандайдир муъжиза юз бериши муқаррар. Булар: маъновий, адабий, миллий, лисоний-услубий ва бошқа муъжизалар. Ахир, ҳеч қачон, таржимон минг карра ҳалол таржимон бўлганида ҳам, у шоир экан, йул-йулакай, ора-чира уз ҳамкасабаси — муаллифга «бирон нарса» «ҳадя» қилмай иложи йуқ. Зотан, шоир шоирни фақат такрорлаши мумкин эмас.

Таржима асардан гула кутариш булганида эди, уни, яъни аслиятни, ҳар қалай, такрорлаш мумкин буларди. Лекин бадиний таржима ижодий қайта яратиш жараёни экан, асл нухса уз вазиждан «пича» нарса йуқотади, «пича» боийиди... Булар барчаси таржимавий дахлдорлик важдан содир булади.

### ДАРВОҶЕ, ТАРЖИМАВИЙ ДАХЛДОРЛИК...

Ёзувчининг асари — унинг маънавий мулки ва бисоти — муқаддас ва дахлсиз. Шу жумладан, таржимон учун ҳам. Лекин таржима санъатининг узига хос томонларидан бири шундаки, таржима угриллаётган асарга, таржимон эса муаллифнинг ижодий оламига дахлдор бўлиб қолади. Турган гап, гарчи қандайдир қонунлар билан махсус тайин этилмаган булса-да, бундай дахлдорликнинг уз «чегара»лари, хавфли ёки таъқиқланган «майдон»лари, «дахлиз»лари мавжуд. Шу билан бирга, мутаржим бир адабиётнинг намоянаси бўлмиш ёзувчи билан бошқа миллий муҳит кишилари бўлмиш китобхонлар уртасида турган ишончли ижодкор шахс. У ҳар иккала томоннинг ҳам манфаатларини кузлаб қалам суради. Таржимон уз китобхонларининг идрок қилиш хусусиятлари, талаблари ҳамда диққатини унутган ҳолда, муаллиф томонига ҳам бусбутун утиб кетмаслиги, унинг «дастёрига» айланиб қолмаслиги лозим булгандай, аксинча иш

гутмаслиги ҳам керак. Токи узга адабиётнинг намоян-даси ҳисобланмиш муаллиф, уз миллий хусусиятидан маҳрум булиб, бошқа миллий муҳит ичида бусбутун сингишиб кетмасин.

— Эшитяпсанми? — деди вишиллаб Хоруд. — Ана-ви чипор латта путталар керилиб яна водийни узини-ки қилиб олдилар, сен нима дейсан, Бурон? (366). — Слышишь, — сипел Хоруд. — Эти пестрые лоскутья, эти тонконожки, в жилах которых течет обыкновенная вода, опять начинают воображать, что долина принадлежит им. Что ты думаешь об этом, Бурон? (66). Бу ерда «тонконожки, в жилах которых течет обыкновенная вода» сузларини таржимон ўзидан қў-шиб юборган. Н.Грибачев умумий талқин мантиқига таяниб иш қурган, бу янгилик (гулларнинг «оёқлари қилтириқ» экашлиги, уларнинг «томирларида... оддий сув оқиши»ни писанда қилиш) пичинг маъносини қу-чайтиришга, демакки, бадий тасвир буюқларини қуюқлаштиришга хизмат қилган.

Баҳорни — умр дебочаси, дейдилар. Эҳтимол, бу гап ҳассос қалб ижод аҳлининг ташбеҳидир (370). Уз-бек тилида бу тасвир қисқа, аниқ ва гузал бўлиши устига, анъанавий хусусиятга эга. Лекин урис тилига айнан утирилса, бирмунча қуруқроқ бўлиб қолади. Урис мардум «яна ниманидир», «аниқроқ бир нарса-ни» қутади. Таржима икки тил билан баробар, айни вақтда, миллийлик, диллар, тасаввурларнинг ҳам дуч-лашувидир, деймиз-ку! Ана шу нозик нарсани дил-дидидан чуқур ҳис этган шоир Баҳор тимсолини яна-да жонлантиришга журъат этади: Говорят, что весна — пробуждение жизни. Наверное, это придумал поэт, который представил снега зимы пуховым одея-лом. На утренней заре сбрасывает его красавица, что-бы умывшись прохладной водой, подарить ослепи-тельную улыбку (73-74).

Бутун бошлиқ янги қаҳрамон — Баҳор тугилган (дарвоқе, «Ҳинд достони» балетига ҳам ана шу қаҳра-мон киритилган). Н.Грибачевнинг талқинига қура, шоир қишнинг оппоқ қорларини момик қўрпа тарзи-да тасаввур қилган. Эрта тонг маҳалида гузал маҳбуба устига тортган юшоқ қўрпасини итқитиб ташлаб, муздай зилол сувда апил-тапил ювиниб таранади-да, атрофдагиларга ширин табассум ҳаля этишга ошиқа-ди. Бу ерда мутаржим асар услубининг мажозийлиги, тимсолларнинг жонлантирилиши, муаллиф услуги-

нинг лирик оҳанрабоси, майинлиги, урис ўқувчиларининг янги, тароватли тимсолларни завқ-шавқ билан қаршилаши (идрок этиши) ҳамда Оврупо маданий анъаналарига хос «ашёвийлик» талабларини қондиришга интилиши яққол сезилиб туради.

### **КУЁШНИНГ БИР МИНГУ БИР ҲУНАРИ ВА КИРДИКОРЛАРИ**

Таржима жараёнида тиллар, адабиётлар, таомиллар, дидлар дучлашади, қиёсланади, «баҳоланади». Шу билан бирга, бу жараёнга адабий жанрлар, оқимлар ва ақидаларни ҳам қўшиш керак.

«Кашмир қўшиғи» соф насрий тасвир намунаси эмас, балки воқелик заминида ёрқин буюқларнинг мажозий тасвиридан иборат асар. Бу хусусият урисча таржимада, шубҳасиз, инобатга олинган. Аммо шу билан бирга, таржимон, беихтиёр равишда, қиссада мажозийлик билан бирга, аниқ унсурларнинг мавжуд бўлишини истайди. Бундай унсурларни топмаган уринларда уларни ўз бисотидан киритишга ҳаракат қилади.

Эҳтимол, таржима шарофати биландир, узбекча аслиятнинг учала нашрини бир-бирига чоғиштириб кузатганда, муаллифнинг ўз тажрибасида ҳам худди шундай майл тугила бошлагани кузга ташланиб қолади. Буни асарнинг кейинги нусхаларида воқеаларни боғловчи ҳалқаларнинг купайганлиги, турли тимсоллар ўртасида мулоқотларнинг ошганлиги, муаллифнинг ўз фалсафий-ҳикматона мушоҳадалари, ҳаётий тажрибалари билан тасвирланаётган манзараларнинг мазмун-мундарижасига аралашувида куриш мумкин.

Ҳозир эса бу масалада таржимоннинг қандай мавқеда турганлиги билан танишиш катта қизиқиш тугдиради.

Бамбур таваллосини офтоб эшитади, ошиқ ҳолига раҳми келиб унга ёрдам қўлини чузишга, булутларни дабдала қилиб йўл курсатишга бел боғлайди. У узининг ёлқинли узун тилларини чузади-ю, олам-олам ётду ва оташ забти билан булутларга урилади. Кукдаги пода-пода булутлар жунбишга келиб алгов-далгов бўлиб кетадилар. Лекин доно Бамбурга шунинг узи кифоя эди. У йўлни куриб улгуради ва барқдай елиб, зум ўтмай водийга етиб олади (359-360).

Таржимон ёнидан қуйидаги лавҳани киритади ва сўнгра уни юқоридаги асосий муддаога «улаб» юборади:

У солнца много дел, к нему обращено много просьб, порой неразумных и противоречивых.

В одном месте, где землю заливают дождями и пронизывает холодами, его просят — посвети, погрей, помоги расти хлебам и травам!

В другом месте, где дождей давно не было, его умоляют — уйди с неба, не томи, не жги, потому что на сожженную землю придут голода и мор.

В одном месте подставляют лицо — обласкай кожу, разгладь морщины, в другом месте от него закрывают лицо и прячутся в тень. Даже при желании оно не может угодить всем.

Но у любви особый голос. Он долетает до неба, проникает во глубь земные, перелетает через океаны и моря. И кипящие волны и смерти не могут поглотить его.

Услышало Бамбура солнце и, тронутое страданием его, решило помочь. Оно выбросило огненные языки, лавиной жара и света ударило по тучам и заставило их расступиться. Правда, ненадолго. Но этого было достаточно, чтобы Бамбур увидел дорогу и со скоростью стрелы, пушенной из богатырского лука, помчался в долину (53-54).

Бу парчада воқсаларни гўё «ашёвий» далиллар билан асослаш ва тасдиқлашга уринишдан ташқари, худди шу мақсад замирида таржимон ҳатто самовий қудратларни ҳам заминий мақсадларга боғлашга, аниқроқ айтганда, инсоният манфаатларига хизмат қилдиришга интилади. Мазкур лавҳа асосида яна бир қизиқ масала, гира-шира булса-да, муайянлашадигандай туюлади. Бу «узоқ ўтмиш» воқсалари тасвири бўлиб кўринган ривоят талқини ва таржимасида ҳозирги замон, йиғирманчи аср кишилиқ жамияти муаммоларининг акс этишидир. Таржимоннинг бадий иختироси билан танишган киши бамсоли ҳарир парда ортидан коинотшунослик (космогония), гелиотехника, гелиомеханика, гелиофизика, гелиоастрономия фанларининг қудратли қумаги остида, фақат афсонавий ҳаёлот оламидагина эмас, балки шу дунёвий ҳаётда азамат Қуёшнинг битмас-туганмас қувватидан амалий фойдаланиш ташвишлари билан яшайдиган ва бу жабҳада ҳозир улкан техникавий ютуқларни қулга киритаётган кишиларнинг фаолиятини куриб тургандай бўлади...

Тиллар тобора булиниб, майдаланиб, тармоқланиб, айрим «муштарақ» тиллар улиб (санскрит, лотин ва бошқалар), уларнинг урнида унлаб янги тиллар пайдо була борган сайин халқлар уртасида бир-бирларини тушунишга, бинобарин, таржимага эҳтиёж ошгандан ошиб борди. Лекин ҳар қандай нарсанинг ҳам ўз кушандаси булади. Жумладан, таржиманинг ҳам. Бир тилдан иккинчи тилга илк таржима амалга оширилган дақиқадан, халқларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқот қилишнинг жаҳоншумул воситаси кашф этилган ўша ёруғ кундан бошлаб, худди эгизаклар сингари, ноумидлик, шаккоклик гоёси: таржима қилиб булмайди, деган шум ақида ҳам пайдо булди. Бу ақидани қандайдир тўпори, ҳамма нарсани кўр-кўрона рад этаверадиган анойилар эмас, балки буюк ақл эгалари, мутафаккирлар, қилни қирқ ёрадиган доно файласуфлар, адиблар, тилшунос олимларнинг ўзлари яратдилар. Бироқ инсониятнинг буюк маданий тараққиёти такомилли жараёнида таржимачилик ҳаракати бир лаҳза ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, кенгайиб, чуқурлашиб, тармоқланиб, ўз бағрига янги-янги тиллар ва адабиётларни қамрай бошлади. Шу тариқа назария билан амалиёт уртасида ўзига хос бир зиддият пайдо булди.

Бундан, назария ҳошакалла, бусбутун амалиётга қарши экан, деган хулоса чиқазиш керак эмас. Назариячилар ҳам уч гуруҳга булиндилар. Бир тоифа олимлар: тил фикрini ифодалаш воситаси эмас, балки суқут сақлаш қуролидир, бошқача айтганда, тил фикрini яширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳисоблагувчилар аксарият таржима булмаслик ақидасини ёқлаб чиқдилар. Бошқа тоифадаги олимлар эса бундай қарашни тамомла рад этиб, мутлақ таржима булиш мавқеида турадилар. Бундай мутахассисларнинг фикрича, дунёда тил йўқки, адабиёт йўқки, бирон асар йўқки, уни бошқа тилга утириб булмас! Учинчи тоифага мансуб булган мутахассислар эса, моҳият эътибори билан, таржима булиш назарияси тарафдори булганлари ҳолда, таржима булмаслик омилларини ҳам инобатга оладилар. Улар бир тилдан бошқа бир тилга, бир маданий муҳитдан бошқа маданий муҳитга таржима қилганда, улар уртасидаги масо-

фа, тузилиш, тарихий-лисоний омиллар тақозоси билан, қайта ифодалаш жараёнини бевосита мушкуллаштирадиган нарсалар бор, деб ҳисоблайдилар. Лекин улар мавқеининг энг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, таржима жараёнини бевосита қийинлаштирувчи омиллар, — бу хоҳ грамматика, хоҳ лексика, хоҳ семантика даражасида бўлсин, — айни шу омилларнинг ўзи таржимадан бездиришга хизмат қилмасдан, аксинча, таржимага чорлаши, ундаши, рағбатлантириши лозим.

### ТАРЖИМА БЎЛМАСЛИК «ҲАҚИДА» ҚЎШИК

Она тилида бошқа тилда ифодаланган нарсани бериб бўлмаслиги хусусида турли латифалар бор. Дарвоқе. Даль шундай ҳолни кузатган: бир келгинди юнон денгиз бўйида ўзича ниманидир хиргойи қилиб утираркан, ногаҳон қўздан дув-дув ёш тукиб гирён қила бошлаган. Шу ерда ҳозир бўлган урич кишиси қўшиқни таржима қилиб беришни ундан сўраган. Юнон таржимага тутинган: «Бир қўш, уричча қандай номланишини билолмадим, қўниб турарди, у қояда қўниб туради, узок фурсат шу қўнганича турди-да, қанот қоқиб, урмонлар оша йироқ-йироқларга учди-ю кетди, узокқа учиб кетди...» Вассалом. Уричча ҳеч вақо чиқмайди, лекин юнончада юракни сув қилиб юборади! (А.А.Потебня. Тил ва халқчилик. М., 1976, 264).

Келтирилган бу далил жуда муҳим, бироқ у ҳеч қачон умуман таржима бўлмаслик ақидасига ҳеч бир тарзда дахлдор бўлолмайди. Тўғри, тилларнинг суз қўрилиши хусусиятларига ва бошқа қўнгина омилларга кура турли-туман жуфт тиллар орасида таржима қийинчиликлари турлича кечини ёхуд улар орасида махсус ўзига хос душворликлар пайдо бўлиши мумкин. Бу бошқа гап. Бу сингари қийинчиликлар қаторига турли лисоний, адабий хусусиятлар билан боғлиқ мураккабликлар қўзғалишини ҳам киритса бўлади. Шундай қийинчиликлардан бири «Кашмир қўшиғи»нинг хотимасида ҳам қайд қилинган. Гарчи бу махсус таржима муаммоси билан боғлиқ бўлмаса-да, бир халқ қўшиғини бошқа тилда бадний қайта яратишга дахлдорлирки, таржима ҳам, аслида, қайта яратиш санъатининг ўзини қисмларидан биридир, бинобарин, худди шу маънода муаллифнинг фикри бадний таржима учун ҳам гоят муҳим.



## ҲАР КИМ ҶУЗИЧА ХИРГОЙИ ҚИЛАДИ

Қиссанинг учинчи нашрида муаллиф мазкур кашмирий қушиқни ким қандай тушунганлиги, аҳолининг турли қатламлари қандай идрок ва талқин қилганлиги ҳақидаги кузатишларини келтиради. Чунончи:

— турмуш мактабида чиниқмаган ҳали гур ёшлар учун у атиги баҳор ва севги қушиғи эди, холос;

— ҳаётини тажриба қулами кенг фозил кишилар учун у — табиатга тақалган ақидалар инъикоси, айни чоғда шу кунги воқелик — мавсумлар алмашиниши, туғилиш ва узиш жараёни, эзгу ва ёвуз кучлар кураши кабиларнинг нафис мусиқий ифодаси эди;

— учинчи тонфа кишилари эса ўйланиб, Бурон билан Хоруд мустамлакачилик асорати, босқинчи унсурлар рамзи сифатида жуда қул келишини таъкидлардилар.

— Биз бу талқинларнинг бирортасига қушилиш ёки уларни умумлаштириш фикридан йироқмиз, — дейди муаллиф (371). Албатта, адабнинг бетарафлик мавқеи нисбий, зеро, бу ҳаётбахш қушиқ ҳақидаги унинг тушунчаси, талқини ва юксак ифодаси маҳсули улуроқ юзага келган янгича асар — яна шу «Кашмир қушиғи»нинг узишир.

Айни вақтда, ҳар ким узича хиргойи қилади, чунки ҳар бир кишининг уз қушиғи булади. Фақат жамиятнинг табақаларга бўлиниши тарафидангина эмас, балки, айтадиларки, соф жисмоний белгилар ва тийнату сажияси: ориқ-семизлиги, новча-паканалиги, жинзакли-вазминлиги ва ҳоказо сифатларига қараб ҳам кишилар айни бир қушиқни турлича идрок этар эканлар («Қобуснома»).

Қушиқни ҳар ким узича талқин қилар экан, демек у яхши. Чунончи, мазкур кашмирий қушиқнинг ўзбекча бадний инъикоси туфайли ана шу талқиний хилмаҳиллик энди таржималар воситаси билан жаҳон миқёсида янада кенгайди. Далил учун узоққа бормай, урисча таржиманинг узиғаёқ мурожаат қилиш мумкин.

## ТАБИЙ ОФАТЛАР ВА ИЖТИМОЙ ИЛЛАТЛАР

Адабий матннинг ҳар хил талқин қилиниши хусусан бадний таржимада яққол кўзга ташланади. Чунки ҳар бир таржимонда бадний маҳорат даражаси ҳар

хил булишидан ташқари, асл нусхани ким қандай тушунса шундай таржима қилади. Айни бир асарни ҳамма «бир хилда» уқимайди, бундай булиши мумкин ҳам эмас. Ҳар хил уқилган нарса ҳар хил таржима қилиниши табиий ҳолдир.

«Кашмир қушиги» талқинида фарқланувчи учинчи тонфанинг фикр-мулоҳазаларини Николай Грибачев шундай уғирган: Третьи говорили в раздумчивости: «Знаете, Буряк вполне подходит для олицетворения гнета порабощения, которые так долго испытывал на себе наш народ, а Хоруд — в качестве воплощения мелких колониальных чиновников, которые кишели всюду, по крохам высасывая наши богатства» (77).

Асл нусхада Бурон билан Хоруд «мустамлакачилик асорати», «босқинчи унсурлар рамзи» сифатида таърифланса, таржимон, ўзича мустамлакачилик шароитида, синфий табақаланиш хусусиятини тикиштирган ҳолда, уша икки разил ёвузининг «вазифа»ларини ҳам аниқлаштиришга журъат этган: бунга қура. Бурон — гуё хорижий мустамлакачи элитлар тимсоли бўлса, Хоруд — узоқ асрлар мобайнида ҳинд халқининг қонини суриб келган маъна маҳаллий мустамлакачи амалдорлар тимсоли була олармиш. Гирт уйдирманинг ўзгинаси.

#### ГРАММАТИК СУВРАТ ВА ТАРЖИМА

Таржимада жумланинг шаклу шамоийли, қурилиш қолипини эмас, балки унинг маъни, яъни муайян лисоний қошдалар воситасида ифодаланган мазмунни ифодалаш муҳим аҳамият қозонади. Шакл ортидан қувини эса кўпинча шаклбозликка мубтало қилади. Лекин бундан таржима гапнинг шаклий хусусиятларига мутлақо бифарқ булиши керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Гап қурилиши, жумла тарҳига эътиборсизлик услубий гализликка, сидирғалик, туссизликка дучор қилади.

Бурон билан Хоруднинг водийга бало-қазодай ёпирилиши оқибатида «кун тунга», «осмон қора уққонга», водий «қайнаётган қозонга» айланган. Бироқ ҳаёт билан ажал, нур билан зулмат, гул билан офат, эзгулик билан бадкирдорликнинг олишуви натижасила қора кучлар маҳв буладилар. Шундан сўнг муаллиф поймол этилган гузал замин, водийга қайта жон ато этиш манзарасини тасвирлашга ўтаркан, услубий так-

роҳ воситасидан уринли фойдаланиш билан муъжиза яратади.

Бамбур куйларди-ю, водий аста-секин сокинлашиб борарди. Бамбур куйларди-ю, водий нур ва ҳароратдан секин-аста ёркинлашиб борарди. Бамбур куйларди-ю, водийда бора-бора аввал пинҳон, кейин ошкор, сунгра эса жадал суръатлар билан хайрли ва қутлуг узғаришлар содир буларди (361).


Воқсаларнинг шу зайдла узлуксиз, бирин-кетин содир булиши тасвирида такрорийлик шаклини истифода этиш жуда қўл келган. Буни илғаб олган таржимон ҳам ана шу такрорийлик воситасини такрорлаш билан қутилган натижани қўлга киритган. Бамбур пел — и в долине становилось тише, тише, тише. Бамбур пел и в долине становилось светлее и теплее (58).

### УСЛУБИЙ ДОНРА: ДАВОМИЙЛИК ВА ВОРИСИЙЛИК

Қиссада майин манзаралар яратиш, чуқур фалсафий мушоҳадаларни ифодалашда ажойиб лисоний шакллар, услубий унсурлар, такрорийлик, кетма-кетлик ва бошқа шу сингари усул ва воситалардан уринли фойдаланилган. Бошқача айтганда, табий нафосат — нафис жумлалар билан, фикрий чуқурлик, ҳикмат, фалсафа — шунга мос мантиқий-лисоний воситалар орқали ифодаланган.


Тупроққа уз вақтида қадалган барака уруғи кучат ундиради, кучат қуёшга штилиб шона беради, шона гул булиб очилади, гул япроқларини тукиб яна ерга уруғ ташлайди. Ҳаёт дегани шу — дараю даволар оша, сахрою музликлар оша воҳадан воҳага кучиб юрган бир карвон. Саҳронинг боши-учи бор, ҳаётники — йўқ. Емонликдан чиққан акс садо ҳар қадам сайин заифлаша боради, бора-бора учиб йўқ бўлади. Яхшиликдан яралган қушиқ ва афсоналар воҳалар аро юрган карвонлар сингари авлодлар қалб ва хотирасидан жой олиб абадиятга йўл олади (352).

Ҳаёт қонунияти: нарса ва ҳодиса-воқсаларнинг узро боғлиқлиги, тақозодорлиги, ҳаёт зиддиятли бўлиб, тараққёт ворисийликка ва такрорийликка асосланганлиги ёркин тимсоллар ва образлар орқали бамисоли рассом қилқалами билан чизиб берилган. Дастлабки жумлада воқсаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва уларнинг такрорийлигини асосида гуё узига хос услубий давра ҳосил қилинган:



Иккинчи жумлада бу табиий ҳодиса билан ҳаёт бир-бирига муқояса қилинади ва улар бир-бирига енма-ён қўйилади.

ҳаёт — дара — давон — саҳро — музлик — воҳалар



Учинчи, тўртинчи ва бешинчи жумлаларда саҳро ва ҳаёт даврийлик юзасидан чоғиштирилади, ёмонлик акс садоси заифлиги тасдиқланиб, яхшиликнинг абадиятга йўл олиши исботланган. Фикр шу қадар аниқ, фикрлар йўналиши мантқан асосли, қиёслар табиийки, буларнинг ҳатто чизмаси ёки формуласини ҳам яратиш мумкин.

Урисча таржимада ҳам ана шу фикрий аниқлик, муқоясавий тарҳнинг пухта ва равшанлиги, эллипе ва параллелизмлар, тасдиқ ва инкор ҳолатлари, давомийлик, ибтидо ва интиҳо нуқталари барчаси мукамал акс этган.

Семя, в свое время павшее в почву, рождает росток, росток тянется к солнцу и образует бутон, бутон раскрывается и становится цветком, цветок роняет лепестки и осыпает на землю семена. Жизнь — это караван, который, преодолевая ущелья и перевалы, льды и пустыни, идет от оазиса к оазису. Пустыня имеет конец, жизнь — нет. Голос зла рождает эхо, которое слабеет с каждым шагом и падает за смертью, добро рождает легенду и песню — они, караваны от оазиса к оазису, как семя и семя через бутон и цветок, идут в бесконечность через душу и память поколений (38-39).

Гапнинг барча булаклари айнан бир-бирига мос

келгани ҳолда, охири хулосада таржимон қушимча равишда яна бир муқоясавий дастурни: уруғ — кучат — қуёш — шона — гул — уруғ ҳаракати занжирини улаб, умумий манзарадорликда янада яхлитлик ва тугалликка эришади.

#### ШАКЛ МАЗМУНГА ВОБАСТА. МАЗМУН ШАКЛГА ПЕШРАВ

Мукамал бадий асар худди ҳаётнинг узи каби мураккаб. Унда ҳаётнинг барча томонлари: камалакдай товланган буюқлар, унқир-чунқирлар, зиддиятлар, тараққиёт ва таназул, галаба ва мағлубият ва ҳоказолар ҳаққоний акс этади. Лекин фақат «ҳаққоний» инъикоснинг узигина кифоя эмас. Асарнинг шакли, услуби, бадий тасвир воситалари ҳам ҳаётнинг турли-туман буюқларига мос бўлмоғи даркор. Мазмун, мантик, лугат, услуб, мусиқа ва буюқлар — бир-бирига монанд бўлмоғи даркор. «Кашмир қушиги»ни ўқиган киши унда мазмуний теранлик билан бирга бир қанча санъатлар қўллангани шоҳиди бўлади.

Қушлар ва шамолнинг, самовот ва оби ҳаётнинг, гул ва инсоннинг, қушиқ ва юракнинг — борлик мавжудотнинг жамики нарсаларга мангу вобасталиги мавжуддир. Наргизнинг орзу-армонлари дилбар таронани басталагани, дилбар тарона қизлар қушигини ижод этгани, қизлар қушиги Наргиз рақсини яратгани, Наргиз рақси эса ром этиб, сеҳрлаб, нафосатга ошно этиб, гулларнинг новда ва бутуқларини юксакларга интилишга мажбур қилганлигининг боиси ҳам шунда (340).

Самовот — оби ҳаёт — мавжуд — мавжудот — вобаста — басталаган сўзларининг матн ичида биринкетин ҳамқофия бўлиб жаранглаётгани мазмуннинг мусиқавийлигини юзага келтирган. Бундан ташқари, нарса ва воқсаларнинг бир-бири билан боғланиб, тизилиб, мунтазамлик ҳосил қилаётганлиги ҳам гузал.

Орзу-армонлар : дилбар тарона  
Дилбар тарона : қизлар қушиги  
Қизлар қушиги : рақс  
Рақс : бутуқларнинг буй чузиши

Есть вечная связь всего со всем — птицы и ветра, неба и воды, цветка и человека, песни и сердца. Поэтому и получилось, что мечтания Наргис родила на-

исв, напсв породил песню девушек, песня девушек превратилась в движение, ставшее танцем Наргис, а танец Наргис, удивляя и завораживая, остановил время, и заставил головки цветов тянуться выше, как можно выше (14-14).

Урис таржимони муаллиф услубига жуда эҳтиёткор, унинг ҳар бир жилваси, оҳанги билан бирга шаклий томонларигача дуруст аке эттиришига астойдил интилади. Ва бундай ҳаддан ташқари уймакорларча нозик санъатни аслига мос бир мақомда ифодалашга муюссар булади. Бироқ таржимоннинг муаллиф мулкига, бадний фикрлаш тахлити ва узига хос маъниқий далиллаш маҳоратига садоқати унинг — мутаржимнинг узининг шоирона овозини сундириши эвазига амалга оширилмаган. Йўқ, таржимон уз ишига тўла ижодийлик асосида ёндашади. Лоақал юқоридаги матида мен таъкидлаган сузларни олиб қарайлик. Бу ерда таржимон: Наргиснинг рақси узига ром қилган ҳолда, вақтни тўхтатди, дейди. Бу Н.Грибачевнинг уз ташбеҳидир. Бошқа бир уринда яна уқиймиз: «Сколько длилось это? Никто не знает. Быть может, время заслушавшись, потеряло само себя...» (58). «Бу ҳол қанча давом этди? Ҳеч ким айтилмайди. Эҳтимол, вақт Бамбурнинг навосига эриб кетиб, узлигини йўқотиб ҳам юборгандир...» Яна бошқа бир тасвирда Ой гуллар рақсига лол бўлиб, сафарини тўхтатганича, турган жойида қотиб қолади. Булар барчаси мутаржим услубига хос белгилар.

#### •ГУЛ УРУҒДАН, УРУҒ ГУЛДАН ҲОСИЛ БЎЛАДИ•

Гоҳи уринларда таржимон жумла тузилишини муаллиф услубидан хийла фарқли бир тарзда узгартиради. Масалан, IV бобда Бурон билан Хоруднинг қилминиларидан сўнг табиатда юз берган фалокатли узгариллар вазияти бирма-бир саналади: тонг отмоқда, кўёш чиқмоқда, Бурон галаён бошлайди, момақалди-роқ гумбирлайди, чақмоқ олов пуркайди, пақирлаб жала қуяди, сел келади, дўл савайди ва ҳоказо. Ранг-баранг отлар, сифатлар, равишлар, равишдошларга гоятда турли-туман ҳаракат ва фаолият маъноларини ифодаловчи феъллар ҳамроҳ бўлиб келадилар. Таржимон ана шу омилни назардан қочирмайди. Аксинча, у, назаримда, матиларни ярқ этиб кузга ташланадиган қилиб ажратиб қўрсатган. Ҳар бир ҳодиса алоҳида-

алоҳида сузбошилар билан (абзац) тасвирланиши оқиба-тида муаллиф услубига ҳос ҳодиса: жараёнларни кетма-кет қаторлаштириш майли буртиб кузга ташланган. Чунончи: 1. Разгорался рассвет... 2. Взошло солнце... 3. Начинаясь день... 4. Обрушился ливень... 5. Ударил град... 6. Грянул гром... 7. Выскользнули из тучи... 8. Поползли жучки... 9. Цветы поникли... погасили свои краски, замолкли (43-44). Ўзбекча асл нусахада фақат иккита суз бошидагина қаторлаштириб берилган ҳаракат ва ҳолат номлари урисча таржимада тўққиз суз бошида таъкидлаб қўрилган. Жумлаларнинг қўрилиши жиддий тарзда узгарган, бунинг эвазига муаллиф услубига бирон шикаст етиши у ёқда турсин, аксинча, айни қиссага ҳос услубий шира янада қуюқлашиб, қиёмига етган.

Сузма-суз таржима асар услубига, воқеалар ривожига, мантиқ кучига, тасвир гузаллигига, китобхон идрокига ҳалал етказадиган уринларда таржимон айниқса сергак.

Баъзи гуллар фақат кайфу сафо учун яралганмиз, деб ўйлаб юришади. Қани энди уруғларда тил-забон булса-ю, курган-кечирганларини улар гулларга сўйлаб берсалар! Бироқ гул уруғдан, уруғ гулдан ҳосил булади. Улар бир-бирига утадилару, лекин бир-бири билан ҳеч қачон бақамти келмайдилар — табиат қонуни шу (355).

Юные цветы верят, что они рождены только для радости. Ах, если бы семена могли рассказать росткам и цветам все, что они знают. Но цветок умирает, когда рождается семя, и от семени остается лишь полуйстлевшая шелуха, когда рождается цветок. Они переходят друг в друга, но никогда не встречаются — таков закон (45).

Таржима қонуни ҳам шу: асар янги китобхонга бусбутун тушунарли, услубан равон ва табий булиши лозим.

## МУВОЗАНАТ

Таржимада асар, яъни аслият қандай булса, мутлақ «ушандайлигича» сақланмайди, дедим. Ҳар қандай суврат манбанинг «айнан» ўзидай булмагани сингари, таржима ҳам маълум даражада узгаришларга учрайди. Бундай узгаришларнинг мундарижаси хилма-хил. Ҳамонки шундай экан, таржимада «лисоний

бошбошдоқлик» ҳукм сураркан, деган хулоса чиқазиб бўлмайди. Мутлақо. Таржима қонуниятлари асл нусхани барча бадиий хусусиятлар бўйича мумкин қадар тула ва мукаммал қамраб олишни талаб этади. Бинобарин, юқорида қайд этилган ўзгаришлар таржима санъати учун табиий бўлган нарсаларнинггина инобатга олади.

Гузэл Нарғизнинг ҳажрида тинка-мадори қурнган Бамбур қадрдон харсанг тош устига утириб гуссага ботганида, муаллиф инсон руҳий ҳолатининг энг нозик мусаввири бўлмиш куй, мусиқага мурожаат этади: Узоқ-узоқларда бир куй гирён этарди. Юрақларни пора-пора қиладиган бу куй лаҳза сайин куч олиб, Бамбурнинг андуҳли ҳаёлини бутунлай чулғаб олади. Эҳтимол, бу куй Бурон билан Хоруд таҳқирлаган мазлумаларнинг оҳу зоридир. Эҳтимол, бу куй айрилиқ домида қолган ошиқ-маъшуқларнинг фигонидир. Эҳтимол, бу куй Бурон билан Хоруд жувонмарг этган гулгунчаларнинг фарёдидир, балким, Нарғиз дўстларининг курашга даъватидир (360-361).

Муаллифнинг ажойиб такрорий-нозик услубига хос куй тасвиридан сунг Бамбурнинг қўшиғи келади ва унинг давоми сифатида қўшиқ таърифи уланиб кетади. Шу тариқа яхлит манзара чизилади. Бамбурнинг ёлғизлик, танҳолик, ҳижронзадалик маҳзун аҳволни, «андуҳли ҳаёли»ни суз, лисоний воситалар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин эди. Лекин бунчалик таъсирчан, ишонарли, жозиб чиқмасди. Демак, муаллиф қасрда суздан, қасрда мусиқадан, қасрда рақс, суврат ва ҳис-туйғуни чуқурроқ ифодаловчи воситалардан қандай истифода этишни ва меъёрни мисқолаб ҳисобга олган ҳолда иш куради.

Китобхон узоқ-узоқларда майин садо бераётган куй тасвирини уқир экан, унинг қулоқлари остида уша наво, чиндан ҳам, «гирён» эта бошлайди. Уша оҳу зорлар, нолалар, фигонлар унинг дил пардаларини худди Чули Ироқ сингари черта бошлайди. Шу қисқа матн ичида тасвирланган воқеалар махражи жонланиб, худди кино тасмасидай уқувчининг кўз унгидан бирма-бир утаверади, ана шу манзаралар орасида мунгли, хазин, қалбни жунбушга келтирувчи ҳинд мусиқалари элас-элас эшитилгандай бўлади. Манзара тасвирийлик, бўёқдорлик, серовоз (стереофоник) жанрлар ичида ажиб бир мўъжизавий нашъу намо пайдо қилади.

Уришча таржимада мана шу манзара, Шарқ киши-



си учун жавҳардай бебаҳо мана шу латиф ҳолат ташлаб кетилган. Сабаб? Эҳтимол, таржимон мазкур сўз бошидан бироз кейинроқ ксладиган қушқ талқинини ҳисобга олганда, буни ортиқча такрорий ҳолат, деб қабул қилгандир. Агар шундай бўлса, бу тахлит фикрга қушилиб бўлмайди. Балки бошқа бирон асосли важ бордир? Эҳтимол, бундай «махсус», шарқона ширадор (колоритли) руҳий кечинмалар тасвири ҳозирги ўрн с ўқувчисига унчалик «тушунарли» бўлмайди, деган мулоҳаза бордир. Башарти, шундай бўлса, буёғи кўпроқ таржимонга аён.

Шуниси борки, нима бўлганда ҳам, таржимон ҳамма вақт қасрда, ниманидир қолдириб кетгани ёки чинқара олганини доим ёдида сақлайди ва, кези келди дегунча, уша қўлдан боғ берилган нарсанинг ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилади.

### УМИД МАШЪАЛИНИНГ ЁЛҚИНИ

Боғ берилган нарсанинг ўрнини тўлдириш имконияти бўлмаганида, умуман таржима санъати жуда кўп нарсадан маҳрум бўлар эди. Уғришга берилган матн ичида таржимон қандай йўл-йўриқ ва тадбирлардан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида баҳс очилганда, қўйидаги парча таржимаси масалага аниқлик кiritиши мумкин.

...Умид — дилларга таянч, эзгу ниятларга қанотдир, энг теран тилакларга гаровдир. Шу умид бор экан, Гуллар боғи аҳлининг толен баланд, осойишталиги барқарордир. Шу умид ёр экан, улар ўз бахтсаодатлари учун, порлоқ истиқбол учун, Нарғиз ва Бамбурнинг нодир севгиси учун курашадилар. Якка, тарқоқ ҳолда эмас, бир жону бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, якдил ва бирдам бўлиб курашадилар ва албатта снгадилар (363).

Биринчи гапда бамисоли «умид»нинг бадий таърифи берилган. Шуниси диққатни тортадики, муаллиф ана шу умид талқинида ўзга икки маънодош ният ҳамда тилак калималарини ҳам ёрдамга чақиради. Кейинги гапларда эса муқаддас умид машъаласи ёқилиб, бош ўзра кўтарилади ва у улўғ мақсадларга йўналтирилади.

Таржимада бир қанча ўзрли қийинчиликлар туғилади. Аммо таржимон бундай «лисоний танқислик», «махсус лугавий етишмовчилик»дан чўчимайди, балки

тасвир моромини бирмунча ўзгартирган ҳолда, бой тил товланиши негизда яратилган таърифни жонли тимсолли тасвирга кучиради.

А что такое надежда? Это образ того, чего ищешь не существует, но что будет существовать, если приложить усилия. Ибо тот, кто плывет, не определяя цели и не примерившись к пути, тот попадает туда, куда не собирался, и находит то, чего не искал.

Если переходишь бурный поток, обопрись на посох надежды.

Если спускаешься в темное ущелье, засвети факел надежды.

Если сердце иссушают невзгоды, испей из источника надежды (60-61).

Таржима билан танишган китобхон ҳайратланиши мумкин: бу ерда матн чегарасидан чиқиб кетилган-ку. Талқинга янгича йўналиш, янгича тимсол ва унсурлар киритилган (умид таянчи, умид машъали, умид чашмаси), янги фалсафий умумлашма пайдо бўлган ва ҳоказо... Тўғри. Лекин бадний таржима мантиқи шундай: сузлар эмас, — маъно; жумлалар эмас, — услубий тарҳ; гап қурилиши эмас, — манзарани бериш биринчи урнида туради. Асардаги ҳар бир тимсол ва майда тафсилотларни аке эттиришга қаттиқ турган таржимон бу ерда ва яна булак бир қанча ҳолларда узини эркин тутишга сабаб шуки, бундай уришларда сузма-суз угриш қутилган натижани бермайди. Шунинг учун Н.Грибачев эркин таржимага юзланар экан, муаллифнинг мақсад-муддаосига, унинг бадний-услубий йуригига таяниб иш куради: уша-уша оҳангдорлик, жарангос, триадавий яқун, ҳикмат ва тимсолли-тамсиллий тиниқ тасвир... Булар барчаси муаллифники.

#### «ҲАЁТ – ОЛОВ. АЖАЛ – КУКУН»

Асарда «оддий» сўз йўқдай, гуё ҳар бир калима замирида қандайдир бирон тимсол, мажоз яширингандай туюлади. Суқиру серкўз, боёғу мингоёқ, узуну қалта, наштарлию бенаштар зарарқунандалар Хоруд ҳашарида хизмат қиладилар (356) деган гапдан ўткир ҳажв, зарарқунандаликнинг миқёси англашилши билан бирга, мажозий маънода зуравонлик, зулм даҳшати уқувчининг кўз унгида гавдаланади. Урис таржимони бу «ҳашарчилар»нинг биронта ҳам

жисмоний, турқий сифатини назардан қочирмайди, оқизмай-томизмай беради: Слепые и выпуклоглазые, безногие и сороконогие, длинные, как иглы, и круглые, как шарики, жующие и жалящие помощники Хоруда (46).

Ғоҳи вақтларда эса таржимон мавжуд аниқ-таниқ тасвирларга янги тафсилотлар қушишга, ҳатто янги фалсафий умумлашмаларни тақдим этишга интилишлар ҳам кўзга чалинади.

Ҳаёт — олов, ажал — куқундир. Қури учган, совуқдай туйилган учоқ кулини титиб кўринг, шу заҳоти учқун сачраб, чўғлари лаҳчаланиб, ундан янги аланга тугилади (356). Таржимон, хусусан, ҳиндларнинг назиди фавқуллода узига хос маъно касб этувчи тасаввур («ҳаёт — олов, ажал — куқун») замирида чизилган бу жумлани угиришда, «муқаддима» сифатида яна баъзи фикр ҳамда мулоҳазаларни ҳам илгари суради: Говорят — смерть сильнее всего и всех. О люди, говорящие так, посмотрите вокруг и скажите — почему же, если она всех сильнее, на земле колосятся хлеба, шумят травы, синеют леса, бродят табуны коней и отары овец, множатся села и воздвигаются города? Жизнь — огонь, а смерть — пепел, но разгребите иную кучу пепла, который кажется давно остывшим, серым, как небытие, и вспыхнет искра, и засверкает уголек, из которого рождается новое пламя (47).

Қиссага таржимон киритган барча янгиликларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: асар мазмунига қўйим келадиган узғаришлар; унчалик зарур бўлмаган узғаришлар; номатлуб ёки ноҳониз узғаришлар. Юқорида келтирилган илова унчалик зарур бўлмаган узғаришлар сирасига кирди.

#### АСОС ВА ҲОСИЛА

Бадний таржимада гоёлар, тимсоллар, қарашлар, нуқтан назарлар, дидлар, эҳтирослар дучлашади, таҳлилдан утказилади, баҳоланади ва «айирбош» қилинади. Таржима билан танишганда лисоний ва бадний воситаларга асл нусха тили, ахлоқий-руҳий мезонлари мавқеидан туриб муҳокама юритилса, купгина ҳодисалар қандайдир гайри табиий туйилиши мумкин.

— Азиз дугонам, нега маъюс қуринасиз, нега хафасиз? — деб сурайдди у (Лола. — Ғ.С.) узига хос навозиш билан Нарғиз елкасига қул ташлаб (345).

— Я вижу, ты плачешь. О чем? — спросила Лола у Наргис (24).

Икки гузалнинг учрашуви тасвирида келтирилган сузлар сонни икки баравар қисқарган. Аммо гап лугавий ихчамлаштиришда эмас. Таржимада мулозамат ҳам, навозиш ҳам, маъюслик ҳам ва ниҳоят, шундай рухий кайфиятга мос тушадиган ҳаракат ҳам (елкасига қул ташламоқ) гойиб булган. Бунинг устига икки гулнинг, ва умуман гулларнинг бир-бирларига сизлаб муомала қилишлари сенлашга айланиб кетган. Ваҳоланки, бу ерда урис тилига ҳинд ижтимоий муҳитининг узбекона бадний тасвири таржима қилинмоқдаку. Бошқа халқнинг иқтисодий ва маъновий ҳаёт тарзига хос тушунчалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун эса баъзан уша хос тушунчаларни айнан сақлашга тўғри келади. Бироқ умумий қонда шуки, бирон таржиманинг сифатига баҳо берганда асл нусха тилининг мантиқий ва маъновий (семантик) хусусиятлари мавқандан эмас, балки айни асар утирилаётган тил учун мезон булган белги ва хусусиятлар нуқтан назардан ёндашмоқ лозим.

#### ҚУЁШ МЕҲВАРИ ЁХУД ОФТОБНИНГ МЕЪРОЖГА ЧИҚИШИ

Қиссада наинки турли-туман тимсоллар воситасида ифодаланган инсоний муносабатлар, шу билан бирга, бутун табиат, муҳит, манзара тасвири ҳам узига хос шарқона миллий буюқ билан бой, жилвакор услубда чизилган. Бундай инсоний муносабатлар узининг зоҳирий белги ва сифатларидагина эмас, балки нозик ҳаракат, ишора, вазият, чуқур рухий ҳолатлар тасвирида ҳам ботинан миллий моҳият касб этган. Қуп сонли ифодавий душворликлар қатори, масаланинг бу томони ҳам — шарқона миллий моҳият — таржимонлар олдига шундай катта тусиқларни кундаланг қилиб қўядики, баъзан энг иш қурган санъаткорлар ҳам уларни бартараф қилолмайди. Бундай тусиқларни айланиб ўтишлар эса ҳамма вақт ҳам енгил кучавермайди.

Бешинчи фаслдан Бамбур билан Наргиз учрашуви манзараси бу жиҳатдан эътиборли.

Боши узра эгилиб парвона булаётган Бамбурнинг ийик нафасидан узига келиб Наргиз оҳиста қимирлаб қўйди-ю, қаҳрабо изларига соя ташлаган узун-узун киприкли бодом қовоқларини зўрга қутариб Бамбур-

ни зор-зор булиб кутгани, уз юрак армонлари соҳибини, азиз ёрини кўрди. Наргизнинг бу нигоҳининг тили жамики китоб, эртақ, афсоналар каломидан равшанроқ эди. Бамбур қўлларини унинг кафтларига қўйди-ю, беозор бу қўлларнинг меҳригиёси жамики китоб, эртақ, афсоналар мажмуидан чуқурроқ маънони англатади.

Улар бир-бирларининг дийдорларига термилиб, сузсиз ишқ тилида дардлашиб узоқ утирдилар, умрбод бирга булишга аҳду паймон қилдилар.

Ниҳоят Бамбур Наргизини кўтариб олди-да, унинг маъсум заъфарон чехрасига узининг ҳижрон оловларида яллигланган қайноқ юзини босди.

Шу он еру осмон гумбурлаб ҳамма ёқ ларзага келди-ю, зилзила сурони бошланди. Бироқ буларнинг ҳаммаси кутлуг галаён эди. Зеро, шовқин босилгандан кейин улда-жулда қургошиндек осилиб ётган булут лахтаклари қувиб юборилганлиги, Бурон билан Хоруд уфқдан нарига улоқтириб ташланганлиги, қабиҳ муҳит иллатлари тарқатиб юборилганлиги аён бўлди. Разолат гўборларидан фориғ этилган мусаффо осмоннинг ложувард гумбази устидаги кўшкига Офтоб чиқиб утирди ҳамда чарақлаб ҳар бир гулни, ҳар бир майсани, ҳар туп ниҳолни силаб-сийпалаб, водийни узининг олтин нурларига қумиб юборди (364).

Таржимада эса мана бундай манзара тасвирига дуч келинади:

Когда после долгой и мучительной разлуки встречаются влюбленные — отвернись.

Все, кто давно пережил свою любовь, знают, что в этот миг даже глаза друзей — лишние.

Все, кто в счастливом возрасте юности, понимают, что в минуту долгожданного свидания даже глаза брата и сестры — лишние.

Все, у кого счастье любви впереди, в свой срок узнают, что в миг первой встречи даже глаза отца и матери — лишние.

Никто не знает, куда исчезают небо, звезды, солнце, земля, деревья, птицы и цветы, но во всем мире, когда встречаются двое — остаются только двое. Он и она.

— Ты столько перенесла, ожидая меня! — сказал Бамбур.

— Ты столько претерпел! — сказала Наргис.

... — Я готов пройти десять раз по стольку же, лишь бы видеть тебя! — воскликнул Бамбур.

— Я готова пережить десять раз вдесятеро больше муки, только бы видеть тебя! — вздохнула Наргис.

Она подняла на него свои прекрасные удлинённые глаза, и они сказали ему больше, чем вмещают все книги, все сказки и легенды, созданные от начала бытия. Он опустил ей на плечи бережные руки, и они трепетностью своей сказали ей больше, чем скажут все книги, сказки, легенды до конца бытия.

И когда они наговорились, не разговаривая, когда рассказали друг другу все, не произнося ни слова, когда поклялись быть всегда вместе, не клянясь, вернулось на свое место голубое небо с весенним солнцем, зазеленела и запестрела красками земля, зажурчала в потоках вода (64-65).

Муаллиф услубига хос ва жанрнинг хусусияти талабидан келиб чиқадиган мажозий-хаёлий тасвирлар, нафис-нозик туйғуларни қузғовчи унсурлар (зиlzила сурони; қургошиндек осилиб ётган булут лахтаклари; Офтобнинг гулларни эркалаши) таржимада акс этмаган. Бунинг урнига Бамбур билан Наргиснинг учрашувига юз берган («одатда» юз берадиган) чуқур ички руҳий кечинмалар тасвири берилган. Бу тасвирда ошиқ-маъшуқларнинг афсонавий вазиятда қовушишлари бирмунча оврупоча замонавий тус олгандай, бошқача айтганда, бу ривоятда чизилган висол эмас, балки ҳозирги кунларда жаҳоннинг Оврупода, темир йул вокзали ёки тайёрагоҳда севишган йиғит билан қизнинг учрашувига ухшаб қолгандай бир таассурот тугилади. Улар уртасидаги мулоқот ҳам шунга ухшаш. Таржимон кези келди дегунча, муқаррар, воқеаларни бир-бирига «улашга», уларни «занжирбанд» қилишга, асослашга интилиш билан самовий силсабил қатраларни бамисоли заминий аниқ нуқталар билан, заминий буюқдор ёки қитиқдор жилваларни аниқ-худудий чизиқларга айлантираётганини ҳамма вақт ҳам унчалик сезмай қолади... Қизиги шундаки, таржимон услубига кура, одатда, бундай манзараларни уз сафариниш «тухтатиб» миқ этмай томоша қиладиган самовий мавжудотлар (Қуёш) ҳам «тахтиравонга чиқиб утириш» ўрнига, бу гал, негадир, «уз урнига қайтади».

Таржимада аниқ тасвирга риоя қилиш яхши, би-

роқ бу асл нусхада бор нарсаларни акс эттириш маъносида талқин қилингандагина туғри булади.

### БАДИЙ ОДАМШУНОСЛИК БИЛАН ТАБИАТШУНОСЛИК ИТТИФОҚИ

«Кашмир қушиги»да баний одамга хос булган барча инсоний фазилатлар: муҳаббат, дустлик, садоқат-шафқат, курашиш ҳамда кишиларга хос ожизликлар: хиёнат, бадкирдорлик, ҳасад, фисқ-фужур, игво билвосита, ғайри табиий нарса ва ҳодисалар орқали тараннум этилади ёки қора бўёқларда тасвирланади. Асар воқеаларининг марказида асаларилар шоҳи Бамбур билан гуллар маликаси Наргизнинг ишқ-муҳаббати, уларнинг ширин висол онларию, аччиқ ҳажр изтироблари тасвири туради. Бу гаплар ҳурматли китобхонга маълум. Масаланинг душвор жиҳати шундаки, одатда, жонли одамлар ҳаётини тасвирга олиш, уларнинг тасвирларини чизиш, узаро муносабатларини бадий таҳлилдан утказиш жуда мураккаб иш. Айни ҳолда эса муаллифга ҳаракатсиз, баъзан қотма вазиётдаги нарса ва ҳодисалар ёки забонсиз, яшаш шароитлари ҳайвоний савқи табиий негизига қурилган ҳашаротлар ва узга жонли мавжудотларнинг узига хос ҳаёти тасвирини яратишга туғри келган.

Адибнинг зийрак нигоҳи зоҳиран сокин, жонсиз, ҳаракатсиз, ҳис-туйғусиз бўлиб қуринган Табиатнинг ҳаётини, унинг ички жараёнлари ва қонуниятларини илғайди. Чиндан ҳам, бундай қараганда, куёш, булут, чақин, қор, ёмғир, дул, шамол узаро бир-бири билан боғланмагандай, айни замонда бу сингари табиий ҳодисалар билан жамики жонли мавжудотлар, паррандаю даррандалар, ҳашаротлар, куз илғамас зарралар уртасида ҳеч қандай алоқадорлик йўқдай. Аслида эса муаллиф ҳаёт қонуниятига асосланиб иш куради. Ҳаёт эса қайд этилган барча нарса ва ҳодисалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, узаро тақозодорлигидан дарак беради. Бугина эмас, инсонга хос булган купгина биологик, физиологик, анатомик тузилиши ва хусусиятлар табиатнинг одамзоддан бошқа фарзандларига ҳам хослиги аниқланган. Чунончи, усимликлар нурни сезади, айрим гуллар ҳатто мусиқани ҳам туяди; уларда инсон ёки ҳайвон аъзоларига монанд равишда бош, қул, оёқ, танани эслатувчи қисмлар бор; жуфтлашиш, кўнайиш, шавқиеб хусусиятлари ҳам

уларга бегона эмас; ҳайвонлар ва паррандаларда уз болаларига инсоний меҳр-муҳаббатни эслатувчи яқинлик, боғлиқлик, муҳофазакорлик аломатлари кучли...

Ана шу нуқтан назардан қиссанинг олтинчи фасли яқинидаги мана бу сўзлар гоётада чуқур ва ибратли:

Наргиз ва Бамбур муҳаббатини ёғдули ришталар билан йургаклаган, энди уларни мурод-мақсадларига етказган водий масъуд ва масрур бўлиб, бахтиёр келинчак шарафига ҳашаматли сўзана бўлиб безандики, гофил учун у шунчаки ранго-ранг палак, оқил учун эса — табиат қули билан табиат тилида битилган ҳаёт қиссаси, севги қўшиғидир (370).

Уришча таржимасида юқорида айтилганлардан сўнг учтагина калимадан тузилган яна бир жумла қўшилган: Умеешь читать — почти!.. (Тишинг утса — қандингни ур!..) «Табиат қули билан табиат тилида битилган» ўша ҳаёт қиссасини уқиш ҳамда унинг кўз илгамас қонуниятларини уқиш, илғаш, нозик ҳис этишигина эмас, — буларнинг барчасини шеърнинг тилида қайта жонлантириш ва куйлашнинг ажойиб намунаси ҳам — яна шу «Кашмир қўшиғи»нинг узидир.

#### ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ...

Шоир Туроб Тула қиссанинг 1978 йилги узбекча нашрига ёзган сўнг сўзида мазкур нашрни дунё тилларида 797 минг 500 нусха чоғи этилган 26-нашри, деб қайд этган эди. У қиссанинг ўрис, украин, қozoқ, озарбойжон, тожик, туркман, қорақалпоқ, араб, ўрду, форс, хитой, эсперанто ва бошқа бир қанча тилларга таржима қилинганини эслатади. Бу орада «Кашмир қўшиғи» венгер, қрим татар ва ҳинд тилларига ҳам уғирлиб, умумий тиражи миллион нусхадан ошиб кетди. Асар янги-янги тилларга таржима қилинишига ишонаман.

#### •СЕВГИ АФСОНАСИ• ВА «КАШМИР ҚЎШИГИ»

*Ромео ва Жульетта, Лайли ва Мажнун, Руслан ва Людмила, Наргиз ва Бамбурларнинг қон-қардошлигини сездим.*

Ю. Н. ГРИГОРОВИЧ

Бадийий сўз санъати намунаси бўлган асар асосида балет яратилди, яъни сўз сеҳри билан барпо этилган қиссани нафис рақс жозибаси «тили»га кучириш на-



қадар мураккаб ва инжиқ иш. Уз тadbири, воситалари, имкониятлари, хусусияти эътибори билан бир-биридан узоқ соҳаларнинг яқинлашуви замирида қанчадан-қанча сир-синоатлар ётса керак, деган қизиқиш ушбу сатрлар муаллифини мазкур асарни саҳналаштиришда фаол қатнашган атоқли санъат арбоблари ҳузурига, Масковга, бутун дунёга маълум ва машҳур Катта академик опера ва балет театрига етаклади.

Катта театрнинг бош балетмейстери, профессор Юрий Григорович «Кашмир қушиги»нинг саҳналаштирилиши, бу ишнинг мураккаб томонлари хусусида жуда қимматли фикрларни айтади. Муайян аниқ миллий замин ва муҳитнинг маҳсули бўлмиш халқ оғзаки ижоди асарининг (Кашмир афсонаси) бошқа бир халқ (узбеклар) тилида қайта яратилиши туфайли майдонга келган қиссанинг бу қадар умуминсоний мазмун касб этиб, дунёдаги кўпгина адабиёт аҳллари ва ҳатто номлари бутун дунёга таниқли санъат арбобларининг диққат-эътиборини қозонганини сабаби хусусида гапираркан, проф. Ю. Н. Григорович қуйидагиларни қайд этади:

— Ҳаётда янги баҳор яратиш, инсон умри ва табиатдаги сир-синоатлар билан боғланиш, оҳори тукилмаган тамсиллийлик, тинчлик, муҳаббат ва тафаккур кучларининг зулумот кучлари устидан ғалабаси, инсоний камолотга интилиш каби, барча оддий, айни чоқда мураккаб туйғулар Ер юзидаги жамики софдил одамларга (улар тоғлардами, биёбонлардами, дарёларга сероб водийлардами, жазирама саҳролардами, — қасрда яшашларидан қатъий назар) гоят яқин, гоят азиздир.

— «Кашмир қушиги»нинг саҳналаштирилиши муносабати билан миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлашуви қандай узига хос жиҳатларга эга? деган масалани ойдинлаштиришда бош балетмейстернинг фикри шундай:

— Аввало, «Ҳинд дostonи» («Кашмир қушиги» қисасининг номи балетда шундай узгартирилган) Катта театрда қўйилиши меннинг учун шу жиҳатдан буюк воқеаки, — дейди Ю. Н. Григорович, — унда уч халқ — ҳинд, узбек ва урис халқларининг қимматбаҳо ёдгорликлари қўшилиб, бирга қўйилиб, яна бир ажойиб фазилат — байналмилаллик касб этди. Бир халқ тилидаги суз иккинчи бир халқнинг дил изҳори бўлиб қолди, бу бирикув, бундай «қотишма» мусиқа ҳаётида ҳам уйғун

бир тарзда жаранглаши керак эди. Шу тариқа, турли мусиқа маданиятларининг ҳам ажиб бир тарзда «омухталашуви» содир булди. Афсонанинг мусиқаси ва тимсоллари ҳаракатда уйғунлашди, бир-бирига сингишди. Натжида классик рақс ҳинд миллий уйинлари унсурлари билан яқинлашди ва бойиди.

«Ҳинд достони» балетининг муътабар театр сахнасига олиб чиқилиши муносабати билан адабиёт ва санъатда анъанавийлик, ворисийлик ва янгиликлар нималардан иборат? деган масала куи тартибига қўйилди.

— «Ҳинд афсонаси»нинг қўйилиши меннинг фаолиятимда иккинчи ижодий самара, — дейди Ю. Н. Григорович. — Бундан муқаддам мен атоқли турк шоири Нозим Ҳикматининг «Хусрав ва Ширин» достони асосида яратилган «Севги афсонаси» балетини сахналаштирагандим. Бундан орттирган тажрибам янги балетни сахнага олиб чиқишимда жуда асқотди ва шу заўлда икки йирик Шарқ адабиёти арбоби: турк адиби Нозим Ҳикмат ва ўзбек ёзувчиси Шароф Рашид ижоди асосида бунёд этилган икки замонавий балет Катта театр дастуридан урин эгаллади.

«Кашмир қушиги»даги Наргиз ва Бамбур ҳам туйғуларнинг гўзаллиги ва таъсирчанлиги жиҳатидан Фарҳод ва Ширинлар қаторида туради. деб ҳисоблайди бош балетмейстер. Шу билан бирга, улар томонан янги қаҳрамонлардир. Чунки бу қаҳрамонларда халқнинг битмас-туганмас тажрибаси мужассамланган. Булар инсоний хатти-ҳаракатлари билан тасаввуримизда жонланади: «эртакнамо» қаҳрамонлар жуда нозик, ҳаётнинг фалсафий чуқур томонларига рамзий ишора қилади, улар шартлилик улчовларини сақлай олганликлари билан, тийнату сажиялар (характерлар), тақдирлар, инсоний-ҳаётий ҳолатларни рақс тили билан ифода этиб, ҳайратга солади.

«Кашмир қушиги» (ёки «Ҳинд афсонаси»)да замонларнинг (утмиш, ҳозир ва келажак) бир-бирига вобасталиги хусусидаги масалага проф. Юрий Григорович шундай муносабат билдиради:

— Қисса ва унинг иегизиде яратилган балетнинг ярқ этиб кўзга ташланадиган фазилати унда турли замонларнинг узвий алоқалорлиги ўз ифоласини топганлигидир. Чиндан ҳам, зоҳиран, ҳинд халқининг даҳоси билан яратилган афсона қаёқда-ю, йиғирманчи аср тараққиёти келтириб чиқазган беҳисоб, мурак-

каб, зиддиятли муаммолар қаёқда, деб уйлаш мумкин. Булар орасида жуда катта масофа ётгандай туйилади. Аслида эса позик-нафис туйгуларни узидя ифодалаган ҳинд достони жиддий «насер» билан сугорилган бизнинг романимиз, саксонинчи йиллар ўқувчиси ва тамошабинини ҳам уйлантиради, қувонтиради, ҳаяжонга солади.

— Яқинда Кремлдаги съездлар саройида «Ҳинд достони» янги балетининг илк томошаси бўлди, — деб хабар қилганди «Литературная газета» (8.07.81). — Машҳур ... хореограф Ю. Григорович раҳбарлигидаги Москва санъаткорлари шонли жамоаси Шароф Рашидовнинг «Кашмир қушиги» асари буйича ўзбек бастакори У. Мусасев ёзган балет мусиқасига мурожаат қилди. Халқларнинг қурраи замида эркинлик ва тинчлик ҳақидаги азалий орзу-умидларидан ҳикоя қилувчи, журъатли ва кескин зиддиятлар ифодаси асосига қурилган жозибадор саҳна асари яратилган. Булар барчаси ... «Жаҳон парламентлари ва халқларига» мурожаатида уз ифодасини топган — «фожасининг тақрорланишига йул қўйиб бўлмайдн. Янги жаҳон урушининг чиқишига йул қўймаслик учун барча имкониятларни ишга солиш мумкин ва шундай қилиш лозим» деган сўзларига жур ва ҳамоханг.

### СЎЗ САЊЪАТИ ВА РАҚС ЖОЗИБАСИ

Мазкур қисса асосида ўзбек бастакори Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Улугбек Муса томонидан яратилган «Ҳинд достони» балетининг Масковда Катта театр саҳнасига олиб чиқилишида саҳналаштириш раҳбари, профессор Юрий Григорович, халқ рассоми Н. Н. Золотарёв, балетмейстер-репетиторлардан Галина Уланова, М. Т. Семёнова ва бошқа қўлаб таниқли санъат арбоблари билан бирга, асосий ролларни ижро этган ёш истеъдодли артистлар (Нарғиз — А. Михалченко, Бамбур — А. Лазерев, Хоруд — Б. Акимовлар) катта хизмат курсатдилар. Булар орасида, айниқса, саҳналаштирувчи-балетмейстерлар: Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Юламей Скотт билан собиқ Россия Федерациясида хизмат курсатган артист Юрий Панколарнинг хизмати таҳсинга лойиқ.

Улугбек Мусаниннг балети «Кашмир қушиги» даст-

лаб Масковлик хорсографлар Ю. Скотт ва Ю. Папколар томонидан Тошкентда, Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида саҳналаштирилган, сунгра «Ҳинд достони» номи остида Катта академик опера ва балет театрининг дастуридан урин олган. 1982 йил баҳорида Катта академик театри узининг Тошкентга қилган сафарида Катта маскур балетни ўзбек томошабинларига масковлик санъат усталари ижросида намоён қилдилар.

Шундай қилиб, афсона тариқида ҳинд халқи орасида туғилган, ёзувчи Шароф Рашидовнинг ижоди туфайли ўзбек тилида ёзма адабиёт ёлгорлигига айланган, сунгра бастакор Улугбек Мусасев ижросида ҳозирги классик рақс санъати намунаси ҳисобланмиш балет сифатида саҳналаштирилган ҳамда ўрис санъати арбоблари Юрий Григорович, Юрий Папко, Юламей Скотт ва бошқаларнинг ўзбек санъат усталари билан ҳамкорлиги самараси улароқ Масковда намоён этилган «Кашмир қушиги» — «Ҳинд достони» сўз санъати билан рақс жозибасининг қўшилиб, омухталашиб, ажиб гузаллик тимсолига айлангунча жуда узоқ масофани босиб ўтди.

#### ТАНАВОР ЯНГЛИГ...

Масковда «Кашмир қушиги» — «Ҳинд достони» балетини саҳналаштириб, намоён этишда фаол хизмат курсатган икки йирик мутахассис — Ю. В. Папко ҳамда Ю. Г. Скотт билан махсус учрашиб суҳбатлашдим. Қуйидаги шу суҳбатнинг мазмунини келтираман.

**Савол:** «Кашмир қушиги» қиссасининг номини балетда «Ҳинд достони» тарзида узгартирилибди. Қамров «жугрофияси»ни кенгайтиришдан (Кашмир — Ҳиндистон) мақсад нима?

**Ю. В. Папко:** Саволингизга туғридан-туғри жавоб қайтаришдан олдин икки оғиз «муқаддима» қилмоқчиман. «Кашмир қушиги»ни ўрис саҳнасида қўйишнинг бир қанча мураккаб томонлари бор эди. Шулардан бири ва энг муҳими — асар мундарижасининг кўҳна ҳинд ва ўзбек маданиятлари (оғзаки халқ ижоди, мусиқаси, ёзма адабиёт ёлгорликлари ва тарихий обидалари) билан чамбарчас боғлиқлигидир. Масалани жиддий урганишга туғри келди. Бош балетмейстер Юрий Григорович, балетмейстерлардан менинг рафи-

қам Юламей Скотт ва мен Ўзбекистонда ҳамда Ҳиндистонда булдиқ, у ерларда маълум бир муддат яшашга, хизмат қилишга ва манбаларни урганишга, бу улкалар халқларининг моддий ва миллий маданият ёдгорликлари билан яқиндан танишишга тўғри келди.

Ҳиндистонда рақе санъатини урганар эканмиз, шу нарса маълум булди: у ерда асарларилар шоҳи Бамбур билан гуллар маликаси Наргизнинг муҳаббатларини тасвирловчи рақслар жуда кенг тарқалган экан. Бу рақслар шу қадар жозибадорки, уларда воқеа, хусусан, имо-ишоралар, бош-қош, куз, қул, оёқ ҳаракатлари орқали ниҳоятда мураккаб, ниҳоятда нозик ижро этилади. Борингки, ҳар бир қош «қоқиш», куз «уриштириш» ёки «сузиш», юз мушакларини «учириш», қисқаси, турли-туман гамза-ю муқомлар қандайдир бир сирли маъно англатади. Бас, маълум булдики, Бамбур — Наргиз «ҳангомалари», ривоят, афсона, рақе сифатида фақат Кашмирдагина эмас, балки бутун ҳинд элида кенг тарқалган экан. Шунга кура балетнинг номини бир вилоятдан бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, «Ҳинд достони» деб узгартиришга қарор қилинди.

Савол: Бундан чиқдики, уша ҳинд рақеи биз узбекларнинг, айтишлик, «Танавор»имизга ухшаш кенг тарқалган миллий уйин эканда?

Ю. Скотт: Тўғри, миллий хослиги ва кенг тарқалганлигига қараб ҳукм чиқарилса, шундай қисс ҳам жонз. Бироқ ҳиндларнинг рақеи, таъбир жонз булса, узининг имо-ишоралар орқали «воқеабандлиги», бирибирига зид ҳис-туйғуларни ифодалаш жиҳатидан узбекларнинг «Танавор»идан фарқланади.

Ю. Папко: ҳинд рақсларида асарлари билан гул «ишқий муносабат»ларини узида акс эттирувчи рақслар кенг тарқалганлигидан ташқари, булар жуда қадимий тарихга эга. Бу мавзу ҳинд халқ ва классик (мумтоз) рақсларида акс этади. Олайлик, Канорак ибодатхоналари сатҳларида қабарик ҳолда урнатилган ҳайкалчаларда ҳам, бошқа тасвирий санъат асарларида ҳам ишланган.

Ю. Скотт: Шуниси борки, ҳиндларда «Бамбур — Наргиз воқаси», масалан, узбекларнинг «Тоҳир ва Зухра» сингари, турли халқлар ва эл-элатлар оғзаки шеъриятида қуйланади. Бинобарин, бу афсонавий шеърый қиссаларнинг нусхалари ҳам хилма-хил...

Ю. Папко: ...Бироқ бу нусхалар узларининг айрим

тафсиллий ёки талқиний жиҳатлари билан бир-бирларидан тафовут қилсалар-да, бош масалада: ошпақ-маъшукларни бирлаштирувчи эркесарлик туйғулари, Баҳорни қумсаш, ёвуз кучларга қарши муросасиз курали, букилмас иродани тараннум этиш тарафларидан уларда муштараклик кузга таъналади.

Ю. Скотт: Худди шунииг учун ҳам, йирик маданият арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов ҳинд маданиятида, ҳиндларнинг халқ огзаки ижодда кенг тарқалган, тараққийпарвар гоёлар билан суғорилган гузал воқеани тантаб, шу асосда ўзининг «Кашмир қуниги» фалсафий қиссасини яратганлиги, уйлаймизки, унинг катта адабиёт хазинасига қушган салмоқли қиссаеи булиши баробарида, муборак ва таҳсинга сазовор.

Савол: адабиёт билан санъатнинг туташган жойида купгина янгиликлар, баҳали муаммолар, антиқа мўъжизаларни кутиш мумкин. Менинг ихтисосим — сузшунослик. Таъбир жоиз бўлса, тиллар аро суз ва маъно «айирбошлани», яъни таржима санъати билан шуғуланувчи кишиман. Рақе санъати сирларига унчалик тушунмайман. Мени ҳозир, шу тонда бир нарса қизиқтиради. Бу ҳам бўлса жанр масаласи. Қиссанинг мазмун ва услуб тарҳини олиб қарасак, «Кашмир қуниги» асосида балет ҳам, ёки айтайлик, опера ҳам ёза булар эди. Шундай эмасми? Агар тугри бўлса, нега опера эмас, балки балет яратилди?

Ю. Скотт: Либретто муаллифларидан бири сифатида (либреттони Ю. Папко билан биргаликда ёзганмиз) мен бу саволга бажонидил жавоб бераман. Лекин, зинҳор, шубҳаланишти, деб уйламанг: Сиздан бир нарсани биллиб олмоқчиман. Қуйилган масала юзасидан бундан олдин бошқа бирон кишидан ахборот олмаганмиз?

— Йук. Нега бу Сизни қизиқтиради?

Ю. Скотт: Гап шундаки, масковлик таниқли адабиётчилар билан (улар ҳам, дарвоқе, бадний таржимага дахлдор кишилар эди!) санъат аҳли уртасида, ҳақиқатан ҳам, баҳе бўлиб утган эди. (Тугри, сиз мантиқ ва интуицияга асосланиб савол бердингиз). Шоирлар опера яратиш тарафдорлари булиб чиқдилар. Улар шундай операнинг режасини тузиб, ҳатто ишга киришмоқчи эдилар. Бироқ биз балет яратиш гоёсини каттиқ ҳимоя қилдик.

Ю. Папко: Шубҳасиз, мазкур қисса негизида опера қуйса ҳам булар эди...

Ю. Скотт: Тугри, булар эди...

Ю. Папко: Ҳатто ҳозир ҳам булади.

Ю. Скотт: Тугри, ҳозир ҳам булади...

Савол: мен қуйдаги ахборотга эътиборингизни қаратмоқчийдим. Лондонлик отоларинголог А. Александер шундай хулосага келганки, театрга опера тинглаш учун ташриф буюрган томошабинлар, гарчи асар уларнинг ўз она тилларида жарангласа-да, опера матнининг жуда катта қисмига тушунмас эканлар. Чунончи, инглиз ва олмон опера ишқибозлари ўзларига яхши таниш булган операларда айтиладиган сузлардан ҳар юзтасидан атиги иккита-учтасини илгашаркан, холос. Тинглашга энг чапдаст томошабинлар италянлар эканлиги аниқланган. Улар «Гусса» операсида ҳар юзта калимасидан туққизтасини, «Риголетто» операсида эса ун бештасини фаҳмлайдилар («Известия», 31.07.82).

Ю. Скотт: Курдингизми. Йўқ, биз балет қуйдик. Сабаби, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қушиги» қиссаси айнан балетбоп асар эди. Нафис ҳис-туйғуларнинг «ипак ришталаридай» майинлиги дейсизми, буюқлар тасвирининг камалакдай товланиши дейсизми, ва ниҳоят, асарда айнан рақслар мадҳияси асосий урин эгаллаши жиҳатидан ҳам, буларнинг барчаси балетга купроқ мойил эди.

Ю. Папко: Гуё қиссанинг мазмун-оҳанги ўзи, қуйиб қуйгандай, «тайёр» балет эди.

Ю. Скотт: Балли.

Савол: «Ҳинд достони» балетининг талабчан, но-зик дидли масковлик томошабинларга ҳамда, мутахассис сифатида Сизларга, айниқса мақбул томонлари нимада зоҳир булади?

Ю. Скотт: Мазкур балетга даҳлдор шахе — сахна-лаштирувчи-балетмейстер ва либретто муаллифлари сифатида — биз бу саволга «холис» жавоб қайтаришимиз қийин. Холис ҳукм чиқарувчилар — томошабинлар. Уларнинг, яъни худди шу томошабинларнинг муносабати, ҳаракатлари, юз ифодалари ва қиёфаларига қараб шу нарсани дадил айтиш мумкинки, масковлик санъаткорлар бу балетни қабул қилдилар.

Ю. Папко: Истеъдодли ўзбек бастакори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Улуғбек Му-саев чинакам ажойиб-ғаройиб балет-симфония яратиб, унинг магз-мағзи, мусиқий туқимасига ҳинд мусиқасининг анъанавий услуб ва дилни «сел» қиладиган мафтункор оҳангларини сингдира олган.

Мусиқа сато билан танбурда ижро этиларкан, томошабин тин олмай, сеҳрланиб қолгандай булади. Қадимги узбек суиталари (мақомлар) ана шу асбобларда гоётда таъсирчан ва майин жаранглайдн. Уларда таралган оҳанг-мақом садолари танбурда жур булган ҳинд халқ қушиқлари билан омухталашиб, бири-бирига сингишиб кетгандай булади. Уктам, зариф, лутфкор рақслар сеҳрли мусиқа садоларига бусбутун уйғун.

#### •ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ•

Алишер Навоий номндаги Катта академик опера ва балет театрида, «Кашмир қушиғи»дан ташқари, ҳинд адабиётининг атоқли намояндаси Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони асосида ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» асари юзасидан янги балет саҳналаштирилмоқда. Бу балетни Озарбойжон халқ артисти, таниқли озар бастакори Ориф Маликов ёзган. Ориф Маликовнинг «Севги афсонаси» балети ҳам узбек Академик театрида бундан муқаддам намойиш этилган эди. Академик театрининг бош балетмейстери Голия Боязитовна Измайлованинг шаҳодат беришича, мазкур балетнинг мусиқаси жуда бой, унда балет санъати хусусиятлари, классик ва миллий рақс уйғунлиги жуда яхши акс этган. «Уч пардали бу балет партитураси ... жуда жозибали ва таъсирли. У шарқ халқлари мусиқаси, ҳинд ҳаволари оҳанглари билан сайқалланган».

«Икки дил достони» балетининг узбек театри саҳнасида қўйилиши ҳинд, Овруро ва бошқа миллий маданиятлар анъаналарининг яқинлашуви, ҳинд-узбек-озарбойжон адабиёти ва санъати намояндаларининг узаро ҳамкорлигидан далолат беради. Бундан ташқари, бу адабиёт билан санъатнинг азалий узаро уйғунлиги рамзи булиб майдонга келганлиги ҳам диққатни ўзига тортадики, худди шу нуқтада масаланинг ибтидоси ва илдизига назар ташлаш зарурати туғилади.

#### •АБДУЛМАЪОНИЙ• – МАЪНОЛАР ОТАСИ, ДЕМАК

Ўз замонасида «Мирзо Мадик уш-шуаро» деб донг таратган Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721). Ҳиндистонда Бенгалия вилоятининг Азимобод шаҳрида дунёга келиб, кейинчалик Деҳли шаҳрида яшаб ижод



этган ва шу ерда барҳам топган (Қомус, 2,120-126). Унинг ажодлари, яъни ота-боболари Шаҳрисабз узбекларидан булган. Урду ва ҳинд тилларини, суфизм (тасаввуф) ҳамда юнон фалсафаси, хусусан Арасту қарашларини чуқур урганган. Бедилнинг адабий мероси 130 минг мисрадан зиёд шеърӣй, 50 босма табоқ насрий асарларни ташкил этади. Унинг турли мавзулар ва жанрларда ёзилган «Тилисми ҳайрат», «Таркибот ва таржъот», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Риқабот», «Чор унсур», «Ирфон» сингари асарлари маълум. Мутафаккирнинг асарлари бағоят теран мазмунга эга. Унинг ижодини маънолар хазинаси деб айтиш мумкин. Зотан, Мирзо Абдулқодир Бедилга Мовароуннаҳрда Абулмаъоний, яъни «Маънолар отаси» дедган лақаб берилгани ҳам бежиз эмас.

Бедил меросининг таҳлил этилаётган масалага дахлдор баъзи жиҳатлари. Мутафаккир ижодининг диққатга сазовор томони шундаки, у мусулмонлар билан ҳиндларни бирлашишга даъват этади. Бедилнинг эътиқодича, баний инсон ягона, лекин турли миллатларга мансуб халқлар орасида зolimлар, текинхурлар бор, кураш тигини ана ушаларга қаратиш зарур. «Ҳиммат камарини белга боглаб, ғайрат билан курашса, чумоли шерни енгади», деб ишонади у. Шу тариқа шоир Ҳиндистон халқларининг бузилмас иттифоқ тузишлари, улар узаро тотувликда ҳамжиҳат булиб яшашларини орзу қилди.

*Ерон ба вифоқ агар қадам мешкананд,  
Жайши арабу сафи ажам мешкананд.  
Аз қудрати иттифоқ, гофил нашави,  
Данлонҳо сайнго баҳам мешкананд.*

Мазмуни: агар ёронлар бирдамлик билан қадам ташласалар, рақибларнинг сафлари тор-мор булгувондир; иттифоқ булиб яшашнинг қудратидан гафлатда қолмагин, зеро, тиллар бирлашиб тошни синдиради.

Узининг «Ирфон» асарида Бедил табиатда ҳам сезги борлиги, лекин у инсон назаридан пинҳон ҳолатда эканлигини айтаркан, умуман сезги усимликлар дунёсига ҳам хослиги хусусида фикр юритади. Далил сифатида у хурмо, «мардум гиёҳ»ни келтиради. Бу усимликларда одамзод ва ҳайвонларникига ухшаш аъзолар мавжуд эканлигини эслатади.

«Ирфон» китоби таркибига кирган «Қомдс ва Му-

дан» дostonида ҳам мутафаккирнинг чуқур ижтимоий қарашлари акс этган. Бедилнинг бу асарида икки севишган қалб — моҳир раққоса Комде билан ажойиб мусиқачи Мудан ва бошқа қаҳрамонлар воситасида мусаффо ишқ-муҳаббат, садоқат, вафодорлик, инсоний иззат-нафс, шахс эркинлиги куйланади.

Хоҳ «Кашмир қўшиғи», хоҳ «Икки дил дostonи»ни олайлик, уларда ёзувчи Шароф Рашид улуг мутафаккир шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ҳамда ҳинд халқ оғзаки ижодида уз ифодасини топган энг теран ва муқаддас инсоний туйғулар — зулмга, истибдодга, миллий маҳдудлик ва худбинликка қарши муросасиз кураш, халқлар дустлиги, бирдамлик, муҳаббат ва садоқатни улуглашни янги даврда, замонавий бадний шакл ва услубда ривожлантиради. Бу асарларда ўзбек ёзувчиси мумтоз ҳинд адабиети ва фолклорига гоят нафис бадний мажозлар орқали чуқур фалсафий мазмунда ифодаланган тараққийпарвар гоёллар нақадар ҳаётий, биллурий, яшовчан эканлигини тараннум этиш баробарида, халқларимиз ва маданиятларимиз уртасида асрлар синовидан утиб келаётган қадимий алоқалар, ҳамкорликлар ҳозир ҳам уйғоқ эканлигидан гувоҳлик бермоқда.

*1982 йил*

# ДАШТИ ҚАРБАЛО

## 4-фасл

### «ЯХШИЛИК – МУРУВВАТЛИ, ЁМОНЛИК – БАДКИРДОР»

#### КЎЗГУ

Шароф Рашидовнинг «Кашмир қушиги»ни каминна, бу асар ҳали ёзилмай туриб, кузата бошлаганимни юқорида айтиб эдим.

1955 йилда Катта Ҳиндистон сафаридан қайтган давлат арбоби ва адиб Ш. Рашидов биз ЎзДУ толибларига дорилфунунининг муҳташам мажлислар уйида беназир ҳинд афсонасини завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берган эди.

Ушандан буён қанча дарахтлар кесилиб кетди. Эҳ-ҳе!.. Бундай уйлаб қарасам, адибнинг мазкур афсона негизда яратган «Кашмир қушиги» ҳам (агар китобимнинг бу фаслини 1991 йилда ёзганим мавқеидан сарҳисоб қилинса) утгиз олти ешга тулибди. Унинг гудаклик, ўсмирлик ва қирчилама йиғитлик даври, бир ўқувчи сифатида, менинг куз ўнгимда кечибди.

Қизиқ-да. Сиз болалик фусунида учратган бирон кишини, орадан йиллар ўтиб, кучга тулган оқил бир инсон қиёфасида учратсангиз, бундан бешиҳоя қувониб кетасиз.

Олтин даврим, қиличдай йиғирма турт ешимда бу ажойиб баҳорий афсонани унинг маъсум гунча-гудаклик пайтида қаршилаган бўлсам, бугун бошимга кумуш тож кийган ҳорғини олтинш ешим арафасида асарни балогат палласида учратдим.

Қиссани яна бир қарра (нечангчи маротаба!..) ўқир эканман, ҳайратга тушдим. Ахир бу ҳеч қандай «кашмирий афсона» эмас, балки кашмирий-соҳир бир алфозда ёзилган кечаги, бугунги ва эртанги ўзбек ҳаётининг равшан манзараси-ку, дедим ҳаёлга чумиб.

Менга яна шундай туйилдики, бу қисса дунёнинг файласуф-адибга инъомин, файласуф-адибнинг дунёга айтган сўзи экан. Бу унинг фикри, қилган-қиллолмаган ишлари, айтган-айтолмаган дарду аламини, эҳтимол, туккан-туқолмаган куз ёшлари.. Биз ҳаммамиз ва ҳар

биримиз: хоҳ раҳмон ёки дажжол, хоҳ пирн комил одамохун ёки аламзада мунофиқ мурдор, хоҳ басаломат иймон соҳибн ёки бетавфиқ шаккок булайлик (шукр, аҳолнинг ҳар «табаасидан» бор бизда!), дил лавҳн, ойинаи жаҳонда бор буйимиз билан акс этган янглиг, унда узимизнинг кимлигимизни бекаму куст кураимиз. Кечаги мустабид жоҳилият, машъум турғунликнинг гунгалак ҳолати, қайта қуришу қайта бузишлар, бирлик ва парокандалик, бадбилик ва алданишлар улкан салоҳият, миллий уз-узини англаш йулидаги шижоат ва изтироблар барчаси унда ўз ифодасини топгандай.

Жанобингиз, Ўзбекистон Республикасининг илмий-маданый қурилишида, мана 35 йилдирки, академия ва дорилфунун тупроғини ялаб келатган қатордаги бир мураббийман. Узим шахсан қурган-билган, ўз бошимдан кечирган воқеаларга таяниб, Шароф аканинг номига вафотидан кейин тош отган ва отатган кимсаларга, инсон сифатида унинг пок хотирасига «рашидовчилик» деган ланқа таққан баъзи бир собиқ раиси аъзамлари, узини «миллатпарвар» тарошлайдиган айрим «хонаки академикваччаларга» бир жуфт гинахонлигим ва таъналарим ҳам йўқ эмас эди...

Айтишларича, оқсоқол Динмуҳаммад Кунаев катта бир йиғинда йнгламсираб деган экан:

— Ҳой, ҳар қанча гапинг булса, — захри қотил булса ҳам майли, чидайман, — ҳозир, қузим тириклигида айтиб қол. Улиб кетганимдан кейин, анов узбекка ухшаб, гуримини кавлама, орқамдан гишт қалаб юрма!..

О, айланайин қозогим!

Салламно, қиёмат қулганда ҳам суягини хурламаган султоним, жон озарбойжоним!

Сенга нима булди, узбегим?

Аммо ушбу айёмда, сизу бизни деб узини утдан чуққа уриб, ёруғ дунёдан қуз юмиб ёки қузи очик кетган марҳумларни хотирлаш онларида шу инсон руҳини яна безовта қилиб қўйишни узимга эп курмадим.

Яхшиси, фосиқларнинг ярим ёлгон, ярим чин фисқ-фужурини эслаб, тоза дилларни хуфтон қилгандан кура, муносиб одамларнинг элийжаноб фазилатини бир ров ёдга олган юз чандон ортиқ-ку, деган қарорга келишим.

Ғолибо, меннинг бу андишамни муаллифнинг узлари ҳам маъқуллагандай булди:

«Яхшилик — мурувватли, ёмонлик — бадкирдор...»  
«Ёмонликдан чиққан акс садо ҳар қадам сайин заифлаша боради, бора-бора учиб йуқ булади».

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Шароф Рашидов миқёсидаги одамлар уз даврининг мақсад ва гояларига маҳкум этилган булади. Аммо у суқир садоқат кули булиб қолмади. Қулида икки қудратли дастур бор эди: ҳокимият ва қалам. Отинг учкур улугдавлатчилик шароитида курашиб қилолмаган ишни қаламда айтди, қалам билан айтолмаган армонини уз қуроли билан, шароит тақозо этган қадар, амалга оширди.

Марказ ҳамда ҳамдуст аталмиш республикалар манфаатига хиёнат қилган эмас, аини вақтда, қисиниб-қимтиниб булсада, элини ва юртини сарафроз қилишга, «Шарқнинг кўркига» айлантиришга уз ҳаётинию, ақл-идрокини аямади.

Турғунлик даврининг «марказлашган ҳукмфармолиги» аини авжида эди. У баайни қилдай нозик дудам ханжар устида, пули сиротдан ўтиб борди. Буну тушуниш керак.

Рашидов, шубҳасиз, узининг барча сафдошлари қатори, маънавий инқироз, турғунлик даврининг кишиси була туриб, аини уша Кремл яккахокимлиги фожеалари қурбони, уни инсон, арбоб ва адиб сифатида ботинан инкор этганини ҳамма ҳам билармикан? Водариг, не ажабки, уни яқиндан билганларнинг кўпчилиги йиллар давомида оғзига талқон солиб, сукут сақлаб келди. Бошқа бир тоифа ёзувчи, адабиётшунос ва танқидчилар эса, умумий жазавага жур булиб, бемаврид оғизларидан «гуллаб» қўйдилар.

Ёқа ушлайсан одам: «танқидчиларнинг» гапига қараб, ундан бу дунё ишлари билан аллақачон ҳисобкитобни йигиштирган марҳумнинг эмас, балки уша «жабрдийдаларнинг» ўзлари қимлигини билиб оласан.

Ёр қаттиқ келса, ҳукиз ҳукиздан куради, деб нақл қиладилар. Собиқ СССР халқлари уртасидаги дустликни ганимлик билан алмаштириш, уларни бир-бирига гиж-гижлаш, бир халқнинг мусибатига бошқа миллатларни айбдор қилиб курсатиш керак булиб қолган бир вақтда «ўзбеклар иши» юзага қалкиб чиқди. Илдизлари чириб битган марказга яна бир «синфий душман» керак булиб қолганди. Бундай шарман-

дали айблов бу гал узбегимнинг чекига тушди. Узбекларни бадном қилиш учун оқсоқолимизга қандай бўлмасин доғ тушириш керак эди.

Ш. Рашидовнинг «қилмишларидан» чечаги ичига уриб юрган «қайта қуриш» даврининг илк палласидати бир қанча озги ботир, қони бузук мафкурачилар билан узимизнинг буюқдаги «маҳаллий ҳайбаракалтачилар» ушдан... вафотидан кейин... шафқатсиз ўч олдилар. Минглаб одамлар урилди, сурилди, қамалди...

Тургунликми, нотургунликми, ҳар бир даврнинг уз даврони, уз фожеслари булади. Бу иллатларни йўқотиш мутлақ зарурлиги ҳақида ҳам гап бораётгани йўқ бу ерда. Ҳар бир нарса ёки ҳар бир шахс уз номи ва уз қилмиши билан аталса, бировнинг дупписини бировга кийгазмасалар эди, демоқчиман ҳоло.

Майдонга тушган али манглайини қашимас, дейдилар. Аммо бизнинг «марди майдонларимиз» унутдиларки, қазо қилиш бандасига Ҳақ субҳонаху таоло томонидан юборилган энг сунгги, олий жазо. Марҳумни таҳқирлаш йўқ бизнинг таомилда. Булмаган ва бўлмаслиги керак.

Бу дунёга ҳар ким уз ёзмиши билан келади — мусулмоннинг иши сайраш бўлса, қирғишпкки улжа овлаш, ҳарорат тошдан гул ундирса, аёз уни қиров гурборларига ураб яна тошга айлантиради. Ҳеч замонда узгача ҳол бўлибдими?.. («Кашмир қушиги»дан).

Қилмиш-қидирмиш. Тухматнинг умри қисқа. Хайрият, уйдирма «пахта иши», «узбеклар иши» чокчокидан сўзилди... Рашидовдан кейин «биринчиликни» эгаллаган икки шахс кимлар эканини ҳам халқимиз энди жула яхши танийди.

Шароф Рашидовнинг ижтимоий фаолияти ва ижоди ҳақида гапирганда унинг инсоний қадр-қимматини заррача бурттирмасдан ва далил-исботсиз зигирдай камситмасдан баҳо бериш даркор. Охиригача изчил ва собитқадам бўлиш талаб қилинади ҳаммамиздан. Бу ишга даъват этилганлар, ким бўлишидан қатъий назар — хоҳ олим, хоҳ сиссатдон, хоҳ адibu удабо, мунаққиду муҳтасиб бўлсин — дафъатан қалби ва қули тоза, пок ниятли инсон бўлсин. Тарози палласига тошни билиб қўйиш керак. Зеро, ҳалоллик ва ҳолислик мезони устивор экан, ортиқча тиранишсиз, ҳеч қандай таърифу тавсифларсиз ҳам, у ҳар қанча ҳурматга лойиқ эди.

Раҳматлик Шароф ака ҳақида дардли ва маҳзун уйга толганимда, бошимда бир-бирини тасдиқловчи ва инкор этувчи ҳар хил иштибоҳ-фикрлар чарх уради. Истиклол палласига қадар босиб утилган чалқаш, мураккаб бир даврда она диёримизда қилинган ва қилинмаётган, амалга ошган ва ошмаётган, нақд ва сароб булиб қолаётган нарсалар ҳақида ҳайрат бармоғини лабимга босиб, ҳаялга чумиб қоламан. Эски шиорлар узгарди. Моҳият-чи? Эски тўғонлар бузилди. Янги тўсиқлар-чи? Эски ваъдалар пучга чиқди ҳисоб. Янги-лари нима бераркин бизга?

Раҳбарларга, айниқса биринчи шахсга гараз билан қилинадиган «танқидлар» қандай фожеали, хунук оқибатларга олиб келишининг жонли гўвоҳи бўлди. Айни вақтда, кузи тириклигида пинжига кириб олиб, унга ҳамд-санолар уқишнинг натижаси бундан ҳам ёмон бўлишини унутмасалар эди.

Кейинги вақтларда амалга оширилаётган баъзи тадбиру тадориклар анча умидбахш ва ҳайрли эканини қайд этмоқчийдим.

Биринчи — деҳқоннинг ерга эга була бошлагани... Охири бахайр бўлсини, бу катта гап.

Иккинчиси: бир ёқда «пахта қули» деб ачинган булиб, уёқда тутқунликка маҳкум этган, ноҳақ қамалган маҳбусларнинг бирин-кетин озодликка чиқиб келишгани «уз-узидан» бўлгани йўқ. Бу кичкина гап эмас!

Учинчиси шуки, «демократия» — бу ит эгасини, мушук бекасини танимайдиган мубҳам бошбошдоқлик, ошкоралик эса асло огзи бедарвозалик эмас. («Гурингни азоби шу бўлса, бизни қишлоқдан ҳеч ким келмайди», деган экан қабрга янги кирган марҳум). Агар биз ота-боболарнинг урф-удумига, уларнинг одамийлик, ёшларга шафқат, катталарга ҳурмат, қадр-қиммат ҳақида айтган уғитларига ҳиёнат қилсак, аросатда қолиб, уз миллий қиёфамизни буткул йўқотиб қўямиз. (Ё дўзахга кир, ё жаннати бўл. Аросат ёмон. Қасққа юборишини билмайсан...)

Арвоҳ рози—худо рози. Худо урган тузалар, арвоҳ урган тузалмас. Чуқур уйлаш лозим ота-боболарнинг бу гапларини. Шу маънода, жумҳуриятга чорак аср давомида раҳбарлик қилиб келган мушфиқ бир инсон, Шароф Рашидов хотирасига нисбатан ади-инсоф-

ни тиклаш сари қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар халқимизга таскин ва манзур бўлмоқда. (Бир уйлаб курунг-а: Рашидовга тош отганлар орасида биронта ҳам оддий ишчи, деҳқон ёки касиб йуқ!)

Пахтакорнинг нони ҳалоллигини тасдиқлаш пахта-нинг ранги оқ эканини даъво қилишдай гап. Бу ерда далоли чиқора! Йуқ, ҳасад ва гараз ҳокими мутлақ бўлганида, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат (аксиома)ни ҳам исботлашга туғри келар экан... Менимча, адлия ва ҳуқуқшуносликда энг қийин жумбоқ шу бўлса керак.

Бу ҳам осон кечаётган ишлардан эмас.

Қурган-кечирган одамлар айтадиларки, раҳматлик Шароф ака уз мулозимларидан бири билан булган суҳбатда айтган экан:

— Қани бизнинг комил, удабурон одамларимиз? Қуллимиздан ишимизни оладиган ақли расо шоғирларимиз қани? «Пахта-пахта» деб юраверибмизу, катта ишларга бош-қош бўладиган одам тарбиялашни уйламабмиз-ку! Аттанг...

Бу гапларни эсларканман, ҳозирги раҳбариятнинг ёшлар тарбияси, замонавий мутахассислар, баркамол илмий кучлар етиштириш ҳақидаги тадбирларини қувватлагим келади. Токи эртага бугунги оқсоқоллар ҳам «аттанг» деб ўтирмасин-да.

### ТОКАЙ...

Бир кун, иттифоқо, самарқандлик донишманд тилшунос устозим профессор Худойберди Дониёрни учратиб қолдим. Домла оғир дарддан узини олдириб қуйибди. У, гап орасида, аччиқ алам билан шундай деди:

— Шунча йил ёлгон айтиб, халқни лақиллатиб келдик. Ҳеч бўлмаса энди туғрисишни ҳам айтийлик-да.

Юрагим ҳаприқиб кетди. Агар ҳар бир одам шундай мард бўлсайди, уни қурган-билган лоақал бир луқмадан рост гапни юрак ютиб айта олсайди, биргалашиб катта ҳосил кутаришга, ҳақиқатни барқарор қилишга қурбимиз етади-ку, деб уйладим.

Ҳа, Худойберди ака, ҳойнаҳой биз айтган гап ҳақиқатнинг сунгги бекати бўлмас ҳам. Лекин барибир, баҳоли қудрат дегандай, гапнинг индаллосини ҳам айтийлик-да. Токайгача...

*1991 йил.*



Азиз китобхон. Ажабмаски, Сиз илгарини, адиб ҳаётлиги чоғида ҳам «Икки дил достони», «Кашмир қушиги»ни уқитгансиз, уларнинг саҳна талқинини кургансиз, эшитгансиз. Румон, публицистика, шеърларини мутолаа қилгансиз. Аммо Сиз энди ун турт ёшга улгайдингиз, зеро, мазкур асарлар сўнги марта 1982 йилда босилган булиб, беш томлик куллийетнинг учинчи жилдидан урин олган эди. Хуш?..

Маълумингизки, утган давр орасида Сиз билган у дарахтлар кесилиб кетди. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча кунгилли-кунгилсиз воқеалар содир булмади бу йилларда! Шулардан энг муҳими: дунёнинг учдан бир аладини булутдай қоплаб ётган қизил салтанат — собиқ СССР чок-чокидан парчаланиб кетди. Бу тарафдан орадан кечмиш зиёд ун йилнинг мазмуни ва мундарижаси асрларга татийди. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, улкан ёзувчи марҳум Шароф Рашидовнинг тақдирида ҳам унинг вафотидан кейин утган бир неча йил ниҳоятда аянчли бебақо булди. Охир оқибатда ҳақ барибир уз жойида қарор топди. Том маънода ҳаммамиз учун ҳурматли булган Шароф аканинг номи покланди, унинг эзгу ишлари, асарлари, маънавий мероси халқимизга қайтарилмоқда.

Улут аллома, академик Муҳаммад угли Ҳабиб Абдулло таваллудининг 80 йиллиги муносабатида республикамизнинг ҳозирги Президенти нутқ ирод қилар экан, бир воқеани эслади. Шароф акадан сураган эканлар:

— Агар Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришса, нима қилган булардингиз?

— Ҳар бир узбек хонадонининг остонасини тиллодан қилган булар эдим!

Эрк... Озодлик... Мустақиллик... Халқимизнинг азалий ва абадий орзуси! Иқрор булайлик: бу сузлар бизга азалдан бегона эмас. Бироқ бу тушунчаларга шу қадар кўникиб кетган эканмизки, ҳар қандай зулмат бизга — рушнолик, тутқунлик — эрк, зугум — бахт булиб жилваланган экан.

Бугун биз яна Ш. Рашидов ижодига юзланар эканмиз, унинг асарларини бошқача кўз, ўзгача нуқтаи назар билан уқиймиз. Гуё: сузлар — уша-уша ва уша эмас; рамзлар — уша-уша ва уша эмас; маънолар — уша-уша ва уша эмас...

Ўзбек адабиётининг жаҳонда энг кўп тарқалган асарларидан бири, балким энг кўп тарқалгани ҳам «Кашмир қушиги» қиссасидир. Маълумингизким, шеърини парчалар билан омухта қилинган, ҳажман кичик насрий қисса 56 тилга уғирилган. «Кашмир қушиги» биздаги энг жаҳонгашта обида булиши билан муборак. Нима сабабдан бу асар жаҳондаги кўпчилик халқларга бунчалик манзур бўлиб қолди? Қўҳна Ҳинд ва Покистон дёрида бир афсона сифатида дунёга келиб, узбек тилида ёзма адабиёт намунасига айланди, суиғра урис тилига икки марта таржима қилиниб, Кремлдаги съездлар саройида балет мақомида намойиш қилинди. «Кашмир қушиги»нинг фавқулодда катта шуҳрат топганлиги бонси нима?

Сабаби, унда муҳаббат ва эрк, халқлар озодлиғи учун кураш гоғларининг узига хос рамзий маҳобат ила тараннум этилишидир. Бу хусусда юқорида айтилди.

Мен Шароф Рашидов сиймосида икки Рашидовни биламан. Бири — нафақат Республика ёки собиқ кўп-миллатли мамлакат, балки дунё миқёсида танилган атоқли давлат ва жамоат арбоби. Иккинчиси — ёзувчи. Бири — зукко сийсатдон, иккинчиси — инсонпарвар адиб. Ижтимоий ва адабий фаолиятни қушиб олиб бориш ниҳоятда душвор. Бу бир қиёфала икки инсон янайдди, деган сўз. Айниқса, Ш. Рашидов миқёсидаги арбобнинг бадий ижод билан жиддий шугулланиши ҳар қандай жасур истеълод соҳибининг ҳам тинкасини курилади. Хусусан, қизил мустамлакачилик, истебод, эркинлик, машғум Марказга маҳкумлик шароитида. Негаки, жуда кўп ҳолларда сийсат билан адабиёт, совуқ мантиқ билан қайноқ эҳтирос, маъмурий тўрачилик билан санъат маиғаатлари бири-бирига зид келиб қолади. Ҳар қадамда зиддиятларни четлаб ўтишга, кўр тугуиларни сийишга тугри келади. Қандай қилиб?

### БИЛМАЙСИЗКИ БАХТЛИСИЗ

Шуро адабиётининг ҳукмрон назарий неғизи бўлиш сосналистик реализм нима эканини оддий китобхон ёки томошабин билмайди. Ва худди шў билмаганлиғи билан улар бахтли. Чунки утмиш Шуролар ҳукмронлиғи даврида муштумзўрлик (диктатура), зуравонлик, ҳарбий коммунизм сийсати шўнга олиб келдики,

бадний адабиёт ва санъат бусбутун ҳукмфармолик қуролига айланди. Ёзувчининг нима қилиши кераклиги олдиндан белгилаб қўйилган буларди. Чунончи, ҳар бир асарда ишчи, фирқа, улут ога, Ленин ёки Сталин образлари ёхуд уларнинг «нуқтаи назари», бирёқлама суқир, мавҳум байналмилаллик ва сохта инқилобий гоя мавжуд бўлиши керак эди. Аҳвол шу даражага бориб етган эдики, ҳатто ёзувчилар ва қаламкашлар (матбуотчилар) узлари партиянинг дастёри («югурдаги» деб уқилсин) экани билан фахрланишарди.

Қисқаси, адабиёт — сиёсатнинг давомига айланди. Имтиёзли (шоҳона) маҳрий (номенклатур) адабиёт қарор тоиди. Ёзувчи фирқанинг ва марказнинг продасини амалга оширувчи ижрочи бўлиб қолди. Бундай «темир қонунга» итоат этмаган, уз фикрига эга бўлган ҳар қандай истеъдодли адиб баъзан хусумат юзасидан «ёт унсур», «мафкуравий қупорувчи», «миллатчи», «халқ душманига» айланарди: қувғин қилинарди, ижод қилиши ҳуқуқидан маҳрум этиларди, таъқиб остига олинарди, қамаларди, отиларди. Шунинг учун бежиз эмаски, купгина хушёр ёзувчилар халқ ривоятлари, афсоналари, асотирларини ёзма адабиётга олиб киришга ҳаракат қилди ёки тарихий мавзуларга мурожаат этди, узгаларнинг (купинча урис ёзувчилари ёки хорижий муаллифларнинг) асарларини узбекчага ўғиршга ружув қилди, масал ёзди ва ҳоказо. Башарти, аслии (оригинал) асар яратганида ҳам, мажозий бир тилда, «лисонул ғайб» йўсинида, турли имо-ишоралар билан, «қизим сенга айтаман, келиним сен эшиг» қабилида қалам тебратди. Бундай қатагон шароитда ҳар бир ёзувчи бамисоли тегирмон навиға тушиб, унинг паррақларига урилиб ҳалок бўлмаслик учун ўзидаги бор маҳоратни ишга солар эди.

### АДАБИЁТДАГИ СИЁСАТДОН, СИЁСАТДАГИ АДИБ

Бунинг устига, Шароф Рашидов шунчаки, қатордаги бир адиб эмасди. У, ўзи хоҳлайдими-хоҳламайдими, адабиётдаги сиёсатдон ва сиёсатдаги адиб эди. Жуда хушёр киши бўлганидан яхши билардики, башарти, ижодда қиттак «шаккоклик» қилса, жуда катта маломатга қолади. Марказдаги қин ялаган танқидчиларни қўя турайлик (дарвоқе, уёқда ғанимларни куп эди), унинг ён-вернида ҳам чапдаст «хушёр» исковуч айгоқчи ва мунаққидлар етарли эди.

Адиб сифатида ҳам икки Рашидовни яққол куриши мумкин. Биринчи — содиқ «рисолаб» ёзувчиси. Унинг «Ғолиблар», «Бурондан кучли» румонлари, «Дил амри» қиссаси ва айниқса мақола ҳамда нутқлари уткир фирқавий руҳ билан сугорилган. Бу билан мен маъруза асарларга наҳ урмоқчи, уларнинг уз даври учун қимматини заррача пасайтирмоқчи эмасман. Унутмайликки, кўпчилик йирик ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида «замонабоп» қилиб яратилган. Натижада муайян бир мафкуравий мақомдаги ўқувчи тили «тарбияланган» эди. Бинобарин, ўша социалистик реализм адабиёти маҳсулотига қўникма ҳосил қилган, уларни ҳушлайдиган китобхонлар етишган ва ҳозир ҳам шундай ўқувчилар йўқ эмас. Шундай экан, уларнинг буюртмаси, талаб ва эҳтиёжлари, дили билан ҳам ҳисоблашмай бўлмасди.

Не ажабки, Шароф Рашидовни «қизил» ёзувчиси бўлган, деб писанда қилишди.

Ие!..

Ғафур Ғулום, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг ижоди бундан мустасноми?

Қандай қилиб қизил гап айтмасин, боши узра даҳшатли қизил шамшир — қилга илпиниб турган бўлса!

Қандай қилиб қизил гап айтмасин, қизил гап айтмасликнинг иложи бўлмаса...

Аммо у бунинг ҳам иложини топа олди. Дардини сатрлар қатига яширди. Қайноқ чўғ бўлиб яшнаган сатрлар орасида унинг ойдин орзу-армонлари, халқининг қора меҳнати ва тақдир тасвири балқиб туради.

Зинҳор унутмайлик ва бу чандон муҳимки, нуфузли давлат арбоби, таниқли ёзувчи бўлишидан ташқари, Шароф Рашидов ўз халқининг фарзанди, ўз юртининг фуқароси эди. Қўли қадоқ, елкаси яғир, устбоши юпун бўлган оддий меҳнаткаш халқ, ўз миллатининг уғил-қизлари, Алпомишу Барчинойлари нечук аҳволда яшаётганини куриб турар эди.

Эҳтимол, ўз халқига озодлик, эрк, рўшнолик қанчалар етишмаслигини ҳеч ким унингчалик чуқур ҳис этмагандир.

Эҳтимол, юҳо марказнинг миллий республикаларга, жумладан «тенглар ичра тенг» Ўзбекистонга зуғуми қанчалар қимматга тушаётганини ҳеч ким унингчалик кўра олмагандир.

Эҳтимол, иқтисодий, ижтимоий ва миллий истибодод абадий эмаслиги, бир кунмас бир кун бизнинг ҳам дийримизда, буюк соҳибқирон Амир Темур Ватанида омон-омонлик бўлиши, азиз боши узра мустақиллик туғи кутарилиши ва барқарор бўлиб қолишини ҳеч ким унингчалик тасаввур қила олмагандир.

Мана шу табаррук орзу-армонларнинг барчаси тукис ҳолда «Кашмир қушиги» билан «Икки дил достони»да тараннум этилди.

## ДОВУЛ

*Аё дузах, мени кўйдир,  
Халойиқ кўймасун ҳаргиз.*

*МАШРАБ.*

Марҳум Шароф Рашидов, умрининг сўнгги палласида, афтодаҳол, Йўлдош Муқимовнинг собиқ марказий рўзномалардан бирида дарж этилган мақоласида келтирилган куйидаги ҳикматдан гоят мутаассир бўлган, уни уззу кун, сўнгги нафасигача бот-бот такрорлаган экан:

Дов-дарахтлар сокин буларди,  
Ғар довуллар эсмаса...

### I

Баҳорим келарди суроқлаб,  
Қуёшим куларди чарақлаб,  
Тулпорлар юрарди уйноқлаб,  
Ғар довуллар эсмаса.

Денгизим турарди лаболаб,  
Дўстларим қочмасди қиёлаб,  
Алвасти қувмасди саволаб,  
Ғар довуллар эсмаса.

Шаббода эсарди даволаб,  
Лочинлар учарди ҳаволаб,  
Булбуллар сайрарди чаҳолаб,  
Ғар довуллар эсмаса.

Қўлимда қирмизи пиёла,  
Иблислар юрмасди қуволаб,

Олчоқлар турмасди қин ялаб,  
Гар довуллар эмаса.

Фалокат урмасди болалаб,  
Ўтмасди гуримга гишт қалаб,  
Улганнинг устига тепкилаб,  
Гар довуллар эмаса.

Хоруду Морудлар суларди,  
Наргизим позланиб куларди,  
Ўвулик девори куларди,  
Гар довуллар эмаса.

## II

Ўнгиллиб бир гала курнамак,  
Барчани қолдириб ҳангу-манг,  
Асабларни қақшатиб таранг,  
Ним ёлгон, чала рост палагда  
Сафсата тарқатди вадавонг.  
Оғриган дилимни тирнаманг,  
Мешинг-ку буларим булди, бас,  
Шурлик фуқарони қийнаманг.  
Яшалдим ифрот, кир муҳитла,  
Гаровга қўйилган бир банли.  
Эй муҳтасиб, замонасоз қавм,  
Хом суг эмган банда ۋ фиръавн,  
Хоҳ бек бузу, хоҳ мутъ ғулом,  
Балким сиёсатдон, маликул калом,  
Манглайнинг хоҳ етти қабат дунг,  
Калгабинсан ۋ ашаддий тунг,  
Эҳтимол дилозор рақибсан,  
Е анладий маккор рафиқсан,  
Гарчи темур, гарчи пулотсан,  
Атрофингга сарасон сол, кур,  
Ўз-узингга ато этиб зеб,  
Тилингга кун бераверма зур,  
Курмайди у, эшитмайди деб.  
Санамасдан сен саккиз дема,  
Пачава булди деб ишлар,  
Жигилдон деб виждонни ема,  
«Басиб Парвардигор», демишлар.  
Огоҳ булинг, аҳли хирадманд,  
Алломаю зукко суханвар:  
Пиета пучоғидан ясадим кема.

Ҳукм қилинг холисанлиллоҳ  
Диёнатни муқаддас билиб.  
Ҳа, чивиндан ясардилар фил,  
Жон илиниб қолганди қилга,  
Яшаш тарзи ўзи эди шул.  
Ҳар ким ҳар хил қилади таҳлил,  
Рисолага сигса-сигмаса —  
Неки қилсам Сиз учун қилдим,  
Она диёр, жафокаш халқим,  
Чунки бошқа йуқ эди илож,  
Бошим билан тулар эдим бож.  
Билардим булари булади,  
Бир куни паймона тулади,  
Икки бор яшамас бир одам,  
Илонлар сулади судралиб,  
Чинорлар тик туриб улади.  
Алҳазар, касофат, балодан,  
Вужудим тупроқ, нур, оловдан,  
Безовта руҳ кезар дунени  
Уйлаганда мазлум зуредни.  
Сузлайман Дашти Карбалодан,  
Сузлайман Қуҳистон кукидан,  
Сузлайман Чамбилбел белидан,  
Сузлайман Шаҳристон шаҳридан,  
Сузлайман Зарафшон наҳридан:  
Қурқингиз Қаҳҳорнинг қаҳридан —  
Утингиз қабоҳат баҳридан.  
Қиличи яланғоч Азозил,  
Ал-қасоснинг бурки зил-замбил.  
Қиёмат азоби ёмондир,  
Ёмондир қиёмат азоби.

### III

Мамлакатда ҳурфикрлик булибди,  
Разолатнинг уқ илдизи қурибди.  
Руҳим ойдин умидларга тулибди,  
Диёрим барқ уриб балқиб қурибди.  
Зирқираган суякларда чақнаб ут,  
Қалбимда жароҳат, титради қабрим.  
Салосил одамқуш қиргинбаротдан  
Ашқу надоматдан тугади сабрим.  
Тухматлар келганди орқаваротдан,  
Гурифта ҳам нотинч, тикка тургандим,  
Оқ кафандан бурқсиганди қора дуд.

Истиқдолнинг дийдорига тўйингиз,  
Жаҳолатнинг кузларини ўйингиз,  
Ёвга қарши бир саф бўлиб турингиз,  
Оғанин туркий қавмлар бирлашиб,  
Гина-гудрат, кин, аразни қўйингиз,  
Емон тушни яхшиликка йўйингиз.

Узоқ кутдим мен исломнинг келишин,  
Жумҳурият доруломон бўлишин,  
Мендан утган бўлса маъзур тутгайсиз,  
Ҳақ-инсофнинг этагидан тутгайсиз.  
Ўз халқимнинг эдим содиқ ўғлони,  
Ўз давримнинг булдим машъум қурбони.

#### IV

Юкиниб ул ҳаққул барҳаққа,  
Юрардим ҳарос-ла ҳарсиллаб...  
Қултиқлаб ҳориган юракни,  
Баҳоваддин балокаш ҳаққи,  
Бас, ошқор этайин тилакни:  
Курмасам риедан зуғум,  
Олмасдим тилимга қайноқ чўғ,  
Жонимни жабборга бериб,  
Қилмасдим жаҳоним фицо.  
Юракни гаровга қўйиб,  
Илмасдим эғнимга ридо.  
Умр айни адоққа оққанда,  
Эшикда изғирин боққанда,  
Қозиқни қабоққа қоққанда,  
Бошимга оппоқ қор ёққанда,  
Елкамга қуёшни орқалаб,  
Орқалаб елкамга қуёшни,  
Ун беш кунлик ойдайин тулиб,  
Лол қолдириб бул кўҳна Шошни,  
Кезмасдим ҳақиқат даштида  
Машраби девона бўлиб...  
Дод чекиб бедодлик дастидан,  
Пешлаб ҳур тафаккур шаштини,  
Кунмасдим ихрожу бадарга,  
Юрмасдим ҳур, адолат талаб,  
Ғайбуллоҳ ас-Салом гуркираб,  
Чинмасдим хатарнок сафарга,  
Мақолни мақолга шиббалаб —  
Ғар довуллар эсмаса,  
Ғар довуллар эсмаса.



1983 йил барчамизга жуда оғир келди. Айниқса, ҳаммамиз учун ҳурматли булган оғамиз ва устозимиз Шароф Рашидовга қийин булди. Бул зоти шарифни уйлаганимда, эндиликда қанчалик оғир ва аламли булмасин, эътироф этишга мажбурман. У яқкаш бир ўзи ҳаммамиз учун қалқон була олди. Раҳматлик Шароф аканинг собиқ марказий ва ўзимизнинг маҳаллий матбуотда топталган инсоний шаън-шарафини тиклаш, фавқулодда оғир, таҳликали, заҳматларга тулиб-тошган раҳбарлик салоҳиятини муносиб тақдирлаш учун улкамизда Истиқлол ғалаба қозониши керак эди. Шукрлар булсинким, шу кунларга етиб келдик. Матонатли ва мард инсон, азиз юртбоши, Президент Ислом Каримовнинг Республика олдидаги улкан хизматларидан бири атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовни қабих маломатлардан батамом халос этганида уз ифодасини топди. Бу билан халқимиз «ўзбеклар ниши» деган мислсиз таҳқир ва ҳақоратлардан фориғ булди. Мен, фурсатдан фойдаланиб, қўлимни куксимга қўйганим ҳолда, Шароф Рашидовичнинг порлоқ хотираси олдида, унинг онла аъзолари қаршисида таъзим бажо келтираман. Қимки у қиёмат қойим кунларни кўрмабди, бошидан кечирмабди, бугунги Мустақиллик, рушнолик, афсонавор залворли кунларнинг қадрига етиши қийин.

... Едимда, умрининг кейинги фасларида ҳаёт зиддиятлари ва айрим фосиқ одамларнинг кирдикорларидан обдон чарчаган бул валломат оғамиз узлари таниган-билган инсоф-диёнатли, эҳтимол, жабрдийда кишиларни кўришни, уларга далда беришни кунгли тусаб қолди. Қим билсин, уларга таскин бермоқчи, дилини хушнуд этмоқчи, ё булмаса, турли сабабларга кура уз вақтида кўрсата олмаган муруввати учун узр-хоҳлик қилмоқчи булгандир... Буёги менга қоронги. Уша кезларда ушбу тадқиқот муаллифи, Тошкент дорилфунунни домласи Ғайбулла Саломовга ҳам Каттаконга учраш ҳақида ишора булганидан воқифман. Не ажабким, домла куруқ эмас, қулда «Кашмир қушнги» ҳақида ёзган салмоқдор монографиясининг бир чироқли муқоваланган қўлёзмаси билан келганди. Бундай совгани Шароф ака кутмаган экан. Уз мамнунияти ва хурсандчилигини яшира олмади. Ахир, у фақат арбоб, раҳбаргина эмас, ёзувчи ҳам эди. Қўлёзмани қулига олиб, варақлай бошлади... Бир неча саҳифаси-

ни чанқоқ назар билан ўқишга ҳам улгурди. Ва!.. Нима деб уйлайсиз, ҳурматли китобхон? Унинг жавоби шундай бўлди:

— Ғайбулложон, илтимос: Сиз бу китобингизни чоп эттирмай турасиз...

— Ҳим... Яъни масалан, қандай? Нима учун?

— Қачон чиқаришингизни узим айтаман.

— Қачон?

— Ҳа, узим айтаман. Инчунин, асарни Америкада ва Японияда саҳналаштириш устида қизгин тайёргарлик кетаяпти. Ҳозир турли-туман саҳна вариантлари юзага келди. Қўлимда бир нечта папкада ниҳоятда бой материал тўпланди. Барини Сизга бераман. Бир йўла уз асарингизда еритасиз. Келишидикми?

— Майли.

... Бироқ, Шароф ака уз ваъдасида турмади. Балким ҳаётида бир маротаба шундай бўлгандир. Уша материалларни менга бериб улгурмади, деб афсус-надомат чекади Ғайбуллоҳ ас-Салом. «Қачон чиқаришингизни узим айтаман», деб тайинлаганди. Айтиб улгурмади. Орадан кўпда ўтмай, вафот этди.

Гарчи Шароф аканинг юқорида келтирган важдари жуяли эканлигига шубҳа қилмаса-да, суҳбатдошим уз муҳокама ва мулоҳазаларида, менимча, янада чуқурроқ ва асоелроқ далилларни келтирди. «Уша иккинчи учрашувимизда Шароф Рашидовичнинг аҳволи менга анча паришон кўринди, — дея эслайди тадқиқот муаллифи. — У ўйчан, дилгир, катта таъвиш-саросимани бошидан кечираётгани авзойидан шундоқ билиниб турарди. Тўғри, ишимдан беҳад мамнун бўлди. Уз ёрдамчисига, бу киши Ғайбулла Саломов буландилар, қачон мени йуқлаб келсалар, уша заҳоти, куттириб қўймай, ҳузуримга бошлаб киринг, деб амр қилдилар. Аммо... Аммо китобни чоп этишга руҳсат этмаганлари галат бўлди. Биласизми, нима учун? Менимча, сабаби: эрта-индин дунёдан утиб кетаман... Вафотимдан сўнг ганимларим менинг тўғримда нималар дейиши, қандай ўйдирмалар тарқатиши, нималар қилиши узимга аён. Манови қаршимда турган бир бечора инсон ҳам, мени деб, маломатларга қолиб юрмасин. Аммо бундай қора кунлар барибир узоқ чўзилмайди. Еруғ кунлар, иншооллоҳ, келади. Ана ушанда бу китоб дунё юзини куради.

Балким шундайдир. Балким шундай эмасдир ҳам. Келинг, шундай ҳам бўла қолсин. Ҳа, уша ойдин кун-

лар етиб келди. Ун тўрт йиллик «таътидан» сўнг, муаллиф, профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом уша қўлёзмасини, айтарли бўяб-чағиб ўтирмай, қарийб уша ҳолида китобхонга тақдим этмоқда. Мазкур тадқиқот унинг Асарлари мажмуасининг 2-жилдида урин олганлиги нашрнинг салмоғини янада оширади ва бу марҳаматли инсон раҳматлик Шароф Рашидовнинг хотираси учун муаллифнинг тухфаси бўлиб қолади, деб ишонаман.

*Оқил Умрзоқович САЛИМОВ,  
профессор*

Тошкент, 1997 йил, 7 май.

## Иккинчи қисм

### АРШИ АЪЛО

#### МОВАРОУННАХР ФАРЗАНДИ

##### 5-фасл

#### УНИ «ОҒО» ДЕР ЭДИЛАР

#### ЧУМОЛНГА ОЗОР БЕРМАГАН ИНСОН

Мен нисбатан яқин ўтмиш, ярим аср нарисидаги қонли мозийнинг ўқилмаган атиги бир изтиробли саҳифасини, азиз китобхон, Сиз билан биргалликда мутолаа қилмоқчиман. Саййинд Ризо Ализодани (15.02.1887—29.12.1945) самарқандликлар камоли эҳтиром билан «Оғо» деб алқар эдилар. (Ўзбек қомусида вафот йили 1938 деб кўрсатилган тўғри эмас). У ҳаёт бўлганида, ҳозир 110 ёшга кирган бўларди. Ализоданинг сиймосида шукуҳли ва фожеаларга тулиб-тошган 20-30-йилларда яшаган иймони бутун зиёлиларимизнинг жонли тимсолини қураман. У муаллим, мураббий ва актёр, босмахонада ҳарф терувчи ва фирқа раҳбари, муғаний (торзан) ва муҳаррир, тилшунос олим ва шоир, таржимон ва муаррих булган. Чинакам қомусий билимли фозил бир киши. Асарларини (500 га яқин) Марказий Осиё, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Озарбойжон, Татаристон, Кримда чоп этган ва ўқилган. Гурур ва ифтихор билан «Туркистон — бизнинг ватанимиз» деб билган (шу номда «Шўълаи инқилоб» мажалласида эҳтиросли мақола ҳам ёзган). Она Туркистоннинг бирлиги, мустақиллиги ва шаънини сақлаш учун ажнабий босқинчиларга қарши оташин нутқлар ирод қилган.

Барча туркийгуй ва форсийзабон, биринчи навбатда ўзбеклар билан тожикларнинг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қил-

ди. Домла Айнийнинг яқин дўсти ва сафдоши. Унга ҳамнафас ҳамкор булган. Озодликдан маҳрум этилгач, ижодига, каттаю кичик барча асарларига қатъиян таъқиқлаш муҳри босилган. Улар ҳам улимга, чириб йўқ булншга, изи учиб кетишга маҳкум этилган...

### ТАҚДИРНИНГ ҲИЙИ

Саййид Ризо 1837 йилда Самарқанд шаҳрида қосиб Мирмаъсум Ализода оиласида дунёга келади. Ҳаёти давомида турли дунёвий ва диний илмларни хатм қилади. Айниқса тил урганишга ружу қилган Саййид Ризо 1904 йилдан эътиборан тараққийпарвар мураббий ва фозил инсон шайх Абулқосим Ал-ганжийнинг Самарқандда, Чорраҳа даҳасидаги янги усул мактабида муаллимлик қилган. Унинг қулида мадраса таълимини кўради.

Давр арбобларни дунёга келтиради. Арбоблар даврни яратади. «Ҳамма бу бадбахтликлару розолат, қашшоқлигу сафолат биз туркистонликларни қошлаб олиши сабаби замона мадрасаларини удуми ва мактабларини ситаму фақирлигидадур, — деб езади С. Ализода «Оина» мажалласининг 1913 йил 15 ноябрида босилган «Мактаб ва мадрасалар ислоҳоти бизга зарур» мақоласида (3-сон). — Ҳамма басират арбобларига ошкор ва возеъдурким, ҳар бир миллат ва ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сийсатининг равнақи ва ислоҳотига боғлиқдур. Самарқанд ва унинг атрофида 150 мингдан ортиқ нуфузи булиб, мусулмонлардан қанча тожир, судгар, қанча мағозачи ва конторчи бор? Қаерда дўхтир, муаллим, муҳандис, мунший, ки бизга нону сувдай зарурдир».

«Йиллар булибдики, соир мамлакатлар мусулмонлари илм даражаси, мактаб ва мадрасалар манфаатини билиб, ҳар бир шаҳарда (кентларда) жадида мактаблар очиб, унинг такмилига ҳаракат этмоқдалар. Аммо биз Туркистон мусулмонлари наинки жадида мактаб ва мадраса очаяпмиз, балки ҳанузгача уларни бидъат ва ҳаром санаяпмиз. Билмайман, биз Туркистон мусулмонларига нима булди? Эй туркистонлик биродарлар! Эй азиз юртдошлар! Гафлат қачонгача! Жаҳолат қанчалик?..»

«Шуълаи инқилоб» саҳифаларидан, муҳаррир сифатида, Садриддин Айнийга урин, маош, моддий ва маънавий кўмак бериб турди. Энг оғир дамларда —

Бухоро амирининг газабига учраб, елкасига 75 калтак еганидан сунг, Самарқандга бошпана излаб, қочиб келганида, С. Ализода унга ердан қўлини чўзган эди.

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган гап бор. Ализода фаол жамоат арбоби, атоқли олим ва комил инсон эди. Қапчалик шафқатли инсон булганига кичик бир шаҳодат. Қариндошларидан 82 яшар Маъди бобонинг айгишларича, Саййид Ризо қишлоқда айвоннинг тепасига девор бўйлаб ип тортиб чиқаркан-да, шифтга ипнинг учини осилтириб, бир дона чақмоқ қандни боглаб қўйarkan. Қишда озуқа излаб юрган чумолилар ипга илашиб бориб, уша қанддан баҳраманд бўларкан. Шу заълда жон сақлар экан жониворлар. Ализода бу манзарани завқ билан кузатиб тураркан. Қаранг-а! Қалбан фиддай азамат инсон мигти чумолига ризқ улашиб, бундан олам-олам завқ-шавқ олган.

Хуш, нима қилти?... деб ажабланар баъзи бировлар. Ҳеч нима «қилгани» йуқ. Гап шушакки, шундоқ шафқатли, том маънода чумолига ҳам озор бермаган улуг бир зотни 1937 йишда «халқ душмани» деб қамайдилар ва ...

#### ДОРУЛ АЛИЗОДА

Наинки Самарқанд, бугун бутун Ўзбекистон, Тожикистон ва Озарбойжонда екти Мовароуннаҳрдагина эмас, балки кунчилиқ Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида, биринчи гада Туркия, Озарбойжон, Қрим, Эрон, Афғонистон ва Покистонда уни маърифатпарвар арбоб, мураббий, дини исломнинг муътабар намояндаси, шоир ва олим деб билар эдилар...

Ҳозир қаёққа қараманг, «ошкоралик», «хуррият», «мустақиллик» сўзлари одамларнинг оғзида, матбуот, овознигор, ойинаи жаҳон эшиттиришларида жаранглаб туради. Ҳамма учун муқаддас сўзлар булар. Лекин Саййидзодаларнинг туқилган хонадонни, юзлаб, минглаб шу каби таҳқирланган қалблар учун бу сўзлар тамом узгача маъно касб этади. Нондай тансиқ!.. Бир табаррук инсон Саййид Ризонни «халқ душмани» деб қамайдилар. Тоғизода Ризонни «халқ душманининг угли» деб зиндонга ташладилар. Уша қатагон, машъум 37-йилларда ва ундан кейин ҳам сурункасига бутун оиланинг бошига катта мусибат тушди. Яширинч не ҳожат. Эл-юрт, жамоа, маҳалла-қуйда шафқатсизларча алданган одамларнинг нафратига дучор бўлишди. Ёраббий!

Собиқ Шуролар салтанати даврида ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган инсонлар, мислсиз бедодликлар туфайли берилган қурбонлар учун юзимиз шивит. Тоабад. Шахсга сизгиниш, кейин ҳам қанчадан-қанча шахсларга қуллуқ қилишлар туфайли қупган фожеалар, бунинг мудҳиш оқибатларини биргина ҳазрати инсон, мавлоно Ализоданинг аччиқ тақдирда кузатган тақдирда ҳам, бу дилларни жунбушга келтирадиган маҳобатли бир дoston.

Алломанинг мероси жуда бой ва рангбаранг. Фарҳод Ализода, Салоҳиддин Ҳайитов ҳамда 1996 йилда Бокуда «С.Р. Ализоданинг маърифатпарварлиги ва педагогик қарашлари» мавзуда номзодлик рисоласини ёқлаган Саҳоват Ҳожиевларнинг маълумот беришича, бу маънавий хазинада беш юзга яқин асарларнинг номлари қайд этилган. Булар: соф илмий мақолалар, луғатлар, тил сабоқларидан дарсликлар, насрий ва шеърний асарлар (дарвоқе, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чайн», «Утган қунлар» румонларини тожик тилига угирган ҳам у булади) бадний таржима-лар, ислом дини тарихига доир манбалар собиқ СССРда ҳамда ажнабий давлатларнинг кутубхоналарида сақланади. Агар бу мерос бир жойга жамланса, антиқа «Дорул Ализода» муҳташам уй-музейи ташкил булади. Афсуски, Ого зиндонга ташланганидан сунг, унинг хонадонидан жуда кун асарлари, қўлезмалари ташиб кетилган...

Устоз ва мураббий Саййидонинг қисмати ҳам, уз даврининг ва узига ухшаган қизил инқилобчилар, катта давлат ва жамоат арбоблари Файзулла Хужаев, Акмал Икромов, Абдурауф Фитрат, Назир Турақулов ва бошқа жуда кун кишиларники сингари, ниҳоятда улутвор ва аянчли, собит ва чалкаш, масъуд ва зиддиятли эканини ҳам айтиб утайин. Уларнинг фожеаси — уларнинг чексиз ишонувчанлигида эди.

Албатта, тозариш учун сувга кириш керак. Лекин сувнинг узи ҳам ифлос булса-чи? Ифлос сувда покланиб булмайдди. Ого 1919 йил 10 апрелдан 1921 йилнинг декабр ойига қадар «Шуълайи инқилоб» (Инқилоб шуъласи) ҳафталик мажалласининг бош муҳаррири булиб туради. Матбуот тарихчиларининг шаҳодат беришларича, турт минг нусхада 92 сони босилиб чиққан бу нашрлар Урта Осиё ва Қозогистонда, Туркия ва Озарбойжон, Эрон ва Афғонистон ҳамда бошқа мамлакатларда ҳам тарқалган. Унинг саҳифаларини

дан бош муҳаррирининг, алҳазар, «Бутун дунё йўқсуллари, бирлашингиз!», «Амалдорлар умидсизланмоқда», «Инглиз тарафдорлари уқиб олишсин», «Инглизлар ва ислом дунёси», «Туркистон — бизнинг Ватанимиз» деган ва бошқа шу каби мақолаларни урин олган.

Уйласанг, ҳушинг бошиндан учадн кишининг. Руїрост аксилинглизона таргиботи, ташвиқоти учун Англия разведкасининг жосуслари С. Ализоданинг бошига эллик минг фунт-стерлинг «муқофот» ваъда қилади. Буни қарангки, тирикчилигино рўзгорини тебраттишгаям ҳоли келишмай, «Таёқ» мажалласида ёзган феліётонларидан бирида қулогигача қарзга боғанидан йнглаб ёзган оташин ниқилобчи Саййиднинг бошини инглизлар шу қадар «қиммат» баҳолашибди!.. Бу ҳали фожеанинг ҳаммаси эмас. Бу уша Шурулар ваъда қилган ҳуррият ва истиқлол рост булганида, ҳар қандай моддий муҳтожликка ҳам, эҳтимол, чидаса булар эди. Том маънодаги фожеа шунда булдики, 1937 йилда ҳибсага олиниб, қоронгу, зах зиндонларга солиниб, дил уртагучин ёвуз сўроқларга маҳкум этилганида, собиқ ГПУнинг унга қўйган бош айби ҳам — гуё Саййид Ризонинг айнан... «инглиз жосуси» булгани экан!

#### ТАРИХ – ҚОЗИ

Биламан, утмишининг ялпи даҳшатли хатолари учун бутунги кун мантиқи билан ҳукм чиқазиб бўлмайди. Худо ноҳид. Тарих қози. Вақт шафқатсиз ижрочи. Чиндан-да! Халқимизнинг ардоқли фарзанди Саййид Ризо узининг буқаламун давр ва сибсат зугуми остида йул қўйган даҳшатли хатолари билан эмас, балки хушёр куз билан олдиндан курилган, тиниқ зийраклик билан олдиндан башорат қилинган воқеалар, чуқур ақл-идроки ва заковати билан бизга бутун ҳам яқин. Чунончи, «Таёқ» мажалласида у кишининг «Шапалоқ» деган туркум феліётонларп «Занбур» тахаллусида босилган. Шу нашрнинг 1920 йил сонида уқиймиз: «Большевикларнинг ҳукумат оти билан қилгон хиенат ва фиоқлари биз мусулмон халқини мусенбат ва балолар қандай мудҳиш оқибатларга олиб келганлигига яна қандай далил керак?

«Туркистон — бизнинг Ватанимиз» мақоласи узининг кўп жиҳатлари билан кейинги даврлар учун ҳам ибрат ва сабоқ буларли. «Шу ернинг об ҳавосидан баҳраманд бўлиб камол топсангу, унинг шарафини



химоя қилмасанг, (она днёринг) оёқости булиши, қадрсизланишига йул қуйсанг, нобакор ажнабий уз ватани шон-шавкати учун сенинг ота-боболарингнинг киндик қони тўкилган ерингни ваҳшийларча топтаб, қонингни симирса ва уни узининг ахлатхонасига айлантурсаю, сен хиссизларча қараб турсанг ёки ундан қочсанг, узинг унинг горатланишига қумақлашсанг, унда сен бу ватаннинг номусли ва содиқ фарзанди эмассан!».

Алломанинг набираси Саййид Фарҳод Ализода-нини айтишича, Оғони бир неча топқир Афғонистон, Эрон ва Озарбойжонга доимий бориб яшашга чақиршади. Лекин бобомиз у ёқларга муҳожир ёки мусофир бўлиб кетишни узларига эп қурмадилар, дейди у. «Менинг Ватаним улуғ Туркистон, шу тупроққа киндик қоним тўкилган, менга Ватан — Самарқанд», деган комил эътиқод билан яшадилар, ишладилар, бир сиқим тупроқлари шу иқлимнинг тупроғига қушилиб кетишини орзу қилдилар.

#### АҚЛ ДАСТИДАН ДОД!

А?.. Матбаа хатоси булса керак? «Ақлсизлик балоси» ҳақида гап кетаяпти, шекилли?

Йук, айнан: ақл дастидан дод. Агар сиз яшаб турган муҳит, атрофингиздаги одамлар, ҳукмрон ижтимоий кучлар жоҳил ва нодон булса, доно кишининг шури қурийдн. Шунинг учун булса керак, «эшаклар орасида булсанг, сен ҳам эшак бўлиб ҳанграйвер!» деб заҳарҳанда қилган эди бир рубойида Мирзо Абдулқодир Бедил.

Ализода ун иккита тилни билган. Узбек, тожик, форс, араб, озарбойжон, усмонли турк, татар, курд ва бошқа тилларни билганлиги-ку тушунарли. У Шарқ мутафаккири эди. Бинобарин, Шарқ халқлари билан таржимон орқали гаплашса булмайдн-да. Урис тилини сувдай ичган. Аммо шуниси борки, Ого Ғарбий Оврупо тиллари — олмон, инглиз ва фаранги ҳам пухта эгаллаган. Инчунин, бу тилларда ҳам шунчалик моҳир булганки, Қуръони Каримнинг бир неча оятини, масалан, франсузчага таржима қилган. Буниси унинг катта қобилият эгаси булганидан дарак беради. Ундай булса, арман ва иброний (қадимги яҳудий) тилларини билганини қандай тушуниш мумкин? Бу — беназир истеъдод эди. Бундай заковат унга қанчадан-қанча қу-

лайлик, шухрат, ҳурмат келтирди. Зеро, дейдиларки, бир тилни билсанг — бир кишисан, икки тилни билсанг — икки кишисан, уч тилни билсанг — уч кишисан ва ҳоказо. Қанча тилни билсанг, шунча марта инсонсан. Бироқ!..

Шахса сизгиниш даврининг «мантиқин» (мантиқсизлиги) шунда эдики, аксарият, катта ақл эгаларига, миллатнинг ифтихори булган донишманд кишиларга... «соснализмнинг душмани» деб қарадилар. Кимларнидир — таъқиб остига олдилар, сиртдан ва ичдан кузатдилар, бировларни — қамадилар, яна «ута хавфли» деб топилганларни — ҳибега олдилар, урдилар, отдилар, осдилар... Ҳуқуқсиз жамиятда жосуслик, қотиллик, иғвогарлик «фахрли» касб бўлиб қолди.

С. Ализодага очилган айбнома варақасида унинг куп тил билиши бандининг ёнига ундов (!) аломати урнига каттақон савол белгиси (?) қўйилди. Чиндан ҳам, шунча тилни билишга нима мажбур қилдишкни уни? «Мантиқини» қаранг: араб ва форс тилларини биледи — демак, у «опасний» шахс! Панисломист! Инглизчани билишга бало борми — «Англия жосуси» у!.. Хуш, Саййид Ризонинг ута хавфли «халқ душмани» эканига яна қандай далил керак?!

Инсоният таназулунинг бирон-бир даврида — энг мудҳиш замонларда ҳам — соғлом ақлни таҳқирловчи бу қадар бемаъни ички ва ташқи ганим тимсолини яратмаган булсалар керак. Ийтиҳойи маккор ва мурдор «синфий итдао»!

Эътироз билдиришлари мумкин: уша шахса сизгиниш даврида ҳам шуро мактабларида хорижий тиллар — олмонча, инглизча, франсузчани ўқитишганку?.. Ҳа, ўқитишган. Бироқ уша-уша бадбинлик, чиркин қизил фалсафа устивор эди — булажак «душманининг» тилини билиш керак эди-да!..

#### •АРМАН ТИЛИНИ АЛИЗОДАДАН ЎРГАНИНГ•

Тил урганиш мақсадсиз машгулот эмас. Қанийди, жаҳондаги ҳамма халқлар билан уларнинг ўз тилида гаплашишнинг иложи бўлса. Бу фавқултабий билишда билиш бор. Агар беш мингта тилнинг ҳар биридан, айтайлик, унтадан сўзни ёдласангиз. Эллик минг сўзни эсда сақлаб қоласиз. Демак, дунё тилларини билман, деб айтишга Сизла асос булади. Шундайми? Йўқ. Эллик минг сўз бу беш мингта тилнинг эмас,

атиғи бир тилнинг мухтасар лугат жамгармаси, холос. Бас, ҳамма тилларга «чиқишнинг» иложи йуқ. Бунинг урнига, она тилдан ташқари, яна икки уч тилни хийла қоникарли даражада, яъни уша тилларда муомала қила оладиган булиш кифоя, деб уйлайман.

Саййид Ризо ун иккита тилини эгаллаган экан, агар эътибор берилса, булар қадимий бой маданиятга эга булган халқларнинг тиллари. Бундан ташқари, уларни билишдан кузатилган мақсад бор эди. Мақсад шуки, куп миьлатли Самарқанд шаронтида бу миьлат кишилари нисбатан купчилиқни ташқил этар ва улар билан ҳаётда тез-тез учрашиб туришга тугри келар эди. Масалан, арманлар билан яхудийлар.

Маъди бобо менга бир ибратли воқеани сузлаб берган.

— Кунларнинг бирида амаким бир парча қозғони тиззаларига қўйиб каттагина мактуб битдилар-да, уни Саркис деган ошиналарига обориб беришимни мендан илтимос қилдилар — дейди у киши. — Тайинланган жойни ахтариб топдим. Ҳа, айтгандай, йулда бора туриб, қизиқсиндим-да, Ого афандим нима деб ёзбдилар деб, хатни уқимоқчи бўлдим. Аммо тишим утмади. Лотин ёзуви булса керак, деб уйлаб, сатрларни чапдан уннга қараб кузатдим. Йуқ, лотин ёзуви эмас. Ие, галат, арманига... ўзимизнинг арабчада хат ёзбдилар-да, деган хаблда сатрларни унгдаи чапга қараб ҳижжаламоқчи бўлдим. Тағни чиқмади. На лотин, на араб ёзуви эди бу... Жуда ҳайрон бўлдим. Шу орада ҳалиги тайинланган жойга етиб борсам, Саркис ака ўзининг беш-олтита улфатлари билан нард уйнаб утиришган экан. Қўлимдан хатни олиб, диққат билан уқиб чиқдию, жуда кайфи чоғ бўлди.

— Мана бу хатни уқинглар-чи, тишингиз утармикан, — деди у гурур билан. — Биродаримиз Саййид Ризо (у мусулмон киши!..) соф арман тилида чунонам лутф ила бағоят чиройли ёзбдики... Биз арманилар арман тилини мана бу одамдан урганшимиз керак!

Нома қўлма-қўла бўлиб кетди... Уни уқиркан, ҳар бир киши азбаройи қувонганидан жуда маъноли алфозлар билан бошини сарак-сарак қиларди. Мен шундоқ улуғ бир инсонга қариндошлиғимдан бошим осмонга етган эди. Кузимга қувонч ёшлари тулганди ушанда, деб якунлади сузини Маъди бобо.

С. Ализода саккиз йиллик чидаб бўлмас яккашин қамоқ жазосини Самарқанд, Тошкент, Тоболск. Владимир турмаларида ўтказди. Бу даврда у атроф муҳитдан, одамлардан бутунлай ажралган ҳолда яшадди (агар шундай гайрининсоний ҳаёт тарзини «яшаш» деб бўлса).

Дунёда инсон учун энг оғир жазо уни жамиятдан маҳрум этиш, мосуволик, узоқ муддат ўзи билан ўзини якка қолдиришдир. Бундай вақтда одамови бўлиб, ақлдан озини ҳеч гапмас. Ҳар қандай продаси мустаҳкам одам ҳам шарт синади.

Ялпи ҳуқуқсизлик ва мубҳамлик шароитида Саййид Ризонинг тирикчилиги ўзининг ўта шафқатенглиги билан бутун дунёга маълум ва «машҳур» бўлган икки зиндон, айниқса, Иван Грозиний қурдирган Владимир турмасида қандай кечгани тафсилотларини биз билмаймиз. (Тутқулик босқичлари — этаплари шундай: Самарқанд — Тошкент — Тоболск — Владимир авахталари). Айни вақтда шундоқ ақл бовар қилмас сўқир тутқуликдан ҳам, не ажабки, узоқ Самарқандга, Ализода хонадонига баъзи бир хабарлар етиб келган. Мамлакат чопархоналарида унинг хат-хабарлари ушлаб қолингани ва йўқотилгани аниқ. Умумий қатогодан ташқари, бунинг Самарқанд маҳаллий шароити билан боғлиқ жиҳатлари бор. Бироқ, барибир, айрим хабарлар етиб келган. Унинг қўли билан ярим аср олдин битилган нарсалар ... ҳозиргача келиб турибди!

Бу қандай «хат-хабарлар» экани ва улар билан боғлиқ фожеалар хусусида ҳали махсус тўхтаймак. Ҳозир эса мени бир муаммо қизиқтиради. С. Ализодадан ташқи олам билан боғлашдай ўта қалтис ишда унга қандай барака топгур ҳазрати инсонлар ёрдам бердийкин? Улар ўз ҳаётидан қурқмадимикан? Бу одамларнинг Ализода олинди нечук бурядорлиги бор эдики, улар ўз ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, унга ёрдам қўлини чузишга журъат этган? («Воқеанома»га қаралсин: «Раввинский ёхуд зиндон сабоқлари»).

Албатта, қўлимда аниқ далиллар йўқ. Ҳақ-ҳуқуқ топталган жойла қанақа далил бўлиши мумкин. Лекин бор нарсалар ҳам асосли хулосалар чиқаришга имкон беради.

Саййид Тоғи угли Фарҳод Ализода бобоси вафотидан уттиз икки йил утгандан кейин унинг ҳақида маълумот йиға бошлайди. Бу иш 1977 йилдан бошланиб, 1987 йил 2 октябрида унинг хокини (суяқларини) Самарқандга кучириб келиш билан якунланади. (Аслида, бу улуғ инсоннинг катта ҳаёт йули тарихини ёзиш, уни курган-билган жуда кам сонли кузи тирик одамлардан сураб-суриштириб, таржиман ҳолини тулдирини, хомгалаши булиб кетган пароканда меросини тушлаш иши ҳамон давом этади. Тугрироғи, бу иш энди жиддий бир тарзда бошланиши, улкан илмий ва ижодий фаолияти йиғналиб урганилиши даркор).

Улуғларнинг қургошиндай оғир ҳаёти ва чуқур тафаккур самаралари ҳамма вақт авлодларнинг йулини ёритиб туради. Эсини, турнақатор булиб йиллар кетидан йиллар утиши билан уларнинг ҳаёти ва қилган ишлари кейинги насллар нигоҳидан йироқлаша боради. Баъзан унутилиб ҳам кетади. Мен шундай уйлайманки, уз улуғларини сақлаб қола билмаган, уларнинг меросини авлоддан-авлодга қулма-қул узатишдек улуғвор ишга бефарқ қараган миллатнинг маданиятли миллат деб аталишига ҳаққи йуқ. Зеро, мана энди Саййид Ризо Ализода бизга қанчалик яқин булса, шунчалик йироқ ва биздан қанчалик йироқ булса, шунчалик яқин.

Биз бошимизга тушган тарихий мусибатларни нуқул бошқаларга тункашга урганиб қолган одамлармиз. Бошқалар ёмон, разил, босқинчи булса, узимиз — ким? Бирон бир айбни ҳеч қачон узимиздан курмаганмиз. Узгаларни айбдор қилиш осон-да.

Фарҳод Ализода ун йил давомида бобосининг қабрини излади. Ниҳоят, топгач, ҳатто вафотидан кейин оқланган бир инсоннинг қабрини унинг уз ватанига кучириши ҳам ниҳоятда қийин кечди. Маҳаллий ҳукуматлар бу ишнинг катта шов-шувга айланишидан ҳуҷиб, турли тусиқларни уйлаб чиқаздилар. Гуё Ализодининг қабри давлатга жуда қимматга тушар эмиш. Ҳаётлиги чоғида-ку умр буйи. С. Ализода давлат маҳкамаларига утириб олган шундай одамлардан қон ютди. Ҳалок булганидан кейин ҳам мана бундай... Ҳар хил гайрининсоний ёвузликларни содир қилганларида бунинг одамларга қанчалик қимматга тушишини ҳеч ким уйлаган эмас. Энди булса, баъзан ҳатто, улган-

нинг устига тенган дегандай, «ким экан у — Ализода? Унинг уз халқи олдида қандай «хизматлари» бор?» деган таҳқирли заҳархандалар ҳам эшитилиб қолди. Ниҳоят, қариндошлари барча сарф-харажатларни уз зиммаларига олишларини айтиб, қасам ичишлари ҳам наф қилмади. Улар маҳсуе Ализода жамғармаси ташкил қилиб, ун йил мобайнида уз ҳалол маошларидан маблағ йиққан эдилар. Янги-янги баҳоналарини, вазкорсонларни туқиб чиқазинди. Агар қабрини кучиришга рухсат этилса, бошқалар ҳам шуни талаб қилиб келишармиш. Не, талаб қилишмасин ҳамми? Тириклигида-ку туҳмат балосига йулиққан экан, ҳеч бўлмаса уларнинг оила аъзолари мазлумларнинг ҳокига ҳам эга була олмайдимми? Қайси мазҳабда бор бутцай зуравонлик!

Хуллас, уша 70-йилларда самарқандлик аҳли ҳукамо ағалмиш қовоқ бошларга ҳеч нарсани тушунтириб бўлмагач, Фарҳод яна қайтиб бориб, Владимир шаҳрининг маъмурияти ва зиндонбошларига етти буюклиб ялинишига мажбур бўлди. (Аслида, Самарқанд шаҳар ижроия кумитасидан Ализоланинг қабрини, марҳумнинг қариндошлари ҳисобига, Владимир шаҳридан Самарқандга кучиришга рухсат этилиши ҳақида атиги бир эълик хат сўралган эди, холос. Шунчаки, йулига!).

Бу кургилларнинг тарихи узоқ. Ёзеа — катта китоб булади. Қисқаси, муҳим бир гап: Аслоҳ таолонинг ипояти шундай бўлдики, охири-оқибат Саййид Ризо, вафотидан кейин, узини-узи қутқазди — кафансиз кумилган бир сиқим хокини Владимир шаҳрининг зиндонин пойишдан Самарқанд шаҳрига узи кутариб келди...

Ажаб. Ношуду нокас одам тирикчилик чогида ҳам уз гавласини узи кутариб юролмайди. Доннишманд эса, бу ёруғ дунёдан куз юмганида ҳам, уз улигини узи кутариб кетар экан-а.

## ИБРОНИЙ ТИЛИНИ БИЛИШНИНГ ИККИ ХОСИЯТИ

### Биринчи хосият

Шаҳега сизгиниш ва шу туфайли келиб чиққан мислсиз турғучлик даврининг тазйиқига кура, иброний ёки иврий (қадимий яҳудий) тилини билган мутафаккир Ализодани... сионизмга қуллуқ қилганликда ҳам айблаш ҳеч гап эмасди. Лекин алломанинг бу

тилни билиши, бошига оғир кунлар тушганда, куп жиҳатлардан жонига ора кирди.

Владимир турмасининг нозирин Раввинский, яҳудий киши бўла туриб, ўз она тили — ибронийни билмас экан. Узининг ксйинчалик иқрор булишича, у «ишдан» кейин, исковуч махфий ходимлар кетгач, Ализоданинг «хос» хонасига гуё хизмат юзасидан кирган булиб, бу «опасний» нодир махбусдан ўз тилини урганар экан. Яхшилик ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Турган гап, соҳиби мурувват ҳар қанча яхшилик қилган тақдирда ҳам, даҳшатли тухмат билан қамалган ва амалда нақд улимга маҳкум этилган, шамдай эриб битаётган бу бандини ўзи истаганича ҳимоя қила олмаслиги аниқ. Ундан бундай марҳаматни талаб қилиб ҳам булмайди. Ҳар қалай...

Қуш учса қаноти муз қотадиган Владимир зиндонидан Самарқандга махфий хат-хабарлар келиб турганини қандай тушуниш мумкин? Бундан, турма нозирини сифатида Раввинскийнинг беҳабар булишига ким ишонади? Уша хат-хабарлар етиб келмаганида, орадан салкам ярим аср утгач, мудҳиш турмада бўлаётган ниҳоятда йиртқич азоб-уқубатлар, қийноқлар, ҳушдан тойиб йиқилгунга қадар савалашлардан биз бугун воқиф булмас эдик. (Тафсилотлар «Воқеанома»да қайд этилган).

Яна: марҳум махбусларнинг қабри сир сақланади. Қайси қабрда ким ётганлигини ҳеч ким билмайди. (Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон угли Чўлпон, Санжар Сиддиқ ва бошқа унлаб атоқли ўзбек адибларининг қабри ҳозиргача номаълум қолаётганини эсланг). Ҳар бир гурнинг ёнига рақам урнатилган булади. Ана шу рақамга қараб, қаерда ким кўмиб ташланганлигини билиш мумкин. Бу рақамларнинг калитини фақат энг ишончли маъмур биледи, холос. Владимир шаҳрида Раввинский Фарҳодга бобосининг қабрини аниқ кўрсатади. Маълум булишича, унинг жасади турма деворининг шундоқ пойида, аниқтаниқ жойда дафн этилган булиб, кимдир то кейинги вақтларгача қабр пойига гул қуйиб кетар экан. Бу уша вақтларда «Владимир» меҳмонхонасида эшикбон булиб ишлаган Федор Игнатйевич деган киши эканлиги аниқланади. Федор Игнатйевич ким? С. Ализодани қасдан танийди? Нима сабабдан то сунгги вақтларгача унинг қабрига гул қуйиб юрган?

## САЙИД РИЗОНИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ:

*Сиз-ей, қалам ушлаб асар ёзган қулларим,  
Эй, сен, қаро булган умри чароғим манним,  
Чашимни бирешимму, кўзим қароғи,  
Дийдам узра дув тужилган аччиқ ёшим,  
Манзилимдан айру тушиб йулларим,  
Ашриқдан машриққача қутариб таним,  
Кезиб утган манним толмас аёғларим,  
Фалак дардин чекиб, юз минг балоларга  
Дучор булган шурлик ғариб, қошли бошим,  
Ризо булини мендан. Кечиринг, эниҳор,  
Яна бир бор кечиринг.*

(Тожиқчадан Ғайбуллоҳ ас-Салом таржумаси).

### Иккинчи хосият

Беш йил муқаддам, 1987 да Сайид Тоғи угли Фарҳод Владимир шаҳар ҳокими Роберт Карлович Магазин деган одамга учраб (у ҳам яҳудий), қабрни кучириш ҳақида на Самарқанд шаҳар ҳокими, на вилоят фирқа қўмитасининг уша даврдаги саркотибидан бир парча хат ололмаганини айтади. Бундай расмий ижозатсиз одамларнинг майитини бир жойдан бошқа жойга кучириш қатъиян мумкин эмаслигини Роберт Карлович Фарҳодга қайта-қайта тайинлаган эди.

Нима қилиш керак? Ҳаётлик чоғида-ку одамларнинг душмани булади. Булмай иложи йўқ. Аммо ... «душман» сузи тирикларга нисбат берилади. Марҳумлар-чи? Бир одамга қанча ганим «керак» узи?! «Дустинг юзта булса ҳам — кам, душманинг битта булса ҳам — «куп», дейди халқимиз. Э-э, қаёқда!.. Кошқийди, уша ганимларинг ҳам шундай уйласайди. Ҳар қандай телба хатти-ҳаракатга ҳам, эҳтимол, бирор ваз-корсон кўрсатса булар. Аммо марҳумларинг ҳам душмани булганига, яъни тириклигида бир инсоннинг естингини қуритган нобакорлар у ҳаётдан абадий куз юмганидан кейин ҳам уз ганимлигини давом эттиратганларнинг ахлоқини сира-сира ақлим бовар қилмайди меннинг. Марҳумдан ҳам «ўч» оладими!

Келинг, фалсафани қуя турайлик. Дунёда бемаъни ишлар шу қадар купки, уларнинг ҳаммасига барибир жавоб тополмаймиз. Роберт Карлович Магазин бизнинг Ўзбекистонлик ҳокиму ҳукамоларнинг бу «ишига» интиқдони ҳайрон бўлиб қолди. Наҳотки, шапалоқдай бир парча қоғоз улгур зоти шариф, ҳазрати ин-



соннинг узидан ҳам азизроқ бўлса? Буёғи қандоқ бўлди? Тириклигида-ку у уз ватанига, халқининг шўр пешонасига сиграбди. Хуп. Тақдир-да, деймиз. Нахотки бир сиқим тупроғидан ҳам шунчалар қўрқинса? Ё раббий!..

Шаҳри Владимир ҳокими оғир уйга толди. У нима деркин? «Иложим йўқ, бутам. Майли, номигагина расмий қогоз бўлса, бир яхшилик қилиб юборай дегандим. Узим кўрсатувдим бу йўлни Сизга. Энди буёғига ҳеч нарса қилолмайман, узр. Менда ҳам болачақа бор, огайни», деса нима қиласан? Кулогингни ушлаб кставерасан-да. Йўқ, ундай бўлмади. Кутилмаганда Роберт Карлович одамохунлик қилди. Рухсат этиш у ёқда турсин, ўзи шахсан қабр бошида туриб (ҳаво ҳам мотамсаро, қаттиқ ёмғир ёғиб ётибди...), худди милён йиллик антиқа археологик қазилма ўтказилаётгандек, жуда эҳтиёткорлик билан қирқ икки йил ер остида ётган Саййиднинг табаррук суяқларини олиб, матоҳга ураб, эгасининг қулига топширди. Сунгра Фарҳодни секни четга имлаб чақирди-да, унга оғир ва босиқ, қалтироқ овозда ҳамдардлик юзасидан таъзия изҳор этаркан, шундай деди:

— Биласизми, мухтарам набира, Фарҳод Тоғиевич, мен Сизнинг бобонгизни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Ҳайрон бўлманг. Сабаби, бу ҳақда бу ерга жамланган қогозлар билан танишарканман, шу нарсага кўзим тушдики, Ализода бизнинг аجدодлар тили, ибронийни билар экан. Анграйиб қолдим. Умримда биринчи марта шундай тақдирга дуч келишим. Тугриси, мен узим яхудий бўла туриб, она тилим бўлмиш ивритни (ибронийни) билмайман. Менга — уят! Сизнинг бобонгиз бўлса, қаранг, менинг мен билмаган она тилимни билар экан-а! Тупроғи енгил бўлсин шу улуг инсоннинг! Унинг даҳоси қаршисида тиз чуқиб таъзим қиламан. Бардам булинг, набира. Яхши кунларда учрашайлик.

Фарҳод билан кучоқлашиб хайрлашаркан, у яна таъкидлади...

— Биласизми, бошқа бир халқнинг тилини ўрганиш учун киши уша халқни севиши керак. Сизнинг бобонгиз яхудий тилини билар экан, демак, у яхудийларни севган!..

Топдингиз, хушёр уқувчим. Бу сузларни ҳазрат Алишер Навоийнинг уша машҳур рубойисидан келтирдим.

*Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошъён бўлмас эмиш.*

Агар Ализоданинг тутқунликда кечган сунгги саккиз йиллик умрини кузатсангиз, маҳбусликнинг дастлабки йилларида ҳали унинг уйиштирилган фитналар чангалидан қутулиб, озодликка чиқишдан умидвор бўлгани гувоҳи бўласиз. Мудҳиш зиндон ичида ҳам нур билан зулмат ҳаёт-мамот учун курашди. Барча туҳматларни рад-бадал қилди. Ойнинг ун бешн қоронгу бўлса, ун бешн ёруғ, ахир. Шояд!.. Аммо рушнолик бўлмади. Унга қарши қўйилган тузоқлар шу қалар чигал, кўр туғунлардан иборат эдики!.. «Англия шпийонини» (қандай — «Англия»?..), «халқ душмани» (қандай — «халқ»?..) озодликка чиқазиб буларканми! Улар халқни бузди, Ватанни (қандай — Ватанни?..) Англияга сотиб юборди-да! Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат. Хуллас, аҳвол мутлақо бундай эмаслигини исботлаш учун кафиликка утиши лозим бўлган одамларни ҳам суриштирса — ё узоқ муддатга қамалган («халқ душмани» қилинган), ё бадарға булиб кетган, ё бўлмас улган (ажабмас — улдирилган!) булиб чиқарди. Ахийри бўлмаганидан сунг у турма ичида ётган жойида... очлик эълон қилди. Бусиз ҳам очликка маҳкум этилган маҳбуснинг очлик эълон қилишини тасаввур қилинг! С. Ализоданинг ўз нураб кетаётган ҳаётини гаровга қўйиб қилган сунгги талаби билан, ниҳоят, ҳузурга прокурор «ташриф буюриб», ҳеч қандай очлик-почлик фойда бермаслиги, у ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилганини, эҳтимол, минг биринчи марта яна «эслатиб» қўйди, холос. Ниҳоят, сурункали азоб-уқубатлар оқибатида у — синди. Озод бўлишдан буткул умидини узди. Алвидо, ёруғлик! Розн бўлингиз, қавм-қариндошлар! («Воқсанома»нинг «Раввинский ёхуд зиндон сабоқлари» мавзуйга қаранг).

Фарҳоджоннинг сузларини тингларканман, оғир ўйга толдим. Ё тавба! Бу не қургилик!!! Улуғларнинг қисмати шундай бўларканми дейман: бир марта жон

таслим қилиб, икки марта ерга қўйилса. Дунени ил-  
ратган соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улугбек,  
яқин утмишимиздан олсак, мана Шароф Рашидов.  
Яна қанчадан-қанча табаррук зотлар. Бу ёқда — Сай-  
йид Ризо Ализода.

1945 йилда — Владимирда, орадан қирқ икки йил  
ўтиб, 1987 йилда — Самарқандда иккинчи топқир  
дафн этилди. Қисқагина умрга бунчалик зугум қилишма-  
са!

## СОҒИНИБ КЕЛДИМ СИЗИ

(Ўз вақтида ўқилмаган марсия)

Оч юзимни, эй ғассол, еронларимни бир кўрай,  
Ҳажри падар доғиндаги тувғонларимни бир кўрай.

Дарбадар кездим жаҳонда, бўлдим балога мубтало,  
Мени деб зардоб қусган гулбандларимни бир кўрай.

Айтиб-айтиб йнглашиб, келмиш эмиш хешу табор,  
Банди-бандига туташ, тирбандларимни бир кўрай.

Шуриши савдо билан бўлмишам жалоийн ватан,  
Устод ҳам шоғирд ақли ҳайронларимни бир кўрай.

Нечани бошин снлаб, бўлдим аларга дилпазир,  
Мавтима зор снқтаган гирёнларимни бир кўрай.

Ғурбату фурқат аро зоҳир бўлолмай унгида,  
Саййид Ризони тушида кўргонларимни бир кўрай.

Эй тағофишлар қараб зинҳор кулманг ҳолима,  
Шум ниятларига етган яғмоларимни бир кўрай.

Бул фано мулкида йўқмен, қолдимү мендин асар?  
«Тарихи ислом», «Вожиб», тамголаримни бир кўрай.

Изларима зор улан борму бир бағри бутун,  
Днийдау, қошу, қабоғу, мужгонларимни бир кўрай.

Мен банда бандаргоҳмен, икки жаҳон аввораси,  
Зор йнглаюб шому саҳар, юргонларимни бир кўрай.

Лахча-лахча қон ютуб нобакор агёр дастидин,  
Розию Ризо тилаб тургонларимни бир кўрай.

Ассалом аҳли замона, соғиниб келдим сизни,  
Ун балога бир қазо, сўзонларимни бир курай.

Ўт тушуб бағрим тутошти, сотмадим ҳеч кимсани,  
Беҳаёю бевафо, бебокларимни бир курай.

Қабрдин бош кутариб, келдим бу ёна ёна мен,  
Шум рақибу норасо, заҳҳокларимни бир курай.

Боқма қаён — чиқмиш қаён алвон меҳроб чокидин,  
Ўтган ул кунлар, хоку туробларимни бир курай.

Саййидо ташриф буюрдунг шому шабистонингдаким,  
Бахтиёр, Гулрух, Фаррух, Фарҳодларимни бир курай.

Сидқи дилдин нотавон ёзмиш Ғайбуллоҳ ас-Салом,  
Ғолибо, соҳибн даврон, асҳобларимни бир курай.

#### БИТИКЛАР

Дарвоқе, етти қабат турма ичидаги зах хонада ҳол-беҳол етган С. Ализоданинг ҳаётига доир бу гапларни тусмолаб, солим ақлга асосланиб тўқияпмизми ёки?.. Бу маълумотларни қаёқдан олдик?

Гапнинг «қизини» бўёқда.

Вафотидан кейин узоқ йиллар утади. Бир кўни у кишининг рафиқаси кўҳна бисот — сандиқни очиб, эски-туски нарсаларни шамоллатиш учун куйманиб турганида, титилиб кетган пахталик камзул чиқиб қолади. Пахталикни сўтиб ювмоқчи булганда, не кўз билан курсинларки, астар-пахталар орасидан жуда кўп «битиклар» чиқали!.. (Пахталикни уруш йиллари озодликка чиққан бир нотаниш маҳбус келтириб берган экан). Ҳалиги одам, сирдан вофиқ булмаганми ёки айтишни унутганими, ҳеч нарса демаган. Ҳовли соҳибаси, ҳеч гапдан хабарсиз, бу яроқсиз ҳолга келиб қолган, урниб битган пахталикни шунчаки бир «ёдгорлик» тарнқасида сандиққа ташлаб юборган. (Турма ноziри Раввинскийнинг ёрдами билан уйлаб топилган тадбир булса керак).

Яна бир гал шунга ухшаш «битиклар», яқин вақтларда (1992) Фарҳоднинг қўлига келиб тушди. Собиқ хавфсизлик давлат қўмитаси (КГБ) тутатилиши муносабати билан у Масковга хат ёзиб, бобоси Саййид Ризога тегишли ҳужжатларни юберишларини сўраган.

Унга юборилган нарсалар — С. Ализоданинг Самарқандга жунатилган ҳалигидай биттиклари экан. (Чама-си, бу ашёлар турма маъмуриялари томонидан уша ернинг узида қулга туширилиб, олиб қоллинган қури-нади).

### ПАРЧАЛАНГАН УМР

Мана бу битикка қаранг. Бу енг астари булса ке-рак. Буйи ярим қулоч, эни бир ярим қарич. Каноп матоҳдан туқилган. Унга сиёҳда араб ёзувида нақш солинган. Афсус, вақт уз ишини қилган. Ёзувлар уни-қиб кетган. Ҳарфлар учган, хиралашган, баъзилари бўялиб-чаплашиб ётибди. Буларни уқигандан қура Ур-хун-Енисой ёзувларини ҳижжалош осонроқ деб уйлай-ди, киши. Баъзида юпқа тамаки ва чой қоғозларига ёзилган «номалар» ҳам учрайди. С. Ализода бир амал-лаб, тамаки ва чойларини турма ходимларига бериб, қоғозига хат ёзиб жунатган. Ё булмаса, уз ризқидан қийиб, эвазига ҳар хил латга-путталар олган ва уларга хат битган.

Айрим биттикларни амаллаб, ҳижжалолаб уқиса бўла-ди. Уларда сиёсий маҳбуснинг ички олами очилган. Ҳаётда айрим одамлардан рушнолик қурмагани, ҳас-рат, армон, афсус-надомат, соғинч ва укинч, пу-шаймонлик, эътиқод уруғлари куз ёшларига беланиб кетган. Водариг! Бир нечта ажойиб газал ҳам бор. Ҳар бир биттик аччиқ инсон тақдир, катта ақл-идрок, са-доқат, авлодга комил ишонч ва битмас-туганмас меҳр-оқибат билан сугорилган санъат намунаси. Улимга маҳқум этилган маҳбус, тақдирга тан бериб, сукут сақлаши, «жим-жит» ётиши ҳам мумкин эди. Ундай бўлса, С. Ализода нима учун бунчалик безовталанади? Буюқда қолган бола-чақалари, қавм-қариндошлари, хеш-таборларини соғинганини, уларни севишини бил-дириб қўйиш учунми? Узи, сиққоннинг ини минг танга дегандай, бир оғизгина ширин сўзга муҳтож бўлиб ётибдию, узоқ Самарқандда «озодликда» юрган оила аъзоларини юпатиш, уларга таскин бериш орзу-сида ёнгандир балким?.. Озодлик нима эканини озод одам қасқдан билибди! Бунинг қадрини урага мук ту-шиб, бағрини зах ерга бериб ётган, озодликдан маҳ-рум этилган бандидан суранг.

Ҳа, бари тугри. Минг чандон тугри. Қайноқ ҳаётда беҳудуд орзу-умидлар этагига ёпишиб, ёруғ келажак,

уз мазлум халқинг учун чинакам озодликни қўлга киритиш йўлида ёниб яшаркансан, йиртқичлар, юҳолар, аждаҳолар билан тенгсиз курашга ўзингни сафарбар этган экансан, «майда» инсоний туйғулар — оила, бола-чақага меҳр улашиш ҳам ҳаёлингдан қўтарилади кишининг. Ҳамманинг бахтини уйлаган одам яқнаш ўзига бахт изламайди. Мана, буюқларда ўзи-ку ўзи, итти ҳам адашмаган, билъакс, ўз қадрдон хонадонидан, ота-боболар, она-момолар юртидан бадар қилинган ит каби, шундоқ бир инсон, буйинига занжир солиб, «тинччи» қўйилган зиндон ичидагина, асрий гафлат уйқусидан уйғонган телба каби, бирданга эслаб қолдики... О, даҳшат! Утил-қизларининг боши силамаган, аксинча, сен туфайли, сенинг «қилмишларинг» туфайли уларнинг манглайига «халқ душманининг ўғли», «инглиз жосусининг хотини», «муртаднинг жияни», «сотқиннинг думи» деган манфур тўхматлар чаплаб ташланган. Ҳа, худди шундай айб билан ўғли Саййид Тоғи Ализодини, жияларни Саййид Али Ализодау, куёви Ҳасан Ирфонларни ҳам турмага солдилар. Оила тўқилди. Қочиб-пусиб қолган қизларни, куёвларни, жияларни тўрт томонга тарикдаёй сачраб кетди...

Шундай. Саййид Ризо тахлит инсонлар шу вақтга қадар инсонки, ўз ҳаётини ўз халқининг бахт-саолати йўлига қурбон қилгани ҳолда, токзи ўзи ҳақида ўйлашга ҳам вақт топа олмаса. Жаҳоншумул ғоялар, илм, санъат, адабиёт, сеҳрли калом туйғуларни сени эгаллаган бўлса, бу не бахт! Аммо, худди шу олийжаноб хислату фазилатларинг, истеъдоду саъй-ҳаракатларинг, бор-будингни ҳазрати Эзгулик, Рушнолик, Савобга бахшида этганинг учун сени бадгумон, таққир ва бадном қилсалар, зиндонга ташласалар, қаро ерга тиксалар... Бундан ортиқ бедодлик борми дунёда!

Мана шу кийноқ саволлар, уй-ҳаёллар унга тинчлик бермасди. Қанийди, агар инон-ихтиёри узида бўлса, бу зах каталакда тутқун бўлиб етгандан қўра, жон олиниб, жон берилиб етган қонли жанг майдонига бориб, кукрагингни ўққа тутсанг. Авлодлар наздида «халқ душмани» бўлиб бу ертулада беному нишон чириб кетгандан қўра, очик жангтоҳда қаттол душманинг ўқиға учган минг марта яхши эмасми?

Осмон узок, ер қаттиқ.

С. Ализоданинг илмий ишлари, эътиросли публицистик мақола, шеър, фелъетон ва памфлетлари қуйидаги рузномаларда чоп этилиб турган: «Туркистон хабарлари», «Бухорон шариф», «Турон», «Самарқанд», «Телеграф хабарлари», «Шарқ», «Хуррият», «Меҳнаткашлар товуши», «Овози тожик», «Голос Самарқанда», «Пролетар», «Зарафшон», «Камбағаллар уқи». Муаллифнинг чиқишлари «Оина», «Машраб», «Мулла Мушфиқи» ойномаларида ҳам тез-тез кузатилган. Булардан ташқари, Эронда чиқиб турган «Тарбият», Туркиянинг «Оқшом», Мисрнинг «Чехранамо», «Хиндистоннинг «Ҳаблул матин» каби эътиборли нашрларида, Самарқандда ўзи таъсис этган «Шуълаи инқилоб»да ишлари қўлаб босилган.

Публицистика даврининг ижтимоий, миллий, маънавий муаммолари, миллатнинг дард-ҳасратларини далиллар, алам ва эътирос билан тез ва уткир ифода эта оладиган мислсиз воситадир. Айни вақтда унда ҳар бир даврнинг соғлом ва носоғлом майллари устивор булади. Туя қанча катта булса, яғри шунча катта, деган нақл бор. Саййиднинг барча чиқишларини ҳам бирдай баҳолаб булмайди, албатта. Адиб ва олимнинг эътиросли мақолалари, памфлетлари, фелъетонларида халқнинг дард-ҳасратларини рӯёбга олиб чиққан, унинг фожеалари, қайғу-ғамларига жуда аниқ ташхис қўйилган фикрлар изҳор этилган. Улар узининг долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Айни вақтда унинг уқтам чиқишларида шундай йуриқлар, майллар ҳамда даъватлар, «йўқсулпарастлик» иддаолари, «жаҳон инқилобига» чорлашлар уфуриб турадики, муаллиф вафотидан кейин ярим аср утар-утмас буларни иқтисодий, сиёсий, маънавий турғунликка олиб келган сабаблар деб баҳолай бошлаймиз. Аммо бизга таскин берадиган жиҳатлар шундаки, умуман олганда, С. Ализода чиқишларида ҳуррият, соғлом маънавият, маърифат, адолат, инсонпарварлик, дустлик ва биродарликка даъватлар барқ уриб туради. Ҳазрат Саййидонинг уткир-сиёсий публицистикаси охири-оқибатда унинг узига, унга ухшаган юзлаб илгор фикрли зиёлиларга, жадидларга, маърифат даргаларига, миллатнинг асл фарзандларига жуда қимматга тушди. Бинобарин, буларнинг барчаси шахснинг аччиқ қисматида кўра шум давр, мустабид тузумнинг фожеаси эди.

Лскин Саййид Рнзо фаол газетчи, оташин публисист, беназир ташкилотчи ва жамоат арбоби, шонр, таржимонгина эмас, балки қомусий билим эгаси, чуқур файласуф, муаррих, тилшунос олим ва мутафаккир зот эди. Унинг чиқишлари фақат эл-юрт гами билан йўғрилган яланғоч эҳтиросга эмас, балки бошдан-оёқ нозик илмий кузатишлар, таҳлил ва чуқур билим билан суғорилган эди. Муаллифнинг «Низомнома», «Қалам аҳлларига даъват», «Рисолатул иттиҳодия», «Дин вожиблари», «Морссолот» (ёзишмалар), «Ислоҳ маданияти» сингари қамровдор, салмоқли тадқиқотларини узига қўйилган ҳайкал деса бўлади. Улар уз вазифасини бажарди. Аммо биз уларни яқин утмишининг осор-атиқалари рўйхатига тиркаб, тарихий музейи ашёларига айлантирсак, хато бўлади. Аксинча, С. Ализоданинг бутун тарихий, илмий, публицистик ва бадний ижоди (бир нечта шеърний тўпламлари ҳам маълум), яхлит ҳолда, бизнинг бугунги кунимизга ҳам тоабад ҳормай-толмай хизмат қилиши аниқ. Мавлоно Саййид Рнзо Ализода узининг сон-саноқсиз ёзма «лаш-луш»ларини кўтариб тарих ҳукмига равона буладиган мухбир эмас, балки бизга замондош, ҳамдард, ҳамнафас улкан фан арбоблари қаторида туради. Бу улуг инсон Шўролар эшидоида ҳалок бўлди. Бироқ унинг қалами эбесидан таралган фикрлар ҳеч қачон улмайди. Биз улардан фойдаланиб камолга етганимиз, ҳозир ҳам ҳар кун, ҳар сония улардан баҳраманд бўлиб турганимизни ким билди, ким биламайди. Билгандан билмаганлар миллион марта куп. Лоақал эслайлик: 1917-20 йилларда ўзбек ва тожик мактаблари учун ёзилган «Алифбе»лар, икки қисмдан таркиб топган «Тожик тили грамматикаси», икки жилдли русча-тожикча мукамал дугат, «Саодат асири» румони... Сон-саноқсиз таржималар. (Салоҳиддин Ҳайитнинг «Рўйхатларда йўқ эди номи» мақоласига қаранг. «ЎЗАС» газетаси, 28.02.97.)

#### ОҒУ ВА МАЛҲАМ

С. Ализодани эзган нарса тўҳмат эди. У қандай қилиб булмасин, онла аъзоларига узининг ҳеч қандай «халқ душмани» эмаслиги, «инглиз жосуси» булиш у ёқда турсини, аксинча, аннан инглиз жосуслари узинининг бадбин, қизил сотқин жосуслар қўли билан ундан уч олаётганларини билдириб қўймоқчи эди. У



ҳақиқат абадул абад ер остида қолиб, чириб, йуқ бу-  
либ кетишидан қўрқарди.

Салкам ярим аср илгари юборилган битиклар —  
тамаки ва чой урамлари, латталар — соқов тургунлик  
ҳамда қатагон йилларида С. Ализодадан қолган ягона  
жонли гувоҳлар... Бу жонсиз ашёлар ортида уларни  
юборган буюк инсоннинг терак баргидай титраб тур-  
ган ва ҳали уйғоқ қалби уриб туради. Уриниб қолган  
бу матоҳларни ниҳоятда эҳтиёт қилиб қулга оларкан-  
сиз, бармоқларингиз титрайди, уларни кўздан кечи-  
рар экансиз, довюрак, матонатли, пок инсоннинг  
сиймосини яққол кўргандай, у билан дардлашгандай,  
ҳасратлашгандай, отамлашгандай, синиқ овозларини  
эшитиб тургандай сеҳрланиб қоласиз. Лабларингиз  
беихтиёр пичирлай бошлайди... «Кўзимнинг нури,  
меҳрибонларим Меъдажон, Хадичажон, Шарофат-  
жон, Асқарнинг угилчаси... Барингизга муштоқона са-  
лом йўллаб қоламан»: «Сабр қилингиз, оз қолди. Худо  
хоҳласа озодликка чиқамиз»; «Зақунчи Казарянца  
айтингларки, мен билан алоқа боғлаб, мени бу тўх-  
матлардан қутқазсин»; «11 йил мобайнида янги усул  
(новометод) мактабида муаллимлик қилганман»; «Бу-  
хорода жаид мактаблари ташкил этиш ишига кўмак-  
лашганман»; «Маҳмудхўжа Бехбудий хотинининг тоға-  
сига айтганман хайрихоҳлигимни»; «Кўҳна, ваҳший  
бидатларга қарши булганман, шул боис муллолар би-  
лан боёнлар мени динсиз (вероотступник) деб дод  
солдилар»; «Агар мен душман булсам, озодлик ташки-  
лотларини тузармидим, Николай замонида катта қи-  
зимни урис мактабида ўқитармидим»; «Мени бу ерда  
айбингга иқрор бул» деб қистовга соладилар, ҳушдан  
тойганча калтаклайдилар. Узимга келганимда кўзим-  
ни очсам, зах ерда қонга беланиб ётган буламан. Йўқ  
нарасага нечук иқрор булайин, ахир!».

Сунгра яқин кишиларидан бирининг бевақт вафо-  
тига бағишлаб ёзилган, дилларни титратувчи марсия-  
ни зор қақшаб ўқиймиз...

Бошқа бир хатнда 1921 йилда вабо касалига йулиқ-  
қан беморларни бепул муолажа қилдирганини айтади.  
Шу муносабат билан эслатиб утайин: Саййид Ризо  
афгон табиби Атоуллохон (афгон бобо) ҳамда Ҳожи  
мулло Барот, шифокорлардан Фарҳодий, оврупоник  
дўхтирлардан Белфелд, Дейч, Забилин, Мерлес ва  
бошқалар билан яқин алоқада булган. Маҳаллий халқ-  
ларни ҳар хил хавфли касалликлардан сақлаб қолиш-

да уларга таяниб иш қурган. («Воқсанома»нинг «Гадой халта» мавзусига қаранг). Булардан Атоуллохон қилни қирқ ёрадиган табиб эканлиги билан эл орасида машҳур экан. Айтишларинча, у узоқ йиллар мобайнида оз-оздан маргимуш истеъмол қила бориб, узини бу уткир заҳарга ургатган, омухта қилган. Натихада унинг вужуди заҳарга тўйиниб (омухталашиб), тани оғир касалликларни енгишга тайёр дори-дармонга айланган.

Аҳолини эмлашда бу жуда қул келаркан. У вафот қилгандан сунг, овруполик шифокорлар Атоуллохоннинг жасадини қатта маблағ эвазига сотиб олмоқчи бўлишди. Аммо қариндошлари бу таклифга қўнмай, табибни яширин суратда дафн этидилар.

Саййид Ризо ўз бахтини бошқаларнинг муносибати ҳисобига яратган эмас. Балки, аксинча, унинг ўзи ғаламис, ёвуз кучларнинг «саодатманд» бўлиши учун ҳалокатга дучор қилинди. Бутунги муаззам Туркистонимизда собит бирлик, чин мустақиллик, устивор дўстлик, қариндошлик ва ўзаро миллий тотувлик йўлида қўйилаётган ҳар бир шахлам қадамимиз Оғонинг ҳам маънавий умрини узайтиришга хизмат қилади. Ҳаммамиз учун оғир бўлган шу қунларда бундан-да муҳим, бундан-да зарур далда бўлмаса керак.

Худо раҳмат қилсин уни.

## ЗАРРАЛАР

Қадим Самарқанд азалдан кўп миллатли бўлган. Унинг қўҳна тарихини яратишда барча миллат вакиллари иштирок этган, равиқига равиқ қўшган. Ўзларининг жасурликлари, ватанга садоқатлари, юксак билим, куч-гайратлари билан она тупроқининг поклиги, унинг порлоқ келажаги, фан, маданият, маорифининг ривожини йўлида урис чоризмига, ўз миллатини оёқостини қилаётган маҳаллий муртадларга қарши курашда жонларини фидо қилган инсонлар кўп бўлган. Бундай оғир, масъулиятли вазифа биринчи галда маорифчилар, маърифатпарварлар зиммасига тушар эди. Худди шундай фидойилар қаторида Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) билан Саййид Ризо Ализодалар ҳам бор эди. Улар Туркистон маорифчилигида, матбуотида, янги усулли мактаблар очишда ва кўнинча шу каби масалаларда ҳамфикр, бир-бирларига садоқатли бўлишган. Чунончи, Бехбудий ва унинг уртоқларининг

бир йиллик мотам маросимида Ализода 1920 йил 8 апрелда ўзи ташкил қилган «Шуълаи инқилоб» журнаlining 35-сонида жасурана фикрлар билан чиқиб, «Катта мотам» мақоласини чоп этди. Мазкур таъзиянома матнини СамДУ домласи, ализодашунос С. Ҳожиёв билан чоп этишга тайёрлаганимиз бонс, бу ҳам-касаба дустигимизга мишнатдорчилик изҳор этаман.

## ШАҲОДАТНОМА

### Буюк мотам

Бугун буюк мотамдир. Бугун умумий таъзия (аза) кунин. Бугун бизнинг шаҳримиз энг қора кунин, ўзининг энг катта мусибат кунинин бошдан кечираяпти. Бугун Самарқанд аҳолисининг юраги қон, кўзи ёшли, чунки Беҳбудий ва унинг уртоқлари шаҳид қилинган. Бугун Самарқанд маорифчилари бир йиллик кутиш ва умидворликдан кейин энг азиз, буюк устоди, бир раҳбаридан жудо бўлмоқдалар. Унинг мотам маросимини бир таассуф ва андуҳ билан ўтказмоқдалар. Бугун Маҳмудхужаниннг шаҳид бўлган кунин, катта ва кичикни, ёшу қарини бу андуҳ мусибатга солган.

Маҳмудхужаниннг ўлимин биргина Самарқанд аҳолисинин эмас, балки 10 миллионлик Туркистон аҳолисинин ҳам мотамзада ва мутаассир қилди. Бугун бутун Туркистон миллати бу мотамда иштирок қилиб, қора кийиб, сийнасинин чок қилган. Бугун Самарқанд мусулмонлари улкан, бебаҳо хизматлари учун унга биродарлик ва ҳамдардлик изҳор этиб, ул шаҳидининг муборак руҳи равонинин ўзларидан рози ва шод қилмоқдалар.

Унинг 30 йиллик хизмати беҳад ва беҳисобдирки, бу қоғозларга синамайди ва буни ожиз қалам билан адо этиш мумкин эмас...

Маҳмудхужа миллатимизининг биринчи маориф ва маданият ношири, Маҳмудхужа миллатимизининг энг буюк жамоат арбоби эди. У бир замонларски, тараққиёт ва маориф ҳақида гапирмоқ гуноҳи азим ҳисобланиб, мактаб ва жаронд (газета, журнал) ҳақида гапирмоқ кофирлик саналган кезларда мардларча майдонга чиқиб, жаҳолат, нодонликка қаршин баҳодирларча қурашга чақирди.

Ўзининг равон нутқлари, таъсирчан мақолалари билан мусулмонларни гафлат уйқусидан уйғотиб, уларни илму ирфонга яқинлаштирди. Ул зотининг раҳ-

намолиги остида шаҳримизда биринчи жадид мактаби очилди. Биринчи миллий рўзнома чоп этила бошланди. Бир замонлареки, бизнинг кишварда театр бир фахш ва қуфр намунаси саналарди, у киши томонидан биринчи сахна асари «Падарқуш» таълиф қилинди. У кишининг сояи раҳматида бизнинг шаҳримизда биринчи исломий қироатхона, кутубхона очилди.

Марҳум Беҳбудий ўз ақидаси ва мақсади йўлида на уламоларнинг маломатлари, на мустабид ҳукмронларнинг таъқибу қаршиликлари ҳаққоний маслағи ва муқаддас мақсадидан қайтара олмади. Сабаби, маориф ривожини мусулмонларни баркамол қилишга камарбаста эди. Бас, бир дақиқа ҳам уни бу йўлдан тўхтаста олмадилар. У сабот ва матонат билан шугулли бўлди, заҳар-заққумлар ютди. Кечалари ётмади, кундузлари роҳат билмади. Мусофират ва гурбат азобларини тортди. Китоб ва рисолалар ёзди, журнал ва газеталар чоп эттирди. Мақола ва чақириқлар чиқарди, токи мусулмонлар гафлат уйқуендан уйғонсинлар, жаҳолат гирдобидан чиқиб, маданият ва маърифатга юзланишини ҳидоят ва далолат қилди.

Октябр (воқеалари)дан кейин Беҳбудий учун на уламолар таъқиби ва маломати, ва на ҳукумат тарафидан аниқла қолмаган эди. Шаҳид Беҳбудий турт қўллаб мийлат ишига киришганди. Бирга ўн гафрат билан фаолият бошлаганди. Сиёсий мажлисларда ва расмий маҳфилларда қатнашиб, мусулмонларнинг сиёсий ва миллий ҳуқуқларини мудофаа қилди. Уларнинг аҳволи, маншатларини яхшилаш учун курашди. Бу талабларни Самарқандда бажара олмаганларида, у Тошкентга бориб, Марказий ҳукумат билан тортишиб, ўз муқаддас мақсадининг бир қисмига эришди. Аммо бир воқеадан кейин (Осипов воқеаси) шуро ҳукумати даврида маҳаллий аҳоли ҳақидаги фикри ўзгарди. Уларнинг қупол муомалалари ва уринсиз ҳаракатлари учун Ватанин тарк қилиб, вақтинча бўлса ҳам сафар қилиш (мақсади бизга номатуғ) мақсади билан йўлга чиқди ва йўлда, Қаршида, уртоқларни билан шаҳидлик шарбатини ичди!

Шундай қилиб, бу ягона мутафаккирни, фарзона файласуфни маданият душманлари ваҳшийларча ўлдириб, уни пок баданини муборак қонига ботирдилар. Бу тошжорак бедодгарлар, куршаналакдай ёруликдан қочиб, узларини зулматга урмоқдалар.

Улар билим шуъласини учирмоқ учун Бехбудийни уртоқлари билан қонларига ботирдилар!.. Ҳайҳот, лекин эзгу ниятлари ва буюк мақсадларини улдира олмадилар!.. Ё улдира олдиларми? Бугун уларнинг ҳамма ният ва мақсадлари тирнк ва абадий яшайди. Бугун биргина Самарқанд аҳолиснинг минглаб товушлари эмас, балки миллионлаб Туркистон аҳолиси шаҳидларининг муқаддас арвоҳи олдида сукут сақлаб: «Сизларнинг улут мақсадларингиз сари шитилиб шаҳид булганингиз учун биз Сизнинг муқаддас пок қонингиз қасдини душманлардан олмагунча бу мотам либосини ечмаймиз. Бехбудий ва уртоқларининг қони беҳуда тукиладиган қон эмас. Келинг, уларнинг бир томчи қони учун минглаб жаллодларнинг, маданият ва инсоният душманларининг қонини тукдирайлик.

...Саййид Тоғи уғли Фарҳод Ализода бобоси Саййид Ализода ҳақида эшитган ва билган хотираларини сузлаб берди.

## ВОҚЕАНОМА

### *Мавлоно Баракатуллоҳ*

Ҳинд олими Баракатуллоҳ Самарқандга, Ализода жаноблари билан шахсан танишиш ва суҳбатлашиш учун, ташириф буюрадилар. Саййид Баракатуллоҳ маҳаллага бориб, боғбон Муртазоқул бобога дуч келади ва ундан Ализоданинг уйларини сурайти. Муртазоқул бобо меҳмоннинг узга юртдан келганини пайқаб, уз ҳовлисига чорлайди ва угли Мирзо Яҳёга амр қилади:

— Бор, Оға бобонгни чақириб кел.

Саййид Ризо меҳмон келганидан воқиф булиши ҳамоно отланиб чиқадилар. Ул зот меҳмон билан қуюқ саломлашиб, қучоқлашиб, упишиб қурншадилар. Мирзо Яҳё ҳайрон — лол қолади ва отасидан сепин улар қайси тилда сузлашаётганларини сураганида, хабар топадики, ҳинд тилида суҳбатлашаётган эканлар.

Уй бекаси дарҳол дастурхон келтиради. Ҳар хил ноз-неъматлар тортилади. Гуштлик овқатларни тановул қилишаётганда соҳиби хонадон узининг гуштга парҳез сақлашини айтиб, узрхоҳлик қилади. Меҳмон парҳезнинг сабабини сурништирганида, Ализода Муртазоқул бобо гушт истеъмол қилса, қорни оғриниши ташунтиради. Меҳмон дейдиким, «Саййид Баракатул-

лоҳ бу ерда ҳозир экан, мезбон баҳузур гушт сийиллари муҳим». Шу сўзларни айтиб, енидан бир нав дори чиқазиб беради. Боғбон дорининг шифобахшлик хусусиятларини узида синаб кургач, угли Мирзо Яҳёга буюради:

— Тойчоғим, югургилаб борингда, отни буюққа олиб келинг. Ҳазрат меҳмонимизнинг қўллари енгил экан. Шояд от жониворнинг ҳам қўзи очилса.

Маълум буладикки, яқинда бозордан сотиб олинган отнинг бир қўзи кўр экан. Марҳаматли меҳмон енидан тоққон сингари бир дорини олиб, отнинг кўр қўзига пуркайдди. Анча вақтгача кўр қўздан шовиллаб ёш оқадю, от икки қўзи билан кўрадиган бўлиб қолади.

Мавлоно Муҳаммад Баракатуллоҳ Ҳиндистон муслмонларидан бўлиб, машҳур тилшунос ва файласуф олим саналган. Токио ва Чикаго университетларида форс ҳамда араб тилларидан дарс берган. (20-йилларда йўқсуллар «дохийси» Ленин билан учрашган). Ҳиндистон билан Русия уртасилаги мадания алоқаларни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшган. Самарқанд музейида мавлоно Баракатуллоҳ ҳақида маълумотлар сақланган.

#### АЛИ АКБАР СОБИР ТОҲИРЗОДА

Озарбойжоннинг атоқли ҳажнавис шоири Али Акбар Собир Тоҳирзода 1909 йилда Шамохи шаҳрида бегоб бўлиб етганида Саййид Ризо ул зотни бориб кўрадилар. Самарқандга қайтгач, икки маротаба пул тушлаб, яқин дўстлари орқали бериб юбордилар. 1911 йилда Собир оламдан ўтганида, Ализода дўстлари билан бирга қирқ кун мотам тутинишди. Адиб ҳақида хатми Қуръон утказдилар.

#### ИСМОИЛБЕК ФАСПИРАЛИ

Асримиз бошларида турклар оламида, жумладан бизнинг Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг тамал тошини қўйганлардан, Боғчасаройлик маърифатпарвар, Парижда халқаро Нобел мукофотига тавсия қилинган зот, Қрим татарларига биринчи мактаб очиб, уларга алифбе ва дареликлар ёзган, илк татарча русча луғат тартиб берган, Русияда 1889 йилдан бошлаб туркий тилда «Таржумон» газетасини чиқазиб тур-

ган, Қоҳирада араб тилида «Алнийёз» («Уйғониш») газетасини таъсис этган Исмоилбек Гаспирали (Исмоилбек Гаспринский) 1904 йилда Самарқандга келиб, Саййид Ризо Ализода билан илк топқир танишди ва фикрлашадилар. У Ализода билан дийдор куришганидан ва суҳбатлашганидан бениҳоя мамнуният ҳосил қилади. Саййид Ризонинг Самарқанд шаҳрида янги мактаби Исломия очиш ҳақидаги саъй-ҳаракатларини, режа-тадбирларини бусбутун маъқуллайди ва бу хусусда уз маслаҳат ҳамда мулоҳазаларини изҳор этади. Бир неча кун унинг уйида меҳмон булиб тургач, Ҳиндистонга жунайди.

1908 йилда Исмоилбек Гаспирали иккинчи марта С. Ализода билан учрашиш ниятида Самарқандга келади. Саййид Ризонинг янги мактабини куриб қувонади. Уша кезлари, «Ҳаёт» номли янги мактаб очиш ниятини эшитиб, хурсанд бўлади.

Умрининг сунгги палласида Самарқандда истиқомат қилган қрим татар ёзувчиси, раҳматлик Абдураим Илос угли Шайхзоданинг гувоҳлик беришича, Исмоилбек Гаспирали Қрим газеталарида 1906-1911 йилларда Ализода ҳақида гоят жозибадор мақолалар ёзиб турган.

#### ФАЙЗУЛЛО ХУЖА

1918 йилда Саййид Ризо «Шуълаи инқилоб» ҳамда «Бухорои шариф» номли журнал ва газеталарда «Бухоро, уйғон!» деган оташин мақоласини чоп эттирган. Бу мақолани ўқиган ёш бухороликлар уни «Ситора» деб тилга олганлар. Мазкур мақолани ўқиб, мутаассир бўлган Файзулло Хужаев Самарқандга, муаллиф Саййид Ризо ҳузурига учрашувга келади. Унинг уйида уч-тўрт соат қизгин суҳбат бўлади. Файзулло учрашувдан зур қониқиш ҳосил қилиб, қайтиб кетар экан, уни Бухорои шарифга меҳмонга таклиф этади. Ўзи Бухорога қайтгандан сунг, ёш дустлари ва сафдошларини туплаб, учрашув таассуротларини батафсил сузлаб беради. Орадан куп утмай, 1920 йилда Файзулло Хужаев собиқ Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимига тайин этилади. Бу хабарни эшитган Ализода угли Саййид Тоғи ва шогирди Ғулом Али Қосимзодани қабатига олиб, Бухорога боради. Аркка етишганида, мелиса ходимлари уларни тухтатади. С. Ализода «Биз эшонжоннинг ҳузурларига

келдик» дегандан сунг, маъсул ходим Арк ичкарисига кириб кстади. Орадан куп утмай, Файзулло Хужанинг узи эгнида чарм камзули билан чикиб келади. Кучоқлашиб, упишиб куришганларидан сунг, уларни уз иш кабинетига таклиф қилади.

Худораҳмати Саййид Тоғи Ализоданинг гувоҳлик беришича, Файзулло турт соат давомида ҳузурига ҳеч кимни киритмасдан, у билан яккама-якка суҳбат қилади. Суҳбат адогига етганида, меҳмон хайр-маъзур тутиб чиққан чоғида, Файзулло Хужаев ёзма амр қилиб, уларни файтунга утқазиб жунатар экан, Бухоро Республикасининг Халқ таъминоти бўлимига равона бўладилар. Маълум бўлишича, бояғи хат омбор мудирн номига ёзилган экан. Унга кура, ишчилар омбордан бир қолча қанд, бир яшик чой, бир яшик совун ва икки туп газламани чиқазиб, файтунга ортишади. Бухоро шаҳридан Когон бекатига келишиб, у ердан посэдга чиқазиб қуйишади. Самарқандга келиб тушгандан сунг, шаҳарда яшайдиган аҳволи ночор, муҳтож, етим-есирларнинг руйхатини тузиб, бояғи нарса-ларни уйма-уй тарқатадилар.

...Ажаб замонлар, ажаб одамлар, ажаб ишлар.

Талончи чор Русияси амалдорлари узларининг Марказий Осиеъни мусаххар қилиш режаларини, маҳаллий халқларга булган нафратини, инфлос улугдавлатчилик қарашларини яширганлари йук. Чор тузумини маҳв этиб, уларни зеру-по қилган худосиз, дие-натенсиз, насл-насабсиз, иймонсиз урис ва турли «русийзабон» йуксул қизил муртадлар, миллати ва динидан қатъий назар, барча халқларга ёрдам, тегилик, равнақ, дориломонлик ваъда қилган ҳолда, узларига жуда устамонлик билан тобеъ ва мутеъ қилган улкаларни руй-рост таладилар, табийий бойликларини ташиб кетдилар. Миллатларни итоатгуй кулларга айлантирдилар, илгор, фидойи зиеллиларни иблисларча алдаб, тузоққа илтигирдилар ва, охир-оқибатда, уларни турли йуллар билан йуқотдилар. Бадном қилдилар, қаматдилар, отдилар, мудҳиш қийноқларга гирифтор айлаб, даҳшатли улимга маҳкум этдилар. Мен бугун Файзулло Хужаев билан Саййид Ризо Ализодаларнинг тақдирини уйлаганимда, икки буюк инсон, қизил Масков ва «пролетариат дохийларининг» ҳийла-найрангларига чув тушган ва, бунинг оқибати ўларок, азиз бошларини кундага қуйган икки алп баҳодирнинг жонли тимсоллари куз унгимда



гавдаланади... Бу исчук бедодликким, инсоний ҳамиятнинг, уз эл-юртнинг, халқнинг, миллатнинг озодлиги ва равнақи йулида энг эзгу ишларинг учун сени хуррият «даҳолари» ... дорга оссалар!

#### «ГАДОЙ ХАЛТА»

Юқорида бир карра эслаганимиз воқеа билан боғлиқ гап борким, Бош қаҳрамонимиз қандай инсон эканлигига дахлдорлиги боис, бунда келтираман.

Маълумингизким, марҳаматли укувчим, 1919 йилда Самарқанд шаҳар тумани Боғишамолда бизнинг шафқатли Саййид хайрия ташкилоти тузган. Сабаби, шаҳарда вабо (улат) тарқалган, очарчилик авжида булган. Хайрия мутасаддийларининг мақсади шаҳардаги камбагал, бева-бечора, ногирон, етим-есирлар ҳамда вабога чалинганларга моддий ёрдам кўрсатишдан иборат булган. Ализода билан бирга табиблардан Атоуллохон, Мерлис, Дейч, Забинин, доктор Фарҳодий ва бошқалар беморларни текин муолажа қилишган. Озиқ-овқат ва маблағ тўплаш хусусида хайрия ҳайъати аъзоларини саховатпеша, хайрихоҳ давлатмандлар хузурига юборишган. Эътиборли, нуфузли мутасаддийларнинг узлари эса хасис, қурумсоқ кимсалардан пул тўплаш учун боришган. Шунда ашаддий очкуз бойлардан бири, юзсизлик қилиб, Саййид Ризога деган:

— Ого, буйнингизга турбо осинг!..

Ализода «хуп, хуп» деганлару, қулларини куксига қуйиб қайтиб кетганлар.

#### РАВВИНСКИЙ ЁХУД ЗИНДОН САБОҚЛАРИ

##### ПРОКУРОР

Владимир шаҳар қамоқхонасининг махсус хизмат булмаси. Прокурор турма бошлиғи Раввинский билан суҳбатлашмоқда.

— Майор, кунглингизга олмангу, уз хизмат вазифангизни бажаришингиздан қониқиш ҳосил қилмадим. Уйлаб кўринг. Сиз билан биз бу ерда осойишта отамлашиб утирибмиз. Худди шу дақиқаларда одамлар жанг майдонларида жон олиб, жон бераётти. Совет аскарлари социализм галабаси учун куксини пулетга қалқон қилаётти. Сизлар эса бу ерда миждовла-

ниб, чалажон бир маҳбуснинг тилини калимага келтиролмайдиган ҳолатда. Бундан қандай тушуноқ керак?

Шаллақиб дажжол-прокурорнинг говак дагдасини, ифтогарона тааддиларидан турма нозирининг ҳуши бошидан учадиган. Зеро, бундай ҳолларда бошдан ҳуш тугул, елкадан бошнинг ўзи учиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Маҳбус нари турсин, ўзининг муҳофазаси қилишининг ҳам амри маҳол. Нозир Раввинский бундан яхши тушунарди. Шу билан прокурор билан адик-бадик айтишиб ўтирмай, ўз «айбига» иқдор бўлиб қўяди.

— Уртоқ прокурор, танбасинингиз урилинди. Айбдоримиз.

— Ундай бўлса, — гапини давом эттирдиган прокурор амр-насиҳат оҳангида, зудлик билан ишга киришининг. Сиз, ахир, чекләнсангиз. Ализода сизнинг хорижий агентуранинг ёлланма хавфли жосусларини уриб-сукиб, қийнаб енгизиб бўлмайдиган. Нима қилиш керак? Узингиздан қолар гап йўқ. Алданг. Лақиллатинг. Ишончсиз қозонинг. Рўхнинг таъсир утқазинг. Шундай қилинганда, у сизга мутлақ ишонсин. Зарур бўлса, ул-бул ҳужжатларни ҳам расмийлаштирган бўлинг. Хайрихоҳлик, керак бўлса ҳамдардлик изҳор этинг. Уйланинган, дунёда сиздан-да ишончлироқ инсон, дўст йўқ. Қисиниб-қимтиниб ўтирманг. Сизга ажратилган маҳсул жамғарма бор. Қўлингиз узун. Қўрумсоқ бўлманг. Ализодага яхши гапиринг, қўлингизга қўл солинг.

Яна бир тарафи: фашизмга қарши кураш ҳам адоғига етай деб қолди. Ажабмас, яқин келажакда биз яна бутунги иттифоқчиларимиз: Америка, Англия, Франция билан ҳудудларни бўлиб олиш, тажовузкор Германиядан товон туллатиш масалаларида янги урушга, дипломатия жангу жадалларига жалб қилинганмиз. Ким билсин. Сиз Ализаданинг устаси фаранг тил билгичи, инглиз, франсуз, олмон тилларини, ҳатто қадимги яҳудий тили — иврит (иброний)ни жуда пухта эгаллаганидан хабардор бўлсангиз керак. У ўн икки тилда бемалол гаплаша олади. Уқдингизми? Бундай одамни қайқандан топасиз?! Дарвоқе, унинг «Инглизлар ва ислом дунёси» мақоласини ўқиганмиёсиз? Албатта ўқиб чиқинг. Уч буюк давлат раҳбарларининг Тсхрон конференцияси атрофидаги гап-сузларга диққат қилинг. Яқин фурсат ичида Ализода сизнинг бошдан зотлар бизга асқотиб қолиши мумкин. Бундан унутманг. У алоҳида ҳисобда турсин. Куздан қочпрманг.

Емонни кўрмай, яхшининг қадрига етмайсан, деган гап бор. «Уртоқ прокурор»нинг таъриф-тавсифи ва мулжали турма позирининг хушини жойига келтирди. Унинг куз унгида Саййид Ризо қиёфасида бу ерда, мудҳиш Владимир зиндонининг яккасини хонасида («одиначка»да) сиз касалига чалиниб, кулча булиб ётган манови нотавон, ожиз «чалажон» кимса эмас, балки инсониятнинг катта ҳурматга лойиқ, зукко фарзандларидан бирининг тимсоли гавдалана бошлади. Шу зайл, Раввинскийда бу «соснализм душманпга» инсбатан қандайдир илиқлик пайдо бўлди.

— Ҳузуримга сизнинг маҳбус Ализодини келтиринглар, — деб буюрди ёрдамчисига майор Раввинский.

Орадан ярим соатлар вақт утмай, икки соқчи кузатишида маҳбусни унинг ҳузурига олиб келишди.

— Сизларга жавоб, керак бўлганда ўзим чақираман, — деб соқчиларни кўйиб юборди. Сунгра ёрдамчисини чорлаб, қабулхонасини ташқарисидан қуриқлаб туришни буюрди.

— Муҳтарам Ализода, Сиз билан узоқ юзма-юз суҳбатлашамиз. Шунинг учун менинг хос хонамга марҳамат қиласиз.

Шундай деб уни ўз кабинетининг ичкари, хуфя хонасига бошлади... Бу хилватгоҳга овқатланиш учун стол ва стуллар, диван, радиоприёмник, идиш-товоқлар учун жавон, иккига юмшоқ утиргич (кресло), уртасига хонтахтага ўхшаш пастаккина столча қўйилган. Хосхона соҳиб «меҳмонни» юмшоқ утиргичга таклиф қилди. Бизнинг жаноби Саййид ўзига кўрсатилаётган бундай қутилмаган сирли иштифогдан ҳайратланиб, мажолсиз бир ҳолда, афтодаҳол, ҳушёр тортиб турарди. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда кўйруқ на қилур»...

#### «БАЗМИ ЖАМШИД»

— Сиз томонларда, жаноб Ализода, «аввал таом, баълаз калом» деган нақл бор. Мен йиғирманчи йилларда Туркистонда хизмат қилганман, тақсир... Баҳузур утиринг. Бугун Сиз маҳбус эмас, менинг меҳмонимсиз. Дунёнинг ишлари шунақа. Начора. Айтгандай, ўша йиғирманчи йилларда Сизнинг «Инглизлар ва ислом дунёси» деган мақолангиз қулогимга чалин-

ганди. Уша мақолангиз ва уткир чиқишларингиздан инглизлар ҳам Сиздан куп «мамнун» булишган эканки, бошингиз учун эллик минг фунт-стерлинг мукофот ваъда қилинган. Қаранг-а, энди бу ёқларда хорзор булиб етибсизу, аслида, жаҳон бозорнда нархингиз жуда баланд экан! Мана энди «улар» билан «бизникилар» уртасида бошингиз учун «кимошчи» савдоси авжида. Дунёнинг ишлари уйдон қизиқ. Сиз уз вақти-замонасида Шуро ҳукуматиға катта хизматлар қилгансиз. Инчунин, Урта Осиё ва Кавказ мишгақаларида Шуролар уз тузуми ва тартибларини урнатиш учун Буюк Британия билан талашиб-тортишганларни хусусида бир ўйлаб кўрганмисиз?

Гап орасида нозир юмшоқ утиргичлар уртасиға қўйилган стол устиға нон, колбаса, икки дона стакан билан бир шиша «бояги»дан (ароқ) чиқазиб қўйди.

— Гражданин Ализода, Сиз бир таниқли аллома инсонсиз. «Инглизлар ва ислом дунёси» мақолангизда ажнабий истилоҳларни фойда этгансиз. Хўш... Айттинг-чи, вақти-соати келиб, Сизнинг уз халқингизни хўшёр тортишға, кўзини очишға қаратилган оташин гапларингиз Шуро ҳукумати ва бөлшевиклар партиясининг раҳбарларини ҳўчитиб юбориши мўмкинлиги ҳаёлингизға келмаганми?

Нозир сўнгги луқмани айта туриб, хона турида деворға илинган «халқлар доҳийси» Иосиф Виссарион ўғли Сталинининг портретига тағдор ишера қилди.

— ...

— Нон билан манови колбасадан тановул қилинг. Стакандаги ароқдан ичинг.

Ализода нон ва колбасадан ичға татинган будди. Аммо стаканға қўл узатмади.

— Мен рухсат бераман: ароқдан ичволинг.

— Кечирасиз, гражданин бошлиқ, мен эътиқодим юзасидан ароқ ичмайман.

— Боғишамол туман партия кўмитасининг саркофиби булиб турган кезларингизда ҳам ичмаганмисиз?— қизиқсинди нозир, «дағал вазиятға нозик шама» қилиб.

— Ароқ ичмаганман. Бироқ қўлбола мусалласни буюк ҳақим Абу Али ибн Сино билан Умар Хайём ҳам баён-баёнда шифо уғул буторишган.

— Ундай бўлса, мен Сизни ҳар сафар терговға қақдирганимда «Кагор» виноси билан сийлайман. Фа-

қат кайфи чоғлиқ учунгина эмас. «Кагор» қонни куй-пайтириб, киши баданига қувват беради. Очигини айтсам, Сизни манфур тўхматлардан мен ҳам, мендан каттароқ одамлар ҳам қутқаза олмайди. Лекин... Узимга берилган ваколат доирасида Сизга ёрдам бермоқчиман. Эвазига битта шартим бор: менга иброний тилидан пинҳона даре берасиз. Келишдикми?

— Мен розиман.

— Бу гап фақат икковимизнинг орамизда қолиши керак. Оғзингизга маҳкам одамлигингизни билган ҳолда бу гапни айтаяпман. Бутундан бошлаб мен Сизга шогирд тушаман. Бутганими?

— Келишдик.

— Ундай бўлса, марҳамат: манови «Беломор-канал»дан олиб чекинг.

— Чекмайман. Раҳмат.

— Чакки қиласиз. Олинг, олаверинг. Узингизга тамаки ва қоғоз беришларини сураб, прокурор номига ариза ёзинг. Яккашин хонангиз (камерангиз) жойлашган булмага дурустроқ назоратчиларни қўяман. Тамакини уларга берасиз. Қоғозга эса дилингиздаги гапларни битасиз. Вақт-вақти билан хонангизга узим кириб, тинтув утказган буламан. Ёзувларингизни «делонгизга» тикиб қўявераман. Бир кун келиб керак булади. Дарвоқе, Сизнинг турли ташкилотларга ёзган мактубларингиз бари уз «делонгизда» сақланаяпти.

Кейинги гап Ализодага жуда ёмон таъсир қилганини пайқаган Раввинский дангал туғрисида айтиб қўя қолди:

— Биздан хафа бўлмайсиз, биродари азиз. Бу ернинг уз ёзилмаган қонунлари бор. Агар Сизнинг хатларингизни жунатиб юборсак борми, орқасидан узимизнинг думимиз тугилади. Шундай йуриқнома бор.

## МУХТАСАРНОМА

\* Бокуда С. Ализода номида куча бор. Самарқандда — куча ва 14-мактаб номи берилган.

\* Оиласи: угли Саййиш тоғи, қизи Саидажон... Неваралари: Ховар, Фарҳод, Парвиз, Фарруҳ, Зебо, Бахтиёр, Гулруҳ, Хурмуз...

\* Абулқосим Ал-Ғанжавийнинг янги усулдаги мактабида таҳсил курган.

\* 20 дан зиёд етим болани уз қарамоғига олган.

\* 1905 йилдан бошлаб «Самарқанд» рўзномаси

ҳамда «Мулло Насриддин» мажалласида (Озарбойжон) чиқиб турган.

\* У қандай қилиб «панисломчи» буладикки, С. Ализода билан алоқада булгани учун Зиёмуҳаммад деган одамни Эрон маъмурлари улимга ҳукм қилган булса...

\* Саййид Ризонинг Самарқанддаги уйида Чулпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниезий, Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутийлар бўлиб туришган.

\* Самарқандда яшовчи маҳаллий уриси ва русийзабон аҳолига узбек, тожик тилларини ўргатувчи сабоқлар (курслар) ташкил этган.

\* Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» румони унинг таржимасида босилиб чиққан. Сталинобод-Ленинград: Тожикдавнашр, 1936. 333 бет. 1973 йилда тожик тилида қайта нашр қилинган.

\* Саййид Ризони узбеклар, форслар, озарбойжонлар, тожиклар ва туркманлар ҳам уз намояндаси деб билади.

\* 1905 йилда, 18 ёшида, Самарқандда янги услубдаги мактаб ташкил этади. Мутаассиблар бу мактабни 1912 йилда бекитиб қуядилар. 1913 йилга келиб, маслакдош дустин Ҳалим Каримнинг ҳовлисида «Ҳаёт» номи мактаб очади. Чор амалдорлари бу мактабни ҳам 1915 йилда ёпиб ташлайдилар.

\* Самарқандда озарбойжон торзалари (торчилари)нинг концертларини уюштирган. Узи улар билан бирга саҳнага чиқиб тор чалган. 1919 йилда Узеир Ҳожибековнинг «У бўлмасин, бу бўлсин» асарини саҳнага қўйган ва унда узи муҳаррир ролин ижро этган.

\* «Маданияти ислом» асари Покистонда чоп қилинган. Лоҳур, 1927 (форс тилида). 240 бет.

\* Ёзган хатлари «Моресолот» номи остида жамланиб (194 бет), Лоҳурда (Покистон) 1923-1933 йилларда беш марта форс тилида чоп этилган.

\* В. В. Бартолднинг «Туркистон ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асари дастлаб усмонли турк тилида Мухторбек таржимасида чоп этилган. Туркчадан форсий, афгон, урду тилларига С. Ализода утирган ва бу китоб 1926 йилда Лоҳурда босилиб чиққан (370 бет).

\* «Саодат асири» румони (1924) ҳамда шеърини мажмуалари 1925, 1926, 1928, 1934 йилларда Лоҳурда чоп этилган.

\* «Владимир»хонада шундай рақам дарж этилган: у «юқорига» 400 та хат ёзган. Шулардан 40 таси —

Сталинга, Молотовга, Кагановичга, Ворошиловга йуланган.

\* «Урисча-тожикча мукаммал лугат» муаллифларидан бири. Икки жилд. (1933-34). Тожикдавнашр, 1933.

Тузувчилар С. Р. Ализода, Али Исмойилзода, Муҳаммаджон Юсуфий, Раҳим Ҳошим.

Таҳрир ҳайъати: С. Айний, С. Р. Ализода, Али Исмойилзода, Раҳим Ҳошим ва Муҳаммаджон Юсуфий.

Абдусалом Дехотий ёзди: «Хотирамдан сира чиқмайдн: ушбу лугатни (мукаммал урисча-тожикча лугат назарда тутилади. — Ғ.С.) тартиб берувчилардан бири Саййид Ризо Ализода, тожик тилининг илк сарф (морфология) ва наҳв (синтаксис)нинг муаллифи бўлган бир олим, кучама-куча, эшикма-эшик юриб, турли-туман касб кишилари: деҳқонлар, темирчилар, қасоблар ва бошқаларга мурожаат этиб, атамалар ва халқ ибораларини улардан сураб йиғнаган эди».

\* Терговчи: «Сен, инглиз шпони, шунча тилни биласан: инглиз, фаранг, форс, иброний, араб... Қайси разведкага хизмат қилганингни айт!..»

\* Фарҳод бобосининг бугин-бугинидан ажралиб турган суякларини гурдан бирма-бир териб олади. Жағи бош суягидан ажралиб чиққанида, қарасаки, биттагина тиши сақланиб қолган экан. 59 — ешда-я!..

\* 2287 -иш (дело) С. Р. Ализодага мансуб.

\* Ленинга 12 саҳифалик хат ёзган. Бу хат ҳозиргача топилмаган.

\* «Маърифат қаҳрамони» фахрий унвони таъсис этилиб, у атиги 2 кишига насиб этган. Бири — Садриддин Айний, яна бири — Саййид Ризо Ализода.

## ҲАДИСИ ШАРИФ

\* Муъминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик булишлари керак. Бу бош оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабидир.

\* Илми урганиб, сунг уни бошқаларга ургатмаслик гуёки молу дунёни йиғиб, сарф қилмай кумиб куйиш билан баробар.

\* Яхшиликни чиройли юзли кишилардан кутинглар.

\* Ешларигизнинг яхшилари — узини катта ешдагилардек оғир тутадиганларидир. Катта ешдагиларнинг ёмонлари эса — узини еш болалардек енгил тутадиганларидир.

## ҲОРДИҚ ҚҰНАЛҒАСИ

Сайинд Ризо Ализода: Биринчи йил. Туркистон ибтидоий мактабларининг биринчи синфи учун тартиб берилгандур. Наширэт ширкати «Зарафшон». Самарқандда Ғазоруф матбаасида таъъ этилди. 1917-1935.

### ЎҒРИ

Бир угри кечаси бир камбағалнинг уйига кирган эди. Ҳарчанд уйни ахтарди, бир нарса топа олмасди. Уйнинг эгаси эса уйгоқ эди. Бошини кўрпадан чиқариб, айтди: «Азизим, беҳуда ташвиш тортмагин, чунки сан кечаси ахтарган нарсани ман кундузи бу уйдан топа олмайман».

Угри онинг бу сўздан кулиб, чиқиб кетди.

### ОЧКЎЗЛИК

Бир бола йўлда қичқириб йиллар эди: «Нимага йилгайсан?» деб ундан бир йўловчи сўради. «Бир мири пулимни йўқотдим». Йул утувчи: «Йилгама, ма санга бир мири». Бола пулни олиб яна йиллади. Йул утувчи: «Эмди нимага йилгайсан?» Бола: «Агар бир мири пулни йўқотмаган бўлса эдим, эмди пулим икки мири бўлур эди!»

### ДЕҲҚОН ИЛА ОШНАСИ

Деҳқон бозорга беда опорур эди. Йўлда ошнаси ила учрашиб саломлашди.

Ошнаси: — Нима ташвишсиз, уртоқ?

Деҳқон: — Уту!

Ошнаси: — Қандай уту, юкингизда беда-ку!

Деҳқон: — Агар бедалигини билсангиз, нимага сўрайсиз?

Ошнаси айтган сўздан нушаймон бўлди.

### ҲИММАТЛИК ГАДОЙ

Бир гадо ҳар кунни шаҳарга чиқиб, кўчаларни кезиб, пул сўрар эди. Оқшомга бориб, тушланган пуллари ни навосиз одамга берур эди. Биров ондин мунинг сабабини сўради. У деди: «Ман бир чароғ ҳукмида-



ман. Узгалар-чун узимни ёндираман. Уз нафъига ҳар киши югурур, узга нафъига эр киши югурур.

**КИТОБДА УЧРАГАН АЙРИМ МАҚОЛ,  
НАҚЛ ВА ҚАЙРОҚИ СЎЗЛАР**

- \* Игна барчани кийинтирар, лекин узи ялангоч.
- \* Курга кеча ила кундуз баробар.
- \* Олимнинг фасоди — оламнинг фасоди.
- \* Тақво тасбеҳда эмасдур.
- \* Бировнинг мусибатига хурсанд булма.
- \* Ажал ҳеч кимга муҳлат бермас.
- \* Худонинг рисқини еганда, шукрини ҳам қил.
- \* Қора кунга сурма керак эмас.
- \* Осуда булай десанг, бировга зомин булма.
- \* Худонинг мисли йўқдур.
- \* Улим ҳақ, мерос ҳалол.
- \* Золимнинг охири ямондур.
- \* Давлат куфр ила қолур, лекин зулм ила қолмас.
- \* Кунгли қарога ваъз асар қилмас.
- \* Бировнинг айбини изҳор қилмоқ айбдур.
- \* Ҳар ишда низом керак.
- \* Зоҳирда қузи, богинда бури.
- \* Бировнинг уйига изнсиз кирма.
- \* Неъматда ҳозир, хизматда маъзур.
- \* Дона-дона хирмон бўлур.
- \* Ақл саллада эмас, каллададур.
- \* Баққол синганда дуконида наққошлик қилур.
- \* Аррани ички тарафга тортарлар.
- \* Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қули-дур.
- \* Аввал эҳтиёт, сунгра таваккул.
- \* Бировни иззат қилган узи азиз бўлур.
- \* «Исроил» ҳазрати Яъқубнинг лақаби эди.
- \* Ҳар ким ойнада уз сувратини курур.

# ТАСБИХ

## 6-фасл

### МАШРИҚЗАМИН

(Ўзбек шарқшунослиги ҳақида ўйлар)

#### ҚОМУСИЙ НАШР

Малик Абдусаматовнинг «Ўзбекистон шарқшунослари» мажмуасини варақлар эканман, бизда шарқшунослик фанининг тараққиёт ва инқирозга юз тутган давлари кино тасмасидай куз унгимдан ута бошлайди... (Тошкент, 1996). Бу соҳада купчилик олимлар ва «олим булмаган»ларнинг ҳаёти ва тақдирин билан танишаман. Хурматли Малик оғанинг меҳнатига таҳсин ўқийман, шу вайданки, биз ҳар гал фан ва долзарб муаммолар ҳақида гапирмишми, шу фанни яратган ҳалол инсонларнинг узини унутамиз. Уларнинг кимлигини, шахсини танимайдиганлар ҳам топилади. Олайлик, академик Борийхон Аҳмаднинг (Буривой Аҳмедовнинг) «Мирзо Улугбек», «Тарихдан сабоқлар», «Амр Темур» сингари қомусий ва бадий асарларини энтиқиб ўқиймишми, муаллиф ўзи кимлигини ҳамма билвермайди. Академик Убайдулла Карпмовни «Розий, Ибн Сино ва Берунийни элига қайтарган аллома», «илмда денгиз яратган», «мозий билан сузлашган», «шарқшунослигимиз сардори» деб таъриф-тавсиф қиладилар. Дарҳақиқат, биз Абу Али ибн Синонинг «Қонун фи-т-тибб» асарини арабчадан ўзбек ва ўрне тилларига унинг томонидан қилинган таржималарда ўқиймиш. Ар-Розий, ал-Қумрийнинг рисола ва лугатлари билан ҳам шу кимёгар-шарқшунос олим таржимаси орқали танишамиз. Узини, бошқа ишларини эса яқиндан билмаймиш. Шунингдек, Алибек Рустамий, Неъматулло Иброҳим, Азизхон Қаюмов, Эргаш Рустам, Ориф Усмон, Шоислом Шомухаммад, Асомиддин Уринбоев, Раҳима Аминова, Исмаилов Абдуллоҳ, Муҳаммаджон Имомназаров, Абдусодиқ Ирисов, Кавомиддин Муниров, Темур Мухторов ва бошқалар ҳақида ҳам бу ерда энг зарур маълумотлар берилган.

Фан тармоқлари ҳақида гап кетганда уларнинг та-

ниқли намояндалари билан юзма-юз учрашиш имконидан қанчалик хурсанд бўлсак, Ўзбекистон шарқшунослиги, унинг тарихи ва истиқболи, мутахассислар олдида турган муаммолар ҳақида ҳам ўйлаш фурсати стганини ҳис этамиз.

## МАШЪУМ «2» ҲАҚИДА ЧЎПЧАК

Яқин ўн йиллар нарисида биз ҳаммамиз, «аждодларимиз ялпи саводсиз бўлган (халқимиз орасида 2 фонз одамлар саводхон эди)», деган ғирт ёлгон гапни «умумий хор» бўлиб такрорлаб келдик. Одам-ку одам, калтак зарбидан ҳатто ногорадан ҳам садо чиқади, дейишади. Қаранг-а, тазйиқ ва таёқ остида шундай устаси фаранг «мулла» бўлган эдикки, «улуғ огаларимиз» у ёқдан қандай амр қилишса, қулларча итоат этиб, бояги машъум «2»ни такрорлайверибмиз. 2! 2!! 2!!! Уйламабмизки: келиб-келиб узимизнинг «жоҳиллигимизу нодонлигимизни» жаҳонга куз-куз қиламизми! Инсоний ҳамият, нафсоният, ғурур поймол қилинган жойда ҳар қандай биллурий маънавий қадриятлар ҳам барҳам топар экан. Гап борким, агар бир одамга минг марта «сен тунгизсан» десанг, у ҳуриллаб юборадди. Етти иқлимга донги кетган жаҳонгирлар, саркардалар, мутафаккирлар, олиму уламолар, тахт ва салтанат эгалари томонидан камоли эҳтиром билан отдан тушиб ялангоёқ юриб утилган, тош-тупроги тавоф қилинган манзилгоҳлар, қадимий ноёб ёдгорликлар бузилди, гора қилинди... Мислсиз тарихий обидаларимиз, табиий ва маънавий бойликларимиз узоқ шимол тарафларга ташиб кетилди. Мачиту мадрасаларимиз, расадхоналаримиз, хонақоҳлар кумиб юборилди, омборхона ва молхоналарга айлантирилди. Узимиз узимиздан мосуво бўлиб, манқуртлаша бошладик. Улуғларимизнинг арвоҳлари чирқираб қолди. Битмас-туганмас ер усти ва ер ости табиий бойликларга ҳам қаноат қилмай, ҳатто қабристонларимизни очиб, улардан... олтин, дур, сийм, зар, забаржад, гавҳар, худо билсин яна нималар ахтардилар! Хуп, майли. Етти ёт, узгани-узга дейсан киши. Улардан не суд, не мурувват! Узимизга нима булди, узимизга?! Эс-хушимизни ким угирлади бизнинг?

Спра ёдимдан чиқмайди. Ўзбекининг қайси бир улкаси шишган шоири узини-ўзи фош этишда манфурона бир муқояса туқиган эди. Эмишкни, қадимул айём-

да барча бирдай саводсиз булган. Бир «катта қишлоқда» атиги бир нафар саводхон бор экан! У ҳам булса—мачитнинг суфиси. Энди (қирқинчи йиллар назарда тугилади) ҳамма бирдай саводхон булибди-ю, бояги қишлоқда биттагина саводсиз одам қолибди: уша суфи!.. Эсанг қотади кишининг. Қани энди маддоҳшопиримиз бугун ҳаёт булсалар-у, келиб курсалар. Уша-уша қишлоқда бутунги кунда узимизнинг минг йиллик арабий ёзувимизга деярли ҳеч кимнинг тиши утмайди. Елгон булмасин, кундуз кунни чирог ёқиб ахтариб, ҳар қалай, бир саводли кишига дуч келасиз: бошидан минг бир балоларни кечириб, узоқ Сибир сургулидан нечук тасодиф-ла омон қайтган ҳув-в-в уша мачитнинг қартайиб, тутдай тукилган шурлик нуроний суфиси!

### СУВ БОШДАН ЛОЙҚА ЭДИ

Мурдор оврупомарказчилик майллари барча шарқона миллий қадриятларнинг тагига сув қуя бошлади. Муқаддас миллий қадриятларнинг бозори касод бўлди. Турғушлик, маънавий чириш, жоҳилият деб тарихга кирган минг бошли фасоднинг иллатларидан энг кўп зиён қурган соҳалардан бири, бу, шарқшунослик бўлди. Зеро, узимизда, номига, «хўжа курсинга» ундабунда шарқона йўналишдаги мактаблар, институтлар ва факултетлар, диний билим юртлари булгани билан, биз учун амалиёт сарҳадлари ниҳоятда тораён қолганди. Ғарб ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳатто Шарқ мамлакатларида ҳам (Хитой, Япония, Қурия, Эрон, Афгон, Покистон, Туркия, Араб давлатлари...) элчионалар, ваколатхоналар ва амалий фаолиятнинг барча соҳаларида аксарият «улуғ оғалар», русийзабон миллат кишилари, славяшлар хизмат қиларди. Гуё бизнинг «қолоқ» республикага «ёрдам» тариқасида! Майли-да. Шарқнинг тизгини Масковнинг қўлида сақлаб келинди. Мусулмонларга, маҳаллий миллат одамларига ишонч йўқ, бинобарин, уларга деярли барча хорижий эшиклар тақа-тақ берк эди. Бутун дунёга «тенглар ичра тенглик» сиёсатини қўзқўз қилган собиқ Шўроларнинг риекорона расмий сиёсати шундай бўлди.

## БЎЛАР ЭКАН-КУ!

Муаззам Истиқлол барча соҳаларда булгани сингари, айниқса Шарқшунослик дидерининг эшикларини ланг очиб юборди. Кимнинг, ҳатто энг жасур тахаййулот соҳибининг тушига кирувдики, Республикамиз уз мустақиллигини қулга киритишлиги. Уз тақдирини уз ибелгилаган ҳолда, жаҳон ҳамжамиятида уз муносиб урнини топишлиги. Минг йиллик тарихий узанларни қайтадан кашф этишлиги. Уз миллий салоҳиятини намойиш эта бошлаши. Уз ота-боболари, қадим аждодларининг руҳи равонини шод этиб, улкан замонавий иншоотлар қуришга дадил киришуви...

Булар экан-ку!

Жуда қисқа муддат ичида пойтахтнинг қоқ уртасида Амир Темур бобомизга салобатли ҳайкал урнатилди. Соҳибқирон Темур байтул саждагоҳи — кузларни қамаштирувчи гузал, мовий-ложувард шарқона музей қад кутарди. Бу билан «узбеклар иши», «пахта иши», «рашидовчилик» деб йиллар давомида таҳқирлаб келинган она Ватанимиз фуқаролари, уз азму қарорларини намойиш этиб, буюк, шавкатли бобомизнинг зеру-по қилынган хокини боши узра баланд кутарди.

Булар экан-ку!

Арвоҳ рози — худо рози, дейдилар. Арвоҳ туймай, тирик туймайди, деган ҳикматли гап ҳам бор. Истиқлол жаноби олийларидан бобокалон аждодларимизнинг руҳи равонлари рози булсин илоҳим, ва улар ҳам бизга маънавий кушиш қилсинларким, Ўзбекистон халқлари, купмиллатли аҳил ва якдил эл-элатлар узларига насиб этган ёрут йулдан оғишмай борсинлар энди. Тоқим тоабад баралла айта олайлик:

Булар экан-ку!

## НОНДАЙ АЗИЗ КИТОБЛАР

Шарқ нашриётчилиги соҳасида сунгги йилларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Мавлоно Оловиддин Мансур ҳозирги узбек тилида табдил ва тафсир қилган Қуръони Карим бир неча топқир босилиб чиқди. Турт жылдан иборат Ҳадиси шарифларимиз уч юз минг нусхада чоп қилинди. Шариятта, илоҳиётга доир бир қанча ноёб асарлар билан танишдик. Тагин бир қанча ишлар кишини хурсанд қилади. Булар: «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясининг,

кузга яққол ташланадиган айрим галат ва гализликларини назардан соқит қилганда, тарих, археология, шарқшуносликка оид тавсифот қисми (Қомуслар Бош таҳририяти, 1997). Бунда асрлар давомида топталиб келган бой тарихимизни асл ҳолида, қандай бўлса шундайлигича ўригишга интилишни жасорат деб биламиз. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари таржимаси («Ўзбекистон» нашриети, 1996). Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си таълиши. («Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997). «Амир Темур жаҳон тарихида» китоби («Шарқ», 1996). Икки ҳолни алоҳида таъкидлаймиз. Биринчи: мазкур нашрларнинг ҳар бири ҳар бир ўзбек хонадонининг қалби тўридан жойи олишга арзирли экани. Иккинчиси: бизда нашриёт-матбаа маданияти (айниқса— «Шарқ» концерни!) тобора юксалиш сари бораётгани. Китобдан-китобга, нашрдан-нашрга миллий матбаачилигимиз сайқал тонаётибди. Аксарият, безакларнинг тиниқлиги, баён, имло ва ишонинг текислиги ўқувчида қониқиш туғдиради.

#### ЕТУКЛИК

Ўзбек шарқшунослик мактаби узининг бой илмий-амалий тажрибасига эга. Унга 1918 йили Тошкентда Туркистон Шарқшунослик институтини таъсис этилиши билан асос солинган эди. Орадан 79 йил ўтди. Утган вақт ичида шарқшунослик мактабимиз узига хос шонли ва изтиробли тарихий йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон фан арбоби Насрматулло Иброҳимовнинг шаҳодат беришича, ҳозиргача 6 академик, 5 мухбир-аъзо, 12 фан арбоби, 264 фан доктори ва номзодлари ҳамда давлат арбоблари етишиб чиқди. Бу туғилмага киририлганлари. Муаллифнинг эътирофи қилишига, юзлаб мутахассислар ҳақида маълумот туғлашининг имкони бўлмаган. Лекин шу рақамнинг ўзи ҳам ўтган биркам 80 йил вақт ичида нималарга қодир бўлганлигимиздан далолат беради. Умуман, ўзбек шарқшунослик мактаби «бутун Марказий Осиёда ...турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ишига асос солди».

Узоқ йиллик сарсон-саргардонликлар, табиий ўсми қийинчиликлари, ишончсизлик, қисқариш, текланиш ва депрессиалардан сунг, Истиклолга қадар кечган даврда ҳам айрим тиниб-тинчимас, фидоий олимларнинг жаҳду жадали билан аллақанча йирик

нашрлар юзага келган бўлса-да, аҳвол аянчли эди. Чунки шарқшунослик бу Шарқ халқларининг узлигини урганиш илми деган суз. Бу эса Кремлга ёқмас эди. Улар зарурият юзасидангина бу илм даргоҳини ноилож ушлаб турардилар. Уқув предметлари юқоридан исканжага олинганди. Барибир, 1918 йили отабоболаримиздан оқ дуойи фотиҳа олган Шарқшунослик карвони уз сафарида давом этди. Бутунги кунда мазкур уқув даргоҳида 300 нафар мураббий таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг 170 нафари фан доктори ва номзодларидир. Бундан ташқари, Институт аспирантурасига 100 дан ортиқ иқтидорли ёшлар 12 ихтисослик бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу улкан илмий имкониятдан далолат бериб турибди. Бизда шарқшунослик илми узининг юксалиш ва тараққиёт узанига қайтмоқда.

### ЙЎҚСУЛИЙ ТАФАККУР

Замон тақозоси туфайли утган Шуролар даврида тадқиқотлар мавзусида чекланишлик рўй берди. Бирор илмий изланишга шарқшунос мавзуни албатта «яланг-оёқлар кузголониининг жамиятда тутган ўрни», «ўрта Осиёнинг Русияга гуё ихтиёрий суратда қўшилиши ёхуд қўшиб олинишими-ей», «инқилобий ур-йиқит, галаён ва исъёнчилар тарихи» билан боғлашга маҳкум этилган эди. Бу нақадар гализ, кулгили бўлмасин, барибир, Масков шунини талаб этарди. Ҳаммаёқ «марксизм-ленинизм» бозлик иддаолари билан тулиб-тошган эди. Шу боисдирки, тўшамда келтирилган 30 фоиз тадқиқотчиларнинг мавзуларида давр руҳи уфуриб туради. Бутун бу ҳолни тушунишга тегишмиз. Нега? Истаймизми-йўқми, бу уша давр қиёфасидан, тазйиқ, чеклаш-чекланишларидан далолат беради. Ачинарлиси шундаки, қаттол мустабид тузум не бир зукколарнинг меҳнатларини кукка совурди. Биз истеъдодларимизни бой бериш билан ютқаздик. Бир мисол. Ўзбекистонда ислом тарихи ва Қуръон маърифати соҳасида фалсафа фанлари доктори Муталлиб Усмонов (1924-1994) яхши мутахассис саналарди. Афсуски, раҳматлик уз умрининг сунги палласидагина иймон келтириб, бор ҳақиқатни ёзишга журъат этди. Унинг «Ислом ва демократия», «Имом Муслим ан-Найсобурий» ва бошқа бир талай ишлари ҳақиқий исломшунос тафаккурдан дарак бериб турибди. Бироқ у киши 30 йиллик амалий фаолиятини атеизм

масаласига, динни даҳриёна тушунтиришга бағишлади, бу соҳада ўнлаб рисоалар эълон қилди. Демакки, етук бир олимнинг истеъдоди ёлгонни исботлашга совури-либ кетди...

Шарқшунослик тадқиқотчилиги бундай муҳитда уз мавқеини манба ва матншунослик билан сақлаб келди. Мумтоз фан ва адабиёт матнларини «синфийлик» ва «фирқавийлик» андозаларига солиб қупол равишда бузиш ҳолларини демаса, умуман, бу борада муайян ютуқларга эришилди. Инчунин, қуп кучли шарқшнос-ларнинг фаолиятида тилшунослик йўналишида илмий изланишларнинг стакчи бўлганлиги яққол кузга таш-ланади.

## ИЛМУ АМАЛ

Кейинги йилларда юртимизда Шарқ маданияти, ислом тарихи ва тасаввуф таълимотига онд изланиш-лар имконияти туғилди. Шунда айрим мутаассиб шарқшуносларимиз, ҳатто илгарн даҳрийликдан лоф-қоф урган устаси фаранг олимлар бир думалаб ислом-шунос ва тасаввуфшуноса айланиб олдилар. Бир умр биқик муҳитда, қизил сафсата сотиб келган одамдан соғлом фикр чиқиши душвор эканлиги тобора аён бўлиб қолмоқда. Уларнинг айтаётган доно «тасавву-фона» гапи билан амалда қилаетган интиҳойи «ғалат» ишлари бир-бирига мос келмай турибди. Чунончи, ота-онага мурувват, фарзандга шафқат, ожизларга ку-мак, бева-бечораларга марҳамат туйғуси бўлмаган, ти-ли билан дили, суврати билан сиёрати номутаносиб шахсни комил инсон деб булармикан? Ҳадиси шарн-фимизда айтилишича, илмига амал қилмаган олимдан устига китоб ортилган эшак яхши. Улар исломшунос-лик билан тасаввуфшунослик баҳсларида гоҳо бутун-лайи бир-бирига энд фикрларни уртага ташламоқдалар. Бу эса «янги» маънавий турғунлик, бидъат ва назарий чалқашликларнинг тугилишига олиб келади, холос.

Ишонгим келадикн, кўхна ва навқирон шарқшу-нослигимиз янги уфқларни забт этиш арафасида ту-рибди. Доцент Малик Абдусаматов қаламига мансуб «шахсий» қомусий асар илмий соҳа ва амалий фао-лият тажрибаларини узнда ифодалайли ва истикболни белгилаб олишда яхшигина дастур булади. Бу бирин-чи тажриба. Нашр буздан кейин янада такомиллашиб боради, деган умиддаман.



Китоб нашри муносабати билан мавзуга доир яна бир қанча фикр ва мулоҳазалар, таклифларни илгари сурмоқчиман. Ўзбекистон шарқшунослари деганда бу ерда номлари дарж этилган айрим атоқли олимлардан ташқари, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхужа Бехбудий, Миновар Қорн, Садриддин Айний, Саййид Ризо Ализода, Иброҳим Мумин, Яҳё Гулом, Воҳид Абдулло, Воҳид Зоҳид, В. В. Бартолд, Е. Э. Бертелс, А. А. Семёнов, Михаил Салие, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, И. И. Умняков, А. Ю. Якубовский, Г. П. Матвиевская, А. К. Боровков, Иззат Султон, Р. Г. Муқминова, М. А. Абдураимов, Ашраф Аҳмад, Музаффар Хайрулло, Порсо Шамси, Ҳамид Сулаймон, эшонн Қутбиддин Муҳиддинов, Солиҳ Муталлиб, Собиржон Иброҳим, Ботирхон Валихужаев, Фозила Сулаймонова, Нажмиддин Комил сингари олимлар, Ваҳоб Раҳмон, Олимжон Бурнев, Маҳмуд Ҳасаний ҳамда кекса, кўплари марҳум бўлиб кетган Фузайл Маҳсум Исломов, Расулов, Муродий, Зуннунов, Абдулла Носиров, Юнусхон домла ва бошқаларнинг ёрқин тимсолларини куз олдимизга келтирамиз. Уларнинг номлари китобда учрамайди. Сабаби маълум. Мажмуага фақат ТошДУнинг собиқ Шарқ факултетини битирган васиқали мутахассислар киритилган. Менимча, бундай тамойил унчалик дуруст эмас. Чунки Тошкент Давлат университети Шарқ факултетининг араб, форс, урду, уйғур ва булак ихтисосликларини битирган болаҳонадор илмий унвонли зотлар орасида соф адабиётчи, тарихчи, ижодкор бўлиб кетган кишилар ҳам кўп. Баъзи бирларининг шарқшуносликка алоқаси нимадан иборат эканини ҳеч ким билмайди.

Гап саллада эмас, каллада. Васиқа ёки унвондан ҳам кўра амалий иш муҳимроқ. Умуман, ҳеч қандай илмий даражаю унвонга эга бўлмай туриб, ўз билим, тажриба, кумак, маслаҳатлари билан қанчадан-қанча олимга уламоларни оёққа тургазган инсонларнинг табаррук номлари бу ерда ўз аксини топса ёмон бўлмасди. Юқорида айтилганидай, «иғна жумлаин жаҳонни кийинтирадию, ўзи ялангоч» бўлиб қолмаслиги керак.

#### ПАРЧАЛАНИШ БИЗГА НИМА БЕРДИ?

Республикада иқтисодий, сиёсий ва маданий вазият ўзгариши, маънавият юзага қалқиб чиққани муно-

сабати билан илм-фан ва таҳсил муассасалари тармоқланиб, ҳар хил академия, университет, марказлар сонин ошди. Поиттах Тошкентда учта йирик, анча бақувват олийгоҳ ва илмгоҳлар бор. Булар: академия ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент Шарқшунослик институти, Ҳамид Сулаймон номидаги Қулёзмалар институти. Иккитаси илмий тадқиқотга, бири ёшлар таҳсилга асосланган. Ҳаёт шунини тасдиқладики, ихтисослашган кичик ҳужаликлар, ишлаб чиқариш корхоналари яхши самара берар экан. Бироқ илмий-тадқиқот ишлари, ёш мутахассислар тайёрлашда бундай майдаланиш, парчаланиш кутилган натижани бермайди, деб уйлайман. Менимча, ёмон бўлмаеди, агар бирлашган, йирик замонавий Шарқшунослик маркази тузилиб, минг йил олдин мавжуд бўлган Маъмур академияси сингари фаолият курсата бошласа.

Шарқшунослик академияси буладими, марказ буладими, дорилфунун буладими, қандай аталишидан қатъий назар, ҳар хил табиий ёки тасодифий офатлардан техникавий тарафдан муҳофазаланган қудратли ссртармоқ илмий-таҳсилний иншоот яратиш зарурати борга ухшайди. Бу жабҳада ҳозиргача амалда қўлланилиб келатган анъанавий қуршма ҳамда куникмалар энди узини оқламаётган куринди. Зикрхона бир ёқда, ҳалимхона бошқа ёқда булаётгани сингари. Натижада олийгоҳларда ўқиш-ўқитиш билан банд бўлган домлалар узининг «ишлаб чиқариш» — бирламчи, энг зарур илмий манбаларидан ажралиб қолаётти. Илдизи қирқилган ёки тош устига уриятилган дарахт кўкармайди, ҳосил бермайди. Қарабсизки, олимларимиз, ҳатто энг закий тадқиқотчиларимиз ҳам институт ёки университет таҳсилда, ўқиш-ўқитиш ишларида оқсайди. Мавзунини дурустроқ тушунтириб беришолмайди. Тингловчиларнинг қалбига ва ишончига кириб боролмайди. Ерқин, жозибадор маъруза ҳосил бўлмайди. Илмий савия, амалий куникмалар савияси ҳамин қадар бўлиб қолаверади.

### **ЙЎҚОТИШ УЧУН ТОПМАГАНМИЗ-КУ**

Бошқа ёқдан, бундан ҳам аянчлироқ нарса шуки, қулёзмаларнинг сақланиш ҳолати, ишланиши ҳамма жойда ҳам қониқарли эмас. Танамизга уйлаб ку-

райлик. Узоқ хоригдан келган олий мартабали давлат арбоблари, ҳукумат бошлиқлари, ҳатто ҳарбий саркардалар, олайлик, асфалт заводи, паррандачилик фабрикаси, қушхона ёки пилла ширкатиини эмас, биринчи галда қаерларни зиёрат қилади? Вақтлари қанчалик энқ булмасин, илм-фан ва тарбия масканлари, миллий маданият учоқлари, дин ва санъат кошоналари, қадимий қўлёмалар жамғармаси, пойтахт Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ҳамда водийдаги ноёб тарихий ёдгорликларни бориб куришади. Минг йиллар давомида зарҳал-нақшинкор, қушгиратор қилиб ёзилиб, қули гул хаттоғлар томонидан кучирилган, не ҳасратда йиғилган қўлёмалар, бирламчи манбалар халқимизнинг олтин жамғармаси, миллий маданиятимизнинг нефтихори ҳисобланади. Уларни инжу доналаридай йиғиб олган эканмиз, сунгра ўн йиллар давомида зах ертулаларда абадий чирнига маҳкум этмоқчи булмаганмиз, шекилли! Ҳолбуки, улар орасида дунёда ягона нусхалар бор. Қўлёмаларнинг бойликларини эҳтиёт сақлаш, аниқлаш, саралаш, илмий тавсифлаш, чалкашиб ётган каталогларни тартибга келтириш зарур. Ҳаммасидан бурун, унутмаслик керакки, китоб жамғармалари омборхона эмас. Улар ҳам яшайди, уринади, қарийди, дардга чалинади, улади. Шунинг учун сақланиш шароитларини тубдан яхшилаб, махсус кимёвий моддалар билан ишлов бериб, умрини узайтириш, биринчи галда мутлақ ночор ҳолатга тушиб қолган ноёб китоблардан эҳтиётлаб, шилинч суратда нусха кучириш зарур.

### ИНСОН, БУ, ХОТИРА ДЕМАК

Мутафаккирлар, олим уламолар борки, уларнинг ижоди бизгача хиёла мукамал ҳолда етиб келган. Бундай пешонаси ярқираган зоти поклар жуда кам. Купчилик буюк инсонлар (Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ат-Термизий, Абу Мансур ас-Саолибий...) яратган асарларнинг, урта ҳисобда, ҳар 100 тасидан 15-20 таси ҳам етиб келмаган. Алғов-далговли асрлар қаърида йуқолиб кетган, бир қисми йуқотилган. Жуда купчилигининг тақдирини маълум эмас. Бор-йуқлигини ҳеч ким билмайди. Дунё афкор оммаси, некбин одамлар уларни ҳамон қидиришда давом этади...

1420 йили машҳур Улугбек мадрасаси курилиб бит-

гач, биринчи дарсни утишни уз даврининг улкан олим Муҳаммад Хавофийга ишониб топширилган. Олим шу қадар мураккаб, чуқур маъруза уқиганки, бунн юзлаб билагон мударрису муллаваччалардан фақат икки киши: Мирзо Улугбек билан Қозизода Румий тушунишган, холос. Дардан сунг Улугбек Қозизода Румийни бир чеккага тортиб, шундай деганлар:

— Бордию, алҳазар, кутилмаган бирон фалокат руй бериб, ҳамма китобларимиздан ажралиб қолганимизда ҳам, мен энди чучимайман. Зеро, мавлоно Хавофийнинг ёдидан ҳаммасини кучириб олиб тиклашлик мумкин.

Хайриятки, бахтимизга мана шундай интихойи баркамол, тиниқ хотирага эга, забардаст олимлар бор. Ҳозирги вақтга келиб миллионлаб, миллиардлаб ахборотларни хотирасида сақлаб қоладиган ақлли машиналар кашф қилинган. Энди барча қулёзмаларни ана шундай компйутерларнинг хотирасига солиб қуйиш имкониятига эгамиз. Бу жуда катта маблағ сарфлашни талаб қилади, албатта. Оддий ҳисоб-китоб шундайки, бир сўм сарфланмаса, ун сўм келмайди. Улкан маънавий-тарбиявий фойдасидан ташқари, бу ишга сарфланган ҳар бир сўм юз сўмни узи билан бирга олиб келиши нақд.

### ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ НОНИ – ҚҶЛЁЗМА

Урмонлар, сув ҳавзалари, кенг маънода, табиатни асраш, ср остн бойликларини, миллий қадриятлар, тил, урф-одат, удумларимизни муҳофаза қилиш ҳақида гаширамиз. Ҳазрати одамнинг жисмоний ва рухий поклигини сақлаб қолиш ҳақида баҳс юритамиз. Худди шунингдек, бебаҳо қадимий қулёзмаларимизнинг бутлигини таъминлаш хусусида астойдил уйлаш, гапдан амалий ишга утиш фурсати етди, деб уйлайман.

Ҳозирги, гоҳо чидаб булмайдиган аҳволни уйлаб тонг қолсан киши. Бундай олганда, қандай фарқи бор: бебаҳо қулёзмалар қизил жоҳилният даврида ҳар хил ташландиқ жойларда, овлоқ ерларда, унгир ва горларда, қабристонларда «сақланиб», дабдала булиб кетган экан, бунги сирти силлик, чиройли биноларнинг пупанак боғлаган диққинафас китоб омборлари ва ертўлаларида узил-кесил хароб қолга келса, йуқолса, ташиб кетилса, пинҳона сотиб юборилса, бу жи-

ноят-ку. Бунинг учун бизни аждодларимизнинг арвоқлари ҳам, авлодлар ҳам ксчирмайди.

Гап фақат умаришда, сотиб юборишда ҳам эмас. Асрий, кўхна, тарихий обидалар арклар, қўрғонлар, мачит-мадрасаю мақбаралар қайта тикланыапти, таъмирланыапти, «асл» ҳолатига қайтариляпти... Қандай яхши! Кўхна китоблар, шаҳодатномалар, фармони олийшон, таъбирнома, шажараномалар, вақфнома, васиқалар, олиймаоб ҳужжатларга муносабат ҳам худди шундай булиши керак. Бу йўналишда ҳеч қандай иш қилинмаяпти, десак ноинсофлик булар эди. Соҳанинг уз жонкуярлари бор. Масала умумий аҳволнинг ночорлигида. Бизнингча, утмиш тарихий ёзма обидаларни, бебаҳо қўлёзмалар ва манбаларни ҳам ана шундай таъмирлаш, уларни бугунги онг-шууримиз, ахлоқ ва маърифатимизга кенг миқёсда хизмат қилдириш устида бораяпти. Қанийди, юқорида айтилганидай, жаҳон андозаларига тула жавоб берадиган улкан замонавий Шарқшунослик иншооти барпо этиб, таҳлил ва тадқиқот, таҳсил ва нашр, тил, лугат, қомус, таржима ишлари билан кенг куламда шугулланадиган чинакам Марказ яратилса. Шарқшунослик, ҳаётнинг узи сингари, жуда ҳам кенг, бепоен соҳа. Айниқса, Ўзбекистон шароитида. Бу ерда улкашунослик, тарих, фалсафа, тил билгичлик, таржима, лугатчилик, қомуччилик, иқтисодиёт, дипломатия, халқаро алоқалар, ички ва ташқи сиёсат бари муҳимликда бир-биридан қолишмайди. Айни вақтда, буларнинг кўпчилиги матнга вобаста. Матн, бу ёзма хотира экан, матн бўлмаса лугат ҳам, таржима ҳам, боринги, китобнинг узи ҳам йўқ деган суз. Бас, матн ва матншунослик айрича аҳамият касб этади. Шарқшуносликда матн бўлмаса, ҳеч нарса йўқ. Қолган ҳамма нарса «чиroyли гапдан» бошқа нарса эмас.

Ишонамизки, Ўзбекистон Шарқшунослиги мустақиллик даврининг бошқа буюк илмий-маънавий иншоотлари бағрида янада юксак чуққиларни забт этади. Таскин ва илинж шуки, унинг уз пирлари билан бирга илму хунарга чанқоқ ёш, иқтидорли авлоди бор.

---

(«Машриқзамин» Абдумалик Еқубов билан ҳамкорликда ёзилган)

# ҚАТРАЛАР

## 7-фасл

### ДАРҒИИ АЗИМ

*Барча иш осон эрур,  
Машрабкн, муминлик қийин.*

#### БИР ПИЁЛА СУВ

РИВОЯТ қиладиларки, устод Иброҳим Мумин (7.09.1908-22.07.1974) бундан ярим аср муқаддам (1941) «Ҳесел диалектикасининг асл мағзи» мавзудидаги номзодлик рисоласини ёқлар экан, Айиний домла ишга расмий мутасаддийлик қилган. Бошқа бир йуриқда Садриддин Айиний тадқиқотчининг Абдулқодир Бедил фалсафасига муносабатига тўхталиб, деган экан: «Ёш илмий даъвогар Иброҳим Муъмин, баъд акнун, мавлоно Мирзо Бедил фалсафаси уммонидан бир пиёла сув олиб ичибтур». Бу орада қанчадан-қанча сувлар оқиб кетди...

Хотираларимнинг катта бир фасли жанобингизнинг академик Иброҳим Мумин билан шахсий ҳамда хизмат юзаендан булган муносабатларимизга бағишланган. Ул зоти шариф билан менинг орамизда бўлиб ўтган наст-баланд воқеалар тасвири ҳам унинг типик сийрати уммонидан бир пиёла сув, холос. Бу ерда ифтихор ҳам, пушаймон ва афсус-надоматлар ҳам бор. Муомала-муносабатларимизда инсоний самимият ила кескинлик, оталарча гамхурлик ила қаҳр-газаб, таъкиб ила марҳамат ҳам бисъер. Ифтихор қилишга арзигулик муқаддас туйғулар билан бирга, мени уша олтмишинчи йиллар адоғида ошлам, учта ёш боламни тишимга тишлаб, куч-кўронимни ортмоқлаб, шаҳар-ма-шаҳар дарбадар кезишга маҳкум этган телба ҳаёллару, дард аламлар ҳам мажруҳ қалбимда таҳ-батаҳ... (Баҳсни кейинроқ давом эттираман).

Уша даврларда Бухорон шариф ва Самарқанд тоғларини сийнасидан сирқиб чиқиб, бора-бора шукуҳли пойтахт шаҳри Тошкандда салдам билан тошдан-тошга урилиб оқайтган азим дарёга айланмиш Иброҳим домла, етмиш тўртинчи йилга келиб, бир пиёла сувдай тўкилди-кетди...

Мулла булсанг такрор қил, дейдилар. Маълумингизким, бахтим шунда эдики, 1956 йилдан эътиборан тақдир менга ун уч йил мобайнида валломот, беназир инсон, покдомонлик тимсоли Иброҳим Муминнинг назари остида булишни насиб этди. Устоднинг жонли қиёфаси, феъл-атвори, сахт-сумбати ҳали-ҳамон кўз унгимда гавдаланиб, токи ширин шевашигача қулоқларим остида жаранглаб туради. У маънавий пир мақомда эди қаминага. Мен бу одамга муносабатдошлигимдан, беш йил мобайнида Ўзбек Қомуси ишлари бўйича аввал мулозим, куп утмай Бош муҳаррирининг биринчи уринбосари бўлганим боис, у билан елкама-елка меҳнат қилганимдан беҳад хурсандман.

Афсус, умрининг сўнгги йиллари оғир кечди. Ҳайҳот, кажрафтор даҳри дун ундан ўзининг энг эзу ишлари учун уч олгандай булди. Эсизки, устод Қомус саҳифаларида феодал утмишни гуё маҳобатлаштиргани, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини чоп этишга кушиш қилгани, Амир Темури Қурагон ҳақида илк дафъа, мунофиқона «дустлик», «тенглик», «байналмилаллик» аталмиш зиндоннинг темир панжараларидан чиқиб, қисиниб-қимтиниб булса-да, жиндай рост гапни айтишга, «Темур тузуклари»ни боемадан чиқаришга журъат этгани учун шафқатсиз сазойи қилинди. Таъқибга дучор бўлиб, сурулиб қолганида, мен нотавабон у билан енма-ён була олмадим. Чунки бу кургиликлардан олдинроқ ўзим ҳам сурилиб кетган эдим.

### ЙЎҚДАН БОР БЎЛАДИМИ?

**ОЛИМЛАР БОРКИ, ЎЗ ДАВРИНИНГ** гоёвий тамоилларига қўлларча асир бўлиб яшайди. Булар илмфаннинг кўпиги, маддоҳлар. Ўзига хос сиёсий «шарҳловчилар».

Маънавий турғунлик, инқироз, чириш деймиз. Дунёнинг олтидан бир қисмида жамиятни бу қадар танг аҳволга солиб қўйган ким? Албатта, бошқа сайёралардан келган сирли мавжудотлар эмас. Ўзимизнинг кўпсонли «доҳий» ва «доҳийчаларимиз», «ёғлиқ-ёғлиқ еган», «дунё маним деган» сиёсатдонлар ва уларнинг иродасини етмиш йил муттасил амалга ошириб келган жамиятшунос мафкурачилар.

Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида ижтимоий-

сиёсий ва ғоявий-идмий мафқурани омманинг онгига сингдириб келганларнинг йирик намояндаларидан бири академик Иброҳим Мумин эди.

Нима ҳам деймиз. Замон узи шундай эди. Дейдиларки, Иброҳим ака «Материализм ва эмпириокритицизм» асарини олти мартаба мутолаа қилган экан. Хуш? Ундан узига керакли жавҳарни топа олдимиз? Ҳар қандай кас даҳрийликка қуллик қилган ҳолда, қалбида худоси, зиёси, иймон-эътиқоди бўлган, жаҳон фани ва маданиятининг чинакам буюк даҳоларини, жазава устида, «бачкана», «хурофот», «хаслпараст», «алҳазар» деган сузлар билан росмана ҳақорат қилган одамнинг (Ленин) 55 жилддан иборат «Асарлар»идан узига керакли қандай малҳам топиши ҳам мумкин?

Бизнинг купмиллатли мамлакатимизда, «ленинча миллий сиёсат» натижасида халқлар ва миллий маданиятларнинг чинакам тенглиги таъминланди, деб дунёга жар солдик. Тенглик?... Агар тенглик шу бўлса, тенгензликни қандай тушуниш керак?

Мана, қулимда 1981 йилда шахри Масковда чоп этилган «Шуро қомусий лугати». Унда Пётр I га — 907, Иван Грознийга — 639 белги ажратилган. Бизнинг соҳибқирон Амир Темуримизга (қанча деб уйлайсиз?... ) — бор йуғи 226, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга эса атиги 346 белги берилган. Балки тасодифдир? Ундай бўлса, давом этайлик: М. В. Ломоносов (1789 белги), Ўбн Сино (532), К. А. Тимирязев (750), Абу Райҳон Беруний (368); Д. И. Менделеев (1133). Улугбек (369); Н. А. Некрасов (653), Алишер Навоий (566)... Буига нима дейсиз? Шундай эътиборли бир нашрда Шарқ билан Ғарб маънавий қадриятларига ажратилган уринлар таносиби ақл бовар қилмайдиган даражада ҳеч қандай муқоясага келмайди.

Бошқа, янада қабиҳ иллат. Номлари қайл этилган буюк сиймолар мисолида Ғарбу Шарқ қадриятларига берилган ҳажмлар йиғиндиси 8278 белгини ташкил қилади. Ҳолбуки, биргина Ленин таърифига 5733 белгидан иборат майдон шъом этилган эди. Бу рақамлар таҳлилга муҳтож эмас.

Йуқ нарсани йуқ жойдан топиб булмайди. Иброҳим Мумин шунинг учун ҳам ҳурматга лойиқки, у узларини «йуқсуллар доҳийси» деб билган зотларнинг бисотларидан аслида уларда йуқ нарсани ҳам топа олди. Чунончи, узининг ҳар бир асарида Лениннинг номини беҳад улуглади, уни боши узра қизил туг қи-



либ кутарди. Ва... фавқулодда ҳайратомуз мантиқ: рад эта олмасанг — қабул эт. Ёки: рад этиб қабул қилма, қабул қилиб рад эт.

Ленин асарларидан кундуз куни чирог ёқиб ҳам мусулмон Шарқи фалсафасини топа олмайсиз. Унда: Шулятиков бор — Ибн Сино йўқ. Богданов бор — Газзолий йўқ. Ломоносов бор — Беруний йўқ... Нима қилиш керак? Марксча-ленинча бирёқлама, сул овру-помарказчилик, манфур манқуртлик руҳида «тарбияланаётган» ва охир-оқибатда бизни аянчли аҳволга солган устивор таълимотга қандай муносабатда булиш лозим? Жумбоқ. Чигал тугун. Асло қабул қилиб бўлмайдиган маслакни рад этишнинг ҳам иложи йўқ. Нима деяпсиз?! Бу ҳақда уйлашнинг ўзи том маънода ҳалоқатли эди. Эси-ҳуши жойида булган қандай одам, жонидан туйибдимики, ўз ихтиёри билан бошини кундага қуйса?!

### ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА...

**ИБРОҲИМ МҶМИН** узига ўзи қул кутармади, албатта. У оқилона тadbир, узига хос заковат билан нигоҳини Шарқ манбаларига қаратди. Дунёда «энг илгор таълимотнинг» асл магзини эмас, балки... қобигини олди.

Давр талаби шундай эдикки, «буюк оганинг» илму фалсафаси ҳақида истаганча сафсата сотиш мумкин. Марҳамат. Бунинг учун маблаг, қоғоз, мукофотларни аяшмас, фақат «баракалла!» дейишарди. Аммо муаззам Шарқ фалсафасидан баҳс очсанг, уни моддийунчилик руҳида талқин қилмасанг, дарҳол «мишлатчи» ва «бидъатчи» бўлиб қолардинг. Бундай «шаккокликнинг» оқибати нима билан туташи маълум...

Ҳурматли укувчим. Агар академик Иброҳим домланинг урис тилида нашр этилган «В. И. Лениннинг фалсафий меросини чуқур урганайлик» (1973) деган йирик тадқиқотини варақласангиз, ҳайрон булманг. Китобнинг биринчи бетида Лениннинг супрадай сура-ти епиштирилган. Кейинги саҳифаларда: Гераклит, Демокрит, Арасту, Эпикур, ИБН СИНО, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ, УЛУҒБЕК, АЛИШЕР НАВОИЙ, ана ундан кейин... М. В. Ломоносов, А. И. Хертсен, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов ва Ҳегелнинг сиймолари тасвири келади. Булар орасидан узингизга керакли фалсафани топиб

олаверасиз. Чунончи, Абулқосим Фирдавсий, Аҳмад Фаргоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ар-Розий, Ал-Киндий, Юсуф Хос Ҳожиб, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчилар ҳақида хийла ноёб маълумотлар билан танишасиз. Жаҳон риёзети, ҳикмати, тиббиети, набототи, кимёси, маъданшунослиги, фалсафаси, илми мантиқ, илми нужум соҳаларида уларнинг беназир кашфиётлари ва тадқиқотлари, эиҷлари ва шарҳлари билан шуҳрат топган ушлаб қомусий алломалар ҳақида маълумот берилади. Бироқ таъкидлаш керакки, муаллиф илмий ва маданий алоқалар тарихи ҳақида баҳс юритганда, Шарқ фалсафасининг шукуҳию улуғворлигини даъво қилар экан, бунинг гарб манбаларига асло зид қўймайди.

Иброҳим Мумин барчага маълум шарқона ҳикматга амал қилди: замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Ва узидан қушди: аммо замонга шундай боққинки, замон ҳам сенга боқсин.

## СИНОТ

### (Воқеий ҳангома)

УЗБЕКИСТОНДА фалсафий фикр тараққиётида Иброҳим Мумин мактаби қарор топгани маълум. Бу мактабининг асосий тамойиллари: ахлоқий поклик, мантиқий изчилик, миллий теранлик ва даврий куламдорлик. Домланинг шоғирдларидан Музаффар Ҳайрулло, Саид Шермуҳаммад, Ҳайдар Пулат, Омонулло Файзулло, Анвар Шариф ва бошқа таниқли олимларнинг хизматлариши, уларнинг муайян амалий ишларини республика илмий жамоатчилигини яхши билди. Айни вақтда, уз устозлари қолдирган теран, бой, гоҳо зиддиятли ва баҳели маънавий меросининг туб маъно-моҳиятидан кўра, унинг қизил зирҳи, зоҳирий шаклинигина узлаштирганлар ҳам учрайди.

Бир кунини уч-тўрт файласуф дуслар билан гурунглашиб қолдик. Уша кезларда бир мунаққид олимнинг (Очил Тоға) «Туркистон» газетасида босилиб чиққан «Сукротнинг қотиллари» мақоласи устида гап кетди. Ҳар ким ҳар хил фикр айтди.

— Адабий танқидчи булсанг, философияга бурнингни тикиб нима қилсан! — дегувчилар ҳам бўлди.

— Рост-да, — унга қушилди яна бир таниқли файласуф, академиянинг мухбир аъзоси, давлат муко-

фоти совриндорн. — Айтгандай... Сукрот дегани узн ким?

Хангу манг булиб қолдим.

— Ким буларди, узингизнинг бобонгиз-да, — жавоб қилдим мен.

— Қанақасига менинг «бобом» булсин, — араз оҳангида гўлдиради димогдор арбоб. — Менинг бобомни етти даҳа танийди: Фалончи хужа!..

— Йук, тақсир, Сизнинг бобонгиз — айнан Сукротн ҳақим, — дедим мен, кулиб юборишдан аранг узимни тийиб. — Худди менинг бобом ҳазрат Навоний бўлганлари сингарн.

— Куриниб турибди: кимлигингиз бобонгиздан маълум.

Баттар ҳайрон булдим. Нима бу? Таҳсинни еки пичинг?.. Даврада утирганлардан бири менга кўзойнаги остидан маъноли қараб, кузини қисди. Билдимки, у сал «анақароқ»...

Мухбир аъзо узини фош этишда давом этди. Чамамда, Сукрот бобоси эмаслигини исботлаш учун узининг етти пуштини номма-ном санашга миясини нешлатган эди.

Шу тонда кимдир биров ишни бузди: Сукрот — бу... «Сократ» эканини эслатиб қолди.

— Э, шундайми ҳали? Узимизнинг Сократ денг!.. — худди Амриқони кашф этгандай хитоб қилди у.

Мен яна Алишер Навонийга ҳавола қилиб, «Хамса»да Афлотун, Арасту, Файлақус, Луқмон, Буқрот, Хурмус, Фарфинюс, Сукрот сингарн қадимги юнон ҳақимлари, кўслаб Фарб-Шарқ асотирларининг қаҳрамонларига нисбат берилган фалсафа ва ҳикматлар тилга олиншини эслатувдим, ҳалиги дўстимиз негадир анграйиб қолди. Лекин узича сир боий бермаган булди. Эмишки, Навоний унинг учун «философ» сифатида «авторитет» эмас, гуе шунчаки бир «адабиётчи!» Хоҳ кул, хоҳ ул. Унинг айтишгича, ҳозир Навоний замони эмас, Ленин замони эмиш... Ана холос! Чиндан ҳам, эй ёронлар, айтинг-чи, қайси замонда яшайпмиз, а?

Бир қарниш чўкиб кетдим. «Лайли ва Мажнун»да Қайиснинг ёнидаги кучукка ишора қилиб айтган сўзлари ёдимга тушди шу топда: «Бул ит эрмас, итлик — менда!» (Кейин билсам, шу тупори фан арбоби ҳам домланинг шогирдларидан булиб, Ленин фалсафасидан докторлик иши ёқлаган экан).

Биз узимизнинг ҳозирги ночор маънавий аҳволи-

миз учун нуқул собиқ марказ, қизил салтанатдан домангир буламиз. Бироқ! Уз тарихи, миллати, ватани, дини ва тилини ютган мана шундай муртадлар, динатенсиз сиёсат ногорасига «фокстрот» тушадиган мунофиқ «зиёлилар» булмаганида, бу қадар жаҳолатга ботмасмидик, оёқости булмасмидик...

Қассобдан чиққан жаллоддан олимдан чиққан жаллод емон, деб бежиз айтмайдилар.

## КАФТДАГИ ҚУЁШ

ТОВОНИДАН ут чақнаган шиддатли йиғитлик чоғим, беш йилим Узбек Қомуси даргоҳида утди. Қомус тамгаси бир умрга менинг чексиз фахрим, гурурим ва ҳасратим, уенишим ва инқирозимга айланди.

Марказдаги калондимоғ калтабинлар-ку уз йулига. Узбек тилида бир сатр ҳам ёза олмайдиган, алифни калтак деёлмайдиган узимизнинг «донишмандлар»дан худо асрасин. Купчилик илм аҳли, узларини салкам Луқмони ҳаким урнида курган файласуф ва тилшунос, тарихчию ҳуқуқшуносларимизни айтмайсишим! Улар ҳам узбек тилида олий мутафаннын нашр яратиш гоёсига «туя ҳаммомни орзу қилгандай бир гап» деб қараган эдилар. Ёдимда, академия Раёсатида таниқли бир тилчи олимимиз илмий истилоҳот (терминология) бизда ишланмаган. келинглар, Узбек Қомусини урис тилида чиқаза қолайлик, деганди. Тасаввур қилинг-а: Узбек Энциклопедияси... урис тилида!.. (Бунга қандай қарайсиз: узимизнинг Узбекистонда икки жылдан иборат пахтачилик қомуси урис тилида босилган? Узбекчага лоақал таржима ҳам этилмаган!) «Илгор» зиёлиларимизнинг савияси шундай эди. Ҳозир ҳам бундан жилла яхши эмас. Хайрият, сариқ-туриқдан келган Рижов деган академик бу таклифни уша заҳотнёқ рад-бадал қилди.

Узбек Қомусини ташкил этиш борасидаги сурункали фирибгарликлардан сунг, ниҳоят, Масков сафарига (1967) тақдир бизга кулиб боқди. Юз йиғирма нуфуз (штат), ҳар бири юз босма табақдан ун турт жылднинг барча матбаа-нашриёт сарф-харажатларшо, катта маошлар билан таъминланган фармони олийшон, мана, қулмда турибди. «Ҳей бадбин афандилар, қуряписизми, мана Урта Осиёда биринчи Қомус!» деб телбаларча қитқирим келарди. Мен учун кафтдаги қуёш эди бу. Шу бир парча қоғозда уша машғум тургуылик йилларида

узбек тилида қомусий нашрни орзу қилган, унинг тамал тошини қуйган одамохун, атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашид, узбек зиёлилари, фаннимиз ва маънавиятимизнинг тоғдай таянчи, пири комил Муҳаммад угли Ҳабиб Абдулло, Обид Содик, Иброҳим Мумин, Ходи Зариф, Нурулло Мурод, Аҳмаджон Ёқуб (Худо раҳмат қилсин уларни) ва бошқа фозилларимизнинг сиймоси ёришиб тургандай. Юрагим ҳаприқарди. Камина фирқабоши Мираҳмад Абдулло икковимиз бу хушхабарни етказиш учун собиқ пойтахтдаги «Масков» меҳмонхонасига елдай учиб борардик...

### ОРЗУЙИМ? ОДАМЛАРНИ БАХТИЁР ОНЛАРДА УЧРАТИШ

ИБРОҲИМ ДОМЛА ниҳоятда авзойи бузук, лоқайд, хомуш бир кайфиятда пинакка кетган эди. Бизга бутунлай маъносиз қийиқ куз билан зарда аралаш қараб, пичинг қилди:

- Ҳим... Нима қилиб юрибсиз?
- Шундай.
- Юраберасиз...

Шу пайт олий давлат маҳкамасидан олган ҳужжатларимизни у кишининг олдига, стол устига обориб қўйдим.

- Бу нима?
- Қайдам... — дедим қитмирона.

У саҳифалар бетигаги «...Вазирлар Кенгаши» сузларига диққат қилиб қолдию, айнакни илиб, бошқатдан лаблари усмоқчилаб пичирлай бошлади: «СССР», «Касабачилар Уюшмаси», «Меҳнат ва маош давлат қўмитаси», «Фалон нуфуз, маош, қоғоз, сарф-харажатларни»... «тасдиқлайди!»! Асьасаю замзама билан чекилган кунгурадор имзолару, думалоқ муҳрлар.

Домла бир пасда бошқа одамга айланди-қолди.

- Гайбулловой! А бу зур-ку!!
- Нимайди?
- Э қўйинг-э... Содда-муғамбир. Қани туринглар, кетдик...

### НОШУДЛИК

Ушанда Қомусхонада узимниқидан бошқа, деярли ҳаммининг маоши икки-уч баробар ошди. Қомусчи-

лик ҳаракатига бўлган олдинги умидсизлик кайфияти тубдан узгарди. Бир-икки йил ичида (1967-69) бу ерга юздан зиёд одамлар келди. Қизик: моддий турмуш шароитининг яхшилашини одамларнинг бунёдкорлик фаоллигини рағбатлантириш уричига, инқирозни юзга келтирди. Бир гуруҳ шоширлар орасида шахсий манфаатпарастлик майли кучая бошлади. Қилдан қийиқ қидириш, турли йуллар билан биринчи раҳбарга еқиш, фиққ-фужур авжига минди.

Ҳаммамиз ҳам сут эмган бандамиз. Одам бор жойда суқ, ҳасад, гараз ҳам булади. Булмай иложи йуқ. Буни тушуниш мумкин. Аммо мени тонг қолдирган парса: Бош муҳаррир Иброҳим домланинг шогирдлари орасида унга, уз устозига руйрост хиёнат қилганлар, ҳатто маънавий суиқасд қилишгача бориб етганларни кўрганимда батамом ҳафсалам бир бўлди. Энг даҳшатлиси, устоз уларга — ишонарди! Чексиз ишонувчан киши эди у. Зотан ишонмасинми? Иссиқ куйинида авайлаб-асраб, меҳринг таптида парварниш қилиб, кийригингизда кўтариб вояга етказган уз шогирдинга нечук ишонмайсан?

Баъзан изтироблар гирдобига гарқ бўлиб кетаман. Нима учун қудратли Парвардигор, Раббил оламни баниий одамни «бир марталик» қилиб яратар экан, а? Қанийдан, бу кўтир дунёдан куз юмган бандасига лозимат бир марта ҳеч бўлмаса бир кунга бўлса ҳам қайта тирилиш имконияти берилса!.. Менимча, уша муваққат қайта тирилганлар уз одамлари, ёру биродарлари, дўстлари, сафдошлари, маслакдошлари, тириклигида кўзинишиг ёғини еган арзандалирининг хиёнатини кўриб, уша заҳоти бошқатдан юраклари ёрилиб улса керак. Бу дунёнинг маълум кўрдикорларидан баноғоҳ воқиф бўлган бошқа марҳумлар эса, узларининг ногаҳоний қайта тирилиш бахтидан, заминий висол лаззатидан ҳам воз кечишлари тайин. Улганим яхши, деб!

Ажаб. Беш кунлик ҳою ҳавас, бир лаҳзалик уткинчи салтанат, асҳасою замзамани деб, миллатни, ватанин, тарихни, дийну динатни, устози комилни сотиб юборадиган иймонсиз кимсаларни ер қандай кўтариб тураркин?

Узимга ҳам даҳлдор бир гап. Катта доираларда, юқори давлат муассасаларида ман-ман деган бақувват маҳкамачилар билан тиккама-тикка олишишга яраган, қомусимиз тақдирида миллат, хуббул ватан, фан ва

маданиятимиз манфаатларини уша кезлари юрак ютиб ҳимоя қила олган бир одам уз хонадоним — хизмат жойимда қиёфасиз душман: ҳар хил миш-миш, уйдирма, бухтон, хиёнаткорликларга қарши курашда гирт ношуд эканлигим маълум булиб қолди. Айнан шу ожизлигим, ишонувчанлигим йуригидан мен устод Иброҳим Муминга бир қадар ухшасам керак.

### ВАҚТ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

МЕН, фирқага аъзо бўлишдан сурункасига бош тортиб келган бир кимса, Марказқумнинг маҳрига тушган (Сека номенклатурасидаги) нуфузли вазифани бошқариб турар эдим. Уша вақтларда (1969) менинг ғайрипартиявийлигим жуда кўп махфий чайқовчиликларга сабаб булди. Узимни ҳимоя қилишдан ожиз эдим. Зотан, кимдан ёки нимадан ҳимояланишим керак? Эътиқодимданми? (Бу хусусда биринчи китобимда ҳам эслатганман: 60-бет).

Бовужуд, Бош муҳаррирни ҳар хил таънаю маломатлардан, қисман менинг «ёт маслагим» туфайли юзга келтириляётган унғайсизликдан ҳалос қилишим лозим, деган қатъий қарорга келдим. Қандай қилиб? Олдимда иккита йул бор эди. Биринчи — жуда жун: фирқанинг қизил чиптасини чунтакка уриб, уз мавқеимни сақлаб қолиш, наинки сақлаш, «ёғлиқ» лавозимлар пиллапоясидан янада юқорига кутарилиб бориш... Иккинчиси — салкам ҳалокатли: партиясизлик мақомини сақлаб қолган ҳолда, уз ҳаётимни бағишлаган севимли олий ноширлик ишидан... четлашиш. Узлатга чекиниш. Сазойи бўлиш. Узимни ўзим қувиб солиш. Балки юзтубан кетиш... Ақл нимани тақозо этади?

Иккинчи йулни танладим. Қизил жоҳилият даврининг мантиқига кўра, оқимга қарши сузиб, терс йулни ихтиёр қилдим. Мутлақо ноимконий бир нарса: Вақтни уз изминга солмоқчи булдим. Вақт мендан аёвсиз ўч олди.

Бу вақтда камина иш излаб, Самарқанднинг пастбаланд кучаларида тентираб юрар эдим...

### СЎНГИ УЧРАШУВ. ЙЎҚ, СЎНГИ ЭМАС

ДАРЕ уз узанида ортга қараб оқмайди. Минг тўққиз юз олтмиш тўққизнинг куз фасли. Асаблар тараңг. Ишдан кетиш ҳақида Бош муҳаррир номига уст-

ма-уст икки маротаба ариза ташладим. Натижа йўқ, йўқ. Ниҳоят, учинчи топқир домланинг номига жуда қаттиқ мазмунда, афсус ва надоматлар булсинки, ҳақоратомуз телеграмма-ариза йўллаб, уз вазифамдан соқит булганимни билдирдим.

Иброҳим Мумин, шундай мунис ва мушфиқ инсон, катта ақл соҳиби, «доҳиёна» бир гапни тез-тез такрорлар эди: бизда алмаштириб булмайдиган одамлар йўқ.

А? Шундаймикан? Уша мустабид тузум келтириб чиқазган чиркин «фалсафа» бу. Одамлар шоҳмот тахтаси устидаки тошлар эмаски, уйини чоғида айирбош қилинса. Йўқ, алмаштириб булмайдиган одамлар бор. Буни Иброҳим домла ҳам яхши билардилар-ку! Мавлононинг узларига тадбиқан айтганда ҳам гап шу. Уз тафаккур қўлами, маънавий дунёсида ул зотни бошқа бирон шахс билан «алмаштириб» булдимиз?..

Эртасига барвақт, соат тўққизларда у мени хузурига чорлади. Хонага нечукдир иддао қилиб кирдим. (Истиғно — нечун?!) Тажангман. Ҳар бир гиштини уз қўлим билан қурган қадрдон Қомус салтанати билан хайрлашиш учун. Алвидо! Жаноби устод билан бу сўнги дийдор куришиш экани тушимга ҳам кирган эмас ўшанда. Эвоҳ, этагини кўзимга суртмайманми! Дарвоқе, мен бу алп инсонни яна уч-тўрт маротаба кураман. Бири... Водариг! Тобут узра. Бу беш йилдан кейин содир булади. Етминн тўртинчи йил ёзида. Яна ва яна дуч келаман унга... Тушимда! Бир неча бор ҳар хил вазиятда, маҳзун, афтодаҳол ҳазрат билан «учрашиб», дил армонларимни тукиб соламан. У — хомуш. Сукут сақлайди. Баъзан — йиғлайман. Хурсиниб-хурсиниб.

Бу ҳол хануз давом этади...

*Тошкент — Самарқанд — Тошкент  
1969-1992*



# ТОҒ МУҲАММАДГА КЕЛМАСА, МУҲАММАД ТОҚҚА БОРАДИ

## 8 - фасл

### СИЛСИЛА ВА ЗИЛЗИЛА

#### Сухбат

— Домла, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг таваллуд туйи (660) муносабати билан нафақат ул зотнинг узини, балки халқимиз учун энг мушкул дамларда ул кишининг муборак номини янги наслларга танитиш иштиники билан нафас олган инсонларни ҳам ёд этиш савоб. Академик Иброҳим Муминов ана шундай эҳтиромга муносиб олимларимиздан. Билшимизча, Сиз талай йиллар домла билан ишлаган экансиз. Аввало, атоқли файласуф билан қай тарнқа танишганингиз ва қандай муносабатда булганингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Жоним билан. Бақадри ҳол, мавлоно «Тафаккур»га жиндай изн берайлик. Муминшуноелик илмида салкам қирқ йиллик «стаж»га эгаман. Бир йилгит қирқ йилда бино буларкан. 1957 дан то 1969 гача, 12 йил мобайнида бевосита ۋ билвосита раҳматликнинг назари остида булганман. Беш йил ичида унинг қул остида хизмат қилдим. Сидқидил. Пок-иокиза. 25, 33-38 ешлик чоғларимда.

1957 йилда мен марҳум устод Аҳмаджон Ёқубнинг маслаҳатлари билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Мумин қабулида булдим. Унгача ҳозирги «Фан» нашриетида муҳаррир эдим. Моддий тарафдан суробим тортилиб қолган кезлар. Нажотталабман. Нашриёт директори Жуманиёз Шарифий ёпишиб олган. Илло-билло ишдан жавоб бермайман деб. Аҳмаджон ака янги ташкил этилаётган «Фан ва турмуш» журнаliga утишни маслаҳат бердилар. 15 йиллик Магадан қатагонидан, сургундан қайтган бу зийрак инсон журналда масъул котиб эдилар. Мазкур журналининг Бош муҳаррири этиб академик И. М. Муминов тайинланган экан. Мен Жуманиёз оганиннг қаршилигини синдириш, розилигини олиш учун айланма йул билан юқорига чиқишим ке-

рак эди. На омадким, Иброҳим домла билан Аҳмаджон ака эски қадрдонлар булиб чиқибди. Бир вақтлар Аҳмаджон Ёқубов «Озод Бухоро» газетасида муҳаррирлик қилганида (ул киши Акмал Икромовнинг яқин сафдошларидан, бас, кейинги алгов-далговларда унинг «думи»га айланган...), ёш Иброҳим Мумин уларда фаол муҳбирлик қилиб юрган. Хуллас, Аҳмаджон аканинг шахсий (хуфя) тавсиялари билан жанобингиз вице-президент, бош муҳаррир қабулига кирганман. Уша учрашувдан бошлаб (1957) сунгги хайрлашувгача (1969) домлажон билан инсоний ва хизмат муносабатларимиз жипла бир текис бўлмаса ҳам, умуман олий мақомда кечди, десам бўлади.

— Узр. Муомала-муносабатда «нотекислик»лар ҳам бўлганми?

— Унча-мунча. Бу хусусда матбуотда ҳам ёзганман. («УзАС», 28.08.92). Аммо бу мутлақо муҳим эмас.

Муҳим! Устознинг шахси ҳақида илк таассуротим: юзма-юз бўларканман, ул кишининг узларидан ҳам олдин ниҳоятда одамшавандалиги, меҳр-шафқати, гамхурлигига дуч келганман. Чунинчи, уша вақтларда журналда ишлаётган ходим узининг бир ойлик маоши миқдоридан зиёд қалам ҳақи (гонорар) олиши ман этилган экан. Бош муҳаррир масъул котибга тайинлабдики, бу йингит (камина назарда тутилаяпти) тирикчиликдан қийналиб қолибди. Қўйиб беринг. қанча, ёзганича ёзсин, олганича олсин. Меҳнатига тула ҳақ туланг, деб.

— Ёш мутахассис учун катта гап — инонч, мурувват.

— Шу-да. Хизмат жойида муҳит яхши бўлиши керак. Агар меҳнат жамоаси, айниқса биринчи раҳбар сени тушунмаса, орқа-олдинга қарамай қоч. Қулдонгача даромад ичига қўмилиб кетган булсанг ҳам. Чунки охир-оқибат оғзи-бурининг қон бўлади. Уша даргоҳдан ноумид булиб кетишга маҳкумсан.

— Ҳамма вақт ҳам кишига омад ёр бўлавермайди...

Аҳмаджон Ёқуб, Иброҳим Мумин ва мени тақдир учраштирган экан, буида тўрт табаррук ижтимоий-инсоний муҳит: Тошкент — Бухоро — Навоий — Самарқанд руҳи пайвандлангандай бўлди. Зеро, уйламаслик керакки, навниҳоллар узлари кучириб утқазилган жойда бехосдан томир ёзиб, гуркираб кўкариб кетавермайди...

— Буининг учун қулай замин ва бошқа табиий иқлим шароити керак. Тақдир тошининг устида чечак унмайди, албатта.

— Шундай. Одам боласининг инсон булиб камол топиши учун инсоний муҳит мавжуд булмоги лозим.

Бизнинг жаноби академикни кўпчилилик ҳеч қандай «вич-пичсиз» — Домла деб атарди. Рост-да. Ҳақиқий устод учун такаллуф на даркор. Академия сарҳадида барча ёшу қари домла деганда узга ҳеч кимни эмас, яккаш Иброҳим Домлани тушунишарди. Инсон учун бундай эъзозланиш қандай катта бахт-а! Ҳеч ким «Қайси домла?» демасди. Ким буларди, ис, шу узимизнинг Домламиз-да, деб фахрланишарди. Ғалат: урис ва бошқа гайримиллат кишилари ҳам шундай муурожаат қилишарди. — Домла.

— Сизга ҳам у киши домлалик қилган булсалар керак? Илмий раҳбар маъносида.

— Менгами? Камина ул зоти шарифнинг аспиранти булмаганман. Докторлигимни ҳам Домла кулида ёқламаганман. Бу маънода мен унинг шогирди эмасдим. Заҳматкаш алп инсон Иброҳим ака юз нафар фан номзоди, йигирма фан доктори тайёрлаган.

— У-ху, айтишга осон!

— Ҳа. Бу бутун бир фалсафий дорифунунинг бақувват илмий жамоаси деган сўз. Иброҳим Мумин мактаби. Қалб сахийлиги академияси. Аммо менинг нем-шарифим бу рўйхатда йўқ. Бовужуд, унинг асл шогирдиман, деб ҳисоблайман мен ҳам узимни.

— Ҳамма билади: Сиз узингиз мактаб яратгансиз.

— Мактабга асос солганларнинг ҳам мактаби буланди-да. Ҳеч ким буш-тақир жойдан усиб чиқмайди... Нега узимни Домланинг асл шогирди дейман? Сабаби, ул зоти бобаракот раҳбарлигида улар фалсафа номзоди, фан доктори булганлар. Кўпчилиги, аввало, узи учун олим булган. Устод орқасида қўша-қўша илмий даражалар, илмий ва фахрий унвонлар, мукофоту совринлар, баланд лавозимлар ва мартабаларга эга булишди. Ҳалол булсин. Мен булсам... Мен узим учун елиб-югурмаганман... Иброҳим Домла мен учун том маънода Пир мақомидаги маънавий бузургвор инсон эди. Камина уни энг покдомон шахс деб билардим ва узи шундай эди ҳам. Дарвоқе, Домла мени узимнинг нафақат шогирди, бажойи фарзандидай курарди. Баъзан намунча инжиқ, саркаш одам булмасам!.. деб узимдан оғришиб кетаман.

— Муболага қилаяпсиз. Узингизга шундай туйилса керак. Рақибингиз ҳам (агар булса) Сиз туғрингизда шундай уйлашга журъат этмас.

— Ишонаверинг. Унинг яқин, маслакдош, фидойи шогирдларидан эдим, гоҳо (бир марта) бу инсонни қаттиқ ранжитган киши ҳам мен булсам керак.

— Йўғ-э, нима сабабдан?

— Чунки узим ҳам ранжиган эдим. Эътиқодим, ихлосим, садоқатим унга ва... узимга жуда қимматга тушган.

— ?..

— Тасаввур қилинг. Шунча фан арбоблари, академиклар, мухбир аъзолар, профессорлар, амалталаб, иззатталаб казо-казолар сочларини силлиқ тараб турганлари ҳолда, менга, бор-йўғи фирқасиз фан номзодига бир йўла турт вазифани бериб қўйган эди. Чиндан ҳам: Фанлар академиясининг Қомус бўлими мудири, Таржима ва луғат шуъбасининг бошлиғи, Тил ва адабиёт Институтининг директорининг уринбосари, Энциклопедия Бош муҳаррирининг Биринчи уринбосари лавозимларида атиғи фан номзодини ушлаб туриш учун Иброҳим Муминшай бақувват чинор бўлиши керак эди.

— Нима қилти! Ишни унвоилар эмас, инсонлар бажаради-ку.

— Тугри-ку. Бироқ мен устига-устига, партия аъзоси эмас эдим-да. Ҳаётимда чуқур нохуш из қолдирган бу муаммони «Дарён азим»да ҳам (247) эслаб ўтганман).

— Бу ҳам нисбий тушунича...

— Ие, қандай қилиб! Бош муҳаррир уринбосари вазифаси нақ Узкомфирқа Марказқўмитасининг номенклатураси ҳисобланарди. Қандай қилиб партиясиз одам Секанинг маҳрига тушган вазифада туради? Бу уша даврда ҳеч қандай партиявий рисолага, ақлга сиймасди. Биласиз-ку: ҳамма нарса — иқтисодиёт, илм-фан, техника, маданият, ҳатто адабиёт билан одоб-ахлоқ, барча бошқарув муассасалари сиёсат исканжасида эди.

— Домлаён кПРОМНИ ҳам, узингизни ҳам бунчалик хуноб қилгандан кура, шартта уша жойга аъзо бўла қолмаган экансиз-да. Мана булмаса деб.

— А?..

— Уэр. Шунчаки. Айтдим-қўйдим.

Устод ҳам аввалига шундай деб фараз қилдилар, чоғи. Аммо ул киши роса «менбоп» раҳбар эди. Уни «раҳбар» дейишдан ҳам олдин инсон, динсатли олим, мураббий ва раҳнамо дейиш жуялироқ булар. Тийнатида «ўртаҳол», «рисолабол» одамга мутлақо тушуниксиз булган сирли ажойибот бор эди.

— Қандай, масалан? Оҳанрабоми?

— Топдингиз. Яна: қанчалик чуқур булса, шунчалик соддадил. Агар икки одам узаро чиқишолмай, жанжаллашса, сира ҳазм қилолмасди. «Бас қилинг. Ҳозироқ. Уят булади. Ахир совет кишиларисизлар-ку!» дея хуноб буларди. Совет кишиси... Ҳиҳ. Бу гап қанчалик китобий ва кулгили эканини ҳаёлига ҳам келтиролмасди.

— Узаро муносабатларда, баъзан дуппи тор келиб қолганда, устод қуёшқондан чиққан бировимизга жуда ифодали қилиб, қул ҳаракатлари билан астойдил даъват этардилар: «Сиз узингизни бузиб, қайта қуринг!» Бу гап ҳам биз ёшларга ниҳоятда кулгили туйиларди. Қандай қилиб? Нечук каромат ила киши узини узи «бузиб», «қайта қуради»?

— Доҳиёна башорат қилган эканлар аммо! Нечанчи йилларда бўлаётган гап бу?

— Олтмишинчи йилларнинг урталарида.

— Қаранга... Ун йиллардан кейин «қайта қуриш» фалсафасининг ҳажми шахс доирасидан собиқ мамлакат — СССР даражаеида кенгайибди-да. Алломанинг лўқмаси 230 миллион халқнинг оғзига тушиб, оммалашиб кетибди. Горбачев замонида. Шундайми, ахир?

— Бош муҳаррирнинг фавқултабий туйилган даъвати шахсан менга ҳам даҳлдор эди. Мени узига муовин қилиб олаётганида, бир яқин одамидан (Санд Шермухаммаддан) икки нарсани суриштирган экан: биринчидан, менинг нима учун фирқасиз эканлигим. Иккинчидан, ким менга илмий раҳбарлик қилгани. «Партияга кирмагани боиси шуки, ишга берилиб кетган. Фирқавий топшириқлар вақтимни олади», деб кирмаган, маъносида важ кўрсатишибди. Домла «бу қусурни тузатса булади», дебдилар. Енгил мантқиқий ҳазил қилган булибдилар: «Хай, узимиз ҳам партияга киришдан олдин партиясиз эдик-да!» Аммо илмий раҳбарим собиқ «пантуркист» Олим Усмон эканини айтишганида, бирдан ҳушёр тортибдилар: «Э, буниси ишқал экан-ку!» Ҳақиқатан ҳам, Олим ака раҳматлик ишқал шахе эдилар. Республикада 100 та тилшунос олимдан, урта ҳисобда, 97 таси билан фирт тесқари эди. Муросаю мадорада — нол! Қолган учтаси, жумладан, ҳатто унинг узи билан ҳам муомаласини дуруст деб булмасди. Шуниси борки, ҳалол инсон булган. Мудом узича ҳаққоният, тўғрилиқ йўлида баҳслашиб юарди. Ҳатто соясига ҳам айнаги тагидан хумрайиб

қарарди. Бирон марта ҳам уз виждони билан муроса қила олмаган. Қарангки, мени уз укасидай ҳурмат қилар, нечукдир сира гапимни иккита қилмасди. Сир эмас, энди айта қолай. Аспирантлик чоғимда (1959-62) мен уни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби Олим Усмонни, бир неча марта жар ёқасидан кутқазиб қолганман. Табиатан усал одам булгани рост. Иброҳим Домланинг бу тарафдан ҳавотир олганлари тугри эканини исботлаш учун мен ул кишини купда куттириб қўймадим. Зеро, камна қулингиз инжиқлик «илмини», ўзимдан булак, бир йула икки алломадан — Олим Усмон билан Иброҳим Муминдан хатм қилган эдим-да.

— ?!

— Табиатимдаги «тузатиш осон булган қусур» — партиясизлигимни бартараф этишим улуғ устод айтганчалик осон булиб чиқмади. Нима қилайин ахир, онам мени тугма партиясиз қилиб туққан булса. Фақирлик хирқасини қизил фирқага, чипта ковушимни — фирқавий чиптага алмаштириш менга номуносиб кўринди. Мен ҳаётда уз ҳаёлот оламим, майда-чуйда илмий ташвишларим билан чегараланиб қолган бир кимса эдим. Катта ҳаёт ташвишлари билан яшашга иродам, идроким, зеҳним, укувим стишмасди. Ўзимни ҳарчанд чоғлаб курсам ҳам, булмади. Ҳаёлпарастлигим орқасида коммунистлар сафига қандай кирсам, шундай «муваффақият» билан учиб кетишимга кўзим старди. Мардум ҳеч қачон қулидан келмайдиган ишни қилишга уринмасини. Маънавий раҳнамойим Иброҳим Муминга мен, узининг минигта ташвиши қаторида, баайини дард устига чипқон булиб чиқдим. У шундоқ кўз унгимда мени деб ут билан сув уртасида уртанарди. Ажабки, камна Олим Усмоннинг ва тагин алломаийи замон Иброҳим Муминининг энг ишончли, собитқадам шогирди деган шарафли матлабимни оқлаётгандим.

— Е фалак! Менимча, агар ҳозир файласуф олимимиз ҳаёт булганларида...

— О!..

— Сизнинг бу сўзларингизни эшитиб, завқланармиди ёки кузлари намланармиди...

— Илло, мен бундай рушнолик айёми келишидан йингирма йил олдин ўзимни ўзим жазолаб булгандим. Вазият жиддийлаша бошлагач, уйиндан чиқдим. Ҳар бир гиштини қўйишда фаол иштирок этганим Дорул

Қомусдан кетиб, хужайи Хиър янглиг шундоғ устодан узимни маҳрум этдим. Буни эшитиб устод қандай аҳволга тушганларини тасвирлашга тил ожиз. Бу фурсатда, боя айтганимдай, жанобингиз аҳли аёлним, бола-чақам, куч-куроним билан, уй-жойимни ташлаб, жалоийи ватан булиб, узоқ бир шаҳарга кетиб бораётган эдим... Уша кунларни хотирга олсам, ҳали-ҳанузгача юрак-бағрим уртаниб кетади. Катта румонга татийдиган «Яқин утган кунлар»ни бошимдан кечирдим.

— Ҳа-а... Ҳаёт қанчалар чигал экан. Сиздай сокин бир одамнинг бошидан шунча савдолар утганини билишмайди. «Эй Истиклол, бор экансану, бор экансану шу руйи заминда! — дея хитоб қилгинг келади кишининг. Намунча кечикдинг? Иброҳим Домла сингар и не-не инсонлар Сенинг жамолингни қуришга зор булди. Шу кунларга стиб келишолмади-я...»

— Эшитдим: 1968 йилда Домлайи пурҳикмат Самарқанд вилоятларида яқин ҳамкасаба дўстларига узларининг ҳақиқатини хибқирон ҳақида чоп эттирган рисоаларининг асосида яна туриб, «Амир Темур пойтахтида Темурога янлаш ва ишлаш керак!» деган эканлар. Бу битмас-туганмас қомусий темуршунослик илмининг сарчашмаларида академик Иброҳим Муминнинг ҳам уз ҳиссаси бор. Бугун мен Соҳибқирон хиебонида гашт қилиб юриб, буюк шаҳаншоҳ ҳайкалнга гурур билан назар солар, хоки пойини тавоф қилар эканман, унинг улугвор сиймосида фақат унинг узини эмас, фидоийи аллома, устод Иброҳим Муминнинг, академик Бурибой Аҳмад бошлиқ унлаб мард шарқшунос олимларимизнинг ҳам очик чехрасини кургандай буламан. Мени яна шундай фикрлар чулгайдик, орадан олти аср утиб, бугеи чоракам бир асрлик давр мобайнида аксарият таҳқирланиб келган Темур бобомизнинг хоки пойини сурмайи сулаймон билиб кузига суртган, пойтахт Тошкентнинг қоқ марказида унга шундоқ маҳобатли ҳайкал ва музей урнатган қулигул инсонларга ҳавасим келади. Бу нима эканини келажак авлодлар билиб олади. Бундай жасоратга муносиб баҳо беради. Амир Темурни бунчалик кукларга кутариб, унинг шаънига мундоғ метин ёдгорликлар қуйган уша мардларни тириклигида узига ҳайкал урнатди, деб биламан.

—Айтишларича, Амир Темур ва темурий шажарага мансуб буюк ҳукмдорлар, шоир ва алломалар номини

илк бор узбек қомусида қайд этиш ёки қайд этмаслик борасида ҳам анча тортишувлар булган экан. Бу масалада Иброҳим Муминновнинг нуқтаи назари қандай булган?

— Узбекистон Фанлар академиясида ун йил давомида Қомус нашр этишга тайёргарлик курилди. Қомухонада бир қанча кекса, билагон, катга ҳаёт тажрибасига эга булган олимлар хизмат қилишарди. Агар уша кекса қомусшунослар ҳаёт булиб, иш тепасида туришганида, ҳозиргача бемуболага атиги биргина жилд китоб босилиб чиқиши ҳам даргумон эди. Нега? Уша даврларда (уттиз йил муқаддам) бу ниҳоятда қалтис иш булган. Миллий уйғониш нари турсин, зигирдай қонуний миллий идрок учун ҳам одамларни хавфли «миллатчи»га чиқазиб юборишлари ҳеч гап булмаи турган замонлар, ҳаммаёқни маънум ҳадик рудаподай қоплаб етганди. Қулогингни қимирлатгани қуймасдилар. Кексайган чоғида бадном булиб кетишга кимнинг тоқати бор дейсиз? Шу бопе, 1966 йилда академик Иброҳим Мумин бу нашрга босилганларга этиб тайинланиши ҳамоно дарҳол таҳрир қилиб раёби губдан узгантириди. Кекса олимлар четга чиқивди. Иш тепасига ёшлар келди. Академия президенти Обид Содиқ билан алломайи замон Иброҳим Мумин ута «тезкор» раҳбарлар булиб чиқишди. Узларининг шошқалоқлиги билан улар биз қомусчи ёшларни роса қаловлатишди. Йиллар давомида қилиб булмаган ишларни... ҳафта ёки бир неча кун ичида уҳдалашни талаб қилишарди. Бу ёқда тағимиздан 7-8 балл куч билан зилзила уриб турибди, ҳаммаёқ саросима, алғов-далгов... Биз булсак, қомус жинниси булиб юрибмиз! Қомус ишқида ёнамиз. Учига чиққан хаслпараст, довиорак инсонларгина бунга журъат этиши мумкин эди. Мана 1-жилднинг андоза-қолипи (макетти) нашри. Ҳажми 92 босма табоқ. Терипга берилган вақти: 1.10.67. Босилиб чиққан: 18.10.67. 18 кун ичида нашр қилинган. Қизиқ гап. Октябр ойида Домла хоржийий сафарда эди. Қайтганидан сунг, Шароф Рашидов билан учрашганида, муборак қомус макетининг илк нашрини собиқ Сека саркотиби — Бош муҳаррир жанобларига уз қули билан топширган. Ҳамма, жумладан, Иброҳим Домла ҳам ҳанг-манг булиб қолган. Орзиқиб кутилган бу китоб, ҳали буюи қуримасдан, қандай қилиб Шароф аканинг қулига тушганини ҳеч ким билмасди... (Кейин билсак, бу раҳматлик Муҳам-



мади Шарифнинг иши экан). Пайқаб қолдикки, қомусчилик ҳаракати эл-юртнинг, республиканинг, академиянинг назарига тушган. Биз, тажрибасиз ёш ноширлар ишда янглишдик — тузатдик, тузатдик — янглишдик... Шу залда илгарилаб борардик. Ёдимда, уша йиллар ҳар бир хонанинг эшигига уз қулум билан араб мақолини ёзиб қўйгандим: «Улуг мақсад олдида турганинда, меҳнатни роҳат бил!»

1966 йилда Иброҳим Домла иккам олтинчи ёшда эдилар. Бу ёшда этиги оёғини қаттиқ сиқар, бошига дупписи тор келиб қолар экан ҳаммамнинг ҳам. Киши ҳаёти қилг этган шамолдан терак баргидай шилдираб, тол баргидай дилдираб қоларкан. Шарт узилдими — тамом: йўқсан. Бас, айтадиганингни айтиб, қиладиганингни қилиб қолишинг керак. Нарёғи ё Аллоҳ, ё насиб. Уша оғир маънавий турғунлик паллаларида фақат узи учун, узининг бугуни учун яшаган, узи мансуб бўлган миллат билан ёвлашиб, бегоналашиб, унга туҳматлар ёғдириб кун қурган олимлар бўлмаганми? Домламизнинг ҳам дилида унинг виждонини қийнаган савдолар, чигалликлар, дардлар, мубҳамликлар наҳотки кечмаган бўлса.

Қулумга «Академик Иброҳим Муминов (мақолалар ва хотиралар)» деган китоб тушиб қолди.

...Яқин утмишимизда, — деб хотирлайди Домлани профессор Х. Раҳмонқулов, — узининг теран тарихини эслашдан деярли маҳрум бўлган ва уни унуттишга маҳкум этилган, ҳар қандай уй-фикрлаш маълум қилилар ва андозалар билан улчанган ва ундан ташқари чиққанларнинг ҳолига маймун йиғлаган даврлар бўлган эди. Менга шундай туйиладикки, бу даврда Иброҳим Мумин ниҳоятда усталик билан, нозиклик билан, айтиш мумкинки, қиличнинг тиғида турган ҳолда ақл бовар қилмас ишларни амалга оширди. У бой маданий-маънавий меросимизни нафақат сақлаб қола билди, балки уни ривожлантириш учун, янада бойитиш учун ҳаракат қилди. У қупдан-қуп тусқинликлар ва қарама-қаршиликларни усталик билан снгди, бутун жисми, билими, ақлу заковатини мана шу буюк вази-фага сафарбар этди.

Домла ижтимоий фанлар соҳасида қомусий олим эди. Фалсафа, тарих, иқтисодиёт, адабиёт, мантиқ, тилшунослик, санъатшуносликда закий, билимдон. Шу соҳа олимларини танлаш ва тарбиялашда жонқуяр мураббий. Қомусшунос. Бугина эмас. Кухна та-

рихий, маданий ва диний ёдгорликлар, миселсиз обидаларни сақлаб қолиш, таъмирлаш ва тиклаш ишининг фидойиси эканини табиатшунос ҳамда риёзийун олимлар миннатдор булиб эслайдилар. Одамларга муносабатда унинг узим гувоҳ булган яна бир хислатини қайд этайин. Шахсга сиғиниш, ундан кейинги оғир кечган даврларда ҳам ҳалол инсонлар устидан тўхма, уйдирма, гаразли чақувлар уюштирган бир хил фосиқ, галамис кишиларни қурарга асло тоқат қилолмасди. Гоҳи вақтларда бундай нопок шахслар орасидан етишган таниқли мутахассислар, доктор ва профессорларни, агар пешонаси етти қарич дунг булса ҳам, академик даргоҳига яқинлаштирмасди. «Олимлигини бошқа ёққа бориб қилсин, балодан — ҳазар», дерди.

— Ингирманчи аср башарият тарихида Ахборот асри булиб қолади. Уч мингинчи йилларда эса бу жараённинг жуғрофияси янада кенгайди ва чуқурлашди. Компьютерлаштириш, фазовий алоқалар, телефон, телеграф, матбуот, ойнаи жаҳон ва бошқа техникавий тармоқлар шу қадар томир отадик... «Ахборот дастидан дол!» дейдиган кунлар келади. Лекин ахборотнинг бу турлари, аксарият, бир лаҳзалик. Эшитдинг — унутдинг. Китоб эса билим ва илмий маълумотларни узига хос бетакрор тарзда «моддийлаштиради» ва «абдийлаштиради». Лугат, қомус, билгичлар китобшунослик маданиятининг олий босқичидир. Булар — ахборот манзилгоҳи. Инсоннинг моддий-маиший, маданий ҳаётига даҳлдор энг оддий, ибтидоий маълумотлардан тортиб, мураккаб илмий жараёнларгача ана шу нашрларда уз ифодасини топади. Бинобарин, қомусий нашрларга мактаб уқувчисидан то профессоргача — барча бирдай эҳтиёж сезади. Мутафанин ва соҳа қомуслари халқнинг салоҳияти, миллий маданият тараққиётининг даражасини намоён этувчи асосий курсаткичлардан бири. Домга шу қомусий нашрлар сирасида Узбек Қомусининг урни ва узига хослигини қандай тайин этиш мумкин?

— Замоनावий мутафанин (универсал) энциклопедия яратиб иши, бир ҳисобда, жуда жун ва яна бир йуриқда, ута мураккаб иш. Узбек Қомусининг 14-йилдини варақлаган киши дарҳол пайқайди. Чунончи, жуда мураккаб мавзулар борки, улар ўрис ва қардош халқлар тилидаги энциклопедиявий нашрларда жуда чуқур ёритилган. Бундай пайтларда бизнинг айрим чапдаст муаллифларимиз кифтини келтириб, чироғли таржима қила-

дилар ва ёнларидан оз-моз маҳаллий материал ёки ахборот қўшган буладилар. Вассалом. Узбек Қомусининг қисфаси ва сиймоси бу билан белгиланмайди. Унда Шарқ, ўзбек, ўзбеконалик қандай куламда ва мақомда акс этган? Асосий устивор курсаткич мана шу. Олайлик мен урмон хужалиғи, ёгочсозлик, трактор, электр, радиога дахлдор маълумотларни, Менделеев, Ломоносов, Пётр I, Толстой, Пушкин, Шаляпин кимлигини урис тилидаги Катта ва Кичик энциклопедиялардан тулароқ, муфассалроқ билиб олишим мумкин. Керак булса. Бирок, мақом, мадраса, Афросиёб, Ситоран Моҳи Хосса, Минораи Калон, Ибн Сино ҳамда Бобур, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдуллахон III, Ҳабиб Абдулло, Обид Соҳиб, Саъдийхон Сирожиддин, Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳон, Тўйчи ҳофиз, Домлаҳалим Ибодов, Уста Ширин Муродовлар ҳақида узимизнинг ўзбек қомусидангина қимматли, ноёб маълумотларни топа оламан. Бошқача айтганда, юртимиз, табиатимиз, одамларимиз, урф-одатларимиз, моддий ва маънавий бойликларимиз, тарихимиз, ҳофизларимиз, адибларимизга доир мингмиглаб энг зарур ахборотларни фақат ўз миллий қомусимиздан топишимиз мумкин. Буларга дахлдор мақолаларни ёзиш учун изланиш, билим, кўп меҳнат сарфлаш керак. Бу ерда катта ва майда нарса йўқ. Шундай буладикки, чумолидай тафсилог филдай катта аҳамият касб этиши мумкин.

Ўзбек қомусимизнинг дастлабки беш жилдида Домланинг шижоати билан миллий турмуш тарзимиз, миллий тафаккур, миллий таомилларимизга онд бениҳоя кўп тарихий, жуғрофий, этнографик, адабий, илмий, диний нарса ва ҳодисалар, шажаралар, уруг-аймоқлар ва ҳ.к.лар берилди. Миллий Қомусимизнинг мазмуни ва мундарижаси қимматини оширадиган, унинг мустақиллик салмогини таъминлайдиган омиллар мана шулар эди. Айни вақтда улутдавлатчилик шовинизми ва узимизнинг уша даврдаги айрим манкурт маҳаллий сиёсатдонларимиз ул зотга бундай уктампилликни кечирিশолмади. Қомус саҳифаларида гўё қолоқ патриархал хужалик мақомини, феодал утмишни маҳобатлаштириш (идеаллаштириш) хусусида хуружлар бошланди.

Домла сиёсат бобида соҳибни тадбир, ёзининг келишини баҳордан биладиган, яхши маънода қув раҳбар эди. У оддий техникавий имкониятдан ҳам катта нажот қидириб топди.

...Таниқли, нозикфаҳм олимимиз профессор Омонулло Файзулло Иброҳим Домла ҳақида шундай бир гапни эсга олади. Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини утказишга яна чорак аср бор экан, — дебдилар Домла 1966 йилда бир суҳбат асносида. — Э-ҳэ!.. Ун-гача ким бору ким йўқ. Келинглар, 575 йиллигини утказа қолайлик.

Дарҳақиқат бу сана кўнгилдагидек нишонланди. Тантанали анжуманда уч олим: И. Мўминов, Қоринезий, В. П. Шчеглов жуда мазмундор, мароқли маъруза қилишган. Қарангки, чиндан ҳам, Улуғбекнинг 600 йиллик санаси тантаналарида ҳар учала аллома ҳам иштирок этишса олмайди. Бу вақтга келиб улар бандаликни бажо келтиришган эди, дейди Омонулло ака.

Халқимизнинг яхши кўнларига, фан ва маданиятимиз равнақига, миллатимизнинг камолоти айёмига камарбаста бўлишни дилинга жо қилган неқбин устод Иброҳим Мўмин илоҳи борича ўша кўнларни бояғидай «яқинлаштириш», вақтдан ўзиб кетишга талпиниб яшайди. Ана шу мақсадда у ўзгича «ҳийлан шарый»ларни ҳам кашф этганидан шахсан хабардорман.

Дунёда Соҳибқирон Амир Темурдан бошқа бир буюк зотни топиш қийинким. олти асрдан зиёд даврдан буён унинг шахси ва ишлари туғрисида халдан зиёд кўн ва хўб, ишонарли, роет ва ёлгон, бўҳтон, фисқ, чалқаш, зиддиятли гапларни ёзишмаган бўлса. Бутун Машриқ ва Мағрибда гоҳо хайрихоҳ, дуёт кўншлар ҳам унинг туғрисида уйдирмалар туқидилар, рақиблари эса билибми-билмайми, истабми-истамайми улуғланилар. Асрлар давомида бу алп баҳодир халқимизнинг битмас-туганмас ифтихори ва, эҳтимол, худди шу боисдандир, дил жароҳати бўлиб келди. То шу кўнларга қадар бу давом этади... Хомтама бўлмайликким, биз, энелилар, ниҳоят шавкатли Темур бобомиз ҳақида бор ҳақиқатни, қандай бўлса шундайлигича жаҳон афкор оммасининг онгига тула-тукис етказа олдик деб. Аксинча, аксарият ҳолларда, айнан узоқ хорижий манбалар анча ҳолис, ижобий маълумотни сақлаб қолди ва бизга етказди. Ҳеч кимга сир эмаски, биз бу ёқда Темур ва темурийлар номини шарафлаётганимиз бир вақтда, дунёнинг бошқа чеккасида кечагини абадий дўстлик ва улуг «оға»ликка даъвогар бўлган шовинистлар унинг хотирасини таҳқирловчи хирқироқ, хаста овозлар ҳам чиқазиб қо-

лишди. Начора. Булган иш булган экан-да, дейишдан ўзга чорамиз йўқ. Лекин! Айнан соҳибқирон Темурнинг шижоати, зафарли юришлари орқасида асрий қуллик, зулмдан озод булган баъзи бир халқларнинг қони бузуқ сиёсатбозлари унга маломат тошларини отганини кўриб турганда, «бу қадар чираниш нечун!» деб тонг қоласан киши. Ўз тарихий халоскорига олтиндан ҳайкал урнатиш урнига, собиқ мамлакат учун қиёмат қойим, тангу тор қиргинбарот уруш арафасида Темур бобомизнинг қабрини очиб, арвоҳини чирқиратиб, пок хотирасига иснод келтирганларнинг ҳукми Аллоҳ таолонинг изнидадир. Бу хусусда осий бандасининг бир нарса дейиши қийин. Тарихга, тақдирга, адлу адолатга, Ҳақ субҳонаҳу таолога шаккоклик қилиш қандай машъум оқибатларга олиб келиши шундоғам кўриниб турибди. Бу нарса ҳеч қандай шарҳга муҳтож эмас.

...Профессор Ҳамид Зиёев Домланинг Амир Темур ҳақида рисола ёзишининг тарихини эслайди. Бир гал Ҳамид акани раҳматлик ҳузурига чорлаб, ҳазрат Соҳибқирон ҳақида тарихчи олимларимиздан бирон киши ҳолис илмий мақола ҳамда рисола ёзиб берсин, деб топширибдилар. Бир ҳафтадан кейин маълум бўладикки, ҳеч ким рози эмас. Муаррихларимиз бу ишни оғизга чўғ солиш билан баробар деб тушунадилар. Чунки бунга журъат этган кишининг бўйнига қизил «тавқи лаънат» илиниши муқаррар. Шундан сўнг Домланинг ўзи бу ута қалтис ишга киришади. Масалага дахлдор Ёзма манбаларни ўрганиш, мутахассислар билан бот-бот маслаҳатлашиш натижасида ул зотнинг қаламига мансуб «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли» деган китоби ўзбек ва урис тилларида чоп этилади. Асарнинг мазмуни ЎзФА Раёсатининг 1968 йил 5 майда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида муҳокамага қўйилади.

Иброҳим Мумин оловни бировларнинг қўли билан эмас, балки ўз қўли билан ушлаган. Зотан, Соҳибқирон тимсоли ҳалол, жасур, покиза бир инсонни ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида уртар, машъала бўлиб ёндирар, қалбини тилка-пора қилар эди. Бу дард унинг юрагида 1968 йилга келиб ногаҳонда пайдо бўлган эмас. Бир неча ун йиллар давомида томир отиб келган. Соҳибқирон хотирасига шовинистик ҳусумат унга тинчлик бермаган. Уша йилги Иброҳим ака ташаббуси билан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафар-

нома»си ҳамда «Темур тузуклари» чоп этилиши баробарида узининг мазкур рисоласи босилиб чиққани маданий ҳаётда катта воқеа булган. Муаллифнинг «Темур тузуклари»нинг факсимил нашрига оид қайдлари билан «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли (ёзма манбалар асосида)» деган асари уч жилддан иборат «Таълиланган асарлари»нинг 1-томига ҳам киритилади. Бу ишлар шу қадар тезкорлик билан амалга ошириладики, ким билиб, ким билмай қолган.

Домла бу билан ҳам кифояланмади. У қандай қилиб бўлмасин. Темур ҳақидаги мақолани қомуснинг 1-жилдига киритишга жазм этди. Чунки асар Т ҳарфида берилса... Бояғидай. «Э-ҳэ, унғача ким бору ким йўқ...» деб уйлади. Хун, шима қилса булади? Эътибор беринг. Соҳибқироннинг номини ҳар хил ёзиш мумкин:

С: Соҳибқирон Амир Темур Қурагон.

Т: Темур. Амир Темур ибн Баҳодир Тарогой.

А: Амир Темур...

«С», «Т» жилдларини узоқ кутинга туғри келди. «А» эса нақл. Уз мақсадини амалга ошириши (Амир Темурни 1-жилдаёқ бериш) учун ўзбекча кичи номларини шарқона тамойилда ёзинга қарор қилинди. Олайлик: «Навоий эмас, «Алишер Навоий», «Беруний» эмас, «Абу Райҳон Беруний» ва х. к. Бас: «Темур» эмас, «Амир Темур!» Иуди тошилди. Ҳа, бу шавкатли ҳукмдор, жаҳонгир, саркарда Мовароуннаҳр тарихининг порлоқ юлдузи. Шарқ ва Ислон маданиятининг гултожи, ўзбек халқининг хаста виждони булиб қолаётган эди. Шу маънода Соҳибқирон олим тадқиқотларининг оҳанрабоши, маркази ва якуни булиб юзага чиқди. Яхши от кейин чопади, деган нақл бор. У узининг сунгги якуний сўзини энг сунгги дамларда айтди. Бор овоз билан! Амир Темур бу инсоннинг Бон қахрамовига айланди. Менга шундай туйиладики, Домла уз турмуш тарзи ва фаолиятида: одамларга қаҳри ва меҳрида, бир сўзликлик, адолат ва саховатда, Ватанин севишда, илоҳий ихлос ва эътиқодда, покдомонликда, соҳиб ақл ва талбиркорликда ҳамда булак инеоний фазилату хислатларда соҳибқиронга тақлид қилиб яшади. Узи айтганидай, бир инсон, раҳбар, олим сифатида. Амир Темурдай яшанга ва меҳнат қилишга интилади.

...Афсуски, бир босма табоқ ҳажмла ёзилган салмоқдор «Амир Темур» мақоласи юқорининг, ўзи айтганича, Масковнинг амри билан 1-жилддан олиб таш-

ланди. Қанча гап-суз, кераксиз матбаа чиқимдорлиги, бесаранжомлик бошланди. Атрофга шов-шувлар тарқалди. Булар бари уз ичимиздаги ва тошимиздаги баъзи бир «қардошлар», ҳамкасабалар ва охир-оқибатда шовинист, улуг давлатчиларнинг халқларни зимдан гиж-гижлашдан иборат кирдикорлари эди. 1-томда шундай ҳавола берилди: «Амир Темур (1336-1405) — теурийлар империяси номи билан машҳур булган йирик феодал давлат асосчиси. (Қаралсин: «Темур ибн Тарогой Баҳодир)». Уша-уша ҳадик яна кучга кирди: «Эҳ-хе, унғача ким бору ким йуқ»... Эвоҳ, 1978 йилда, ниҳоят, буюк жаҳонгир ҳақидаги мақола босилганида муаллифнинг бу ёрут жаҳондан этак қоқиб кетганига турт йил булган эди. Алам қиладиган жойи шундаки, мақола ҳажман беш маротаба қисқартирилиб, мазмунан қупол суратда бузилди. Улганнинг устига тепган булиб чиқди.

...11-томда ёзилган: «Темур, Амир Темур, Темурланг... — Урта Осиёдаги йирик феодал давлат арбоби, саркарда. Отаси Тарогой барлос қабиласи зодагонларидан. Темурнинг унғ қули ва унғ оёғи майиб булган, оқсоқланган. Форсча «Темурланг» (Европада «Тамерлан»), яъни «Оқсоқ Темур» деган ном шундан келиб чиққан».

Дарҳақиқат, мақоланинғ «бисмилло»сиданоқ унинг «бебисмилло» ёзилганини пайқаш уғун унча катта зеҳн-фаросат керак эмас. Бунинг устига, бетавфиқ олим М. М. Герасимовнинг Темур бош суяғи асосида ишлаган гирт сохта бюст-тасвири илова қилинганки, Амир Темурга ҳам, у орқали номини жаҳон майдонига олиб чиққан узбек халқига ҳам, ардоқли олимимиз зукко академик Иброҳим Мумин хотирасига ҳам ҳақоратдан бошқа нарса эмасди.

— Домланинғ уз огзидан эшитганман: Герасимов туқиган сурат Соҳибқироннинг нуроний, серфайз сиймосига қупол тухмат.

Иброҳим Домланинғ номи юқорида зикр қилинган рисоласида айтилган фикрлар ҳамда Соҳибқирон ҳақида турли-туман ёзма манбалардан келтирилган мана бу ишонарли далил, маълумот ва иқтибослар Темур ҳақидаги биреқлама, сохта расмий иддаоларни даф қилади. (И. М. Муминов. Танланган асарлар, 1-жилддан);

... Темур кучли марказлашган давлат тузиш учун курашди (424).

... У бир масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашади... (431).

... Амир Темур нутқидан: «...Менинг мақсадим мамлакатда адолат урнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир» (432). Самарқанд, Темурнинг фикрига кўра, дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиши керак эди (438).

... Темур... Урта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан (444).

...Темур қўшинлари ...бутун Осиёда энг қудратли армия ҳисобланади (449).

...Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасининг Ғарбий Европа мамлакатларида машҳур бўлишига сабаб бўлди. Самарқанд билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳам шу даврга тўғри келади (450).

...Амир Темур узини дипломат сифатида намоян қилди (452).

...Академик Бартолддан: «Темур гуё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронагарчилик билан шугулланган, деган фикр муболағали; у Кобул водийси ва Муған чули каби Самарқанддан узоқ жойларда улкан сўтуриш ишлари олиб борди» (454).

...Шарафиддин Али Яздидан: «Бир йил мобайнида Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда ҳунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофида деҳқончилик ўссин, савдо-сотик ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, Ислом дини илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа Амирзода Абу Бакрға топширилди» (455).

«...Темур узидан вайрона ва кулдан бошқа ҳеч нарса қолдирмади», «Темурланг ва Чингизхон бир тарзда иш кўрди» ва ҳоказо деб ҳисобловчи айрим буржуа тарихчиларининг даъволари бир ёқлама, демак, ноаниқ ва тенденциоз (455).

...Шарафиддин Али Яздид (Лянглэ иқтибосидан): «Амир Темур бир вақтнинг ўзида душманларига офат, ўз аскарларига қаттиққул раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди» (458).

...Лянглэ: «Яхши подшоҳ, — дерди Амир Темур, — подшоҳлик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун биз қудратли Аллоҳ бизга му-



қаддас қарз сифатида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг асосий матлабим бўлиб қолади, негаки, қиёмат кунги фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини истамайман» (458-59).

...А. Я. Якубовскийдан: «Гарчи Темур Урта Осие манфаатларини кузлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Урдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Урта Осиени бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда рус давлати учун жуда катта хизмат қилди» (464).

...Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги давларида Шоҳруҳ, Улугбек Мирзо, Абу Саид, Хусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳлар Урта Осиеда Темур даврида қарор топган экономика ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши традицияларни давом эттирдилар (468).

— Коммунистик мафқуранинг мафқур миллий сиёсатига қарамай, Соҳибқирон тақдирдаги илоҳий жозибани илғаш ва унга интилиш тинимсиз илмий изланишларнинг мантиқий якунимиди ёки бу инсон қалбидаги миллий мансублик эҳтиёжи, яъни табиий равишда аслига талпиниб яшаш сзгисидан туғилган жараёнмиди? Умуман, миллий ифтихор туйғуси таъқиқланган бир замонда, Сизнингча, Иброҳим Муминол каби олимлар ўз халқи ва миллатига бўлган муҳаббатини қай шаклда ифодалар эдилар?

— Демак, лунда қилиб айтсак: илоҳий жозибани илғашми ёки миллий мансублик эҳтиёжи?

— Шундай.

— Савол шу қадар «бесозор»ки, унга қисқача жавоб бериш учун катта китоб ёзиш керак. Ҳар қалай иккалови ҳам...

— Дабдурустан яна бир фикр. Махсус «Соҳибқирон Амир Темур» Қомуси тартиб бериш масаласига қандай қарайсиз?

— Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан деб биламан. Комил заҳматкаш академик Борийхон Аҳмад бошчилигида шарқшунос олимларимиз, тарихчиларимиз, барча дахлдор соҳаларнинг мутахассислари ва, албатта, биринчи галда ноширларимиз тезда илғаб олишадн бу ғояни деб ўйлайман. Масала чиреиллаб турибди.

Сиз берган саволга қайтайлик. Фурсатдан фойда-

ланиб, барчамизга: илм, ижод, сиёсату суханворлик аҳлига бирдек тегишли жуда таранг бир торни авж пардада чертиб утмоқчийдим.

Хоҳ улуг булину, хоҳ ушоқ... Эй олиму уламолар, ҳоқиму ҳукамолар, адибу удаболар! Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур Курагон сингари зотлар ҳақида бирон нарса демоқчи бўлсангиз, алалхусус, иймон-этиқодли инсон эканингизга даъвогар эсангиз, бундоқ нафасни ростлаб, бир дақиқа сукутга чўминг: бунга маънавий ҳақингиз борми? Таҳорат олганмисиз? Уйнаб гапирсанг ҳам уйлаб гапир, дейди халойиқ. Билиб-билмай, англаб-англамай айтган гапингиз охири гапингиз бўлиб қолиш, ўз тақдирингизда чуқур асоратлар, шўриши савдоларни келтириб чиқаришни мумкинлигини бир зум андиша қилганмисиз? Мабодо бунга ишончингиз тўла комил бўлмаса, балки мумтоз қаҳрамонлик намунасини шоён қилиб, чурқ этиб оғиз очмай... дурридароз нутқингизни тугатарсиз? Аллоҳ таолонинг бир азизу мукаррам, муслим зоти покини уёқда кўпчилик азозил қавм бўралаб сўкаётган бўлса, сиз ҳам узингизни ул нобакорларнинг сафида кўришингиз шарт эмас.

— Буюк фотиҳ ва жаҳонгирларнинг шахслари, уларнинг оламшумул галабалари, талбиру тадориклари ҳақида гапирганда, буларга фақат оддий «заминий» ҳодиса эмас, балки самовий қудратнинг сирсинаотли таъсиридирки, ҳамма вақт ҳам бунини бандаларнинг ақли бовар қила олмайди, деган хулосага келмайдилар.

— Баракалло! Бунини фақат бошқалар эмас, уша жаҳонгирларнинг узлари ҳам таъкидлайдилар. Бу яратган Парвардигорнинг хоҳиши, марҳамати ённки газабни натижаси, деб ишонинишадн ва таъкидлайдилар. Ибн Арабшоҳ узининг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари)» (1992) асарида машҳур Мавлоно Маҳмуд Ҳофиз ал-Мухриқ ал-Хоразмийнигиҳоҳида ва тилида бир душман истеҳкомини қўлга киритиш манзарасини тасвирлайди.

— Амир Темурнинг ҳаёти бу тарафдан илоҳий ишораларга ва талқинларга кон. Соф ҳарбий ҳаракатларга, қирғинбарот урушларга, садоқат ва хиснат, голбият ва мағлубият сабабларини талқин этишда ҳам мунажжим, ахтаршунос, башоратчи, фолбинларнинг сеҳру жодиларини иштирок этади. Соҳибқироннинг Ал-

лоҳ қудратига таяниб, Қуръони Каримга суяниб тадбир қўлагани айтилади.

— Худди шу маънода Ҳофиз Маҳмуднинг қурган-кечирганлари уқувчини лол қолдиради. Мана жанг бораёпти. Соҳибқирон уни тепаликда, чодир бўсағасида туриб яққол кузатади, ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқаради. Аммо у бениҳоя чарчаган. Ҳаммаёқ алғов-далғов, тўс-туполон. Биров қўвган, биров қочган, кимдир йиғлайди, кимдир кулади. Урушда одамлар жон олиб, жон беради. Жангга жадалнинг ўз фожеси ва мантиқсиз мангиқи бор. Урушнинг сўнгги паллалари бўлса керак, ҳолдан тойиб, ерга утириб олган мажолсиз саркарданинг фалсафаси, шафқатсиз бир ҳақиқатни мардонавор тан олгани уқувчини лол қолдиради. Темур фақат Амир (амр этувчи), саркарда, ҳарбий арбобгина эмас, ажойиб мутафаккир инсон эканини унинг ўз сузларидан билиб оласиз. Китобнинг мана бу жойини овоз чиқазиб ўқинг, тақсир.

— «Эй, Маҳмуд! Бу ёққа кел!» — деди...

— Йўқ, мана бу жойдан ўқинг, марҳамат.

— Шунда Темур... Менга... дейди: «Э мавлоно Маҳмуд! Жисмимнинг заифлигига, (қурадиган) тadbиримнинг озлигига қара, ушлай десам қўл, чопай десам оёқ йўқ менда. Агар одамлар мени ташлаб кетсалар, мен ҳалок бўламан, агар мени шу ҳолимда қолдирсалар, азобланаман. Ўз танамни бошқариб «на зарарли, на фоидалли» (Қуръони Карим сурасига ишора) бир иш қиламан, на яхшилик келтираману, на ёмонликни дафъ этаман. Кейин у бироз фикрга толиб: «Қандай қилиб Тангри таоло бандаларни менга муяссар қурди? Фарбу шарқни даҳшатимга тулғизиб, ҳайбатимни икки мағрибу икки машриққа овоза қилди? Подшоҳлару паҳлавонларни менга бўйсундириб, олдимда кирову қайсарларни хор қилди? Бу ҳаракатлар (ҳаммаси) Унинг (Тангри таолонинг) ҳаракатлари бўлиб, бу ишлар (барчаси) Унинг ишлари эмасми? Мен кимман? Мен бир касалманд, муҳтож кишиман, ҳоло! Бу ишларни (ўхдалашга киришни) учун менда на эшигу, на тоқат бор»... Кейин йиглаб (юбориб), мени ҳам (шундай) йиғлатдики, енгларим кўз ёшларимга тўлди. Бу вабрга (мушуксимон жонивор, фақат наботот билан ҳаёт кечиради, тивити қимматли. — F. C.) қарангки, шу сўзи билан қандай қилиб жабрга қойил бўлганлар маслағига эга бўлган?» (91).

— Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни Ҳақ субҳона-

ху таоло ва таборакдан булак ҳеч ким билмайди. На дунё донишмандларию шоирлари, на муаррихлари муфассирлар... Узидан узга ҳеч ким! Жумладан, алломайи даврон Иброҳим Мумин ҳазратлари ҳам. Раҳматлик Домланинг хизмати (Аллоҳ даргоҳига қабул қилган бўлсин) шундаки, у соҳибкаромат бу инсонни асрий гараз, ҳасад, игво, тухматлардан халос этишга уриниб кўрди. Муайян маънода, уз даврининг қизил бидъату жоҳилиятлари талаблари доирасида бўлса ҳам, ҳақ гапни бошқа, бир қадар холис мутафаккирларнинг тили билан айтди: ёзма манбаларга таянди. Узини яп-яланғоч ҳолда балонинг огзига урган эмас. Лекин бало бу бало-да: уни қаҳрига тортди. Темуршунос устод Иброҳим Муминни қуруқ тухматлардан батамом фориг этиш учун бизга маънавий миллий мустақиллик керак эди. Надоматлар бўлсинким, бу улуг айёмга у етиб келмади.

Ғарчи...

— Сузи, иши, фалсафаси етиб келди.

(Мусоҳиб: Муртазо Қаршибой)

### КАРОМАТ

#### КАЧКУЛ

Купдан буен бундай китобни уқимаган эдим. Академик Иззат Султоннинг «Баховуддин Нақшбанд абдияти» рисоласини қўлга олдим-у, тинчим йўқолди. ...Илк бор бир нафасда уқиб чиққан эдим. Иккинчи дафъа туртилиб, уйланиб, қийналиб уқидим. Убдон хузур қилдим. Нега бунчалик эҳтирос, дерсиз?

Баъзи бир ишларни варақлайсан-у, уларда ҳамма нарса — сипсиллик, фикрлар — тиниқ ва рисолабоп. Эҳтиёткор муаллиф атрофини метин деворлар билан ураб, ихота қилиб, узини «емон кузлардан» муҳофазалайди. Узига «ут чақирмайди». Бундай китоблар бошга баҳарнав озик берса берар-ку, қалб хувиллаб тураверади. Кунглинг озади кишининг. Мана бу рисола эса ҳар қандай истигнодан мустасно. Агар мутлақо бекаму куст ёзилган десам, ишонманг, азиз биродар. Бундай олганда, муаллиф наинки анойи уқувчини, қилни қирқ ёрган мутахассисни ҳам ишонтиради. Уз самимияти билан. Ҳар нечук, Иззат Султон Иззат Султон-да!.. Султонларнинг Иззатлиси, Иззатлилар Султони... Отахон аллома, таниқли адиб. Бовужуд, унда-бунда айрим қусурлар ҳам кузга чалинади.

— ... Нишопур яқинидаги Шодях деган шаҳарда бир кун Фаридиддин Атторнинг дукони ёнида жулдур кийимли бир дарвеш утиб борар эди, — деб ёзади профессор Нажмиддин Комил «Илохийнома» таржимасига ёзилган муқаддимада. — У бир атторлик дукони ёнида тухтайди. Гавжум харидорлар оша дукондор Муҳаммадни кузатаркан, гоҳ кулар, гоҳ оҳ тортиб йиғларди. Ҳеч ким унга эътибор қилмагач, ахийри «шайбуллоҳ» — худо йўлига садақа қилинг! — деб овоз чиқзади. Муҳаммад унга парво қилмагач, дарвеш дейди:

— Эй хожа, не навъ улгунгдур?

Муҳаммад жавоб берди:

— Сен қандай улсанг, мен ҳам шундай улгумдур!

Дарвеш деди:

— Йуқ, сен ундай ула олмассан.

Муҳаммад суради:

— Не учун?

Дарвеш деди:

— Шунинг учунким, менинг юким снгил, куруқ танам ва уни беркитган жанда хирқадан узга нарсам йуқ. Менинг бу дунё дуконини тарк этишим осон. Аммо сенинг юкинг огир. Ҳашаматли иморатнинг, мол тула дуконинг, зар тула ҳаменинг, хизматкор-гуломларинг бор. Шунча юк билан манзилга қандай етиб борасан? Уз ишингни чорасини қил, мен эса мана бундай уламан.— Дарвеш шундай дедию, белидаги қо-воқ качкулини бошининг остига куйиб жон берди. Муҳаммад ҳайратдан лол булиб қолди. Аста-секин дукон олдида одам йнгилди. Худонинг кароматини мардум кўриб, кўзларига ёш олдилар. Муҳаммаднинг аҳволи мутлақ узгаради: дарвешнинг улими унга қаттиқ таъсир этган эди. У соҳиб каромат дарвешни иззат-эҳтиром билан кумди. Сунгра хизматкор ва гуломларни, қариндош-уруғларини йнгиб, бор молу мулкни уларга бутлиб берди-да, хайр-хушлашиб, Шодяхни тарк этди. Атторлик номи касбини эслатиб турар, лекин энди бу ном унинг шоирлик тахаллусига айланди. Энди у одамларнинг вужуд-аъзолари учун эмас, балки қалблари учун дори-дармон излаш, илохий илмларни эгаллаган ориф мардлар даргоҳидап хушбуйликлар қилдиришга тушган эди.

Баҳс кейинчалик Муҳаммад Фаридиддин ибн Иброҳим Шайх Аттори Нишопурий деб ном қозонган орифлар султони, маълум ва машҳур мутасаввуф валий ҳақида боради.

### ОЁҚ БОШГА ЧИҚҚАНДА...

Гапни мавлоно Иззат Султондан бошлаб, бугунги домла Нажмиддин Комилга буриб юборганим бежиз эмас. Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома»си ҳам, муҳтарам Иззат оғамизнинг «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» рисоласи ҳам бир йилда (1994) чоп этилган. Аттор — дарвеш воқеаси ҳар икки китобда дарж этилган.

— Тавбанинг қайси маънода эканини биз... Фаридиддин Атторнинг тавбаларининг сабаби ҳақида Навоий томонидан келтирилган маълумотдан тушуниб

оламиниз, — дейди рисола муаллифи. — Кейинроқ машхур шайхлик даражасига кутаришган ва узи ҳам кейинроқ машойих ва авлиёлар ҳақидаги «Тазкиратул-авлиё» китобини ёзган Аттот савдогарлик қилар эди. Бир кунни у дуконида утирганда олдиға бир дарвеш келади ва сурайди: «Эй, хожа, сен қандай уласан?» Аттот айтди: «Сен қандай улсанг, мен ҳам шундай уламан». Дарвеш эътироз этиди: «Йуқ, сен мендек улолмассан». Аттот суради: «Нечук?». Бунга жавобан дарвеш «мана бундоғ», дебди-да, «аёгин боши устига қуйибдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибтур». Бу «сен Аллоҳ йулида жон беришга ҳар лаҳзада тайёр эмассан» деган таъна эди. Шунда Аттот узини аллақандай, гайритабиий руҳий ҳолатда сезибди («Аларнинг ҳоли мутагайийр булибтур»). Бу ҳодисани уз ҳаёти тарзини узгартириши зарурлигига илоҳий ишора деб билиб, Аттот дукон ва бутун бойлигидан кечиб, тарикат йулига киришга қасд этади.

Икки манбадан олинган бир воқеа. Икки матн. Икки талқин. Чунончи: Аттот — дарвеш — Навоий — Иззат Султон. Аттот — дарвеш — Нажмиддин Комил. Талқин-у хулосалар бир-бирига қойим, бир-бирини тулдиради. Тафсилотларга тухтамаймиз. Бироқ! Воқеа асли қандай содир булган узи? Бирида: дарвеш белидаги қовоқ қачқулини (гадойлар билан қаландарлар ёнларида осиб юрадиган қовоқ идиш) бошининг остига қуйиб жон беради. Бунинг устига... оёқни бошга қуйиб жон бериш дарвеш кароматини беадад кучайтиради. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Уйлаб қоласан киши. Бундай каромат зоҳир этган инсон ким узи? Дарвешми ёки... чапдаст балет раққоси, балким йог аталмиш ҳинд сеҳргарлариданми? Ундай десак, воқеа ҳазрат Навоийдан айнан иқтибос қилиб олинган. Балким матбаа хатосидир?

Мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафаҳотул унс»да бу юрадилар:

Рузе дар дукони аттори машгул ва машғуфи муомила буд. Дарвеше онжо расид ва чанд бор «шайъи Аллоҳ» гуфт. Ва ба дарвеш на пардохт.

Дарвеш гуфт:

— Эй хожа, ту чигуна хоҳи мурд?

Аттот гуфт:

— Чунон ки ту хоҳи мурд.

Дарвеш гуфт:

— Ту ҳамчу ман метавони мурд?

Аттор гуфт:

— Бале!

Дарвеш косан чубин дошт, зери сар ниҳод ва гуфт:

— «Аллоҳ» ва жон бидод.

Атторро ҳол мутағайӣиш шуд, дуқон барҳам зад ва ба ин тариқ (тариқи дарвешон) даромад.

Қаландарлар ҳаётига онд атамаларда (косан чубин — качкул — аёғ) ҳамда ҳолат ва ҳаракат тасвирида ҳар хил талқинларга йул қўйилганга ўхшайди. Балким матбаа хатосидир? Йуқ, атамачиликда чалкашлик йуқ.

## ЯНА ОЁҚ БАҲСИДА

Алишер Навоӣда аёқ ёки аёғ деганда даставвал... коса, писла, қадаҳ, жон, май ҳамда биздаги оёқ ва охир, кет, сунг каби ва бошқа кун маънолар англашилади.

*Кимга даврон бир аёғ май бердиким, булди халос  
Суғра онинг юз қадаҳ бедоли захрини сипқориб.*

Яна:

*Насибн ашннг бир аёғ он эрур бас,  
Агар ганжи Қоруи эрур муллооси.*

Ҳозир «бир аёғ май», «бир аёғ ош»ни тасаввур қилинг! Мазкур сўзининг (аёқ). «коса». «идини» маъноларини бизнинг кунларда ёкирган. Гарчи «идини-оёқ» шаклида унда-бунда қулоққа чалинса-да. Бас, Навоӣи замонларида ҳеч бир кас бояги дарвешининг уз оёғини бошига қўйиб жон таслим қилганига мутлақо ажабланмайди. Англашилганки, гоӣибдан келган ул киши ҳеч қандай гайри табиӣий бир ҳолатга тушмаган, балки уз косаси ёки жомини (качкул маъносиди) боши устига қўйиб оёқ узатган. Вассаяом. Хуш. Муддао нима? Сўз маъноларининг узгарувчанлигини тасдиқлаш мақсадида келтирганним бу таҳлилларни устод Иззат Султон яхши биладилар, албатта. Бироқ, бугунги оммавий ўқувчи беҳабар-ку. Китоб 30 минг нусхада босилганини инобатга олинса, оммавий нашрларда дудмалликка йул қўйиш ноҳақ эканини писанда қилиш керакка ўхшайди. Ё ҳазрат Навоӣининг уша «Насоимул муҳаббат»... (Мардоналикнинг муаттар ҳидларини таратган муҳаббат шабадалари) асаридан изоҳлик иқтибос тарзида келтирилгани, яна ҳам маъқулроғи, муаллиф ўз сўзлари билан баён қилгани маъқулроқ кўринади.



Иззат Султонни академиклик шохсупасига олиб чиққан бу «жажжи тадқиқот» қуйидаги сарнақш (эпиграф) билан очилади:

«Алар гуноҳкордин сурубтурларки, бизни ҳеч туш курдинг? Деди: ҳов, курдим. Дедиларки, санга басдур» (Алишер Навоий Нақшбанд ҳақида).

Мухтасар, тагдор жумла. Китобнинг илк саҳифасиданоқ ўқувчи, пешонасини танғиб, уйлашга киришадди: а, қандай гуноҳкор? Қанақа туш? Бу билан Баҳовуддин Балогардон нима демоқчилар? Тадбиркорлик илмда, адабиётда булмайди, деб ким айтибди? Қараб-сизки, қитиқ-парига сув пуркалган ўқувчи китобни дарҳол сотиб олади ва гуноҳкорни «қулга тушириш учун» уни тин олмай ўқиб чиқади. 73-бетга борганда унга баъзи тафсилотлар аён булади:

... Нақшбанд сафарга кетаётиб, бузругодалардан бирига тоат-ибодат этиш бобида таълим бериб кетибди. Сафардан қайтгандан кейин одамлар унга бузругоданинг бу топшириқни бажармаганини айтибдилар. Бунга жавобан Нақшбанд гуноҳкордан сурабди: «Бизни ҳеч туш курдингми? Деди: Ҳов, курдим. Дедиларки, санга басдур».

«...Туш курдинг?» Луқмасига «ми?» қушилиши майда бир унсур — услубни ширадор кўхналиқдан маҳрум этган. Бунини жузвий қусур ҳам дейлик. Бир қадар жиддийроқ мулоҳаза шуки, муаллиф тадқиқотнинг бошидан то сунгги саҳифасигача зарурий исломий мажбурият (фарз)лар, ибодат юқини изчиллик билан енгиллаштириб боришга ружув қилаётгандай куринади... Бундай қараганда, у машъум турғунлик даврида диний қадриятларнинг поймол қилинганига қарши исён кўтараётгандай. Ўз аслимизга қайтаётганимизга беҳисоб шукроналар қилаётгандай. Диний мутаассибликни буткул рад этаётгандай. Хурофот, бидъатга қарши ут очаётгандай. Эвоҳ, оқсоқол олимизнинг тили билан асал яласангиз-да... Айни бир киши қиёфасида бирваракай тўрт-беш муътабар зилли зот аллома билан ёзувчи, соҳибни санъат, жамоат арбоби ва зукко сиеъатдон жамулжам булганидан кейин бир нарса дейиш қийин.

Рисолани мириқиб мутолаа қилар эканман, 80-саҳифада матн остида берилган мана бу сузлар то ҳозиргача қулоқларим остида жаранглаб туради:

«Рашаҳоти айнул-ҳаёт» муаллифи Сафий Умар Шайх ҳақида Хожа Аҳрори валий тилидан муҳим бир гапни ёзиб олган:

«Шайх Умар узларининг фарзандлари Хованд Таҳурга айтур эрдиларким, «ё Таҳур: мулло бўлма, шайх бўлма, суфий бўлма, бу бўлма, у бўлма, мусулмон бўлғил». Шайхнинг донолигини бундан ортиқ тасдиқ этувчи суз кам топилса керак.

Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Аждодларимиз нақадар ҳақгуй, келажакни олдиндан кўра оладиган донишманд булишган. Китобни епинчклаб мутолаа қилар эканман, саҳифадан саҳифага ўтган сайини қувондим ва хомуш бўлдим, хомуш бўлдим ва қувондим... Иzzат Султон ниҳоятда ҳушёр олим. Бир нарсга тан бермасдан иложим йўқ. Чунончи, авлиёуллоҳнинг каромат кўрсата олиши хусусидаги фикр диққатни жалб этади.

«Алардин каромат талаб қилдилар. Алар дедиларки, бизнинг кароматимиз зоҳирдур: бовужуд бу навъ гуноҳ юк, ер юзида бораолурмиз». (Яъни: мунча гуноҳлар қилган бўлсак ҳам, бунга қарамай, ҳамон ер юзида юрибмиз. Бошқача қилиб айтганда, урта асрларда авлиёларнинг имтиези ҳисобланган иш — каромат кўрсатишга Нақшбанд шубҳа билан қарайди ва саволга «туғри жавоб» беришдан бош тортади» (73-бет).

А? «Бош тортади»?

Аввало, бундай даъволардан эҳтиёт бўлиш лозимга ухшайди. Муаллиф уз-узини инкор этмаяптимики? Юқорида ҳазрат Баҳовуддиннинг миллион-миллион кишилар қалбида ва лафзида Балогардон деган тавсиф билан маълуми машҳур бўлиб кетганлари қайд этилган эди. Бу каромат бўлмай нима? Қолаверса, берилган саволга «туғри жавоб» бермагани ул зотнинг кароматга шубҳа билан қараганини англатадими? Ҳа, мен соҳиб кароматман, десинми? Унинг гўё «нотўғри» жавобининг узидек, янглишмасам, рад этиб бўлмайдиган далил. Бу туғри жавоб беришдан «бош тортиш» тутул, айнан туғри жавобнинг ўзи.

...Силсилаи шарифдаги олтинчи ҳалқа пири Боязид Бастомий (вафоти 888 да) 113 пирининг хизматини қилиб, улардан файз олган. Лекин ул зоти шарифдан «Сизнинг пиригиз ким?» деб сураганларида, «бир пиразан кампирдурким, тавҳид сунгги олий мақомининг ишорати ғолиблигинин саҳрога чиқиб эрдим. Узумда қилча ихтиёр йўқ эрди. Бир пиразан учради. Бир халтада ун кутарибдур. Манга дедиким: «Келгил, бу халтадаги унимни уйимга еткаруб бергил».

Ва мани қопни кутармоққа чоғим йўқ эрди. Бир шерни ишораг бирлан келтируб, унни шерга юклаб бердим. Пиразанга дедимки: «Шаҳарга борсанг, кимни кўрдум дрсан?»

Пиразан деди: «Бир золим ва раъно (такаббур)ни кўрдум, дерман». Ман дедим: «Не учун мундог дрсан?» Пиразан деди: «Худои таоло шерни баиланинг хизматига таклиф қилмабдур. Не учун сан ани хизматга таклиф қиласен? Бу зулм бўлмайдиму?» Ман дедим: «Орий, бу зулмдур. Ва раъно (такаббур) на учун дрсан?» Пиразан деди: «Анинг учунким, санинг хоҳишинг улки, шаҳар халқи билгайларким, шер санга мутеъ, фармонбардор бўлубдур. Соҳибкароматсен. Бу такаббурлиг эмасму?» Дедим: «Орий андогдур, тавба қилдим ва баланддин пастга тушгум. Ушбу (кампир) манга пирдур». (Садриддин Салим Бухорий: Дилда ёр. Тошкент 1993, 26-27-бетлар).

Инчунин, бас, аллома Иззат Султонга «Сизнинг олпмлингингиз нимада зуҳур этади?» деб сурашса, ардоқли муаллимиз қандай жавоб қилган бўлур эдилар? Менимча, «туғри жавобдан» бош тортиб, узларига хос снги ҳазил-мутойиба билан гапни «айлантирсалар» ажаб эмас эди. Ҳолбуки, оқсоқол, донишманд муаллимизнинг узлари ҳам нафақат олим, балки айни соҳиб кароматдирлар. Мана далил ва исбот: бутун қизил жоҳилият даврининг ilk қадамларидан то унинг инқирозигача шум ва сохта адабий мафкурага, маданий инқилобга, суфийликнинг ашаддий «реакцион» моҳиятига уйдон ишонди ва ишонтирди. Мана энди... шу гапларнинг бари гирт ёлгон ва бухтон эканлигига ҳам бизни уйдон ишонтириб ётибди. Каромат булар, шунчалик булади-да! Бизнинг муаллимф уз баракали умрининг турли фаслларида (тоабад пурзиё умрлари дурри дароз булгай, илоё): қулоқлар-

ни синф сифатида тутатиш дейсизми, мамлакатни са-  
ноатлаштириш, қишлоқ хужалигини жамоалашти-  
риш, маданий инқилоб, саводсизликка барҳам бериш,  
бир неча қиргинбарот урушлар, тумтароқ беш йил-  
ликлар, мазлумларни маҳв этиш ва шахсга сиғиниш,  
қайта қуриш даврларининг қулли офатларидан эсон-  
омон ўтди. Ленин, Сталин, Жданов, Суслов, Бреж-  
нев, Хрущёв, Андронов, Горбачёвлар кимлигини ун-  
дан суранг. Усмон Юсуповни кўрди, Ниезовни кўрди,  
Муҳиддиновни кўрди, Рашидовни кўрди, Нишоновни  
кўрди, Усмонхўжаевни кўрди, Абдуллаевани кўрди...  
Омон қолди. Сувга тушиб чуқмади, утга тушиб ёнма-  
ди. Камдан-кам зиёлига насиб этадиган каромат. Пе-  
шонамни қашлайман: ҳар бир даврнинг ўз Иззат Сул-  
тонни бор экан-да. Қизиқ: айтайлик, йнгирма йил ол-  
дин Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида бирон нарса ёзиш  
топширилганида, у тамом бошқа бир тадқиқот ярат-  
ган булардйёв... Ҳозир эса даврга мос тамом бир бош-  
қа рисола ёзди. Яна йнгирма йилдан сўнг соҳибкаро-  
мат оғамиз қандай қалам тибратишларини Аллоҳ бил-  
маса, бандаси билмайди...

Олим тиниқ ақл эгаси ўлароқ, фавқулодда ишон-  
тириш қобилиятига эга. Ҳар қандай боши берк қуча-  
дан чиқиб кета олади ва бошқаларни ҳам мушқул  
аҳволдан чиқариб юбориш йўлларини билади. Катта  
билим, тажриба эгаси. Унинг бу галги тадқиқоти —  
«Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» ҳозиргача мафкура  
соҳасида қилган мислсиз улкан хизматининг энг чуқ-  
қиси деса булади. Бу ўзига хос пурҳикмат бир эври-  
лиш.

### РАНГ ҚОЛМАДНИ, СИНАБ КЎРИЛМАГАН...

Рисола қисман дин, алалхусус, ислом дини, диний  
мазҳаблар, айниқса диний тариқатлар, сулуклар, Баҳо-  
вуддин Нақшбанд шахси, нақшбандийлик йуриги ҳақи-  
да мароқли баҳс юритади. Ислом ва маданият, ислом ва  
ахлоқ, ислом ва мафкура, хусусан, ислом ва замона-  
вийлик (снєсат) масалаларини муҳокама қилади. У  
динга муносабат билдирар экан, бир руҳоний, диний  
арбоб, дин пешвоси эмас, кунн кечагина қип-яланғоч  
дахрийлик муҳитида жавлон уриб, узининг фожавий  
аҳволини бугун чуқур мушоҳада қилаётган ва, муайян  
маънода, афсус-надоматлар чекаётган атоқли маданият  
арбоби, адиб, мутафаккир сифатида фаол фикрлайди.

Туғри, назарий тадорикоти, мантиқи, таҳлил андозаси, даъволарида ҳали, унда-бунда ҳамон «қизиллик» излари сезилиб туради. Таҳлил йусини, мақсад-муддаода ҳам аниқ кузга ташланадиган ягравлик, шахсий манфаат шоён сезилиб туради. Муҳокама ва хулосаларда гоҳо кечаги куннинг нафаси уфуриб қолади. Зиддиятлар, чалкашликлар бор. Дарвоқе, булар барчаси табиий. Чунки дин узи қотиб қолган, мавҳум нарса эмас. У атоқли руҳоний уламолар, валий инсонлар, арбоблар тафаккури ва таълимотлари орқали танилади, кишилар онгига сингади. Турган гап, олиймақом дин арбобларининг тафаккур тарзида изчил ворисийлик мавжуд бўлгани билан, уларнинг қарашлари орасида фарқлар, тафовутлар ҳам истаганича топилади. Бири улмай туриб улишни, бошқаси ҳаётга фаол муносабатда бўлишни даъво қилади. Кимдир аҳли муслим серфарзанд бўлишни лозимлигини айтса, бошқаси, иложи бўлса, умуман уйланмаслик, бола-чақа орттирмасликка даъвогар. Диний фарз ва суннатлар, таомиллар, ибодатлар хусусида ҳам талабу тамойиллар бисёр. Модомики шундай экан, бутун мазкур бу дардли муаммоларга қандай муносабатда бўлиш керак? Кимга ишонайлик? Менимча, бу сингари гоғ муҳим, ҳаддан ташқари нозик масалаларга ёндашилганда, аввало, ҳар қандай пешонаси дунг олимнинг ҳам маънавий ҳаққи бўлиши лозим. Бизга диний тафовут, «айручалик» бўлиб кўринган ҳар бир нарсадан муқаррар зиддият, ижобий ёки салбий натижа, кескин ихтилоф, тараққиёт ва таназзул аломатларини кўришга ошиқмаслик зарур. Ҳар бир нарса ўз ўрнида фарз. Дунё мураккаб. Инсон — раҳмоний ва шайтоний хилқат. Буларнинг барини бир қолига солиб, бир махражга келтириб бўлмайди. Бунга уриниш ҳам керак эмас, менимча. Дунё ўз-ўзича, қандай бўлса шундайлиги билан гузал ва уни шундоқ идрок этмоқ лозим. Майлбозлик ҳеч қачон яхши натижа бермайди.

### ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ...

Бизнинг мафкурачи олимларимиз, ажабки, Шарқда туриб — Оврурога чиқишдан кура, Оврурога туриб — Шарққа чиқишга одатланиб қолишган. Начора. Яқин вақтларгача шундай бўлиб келди ва кўпчилик зиёлиларимизда бу жараён ботинан ҳамон давом этмоқда... Бундай яграв илмий тадбир-тадорикотдан қутулиш, боши срга, оёғи осмонга тункариб, муаллақ қолга солини-

ган нарсани асл ҳолатига қайтариш устида уйлаётганлар ҳам бор. Шулардан бири Иззат Сулпон. Акс ҳолда у, юрак ютиб, «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти»ни қаламга олмаган буларди. Бунинг учун, даставвал қўлимизни кукенимизга қўйиб, унга таҳени айтишимиз даркор. Эсинки, бу зоти шарифнинг рисоласида ҳам уша овруповий, русийона эидлаштириш балқиб туради. Тариқатларни нуқул матлуб-номатлуб тарзида баҳоланишни назарда тутаман. Дуруст, атиги бир уршида «йини» этган фикр ҳам йуқ эмас. «Ҳатто таркидунечилик ҳам адолатсизликка ва бу дунёдаги тағйиринсоний ишларга нафратнинг ифодаси сифатида, инсондаги софликни сақлашга иштиблини сифатида маълум даражада прогрессив аҳамиятга эга эди» (17-бет). Аввало, бу фикр янги эмас. Спийқоқ ган. «Маълум даражада, прогрессив аҳамиятга эга». Уфф! Мужмал. Муаллиф бу даромадни суҳан билан укувчига жишдай таскин бергандан сунг, сурункасига унинг нопрөгессив жиҳатларини изчил рал этнига берилиб кетади... (Хужа Аҳмад Яссавий ҳақларида айғилган жуяли ва умидбахш кузатишлар дардчил қалбларга бир малҳам экаишни ҳам унутмайлик). Аниқроқ айтганда, таркидунечиликка муносабатда ядқол кўзга ташланадиган овруповий-қизиллик биллиниб қолган. Кени маънода, хусусан, яссавийчиликда таркидунечилик гоёси ниҳоятда чуқур масала. Агар олим бу сишари баҳсу мунозарага старли тайёргарлини булмаса, узрхоҳлик билдириб, қўлини ювгани маъқул булармиди... Чунки билмаслик ҳамма замонларда ҳам айб саналмаган. Гарчи фазилат ҳам булмаса-да. Шуниси борки, унинг дурустроқ билмаган нарсангни айтиш гуноҳи азим. Сабаби, бусиз ҳам чалқаш (туғрироғи, Оврупо олимлари ва уларга қушилиб узимизникилар ҳам баттар чалқаштириб юборган) муаммоларни боши берк кучага келтириб қўйгани мумкин. Нафисламр, таркидунечилик хусусида камини узим ҳам чуқур билимга эга булмаганим сабаб, уз шаккокчилигимга тухмат қилман. Бу хусусла мабодо ножуя фикр-мулоҳазаларни айтган булсам, марҳаматли устод-муаллифдан сидқан узрхоҳлигим бор.

#### «МАҲКАМАН ҚАЗОГА ҲОЗИР БЎЛМА»

Тадқиқотнинг уқ илдири, балки қалби Абдулхалик Гиждувошйининг «Васиятнома»сидир. Барча аҳли иедом учун бу ниҳоятда муҳим ҳужжат булгани бонс

муаллиф уни ўз китобида тўлалигича келтирган. (Қайд этиш лозимки, «Рашаҳот»дан олинган бу ҳужжат билан Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг 1993 йилда ўзбек тилида алоҳида китобча ҳолида чоп этилган «Васиятнома»сида анча-мунча фарқлар бор). Мазкур васиятнома «фарзанди маънавийлар Хожа авлиёи қабр»га аталган бўлиб, ўз фарзандига насиҳат мақомида ёзилган. Мана унинг баъзи бир талаблари (қисқартириб олинди):

— Жоҳил суфийлардин парҳез этгил; ҳаргиз талаби шуҳрат этмаким, офат турур; маҳкаман қазога дохил бўлма; ҳеч бир одамга дохил бўлма; самоъни кўп айтмагил; оз сузлагил ва оз егил ва оз ухлагил; халқдин қочгил, андоқким шердин қочарлар; амрадлар ва хотинлар ва мубтадеълар ва бойлар ва омийлар билан суҳбат тутмагил; ва то қўлингдан келиб сақлансанг, хотин олмагилким, толиби дунё булурсан ва дунё талабида динни барбод берурсан; кўп қўлмак кўнгулни ултурур; зоҳирингга оро бермагилким, зоҳиринг ороси ботиннинг хароблигининг турур; халққа мужодала этмагил, кишидин нимарса талаб этмагил; кишига хизмат буюрмагил; машойиҳга мол билан ва тан билан хизмат қилгил; дунёга ва аҳли дунёга мағрур бўлма; кўнгулунг ҳамиша андуҳлик бўлсин ва баданинг бемор ва кузинг гирён ва амалинг холис бўлсин; тазарруъ билан дуо қилгил; либосинг кўҳна ва рафиқинг дарвеш ва дастмоя сенга илми фикҳ ва уйунг масжид ва мунисинг Субҳонаху таоло бўлсин.

Бу ажойиб, сермазмун ҳужжатни тула-тукис изоҳламоқ, унинг магзини чақмоқ учун бутун бир китоб ёзмоқ зарур деб ҳисоблайди мақола муаллифи (26-бет). Дарҳақиқат, олайлик, бизнинг кўнларда ҳам бир мумин мусулмон киши қайд этилган ахлоқий тамойилларнинг қанчасига, нечоғлик жавоб бера олади? Ҳар биримиз узимизни синаб кўришимиз мумкин. Бу ерда жуда ибратли гаплар бор. Мардумни Аллоҳ панохига, шафқатга, инсофга, дину диёнатга, тўғрилиқка чорловчи, Ҳақ йўлига даъват этувчи фикрлар, банданинг бандалигини тасдиқловчи насиҳатлар инжу доналаридай теришган. Бизнинг замонамизда буларнинг барчасига тукис, изчил риоя қилиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди.

Айни вақтда, ҳар бир даврнинг уз тадрижиёти, уз қиёфаси ва мангиқи бор. Дину тариқатларда ҳам фарз ва суннатлар мавжуд. Дин қотиб қолган қонулар мажмуаси эмас, Аллоҳни таниш, яшаш, ҳаракат учун йўлланма. «Фалон азиз авлиё ундоғ деганлар» деб эртаю кеч мук тушиб нола-афғон қилган билан мурод ҳосил булмас, албатта. Тирик жон борки, ейди, ичди, оила қуради, бола-чақа орттиради, уйлайди, ҳаракат қилади. Ҳар бир эзгу нимарсаки бор, таважжух айлайди.

Инсон қалби дарё ва тилсим. Не бир улуглар, азиз-авлиёлар, соҳибқаромат, раббоний шайхул машойих, дарвешлар, шоиру шуаро, фозилу фузало, олиму уламо аҳли яшаб ўтди бизнинг бу қутлуг заминимизда. Баъзан пиримиз ҳазрати Гавсул Аъзам сингари уйланиб қоламан: балким мана шу ерда, меннинг қадамларим остида бирон улуг зоти покнинг хоки бордир?.. Ўзбекистон афсонавор бир дийр. Мен яқин ўтмишда чекканимиз ширк, даҳрийлик, зиндқлик, манқуртлик тазийқлари ва асоратларини гапириб утирмайман. Одамзод тақдиротининг катта синови рузи маҳшарда булади, дейдилар. Илло, шу фоний дунёда ҳам инсон Аллоҳнинг назаридан хорижда эмас. Истиқлол шарофати билан бизга, айниқса еши бир жойга борган зиёлиларимизга ниҳоятда подир, мумтоз имконият туғилди. Виждонни поклаш. Охиратни уйлаш. Тавқи ланънатдан халос булиш. Лоақал қисман булса-да. Ортимиздан эргашиб келаётган ёш авлодни туғри йўлга ҳидоят этиш... Бунга англаб етиш учун катта ақл ҳам талаб қилинмайди. Тоза қалб, тиниқ тафаккур, бедор ниймон булса бас. Рағбат, хоҳиш-истак туғилаверади.

Иззат Султоннинг «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» рисоласини мутолаа қилар эканман, уни сидқи дилдан дуолар қилдим. Дилимда мамнуният, ифтихор, шукроналик ва гоҳо иштибоҳ туйғулари уйғонди.

## МУШФИҚ БИР ХОТИРА

### Ҳамини баҳор

Бир гал бошимга тушган оғир ташвишлар гирдобиде эзилиб, дилим хун булиб утирган эдим. Кимга ҳасрат қилишини билмай, ул-бул қоғозларимни титқила-



ган буламан. Ғаладонимдаги расмларни кўздан кечира бошлайман. Шу пайт... Ис! Қўлимга бир антиқа сурат тушиб қолади. Унга тикиламан: унг тарафда утирган мана бу алломаийи замон — самарқандлик академик Воҳид Абдулло буладилар. (Мудом қувноқ кайфиятда юрганларидан, домлага «Ҳамиша баҳор» деб лақаб қўйишган). Ул кишининг ёнида дустим, профессор Раҳмонқул Орзибек. Буён тарафда турган — мен! Ёнимда — яна бир улуг зот, Озарбойжон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, муаллим Ҳамид Орасли. Тахминан 60-йилларнинг урталарида булса керак. Устозлар ва шогирдлар давраси. Ҳаётимда нақадар бахтли онлар, гарчи турғушлик даври булса ҳам! Ҳозир ҳар иккала оқсоқол: Воҳид Абдулло билан Ҳамид Орасли орамизда йуқ. Боқий дунёга рихлат қилишган. Худораҳмати Воҳид ака тиниб-тинчимас, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасидан шукроналик ва тарихий хотира излайдиган табаррук инсон эди. Уни атиги бир марта кўрган одам ҳам ёрқин қиёфасини асло унга олмасди. Бошқача айтганда, бир умрга севиб қолиш учун уни лоқаёл бир дафъа кўриш кифоя. Кўп одамларга кўп яхшиликлар қилган. 7 феврал кўни булса керак. Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кўнлари муносабатин билан академияда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий анжуманга келишган. «Тошкент» меҳмонхонасидамиз. Домла Воҳид Абдулло шундоқ йулакка чиқдилар-у, зум утмай аллақасқдан бир суратгирни бошлаб кирдилар...

Ҳамиша баҳор... Сукротдай доно, узига хос тирик тарих эди ул зот. Ўзбек адабиётшунослигида уз даврининг аввалюно-охирин якка-ягона академиги. Истари-си қуёш таптидай иссиқ, очик чехралли, зийрак, ҳушёр. Меҳнатсевар ва гоят меҳрибон бир мураббий. Ҳар гал мени кўганида: «Аҳволнинг қалай, «фақирул ҳақир»? Шаҳрибону (рафиқам), фақиҳ Ҳабибийнинг ишлари дурустми? Ундан кўз узма. Узи кўзга яқин, солиҳ йиғит. Катта одам булади бунинг. Қарашлари мулоийим. Аммо иши нозик!» деб таянларди. Сўнг қўшиб қўярди: «Қиблагаҳ яхши юрибдиларми? Даданг Машрабни хатм қилган, мулло одам».

Алломайи Воҳид Абдулло ҳуқуқшунос уғлим Ҳабибулло Саломовни узларича ардоқлаб, «фақиҳ Ҳабибий» деб атар эдилар. Домланинг суратига тикиламан. Ундан нажот истаган буламан. Кўзларимга гилтиллаб ёш кела бошлайди. Назаримда, домла жонланиб, ҳуш-

ёр тортгандай, пшонаси тиришгандай, қошлари чи-  
мирилгандай бўлади. Лабларим пичирлайди. Унинг  
номидан узимга узим тасалли бера бошлайман: «Туш-  
қунликка тушма, тулпор. Дуст-душманлар орасида сир  
берма. Бошингни баланд кутар. Айтмовдимми сенга,  
Ҳабибий тирик ва у бағринга қайтади. Шаҳрибону-  
дан эҳтиёт бўл».

Умидли дунё. Шояд!

...Дарвоқе, бир маҳаллар мен домлага хат ёзганим-  
да, нома адоғида «фақирул ҳақир Ғайбулло» деб имзо  
чеккан эканман. Қулларнинг бирида у киши билан  
учрашиб қолганимда, мени койиб бердилар: «Сен қа-  
чондан буён «фақирул ҳақир» бўлиб қолгансан? Ун-  
доқ дема. Фақирлар «Ҳақиристон»га, ҳақирлар «Фа-  
қиристон»га кетиб қолган. Сен уларнинг орасида ни-  
ма қиласан? Мағрур бош кутариб юр. Замон сенлар-  
ники».

Утмиш қанчалик оғир кечган тақдирла ҳам, ку-  
зинга ёш келинчакдай сулув қўринади. 60-йиллар-  
нинг урталари. Едимда, «Ҳамиша баҳор» Тошкентга  
келдилар дегунча, биз томонга — Чилонзорга равона  
булар эдилар. Қулларида бир жуфт Самарқанд по-  
ни-ю, сиркага босилган пиёзи анзур. О, пиёзи анзур!  
«Газак» қилинган бундан утадигани бўлмайди. Бай-бай.  
Кайф чоғ булгандан кейин кўнгила кенгликларни ту-  
саб қолади. Етаклашиб-суяшиб ташқарига чиқамиз.  
Домлани ҳеч ким академик деб уйламайди. Битта  
ўрнеча оқ шпана-қалпоғи буларди. Ҳамма бизни кў-  
риб дарвеш деб уйлайди. Бақириб-чақириб ашулахон-  
лик қилган бўламиз: Подмосковниге весер-а-а... Ҳўб  
замонлар! Утган-қайтганлар қулади. Бу бизга баттар  
шавқ беради. Фасли баҳор бўлса керак-ла. Субҳи сабо  
гир-гир эсади. Узимиз Чилонзорда дайдиб юрибмиз-у,  
нима учундир... Масков атрофидаги гушаларни кум-  
саймиз. Ё қозийул ҳожот! Энг ашаддий мутё қуллар-  
га ҳам кишанларни жангир-жунгир судраб юриш хуш  
ёқса керак. Тоабад. Занжир уларнинг баданига синги-  
шиб кетади... Қуллик йўқолар, қуллик қолади...

Бир замонлар шаҳри Самарқандни учта улкан На-  
ҳанг (яхши маънода) уз елкасида кутариб турарди.  
Булар: Саййид Ризо Ализода, Садриддин Айнийй, Во-  
ҳид Абдулло. Шундай уйга бораманки, Самарқанд  
баайни бу алпларсиз Самарқанд эмас эди. Воҳид ака-  
нинг Раҳматуллоев кучасидаги хонадонини бу ерда  
узига хос файзиеб Академия деса буларди. Домла бағ-

ри кенг, оғзи ботир, саховатли, кўп дастурхондор инсон эдилар. Кекса авлод орасида Тошкентда — Ғафур Гулом, Самарқандда — Воҳид Абдулло хонадонини билмаган зотини топши қийин.

Оилавий «осори атиқаларим» орасида домла хотираси билан боғлиқ яна икки энлик хат чиқиб қолди. Мазмуни шундай эдики, XXVII ашъанавийи навонийхонлик кунларига келолмайдиган бўлиб қолганлари сабаб, камина ул кишининг помидан маъруза қилишим керак экан. Маъруза матни ҳам мактубга қўшиб юборилган эди. Сунгра устод бул ишни ДН («Дружба народов») журналида чоп эттиришда қўмақлашишимни илтимос қилган эканлар. Араб ёзувида шаҳодат ва имзо: мулло Воҳид Абдуллоин Самарқандий. 3.01.83.

Мақолани ўқир эканман, кўп жуяли мулоҳазалар қатори, менга бир нарсая жуда нашъа қилди. Истиқлол шарофати ила энли дадил кутараётганимиз аллақанча дардчил муаммоларни ун йишлар илгари бизнинг муаллим кура олган экан. Айрим қатгис миллий «мумтозлик» даъвогарларининг безовталикларида ҳам ўзимизнинг баъзи бир «маҳаллий» қонин бузуқ энелиларни ўз вақтида зукколик билан огоҳлантирган экан.

«Вақосъ» мутолаасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг угли Комрон Мирзога ёзган мактубини жондиллик билан қайта-қайта хотирамдан утказар эдим.

«Тахсиен (хусусан) ул кўрен шабистонининг (фалак туши) шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари ҳазрат Хожа Убайдуллоҳқим (Хожа Аҳрорин валийи), имдол қилибтурлар, то гоят бу ишларни давлати ул азизларининг ҳимматидиндур.

Ул силеланининг мурид ва асҳоби (суҳбатдонлари) подшоҳзода деб сенга келсалар, зинҳор акром ва эъозларини маръийи тутиб, аларининг борисида тақсир (қусур) қилмагайсен. Аларким ишқ бобинда бўлурлар, севарларининг итини ҳам севарлар».

Чиндан ҳам, темирнўзодалар етти пунтингача Хужа Убайдуллоҳ Аҳрорин валийини пир деб эганини унсалар, ўзи-ку ўзи, ҳатто итини ҳам севишини фарзандларига тайинлаб ўтсалар-да, бул валинсьматни биз адабиётда... «синфий душман» қилиб тасвирласак... Ўзинга хос — машҳурин ғалат.

...Камина, табиатан ички интизомли була туриб, нечук устозининг раъйини ўз вақтида бажо келтирол-

маганимдан қаттиқ хижолат тортдим. Хижолат ҳам гапми! Курнамаклик. Орадан неча йиллар утиб кетибди-я... Дарҳол бу ишни матбуотга ҳозирлашга киришдим. Қиёмат қарз. Қанийди, арвоқлари шод бўлса... (Мақола бояги сурат билан 1994 йил феврал сонида «Халқ сузи» газетасида босилиб чиққан).

Устознинг: Оббо тулпор-е!.. деган долғали, уқтам овозлари шундоқ қулоқларим остида жаранглаб туради...

# ОВОЗНИГОР

## 10-фасл

### ДОНИШМАНД

#### ОЛИМ КЕТДИ — ОЛАМ КЕТДИ

Профессор Нуриддин Шукурнинг вафоти ҳақидаги нохуш хабарни эшитганимда, саратон чилласида баданим музлади. Худдики «бундай бўлиши» мумкин эмасдай. Ераббий. Яқин бир-икки ой ичида биринкетинг учта валломат инсондан жудо булдим. Булар: тоғдай таянчим шоир Тиллак Жура. Қариндош, бир гузар, бир кучада уйнаб-усган юртдош, профессор Қодир Ҳотамов. Мана энди ўқтам адабиётшунос олим, устод ва мураббий Нуриддин Шукуров. Қисқа фурсатда шафқатсиз улим бу ҳазрати инсонларни орамиздан олиб кетди. Мен учун (фақат мен учунми!..) бу жуда катта йўқотиш булди. Худо раҳмат қилсин уларни. Бир араб мақолида айтилганидай, «мавтул олим — мавтул олам!» Начора. Аллоҳнинг иродаси. Бейхитёр, баний одам, наннки одам, жамики жонзод учун азалий ва абадий қисмат — ҳаёт ва улим ҳақида оғир уйга толдим.

#### БЕШИК БЎЛИБ ТЕБРАНАР ТОБУТ...

Бир даъфа ўқиганим бор: қайсидир бир қабилада, оилада фарзанд туғилса, ҳамма мотамсаро бўлиб, гудакни йиғи-сиги билан кутиб олишаркан. Войдод. Вовайло! Бу ёлгончи дунёнинг азоб-укубатлари учун туғилди, деб танглайини кутарар эканлар мургакнинг. Кимса вафот этганида эса қий-чув, шод-хуррам, карнай-сурнайлар садоси остида чин дунёга кузатиб, дафн этишаркан мамнун бўлиб. Эътиқодлари антиқа экан уларнинг: инсон бу беш қунлик, ёлгончи, норасо дунё азобларидан қутулиб кетди. Жони етти қабат зиндондан халос бўлиб, арши аълога учади ва Тангри таолонинг даргоҳига етиб боради... Менимча, заминий, росмана мантиққа сигмайдиган бу ривоят қанчалик ҳайратангиз бўлиб туйилмасин, буни сираям мантиқсиз мантиқ деб булмас. Зеро, дафъатан мушоҳада

қилинса, инсон қиладиган ёхуд унинг номи билан боғлиқ ишларнинг барчасини ҳам ақл тақозо этавермайди.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бир шеърини тез-тез эслаб турар эдилар раҳматлик дадамиз Мулла Тожи Салом. Абулмаъоний (Маънолар отаси) булган Бедил деган эканлар: Мен барҳам топмишмен. Жасадимни тобутга солиб, қабристонга кутариб борншмоқда. Тобутда, одамларнинг елкалари узра ланг-ланг чайқалиб бораётибману, хаёлимда!.. Хаёлимда онайи зорим мени бешингимни тебратиб, алла айтиб ухлатаётибди.

Нуриддин Шукуров... Кўпчилик адабиёт мухлислари, илму ирфон кишилари, ёзувчилар бул зотнинг бағоят ашъорфаҳм, зукко олим экашини билишарди. Қалин китоблари, мароқли мақолалари, маърузалари, нутқлари, дилкаш суҳбат, баҳслари орқали танирдилар. Зеро, давраларнинг түри уники эди. У гурунгларнинг яшнаган кўри. Уни учратиб қолганда, дафъатан танишу нотаълишнинг ҳам қўллари кўкрагига қовушарди. Дабдабали адабий ва илмий анжуманларда аксарият биринчи сузни у бошлаб берарди. Фозиллар гулшанига узгача бир файз киргарди. Катта маъракаларга тароват берарди. Чиқишларида алланечук сирли оҳанг, узгача бир довруг ҳукмрон эди. Ҳамма унинг вайху мақомоти ва каломига маҳтал булиб турарди. Умуман унинг ўзи нечукдир узгача эди.

## ЖАЙРОН

Оғойи Нуриддин аш-Шукурнинг бандаликни бажо келтирганларини эшитиб, туйқусдан уйлаб қолдим: сунгги бор қаерда, қандай алфозда кўрган эдим ул кишини? деб.

...Тўқсон учинчи йил, баҳор фасли булса керак. Қасққа қарамайин, беҳосдан тириклай йўқотиб қуйган елғизгина уғлим Ҳабибуллони қуравераман. Бу ёруғ олам кузимга тор булиб кетади. Дардимни кимга айтишимни, кимдан нажот кутишни билмайман. У Самарқанд университетида ўқиб юрган кезларимизда, 1954 да тутилган. Шу топда хаста кунгим сафар, зиёратни ихтиёр этди. Ота-боболар хокини тавоф этмоқ даркор. Уйиридан адашган қари от янглиг, хаёл-беҳаёл шаҳри Самарқандга жўнадим. Балким ўша ёкларда ушлаб туришгандир боламни, деган уй менга

сира тинчлик бермади. Кекса, қадрдон шаҳарга етиб келганимда, иттифоқо эслаб қолдимки, шу кунларда бу ерда таржимашунослик буйича нуфузли илмий-адабий йигин утиши керак эди.

Кимки сени қурганда, лабига илқ бир табассум қунса, нораства, маъсум бир болакай сингари қувонса, билгилким, у сенинг чин дустинг. Нуриддин ога мен учун ана шундай азиз, сирдош, ҳабиб бир инсон. Аммо бу гал учрашганимизда ҳар иккаламиз ҳам, сеҳрланган дев сингари, нима қилишимизни, нима дейишимизни ҳам билмай туриб қолдик. Сабаби маълум. Менинг-ку авзойим барчага аён. У ҳам ҳоргин, хафа, теварак-атрофга мутлақо бефарқ қуринди. Сира узига ухшамайди. Менинг аҳволим уни ич-ичидан эзиб юборганди.

Мажлис бошланди. Биринчи сузни менга беришди. Мавзу ниҳоятда нозик эди: «Қуръони Карим: талқин, табдил, таржима». Суврат билан сийрат, ботин билан зоҳир бақамти юради. Бир-биридан ажратиб булмайди. Гап Қуръон суралари, оятларининг сирли маъноларига кучганда қандай қилиб мавзудан чиқиб кетганимни яхши эслабмайман. Узимни назорат қила олмадим. Қақшаган асабларим панд берди. Фарзандимнинг тақдирини, мунису меҳрибон марҳум устозлар, мураббийлар, узим уша топдаги аҳволим ҳақида гапира туриб, йиглаб юборганимни сезмай қолдим. Сел булиб кетдим. Сира узимни тўхтатолмайман. Йиглаб сузлардим, сузлаб йиглардим. Утирганлар ҳам чидаб туrolмади. Пиқ-пиқ йиги овозлари эшитилиб турарди. Кимдир бош эгди, хўрсинди, уф тортди. Биров чидабмай хонадан чиқиб кетди. Бир вақт қарасам, домлам Нуриддин ака қўлига румолчасини олиб, куз ёшларини артиб турибди. Аҳволи бениҳоя паришон, руҳи тушқин. Ниҳоят, чидаб туrolмади — тилининг остига дори ташладию, секин сирғалиб ташқарига чиқди... Куз қири билан уни кузатарканман, узимнинг баттар юрагим эзилди. Нима қилиб қўйганимни тушунган эдим.

Уни сунги марта қурганим шу. Дуруст, мажлистан кейин домланинг ҳовлисида меҳмонда булдик. Ҳар галгидай. Учрашдик, ҳасратлашган булдик. У менга устоди аввал эди. Меҳрибон мураббий ва дуст, бир умрлик. Бу гал биринчи марта бизга узининг қалб дафтарини ошкор этди. Янги шеърлар, мухаммас ва татаббулари, рубоийлари, Расул Ҳамзатдан қилган

таржималаридан уқиб берди. Дарвоқе, улкан авар шоири Расул Ҳамзат ҳам бу хонадонда булган. О-ҳо! Қаршимда адабий муҳитнинг гавҳарп шамчирогп, донишманд оғойи Нуриддин аш-Шуқурпй турарди. Шу зайл мен учун нотинч ҳаёт ташвишларини бир фурсатгина унитдик, чоги.

Қирқ йиллик кадронлар, баайни бир-бирини эндигина, мана ҳозир янгидан кашф этган одамлар каби, кучоклашиб, ҳидлашиб дегандай, гурунг давом этди. Узига хос мушоира. Бу ерда ҳамма бир-бирини танир, ҳеч ким бир-бирини таниб-таниёлмасди. Кечаги толибул илмлар, қарабелзки, бугун бобо. Муйсафид. Бир вақтлар қоп-қора, силлиқ, баъзан жингалак сочлар урнида қуп-қуруқ ялтираган каллалар ёки қирров босган дала. Дуслардан бири ёнидаги одамга: «Ҳай, Мамарайим, шу сеннимсан?» деб ҳазиллашса, суҳбатдош ҳам сал муболага аралаш буш келмасди: «Узинг ҳам ҳаққа етишиб қонсан, Нормурод оғайини! Қанақа гузал йиғит эдинг-а. Энгиз, шантоли қоқи буисан-күйибсан».. Ҳа-я, чақпаган кузлар хира тортган. Садафдай диндонлар урни баъзан бум-буш. Бовужул, нимадир бир нарса «уша-уша» булса, уша «бир нарса» — руҳ, меҳр, оқибат. Ҳеч қандай «қайта қуришга» муҳтож булмаган инсоний қадриятлар.

Хонадон эгаси. назаримда, узининг бугун маҳоратини ишга соларди. У энг оғир дамларда дусларининг кунглини кутарини, дала берини билар, минбаъд ноумид булмасликини қайта-қайта тайинларди донишманд муаллим. Бошқаларни, лоақал «каналак умри қадар» булса-да, узининг гам-ҳасратларидан фориғ этишга, турмуш икпир-чикпирларини унутишга жонжаҳди билан уринарди. Инчунин, заргарона усталлик билан, моҳир дирижер сингарин, сездирмасдан қиларди бу ишни. Чунки билардики, бу мушкулни ундан узга киши эппай олмаслигини. Яхин маънода, нечук-дир сирли, «узида одам» эди. Устод ҳаммани тушуниди. Унинг матлаби шу эди. Биз-чи? Биз ҳаммамиз уни тушундикми? Жилла қуримаганда, тушунини истадикми? Билмадим. Чоғимда, биз ундан вақтида бохабар була олмадик. Елғизлик қилди. Умрининг сунгги кунларини эслаган кишилар тасдиқлайди: у қазову қадар муқаррарлигини, ажал ёқасига епишганини, бугун-эрта, мана шу кунларда содир булишлигини сезиб турса-да, асло безовталанмали. Эҳтимол, умрида биринчи мартадир, «э бор-эй!» дегандай. Бамайлихо-



тир тутди узини. Шу тавр, худди тушда содир булаётгандай, дунёи бевафодан секин, кулиб-кулиб утиб кетди... Ким билди, ким билмай ҳам қолди.

### ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ

Ўзбекда гап бор, «буйимга яраша буй топдим, кунглимга яраша кунгил топмадим» деган. Нуриддин оғамизнинг нурли қиёфасида камина бунинг аксини кашф этгандим. Балким унинг қадди бастиди мен буйимга яраша буй топмагандирман, аммо, не саодатким, кунглимга яраша кунгил топган эдим.

Бундан етти-саккиз йиллар илгари нечукдир маврид билан самарқандлик яхши дўстим профессор Раҳмонқули Орзиевнинг хонадониди меҳмонга йиғилдик. Йиғирма чоғлик қадрдон ёру биродарлар, устозлар. Едимда, ушанда акамиз қадаҳ кўтараркан, сўзининг охирида барчамизни лол қолдирган эди:

*Дам ганимат, ду-устлар,  
Одам ганимат, ду-стлар.*

Ога Нуриддин Шукур «ОДАМ ганимат» жумласини шу қадар ички бир дард, эҳтирос билан талаффуз этдики, бу менинг онг-шууримда соҳибқирон Темур бобомиз замонларидан қолган кўҳна ва абадий навқирон диний-тарихий муқаддас обидалар пештоқиға битилган муборак сирли рамзлар сингари нақшланиб қолганди.

Эвоҳ... Одам ганимат.

Кошкйиди ушанда билсам, ки орадан атиғи бир неча сана утар, ва мен бу соҳир сўзларнинг маъносини чақиш учун ўз тақдиримда чуқур ларзон ва изтиробларга дучор бўларман. Бу сўзларнинг маъносини теран англаб етиш учун мавлоно Нуриддин Шукурдай комил ва фозил ҳазрати инсондан маҳрум бўлиб, бузлаб қоларман.

Шу топда бир мажнунваш шоиримизнинг мана бу дардчил мисраси армонли, уксик дилимнинг яраларини бехос тирнаб кетди:

*Энди сени излаб қайдаг топарман...*

Бундай ўйлаб қарасам, устод олдида қанчалар бурчдор эканман. У мени узоқ ва яқин масофадан ушлаб турган қудратли оҳанрабо эди. Менинг шикаста кунлимни эҳтимол ҳеч ким унингчалик овлай олмагандир.

Рушнолик дамларида ҳам, таҳликали кунларда ҳам. Том маънода тирик адабий қомус эди. У билмаган нарса булмаса керак, деб уйлардим гоҳо ҳайратланиб. Бир умр бирга юриб, бирга туриб, ҳамқору ҳамдаст, ҳамнафас бўлиб, ҳатто бирга яшаб келганларнинг ҳаммаси ҳам унинг кимлигини билмаса, не тонг.

Мен унинг хонадонида неча марталаб меҳмон булганман. Она юрти Самарқанд биқинидаги жаннатмакон Хишровда, Туркманқишлоқда катта дастурхонлар тузаган. Сахий, дастурхондор, қули ва кунгли очик киши эди. У билан сулим гушаларда утган гурунглarning тапти, нашъу намоси бир умрга татиғулик. У турли баҳоналар билан мен одамовиши уз Ватаним билан таништирган: гузал Зарафшон воҳасининг ҳеч қандай таърифга сизгайдиган табиий гушалари, Жиззах чули, Бахмал ва Ургут тоғларида булганмиз. Гоҳида нозик адо рафиқаси, соҳиби ақл Сабиха бону, дилкаш угли Фаррухжон ҳам иштирок этарди бу сафарларда. У она табиат қўйнида ширин суҳбатлардан, шеърхонликдан чунонам маст булар эдики... Адабий-танқидий тафаккури теран, салоҳияти юксак, қувван ҳофизаси гоят уткир эди унинг. Бейхтёр, мени иқрор қиларди: суҳбатдошим улкан адабиёт арбоби, тиник олим, одамохун эди. Бетакрор истеълод соҳиби. Афсуслар булсинким, адабиёт, одамлар, воқеалар, давр шамоллари, Ватан, миллат, тарих ҳақидаги ўймулоҳазалари, унинг узидан бошқа ҳеч ким билмаган ва ҳеч ким билиши мумкин ҳам булмаган айрим нарсаларни ҳеч қачон, ҳеч бир дарслик, адабий мажмуадан, баёз, антология ёки қомусдан топа олмайсиз. Дунё ичра бир дунё. Ва бу дунё унинг узи билан бирга кетди. Бир шоир тили билан айтганда:

*Мен унинг таърифни қандоқ келтирай,  
У бир ўзбек эли, қалрдошларим!*

*(Аъзам УКТАМ).*

## НУРИДДИНЖОН МАРСИЯСИ

Кузимда ёшларим куп экан,  
Сизга асрамовдим ёшимни.  
Таъзимгамас, водариг, устоз,  
Қабрингизга эгдим бошимни.  
Тоғлар чорлар Нуриддинжонни,  
Ҳайқириклар қушилиб кетар.

Овозини қувиб етмоқ-чун  
Рух қуши ҳам самоға учар.  
Булоқ чорлар Нуриддинжонни,  
Шаффоф қушиқ куйлайди бирга.  
У қушигин тугатолмади,  
Энг сунггисин айтади ерга.  
Армонлари купмиди, билмам,  
Шеър уқирди устоз беназир.  
Шамол тухтаб сукут сакларди,  
Дунё нафас оларди базур.  
Овозини соғинар баҳор,  
Гуллар бориб қабрида унсин.  
Нуриддинжон қушигин тинглаб  
Юрганлар ҳам тақдирга кунсин.  
Соғинади уни шамоллар,  
Марсиялар битадн ёмғир.  
Соғинчларга айланиб қолди,  
Нуриддинжон улимн огир.

*(Ҳамидулло угли Фарруҳ. Толибул шим. Самарқанд)*

### УНИНГ ДОРИЛФУНУНИ

Олимнинг қалби Самарқанд университетини бағрида кечган узлуксиз ярим асрлик қайноқ илмий-мураббийлик фаолиятида қолди. У одамлар орасида, устод ва шогирдлари, бетухтов сийраклашиб бораётган сафдошлари даврасида катта обрў-эътибор қозонганди. Ҳаёти ҳавас қилса арзинулик. Адабий-илмий давраларда бу олим хизмат қилаётган университетни «Нуриддин дорилфунунини» деб таърифлашарди. Домла баайни шу олийгоҳ учун тугилганди. Бу ернинг иқлими, паст-баландини, одамларини, мардумнинг яхши-ёмон қилиқларини унингчалик биладиган кам. Кимнинг нимага қобил эканини ич-ичидан сезиб турарди. Тугрилик бобида ҳеч ким билан муроса қила олмасди. Ҳақ ва ҳаққониятни ҳар нарсадан устун биларди.

Бу сингари алломаларнинг салоҳияти ва ишларида шукроналикка ҳам, афеус-надоматларга ҳам сабаб буладиган жиҳатлар бор. Чунончи, фан ва адабиёт арбоблари меҳнатининг қадр-қиммати, самарадорлиги улар яратган кашфиётлар ҳамда асарларининг сони, салмоғи билан улчанади, дуруст. Аммо бу омил нисбий. Жуда ҳам нисбий. Олайлик, ун жилд китоб ёзган бундай баркамол арбоб вафот этар экан, уни йиққан бисоти, оламшумул

кашфийтлари, улкан тажрибасининг муайян бир қисминигина бизга қолдиради, холос. Жуда катта илмий-маданий хазина унинг узи билан бирга кетади. Хусусан, агар ижоди турғунлик даврининг бугиқ ижтимоий муҳитида кечган бўлса, бу фожса. Эътироф этишга тегишимиз: жуда куп ижтимоийун олимлар янги давр муаммоларига дуч келиб, жиддий инқирозга юз тутди. Шундай бўлиши муқаррар эди. Чунки ифлос сувда чўмилиб тозаришни уйлаш сувдан қуруқ чиқишга ишонишдай гап. Хомхаёл. Бас, аксари зиёлиларга, ҳалол олимларга ҳам қийин бўлди. Бошқа тарафдан, улар орасида шалағи чиққан, олдинги «яқши замонларининг» (маънавий чиришининг деб ўқийсиз) қайтишини қумсаб яшаётган бир хил без, мунофиқ маддоҳлар ҳам кам эмас.

Нуриддин оғаниннг сиймосида бутун бир давр қузғусини қуриш мумкин. Унинг ижодида уруш, қувгин, таъқиб, шахсга сизгиниш, қатагон, маънавий турғунлик инқирози ҳам, қайта қуриш ва мустақиллик мафқурасининг муҳри, фалсафаси, истиқлолнинг руҳи ва эътироси ҳам ўз ифодасини топганди, албатта. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. У ўз замонасини, маданият тарихини, бадий адабиётни томошабинларча кузатиб қолмади, балки ичдан таҳлил қилди. Ва ҳар гал воқеалар силсиласидан сабоқ қидирди. Илмий-ҳолис хулоса чиқаришга интилди.

Бу инсоннинг бахти шунда эдики, гарчи у ҳам социалистик реализм адабиётининг байроқдорлари бўлган ёзувчи ва шоирларнинг ижодини таҳлил ва тадқиқ этган бўлса-да, адабиётда сохта фирқавийлик, инқилобчилик, қизил гоявийлик, улуғдавлатчилик, космополитизмга, ленинпарастликка асосланган интернационализм (шовинизм)га ортиқ даражада зўр бермади. Билъакс, ижодий жараённинг қалби бўлмиш адабий маҳорат, миллийлик, тил, маъно, услуб, оҳанг, ифода, рамз, ишоралар таҳлилинини биринчи уринга олиб чиқишга уришди. (Нуриддин Шукур овози. Муҳаббат ҳақида).

### •ЎПАР ЭДИМ ВАТАН ТУПРОГИН•

Домла Нуриддин Шукуровни, акаси худораҳмати Жалил акага қилган васиятига қура, Туркманқишлоқда, ота-онасининг пойига дафн этишди. Гобуткаш биродарлар қабристондан қайтишаркан, аҳли жамоадан биров сўради:

— Огайнилар, Нуриддинжон қандай одам эди?

Оломон садо берди:

— ...Яхши инсон эди.

— Жаннатий киши.

— ...Валломат, мард, ҳалол...

Хим. Таажжуб. Ҳаётлик чоғида-ку одамлар яхши ёки ёмон, олийжаноб ё фосиқ, мумин ё худ ёвуз буладилар. Нечук сабабким, дунёи фонийдан абадият манзилига риҳлат қиларкан, ҳамма бирваракай, сидирга «яхши кишига» айланиб қолади? Таомил шундай. Марҳумлар ҳақида ёмон гапирмайдилар. Ва туғри қиладилар. Бу инсон зотининг олийжаноблигидан. Зотан, туғри-да. Ҳар кимки яхши ёки ёмон бўлса, Худонинг ҳукмига ҳавола: мукофоти ҳам, жазоси ҳам ўзи билан бирга. Бандаси эса фақат яхшиликни тан олади.

Йук, бизнинг биродаримиз фақат урф-таомил юзасидан эмас, ҳаётлик чоғида ҳам одамохун эди. Мен уни илк дафъа уз устозларим, Камол хужанинг кўзга суртган якка-ёлғиз фарзанди Урин Камолий, Ражаб новвой ўғли, хужакалон ога Жалолиддин, мискин Йулдош Қодир, мирзо Олим ўғли Ҳотами Тойй, Қори Ақрам ўғли Раҳматжон Самарқандий, тожир ва суханвор Салоҳиддин Қори Солиҳий, Ҳаким кавушшўз ўғли Абдурахмон Хоксорийлар даврасида куриб танишганман. Узимизнинг сулув Хатирчи туманида, Сув дарвоза гузаридаги болохонадор ҳовлимизда танишган санаи 1947 дан бошлаб эллик йилдан буён биламан.

Йук, ҳеч ким фаришта эмас. Ким билсин, инсон зотига хос ожизлигу баъзи куфрлар унда ҳам учрагандир. Аммо, урфга қарши бориб булсаям (шаккоклингимни Аллоҳ ўзи кечирсин), ундаги ўзим билган бир қусурни айтмоқчиман, ҳар қалай. Балким шундоқ бир қусурким, айнан шунинг ўзи ҳам бул зотнинг одамшавандалигидан далолатдир, ажабмас, улуглиги унинг ана шу ожизлигидадир. (Мусиқа).

### САЛЛАМНО, ЖАНОБИ ВАҚТ!

Гап бировнинг хатога йул қуйган-қуймаганлигидамас. Бенуқсон одам булмайди. Мабодо кимда-ким узини мутлақо бенуқсон деб тушунса, у одамзод қавмидан эмас. Масала шунда: ким қандай хато қилдию, бунни қандай тушунди? Қай йусинда уз хатосини тузатди? Умуман, тузата олдимиз ёки йуқми?

Профессор Нуриддин Шукуров Республика миқё-

сида кенг эъгибор топган, қалами уткир, лафзи ҳалол мунаққидлардан эди. 60-70 йиллар унинг ижоди энг қайнаган давр будди. Танқидчи халқи борким, ижодкорнинг қушандаси дейсиз. Гуё бир-бирини тушуна олмаган икки адабий тула янглиг. Танқидчилар, фирқанинг қонуғон дастурлари сифатида, йўқсулни гоявийликни дастак қилиб, узларича гуё адабий иқлимни ҳар хил попок оқимлардан, «чириндилардан», «ет унсурлардан» тозалаб туршиарди. Уша йиллари, едмда, оғойи Нуриддин аш-Шукурнинг айрим чиқишларида ҳам бир қанча ёш, қайсар, шаккок ёзувчи ва шоирларга тош отилди. Миллий эҳтиросларга берилиш, тақдирдан инквизитор, тор кайфиятлар, умидсизлик, бадбинлик, буржуйча мумтозлик ёки руҳий инкирозлар ҳақида ёш ижодкорларга таъналар қилинди.

...Орадан чорак аср ўтди, маълум бўлиб қолдики, давр, миллат, ватан, тарих фожесаларини зарбдор, «илгор» мунаққидлар эмас. айнан уша ишончини йўқотган (кимнинг ишончини?!), урилган ёшлар, узларига узлари қасд қилиб бўлса ҳам, тугри ва холис курсатиб беришган экан. Уларнинг кунчилиги миллатфуруш, хиёнаткор, муртад, тамаъгир, мугъ, фирқапараст маддоҳлар бўлиб чиқмади. Айнан аксинча ҳолат рўй берди.

Хун? Нима қилти! Бундай бўлишини ким билдиби дейсиз? Бу алоҳида бир ёзувчи ёки танқидчининг билиб қилган хатоси эмас, балки кажрафтор фалак, норасо дунё, буқаламун даврнинг фожеси эди. Замона зайли шу эдида. Вассалом.

Йўқ, вассалом эмас, биродари азиз. Салтамо, жаноби Вақт! Бу руйи заманда, бутун кинотда сени тизгинлайдиган, измингни, азму қарорингни узгартирадиган куч йўқ. Бўлмаган, бўлмайди. Сенинг оғушингда мумдайд эриб кетмаган бирон метин жисм ҳозиргача яралмаган. Яралмайди ҳам. Вужудини такаббурлик, маишанлик қоплаган не олтин бошлар кетди. Не даҳри дун даҳолари мулзам бўлиб қолди, синди. Не бир тоғлар қулади, кунфаякун булди. Абадийликка даъвогар гоялар чупчак бўлиб чиқди. Ҳаммаси доҳийларнинг иддаоси билан эмас. Алоҳнинг иродаси билан булди.

### ҲА, КУЧИ ОЖИЗЛИГИДА ЭДИ

Оҳ, знёли мардумга чунонам оғир булдики... Турган гап, мавлоно Нуриддин Шукуров ҳам йул қуйил-

ган хатоларни узидан бус-бутун соқит қилиши мумкин эди. Купчилик мурасосоз мафкурачилар, отдан тушса ҳам эгардан тушмай юрган мумтоз каллалар шундай қилишайпти-ку, ахир. Пода ортга қайтганда чўлоқ эчки олдинда кетади, дейишади. Афсуслар булсинким (Офарин! дейиш балким жоизроқмикан...), у бундай қилолмади. Қилолмасди ҳам. Билар эдики, бундай палагда йуриқ билан ҳар қандай гуноҳи азимни ҳам оқлаш ва абадийлаштириш мумкин. Уз нуқсонларини на замонга, на фирқага, на шайтони лаъинга, ва на бошқа бир тоифа инс-жинсларга тункаб-да утирмади. Ориятли, номусли инсон эди. Бутун янги ва истиқлолгача энг янги тарих давомида алданган, таланган эл дарди, отилган тоза виждонлар, топталган ва хурланган номус, таҳқирланган нафсоният, миллат фожеалари, иймон-эътиқод уни тегирмон тоши янглиг эзиб юборди. Мен кафолат бера оламанки, у бирон муваққат мулжал билан эмас, дузахий азоб утида қоврилиб, узини тамом асосли бир тарзда, тубдан қайта қуришга киришган эди. Гарчи пок номингизни тилга олмадим (зеро, бу билан сизни тагин бир карра ранжитишдан истиҳола қилдим), эй ардоқли, иймон-эътиқодли, собит, жафокаш биродарларим, устод Нуриддин акангиздай таъб-диқли, софдил адибни маъзур тутгайсиз. Лоақал — энди! Ер қаттиқ келса, ҳукиз ҳукиздан куради, буталарим. У узининг афсуснадоматларини сунгги асари — «Суз сеҳри, шеър меҳри» (1993) китобида кифтини келтириб айтди. Менга инонинг: истигфорларини тагинам мукаммал бир тарзда ошқора айтиб улгурмагандир балким. Аммо шуниси мутлақо аниқ: жоҳилият даврининг тавқи лаънатини узи билан бирга олиб кетмади, шу ёруғ дунёда гоҳо давр шамолларига берилиб қилган айрим қилмишларидан у қаттиқ пушаймон булди. Виждони қийналди. Узининг бутун ҳалол ҳаёти, азиз жонини бунинг учун гаровга қуйди. Гарчи, биласиз, шу топда узимнинг ҳам юким зил-замбил. Гарчи тирикман. Аллоҳга шукур, жаҳаннамий азобга маҳкум этилган ожиз бандаман, биласиз. Ҳаётим қил устида. Бовужуд... Бовужуд! Маломат ёмон нарса. Ҳеч бир мард, хоҳ ҳаёт булсин у, хоҳ марҳум, айтингки эл назаридан қолмасин. Ҳар ким, майли, оч булсин, юпун булсин, номусли инсон булсин. Икки дунёда номардга муҳтож булмасин. Бу ерда балким мисли қурилмаган гойибона истигфорнинг кафолати менинг гарданим-

да. Мард учун жонингни қурбон қилсанг арзийди. Биласиз, азизларим, мархум кишининг бу дунёда узолмаган қарз-қурзларини унинг энг яқин одами уз зиммасига олади. Бунинг учун менинг маънавий ҳаққим бор деб биламан, зеро, олимнинг энг яқин, салкам ярим асрлик энг ишонган одами булишдек шарафни ҳам, бу залворли шарафнинг огир юкини камина уз гарданимга оламан. (Ашула. Достон Убайдулло. «Тушунмас мени одамлар, тушунмас».)

### ФАФУР ҒУЛОМ ЎҒЛИМ ДЕГАН

Мутафаккир шоир Ғафур Ғулом Нуриддин Шукур домлани узига шу қадар яқин олганки, уни эл уртасида ўғлим деб шоён қилган. Мен бир неча мартаба гувоҳи бўлганман, шу қадар қойил қолганманки, бизнинг мавлоно, сал маҳобат қилсам, Ғафур Ғуломни ул зотнинг узларидан ҳам нозикроқ тушунар экан-да, деб уйлардим. Академик шоиримиз ижоди орқасидан нон еган, ном қозонган, эътибор топган олиму шорихлар жуда бисёр. Аммо унинг ижодини билишда, ғафурғуломшуносликда ул кишининг олдига тушадиган йуқ эди. Шеърларини ёд биларди. Қайси асари қачон, қасрда, қай муносабат ила ёзилганидан вофиқ эди. Ажабмас, Ғафур ака узини узи бу қадар таҳлил ва кашф этмагандир. Уни уз фарзандидай ардоқлагани, оиласига, хусусан, Жамил акасига самимий ҳурмат бажо келтиргани боиси ҳам шунда бўлса керак. Ғафур Ғуломнинг шахси ҳақида жуда қуп ривоятлар билар, уйлайманким, Нуриддин акаси тушмагур, шинавандалиги тутиб, баъзи бир хил шух-шан латифаларни узи туқиб юборган булиши ҳам мумкин.

Унга шундай қобилияту иқтидор берилган ва бу нарса унинг табиатида жибилий, туғма сифат эди-ким, суҳбат ёхуд баҳс асосида сени сехрлаб қуярди. Бехосдан, узинг уздан бир қарич паст, жуи, вазмин эканлигини сезиб қолардинг. Гурур ва надомат ҳислари айқаш-уйқаш булиб кетарди, зеро, бу сенинг ожизлигинг ҳам эмас, балки унинг улугворлигиндан эканини равон сезиб турардинг. Шунда, беихтиёр, у билан фахрланардинг. У қанча мўътабар зот бўлса, шунчалик камтар эди. Қанча камтар бўлса, шунчалик юксак.



## ТУЯ ҚАНЧА КАТТА БЎЛСА, ЯҒИРИ ҲАМ...

Нимасини ҳам айтасиз. Ғафур Ғулом ўз даврининг содиқ фарзанди эди. «Жонажон фирқа», «улуғ оға», «коммунизм», «қизил Масков», «халқлар доҳийси» дейсизми... Бариси гурур ва сурур билан ёниб куйланди. Бсармон! Бугун унинг шеъринини кечаги пуфак кибру ҳаво билан хониш қилиб бўлмайди. Бу тош ҳайкалга жон киргизишга уринишдай гап. Ғафур ака ўзи баралла таърифлаган Вақт ўз ишини қилиб бўлди. Энди у Вақтлар қайтиб келмайди. Илоҳ қайтиб келмасин ҳам. Минбаъд! Бироқ, башарти, бугун шоир ҳаёт булганида, узининг кечаги хиргойинсини айни тухтаб қолган жойидан давом эттирган буларди, деб ким айта олади? Бугина эмас. Унинг уша кечаги кун нафаси қатида ҳам нуруний тарих, мўсафид Шарқ, инсон, миллат тақдирига эш, ҳамоҳанг чўнг бир дард ястаниб ётибди, чўнг дардчил бир армон яширинган. Агар кимда-ким уни фақат маддоҳ эди деб ҳисобласа, хато қилади. У маддоҳ эмас, дастлаб шоир эди. Асрий мазлум халқ номидан гапирришга маънавий ҳаққи бўлган минбар-шоир. Шубҳасиз, вақт огушида эскирган, униққан, улиб бўлган нарсалари ҳам йўқ эмас. Анча-мунча... Бироқ бисотида абадий навқирон, Хизр нафасидай ссҳрли, тиниқ, сунмас, долгали оҳанглар, барҳаёт асарлари борким, уларни кўҳна осори атиқалар ихтиёрига топшириб юборишга шошилманг. Улар халқ қалбидан жой олган. Ғафур Ғулом фақат инкорга эмас, таҳсинга ва ифтихорга ҳам лойиқ. Бас, мутафаккир шоиримиз ижодига бугун тумтоқ тиг, жоҳилнинг сўқир кўзи билан эмас, тамоман янги нуқтан назар, фаҳм-фаросат билан тийрак ёндашмоқ даркор. Унутмайликки, баҳс қатордаги шунчаки бир шоир эмас, улкан истездод ҳақида. Истездод қанча улуғ бўлса, унинг мусибатлари ҳам шунга яраша булади одатда.

Профессор Нуриддин Шукуров ва унинг шоир Ғафур Ғулом ижоди, бошқа ўзбек адибларни ҳақида ёзган аллақанча ишлари ҳам бу мулоҳазалардан мустасно эмас. (Майини мўсиқа).

### БЕШ ДАҚИҚА ШАКАРГУФТОРЛИК

Талабаларнинг юз-куз ифодалари, хурсинишлари, муҳокамаларига қараб, Самарқанд дорилфунуни қандай улкан мударрис, мураббий ва раҳнамодан маҳрум

булганини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳамманинг оғзида унинг номи. Устознинг таърифу тавсифлари, каломи, мантиқи, ҳазил-мутойибалари, уғитлари, маслак ва далиллари уларнинг тилидан тушмайди. Ҳамманинг кузида маънос ҳасрат. Яхши ҳислатларини гапириб қарчмайдилар. Бундай вақтда истасанг истамасанг қиёсга мурожаат этасан киши. Барчага отнинг қашқасидай таниш булган айрим саъз, чаламулла, манқурт «темир олимларнинг» номлари тилга олинди алам билан. Ҳамма даврларда ҳам бирдай «иншончи» булиб қоладиган бундай кимсалар олдида Нуриддин Шуқуров ва бошқа бир тонфа кимил устозлар худди Суқротни ҳақимдай ажралиб туришларини завқ билан сузлашади шогирдлар. Айниқса, узининг гоҳо замон зайли билан йул қуйган баъзи бир янглиш қарашларини мардона тан олиши, узини узи қаттиқ койиши талабаларни мафтун этади. Шеърни нозик тушуниш, таҳлил этиш, шеърхонликда у беназир эканлиги, шакарғуфторлиги қайта-қайта тилга олинди. Айтишларича, ҳар гал, дарс адоғида, танаффусга беш дақиқа қолганда, талабалар ундан сабоқни яқунлаб, шеър «айтишини» талаб қилишаркан. Ҳа, катта адабиёт муаллимининг фақат билагон олим булиши кифоя қилмайди. У адабиёт ва санъат асарининг қобилини эмас, руҳини, мусиқасини қалбаи нозик ҳис этадиган истеъдод эгаси булиши ҳам лозим. Оғанинг эҳтиросли каломи, масиҳий нафаси минглаб шогирдларнинг онг-шуурида ва қалбида қолди.

Нуриддин оғамиз Алишер Навоий номидаги Самарқанд университетининг «туғди-битдис» эди. Уз ҳаётини бу илм маскашисиз тасаввур қила олмасди. Дорилфунун қанчалик уники булса, у ҳам шунчалик, бусбутун дорилфунунники эди. Сунгги нафаси, охирги томчи қонигача!

...Қизик. Ундан сабоқ олганлар, шогирдлари орасида унлаб кишилар аллақачон узи сингари фан арбоби, фан доктори, профессор минбаргоҳ мудирин булиб кетган. Купчилиги ширин мудроқ оғушига кирган, деса ҳам булади! У булса ҳамон изланишда, истеъдодли кишиларни қидиришда давом этарди... Гувоҳлик берадиларки, вафотидан атиги икки кун илгари факультет фаолларини йиғиб, узи тузган «ёш истеъдодлар жамгармаси» лойиҳасини муҳокамага қуйган, мазкур лойиҳа вилоят ҳокимияти оқсоқоллари орасида маъқуланганини айтган!

Филология куллиётидаги ҳар бир талаба унинг ҳисобида турарли. Ҳатто бу олийгоҳни ашлақачон битириб кетганлар ҳам унинг номини эшитганда илтиқ табассум билан таъзим қиладилар. Шогирдларини бажойи фарзандидай қурарди. Уз раҳбарлиги остида илмий даражага мушарраф бўлган икки олим ва шоир — Тошпудат Ҳамид билан Илҳом Ҳасанининг фожеали ҳалок бўлгани уни буткул адоий тамом қилди. Сунгги нафасигача уларнинг ҳалокатига қушиқа олмади. Раҳматлик Илҳомжоннинг номи сира-сира ёлдан кутарилмади. Ҳар гал уни эсларкан, кўздан тирқираб ёш чиқиб кетарди. Бу маҳзун ҳолат узининг бутун даҳшат билан бирга менга тушунарли. Садоқатли шогирдининг ҳаёти, ишлари устознинг номи билан муборак ва сарафроз. Устоз уз шогирдларида яшайди. Агар шогирдининг умри ўзига вафо қилмаса, бу устознинг тириклай улгани. Қазову қадар муқаррар экан, майли, шогирди: «Алвидо, устоз!» деб нола қилсин. Устоз: «Алвидо, шогирдим!» деб фиғон қилмасин, ё раббил оламин!

#### КАРВОН

Одамзод ҳаётини хонан хуршидга талпинган катта карвон йўлига қиёс этгулик. Ҳамма замонларнинг бирдай улуг шоири Хужа Ҳофиз Шерозий лутфан буюрмишлар:

*Эй сорбон, оҳиста рои, оромни жонам меравал.  
Эй сорбон, оҳиста юр, оромни жоним боралур.*

Бу миллион-миллион йиллар давомида кети узилмай, бир зум тин олмай турнақатор бўлиб кстаётган маҳобатли карвон йўлида оромгўжон сарвиноз ҳам, марди майдонлар, не-не оқил инсонлар, донишманд олимлар, мунис ва мушфиқ ҳакимлар ҳам эл қатори дегандай, тақдирга тан бериб, меърож, шафоат ва абадият илминжида ушал томон равона буладилар. (Мусиқа. Ортидан Ҳофизнинг мазкур газалига басталанган ашула).

Ога Нуриддин Шукурнинг бевақт вафоти билан қаторларимиз сийраклашди. Давраларимизнинг қури пасайди. Еқимтой, дилларга ором бағишловчи, жангдор бир овоз тинди. Миллат мана эндигина узининг мустақил тараққиёт узанини топиб, не ҳасрат билан ўз-ўзини англаб келаётганида, ўз тарихий, ди-

ний, миллий қадриятларига, уз маънавий меросига янгича назар билан таважжуҳ айлашни урганаётган шукуҳли, оғир, зиддиятли кезларда у бизни ташлаб кетди. Бизни узидан маҳрум этди. Усиз таъб-одоб аҳли хомуш тортди. Эвоҳ, то тирик экансиз, ҳарчанд некбин бўлмайдик, қалбимизнинг бир чеккаси кемтик бўлиб хувишлаб тураверади.

Зиёли кишини очлик эмас, қадрсизлик ўлдиради, нописандлик нобуд қилади. Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман, дейдилар-ку. Бежиз эмас. Гарчи зиёли аҳли бутунги кунда туқликдан еришаётган бўлмаса-да. Нафсиламр, унга кўп-да нарса керак ҳам эмас. Бироқ улар, Ғафур Ғулом айтганидай, «катта қарвон йулида етим буталай», «кузларда ҳалқа-ҳалқа ёш» билан мунгайиб қолмаслиги керак. (Уйга толдирувчи оғир куй).

### *Нуриддин ШУКУР*

#### КИМГА АЙТАЙ ДАРДИМНИ...

Мен уйда елгизман,

Беморман оғир.

Йуталдан кўкрагу биқинлар оғрир,

Неварам Юлдузхон соат ун бирла

Биринчи синфдан келиб сўради аҳвол.

— Бобожон, бирон нарса керак бўлса,

Бирор гап бўлса, менга айтнинг дарҳол.

Аям, бувим менга тайинлаб кетган.

— Буйингдан ургилай, жон қизалогим!

Ҳали, энди зўрга еттидан утган.

Хотини ишда, ўғил, келин ҳам ишда,

Шу зарурат бизнинг замонда.

Ҳамма ишламаса яшаб бўлмайдими,

Булсак ҳамки дорул-амонда.

— Қизалогим, ҳозир сенсан шифокорим,

«Бирор гап бўлса» сенга айтаман.

Ҳар соатда улим комига тортар,

Ҳудо сақлаб қолар, зўрга қайтаман.

Йутал хуруж қилар, нафас қисилар,

Туриб утираман, яна ётаман.

Жоним қалтирайдими, томоқ хиришлар,

«Бир гап бўлса» сенга қандай айтаман?

Дамқисма касалим хуружларни зўр,

Дунени кузингга тор қилиб қўяр.

Хуруж пайтидаги йуталу хир-хир —

Упкангни гуёки эговлаб уяр.  
Аҳволимни сендан яширмоқ учун  
Гоҳ куламан, йутални гоҳи тияман.  
Булар майли-ку-я, жонгинам, қизим,  
«Бир гап бўлса» сенга қандай айтаман...

### ҚИЛ КЎПРИК

*Кнши олтмиш йил яшайди, саксон йил, балким юз йил... Ундан ҳам ортиқ умр куради. Нанинки яшашнинг маъно-мазмунини унинг неча йил умргузаронлик қилгани билан ўлчанса. Буюқда юзни уриб қўйсангу, сени тушунадиган асрдош, сирдош, замондош, маслакдош, дардманд яқин оламинг бўлмаса, узоқ яшашдан не суд? Бу тез ўзгарувчан жиблажибон дунёда матлаб тинимсиз ўзгариб турса...*

### БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Ҳар бир тоши тарих бўлган зебо, афсонавор шаҳар Самарқанднинг қалби Алишер Навоий номидаги дориқфунун. Бу кўҳна илм, таълим-тарбия масканининг дарсхоналари жуда кўп хуш-нохуш воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Мазкур илм-ирфон марказида атоқли олимлар, адиблар, сиёсатдонлар, ҳар доно муаллимлар суҳбат қурган, маъруза ўқиган, сабоқ берган... Довлашган, баҳслашган. Ҳаёт қайнаган. Не улуг зотларнинг сеҳрли овозлари жаранглаганига жонли гувохдир бу дарсхоналарнинг деворлари. Ештини яшаган (ва яшамаган!) кўпгина олимлар эндиликда утиб кетишди. Домла Садриддин Айний, оғойи Саййид Ризо Ализода, мавлоно Воҳид Абдуллои Самарқандий, ака-ука Мусо ва Иброҳим Муминлар, қуркам, сервиқор, дилкаш Ориф Иқром, хоксор устод Улуг Турсун, Исмат Раҳмат, Абдураҳмон Саъдий, Маҳмудали Юнус Тошкандий, бир гапириб, ун куладиган Ҳамдам Бердиёр, Худойберди Дониёрӣ, Мардонқул Умаров, девқомат Леонид Ройзензон, гузал қария Юлия Авалиани, Юсуф Пулод, Исломо Усмоно, Мухторжон Валиев, Яков Зунделович, Василий Ларцев... Донишманд олим Нуриддин аш-Шукурнинг вафоти марҳумлар қаторини тўлдириб, профессор-ўқитувчилар жамоаси, минглаб шоғирдларнинг дилини вайрон қилди. Менга шундай туйилади: Нуриддин оға шундай эдики, бир инсон қанчалик яхши бўлиши мумкин бўлса, шунчалар яхши эди. Бир одамни қанчалик ақл, зеҳн билан

сарафроз этиш мумкин бўлса, шунчалик комил зот. Самарқанд адабий-илмий муҳитининг нури дийдаси, узбек адабиётшунослигининг шукроналик рамзларидан бири.

Аъзам Уктамий деган бир шоири хос дебдир:

*Тобутда бўлса ҳам Ватанингда қайт!*

Бир хил одамлар буладикки, бутун умри давомида эслашга арзигулик битта ҳам каромат кўрсатмайди. Нуриддин домла эса ҳатто бу ёруғ дунёдан кўз юмиб туриб ҳам иккита ибратли иш қилди. Шогирдларидан бири Фарруҳ Ҳамидулло пайқаганидай, энг сунгги дамда диққинафас шаҳардан она табиат кўчоғига — мовий кенгликларга бош олиб кетди: Бахмал туманининг Навқат қишлоғида зилол чашма сувидан бир қултгина ичдию, жон таслим қилди. Иккиламчиси, не-не улуглар хоки қўйилган, даҳшатли ҳайкаллар зугуми остида дамқисма касалига дучор бўлиб, эзилиб, ҳансираб ётган мазлум тарихий қадамжо бўлмиш муқаддас Шоҳи зинда қабристонини ҳавас қилмади. Боя айтганимиздай, қадрдон Туркманқишлоқдаги хилватгоҳ, пастқам ва соқингина мозорда, ота-онасининг пойига абадий бош қўйди. (Бобур Мирзонинг «Яхшилик» газалига басталанган ашула).

Минг тўққиз юз эллик биринчи йилда Ўзбек давлат университетида биринчи сабоқни ундан олганман. Тўқсон туртта сунгги сабоқ — қабрига бир сиқим тупроқ ташлаб қўйишдан иборат сунгги инсоний бурчимни, надоматлар бўлсинкинм, бажара олмадим. Эвоҳ, насиб этмади. Начора, тақдир тақозоси шундай бўлибдир.

### Шукроналик

Илмдан илм туғилади. Олимдан олим шогирдлар қолади. Яхшилар сўҳбатида бўлиш дилни ҳар хил гўбор ҳам қўйқалардан тозалайди. Қалбларни чарогон қилади. Бундан эзгулик чечаклари унади. Шундай. Соҳибкордан қоладигани — бог. Мезмордан — қошона. Аҳли ҳунардан — зеб-зийнат... Булар барчаси моддий гизо. Илм аҳлидан, адибдан нима қолади? Олимдан — кашфиёту ихтиролар, билим, малака. Яна: мактаб ва шогирдлар. Езувчидан — маънавият, маслак, одоб, гоя, панд. Буларнинг ҳар бири ва барчаси — хоҳ моддий, хоҳ руҳий гизо бўлсин — ўз ўрнида тансиқ, узича муборак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, моҳир сузшунос, ардоқли инсон Нуриддин Шукуровдан китоблар, рисолалар, мароқли мақолалар, ибратли ишлар, меҳр-оқибат, содиқ шоғирдлар, қобил фарзандлар, хонадон қолди. Тағин: узидай ҳалим, илиқ, сунмас бир хотира.

Шунисига ҳам шукур.

Тириклар тирикчилик ташвишида. Марҳумлар абдий сукут сақлайди. Улар убдон «туйган». Энди ҳеч нарса керак эмас уларга. Шундаймикан? Йўқ. Керак! Улар охират сари йул оладилар. Бул ёруғ дунёдан кул ювиб утиб кетганлар руҳий гизога муҳтож: бизнинг, ҳар биримизнинг тиловатимиз, дуойи фотиҳамиздан умидвор. Илоҳим иймони басаломат булсин, қабрига нур тулсин Нуриддин огамизнинг. Дуойи хайрга кул очинг, яхшилар! Омин.

(Қисқагина тиловати Қуръон).

### БУНЧАЛАР КЕНГ ЭКАН ВАТАН ҚУЧОҒИ

(Улуғларимиздан бири яқинда дилимдаги гапни топиб айтди: дийдангиз тош қотса, дунё қузингизга қоронгу булса, ҳаётдан таскин топаман десангиз, қабристонни зиёрат қилинг).

Ассалом, Сизким замона хублари,  
Ассалом, эй ақлу хуш марғублари.  
Ассалом, илм-ирфон соҳиблари,  
Ассалом, эй маҳбублар маҳбублари.

Қаддимни дол қилиб, бағрим тиглатиб,  
Ағёрни кулдириб, дустни йиғлатиб,  
Сархушсиз Сиз ажал шарбатин татиб,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Ғафлатда ёнаман, қилингиз огоҳ:  
Дилингиз оғритди қайси бир гумроҳ?  
Нега чўкди мажруҳ кунглингиз ногоҳ?  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Симоб тош қотсаю, эриса метин,  
Тесқари қилсин-ей ёмоннинг бетин,  
Ғарчи улим ҳақ, ҳаёт бетиним,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Донолар булса гар нодонга ҳамдам,  
Ҳаромдир мен учун ҳаёт-мамонт ҳам,  
Дунё яралгандир асли мири кам,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Давралар сурури экан Сиз билан,  
Авлодлар гурури экан Сиз билан,  
Жужуқлар чуғури экан Сиз билан,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Ғанимлар садқайи пойингиз гарди,  
Золимлар садқайи юзингиз зарди,  
Шуми эди Сиздек жумардлар қадрди,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Тупроқдан ташқари юрганга тузим,  
Дунёи фонийда билмайсенз куним,  
Солим ақлга ҳеч булмасин зуғум:  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Бир экан йўлимиз, борар жойимиз,  
Тушар гузаримиз, стар пойимиз,  
Хом экан ҳокимиз, говак лойимиз,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Хазон булдимикан Эрамнинг боғи,  
Бунчалар кенг экан Ватаи кучоғи,  
Вақтим етдимикан менинг ҳам чоғи,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.

Борни булдирдингиз, йўқни йўндириб,  
Айтайини Сизга мен гапни дундириб,  
Хаста Ғайбуллони тирик улдириб,  
Бундай қилманг ахир, азизлар.  
Бундай қилманглар-сй, азизлар!



## ДУСТ ХОТИРАСИ

Эрик Каримов... Фан доктори, профессор. Муҳими, йигитнинг гули, одамохун, камтарин, камсуқум олим эди. Ундан: нега «Эрик» булиб қолгансан? Балким Эркиндирсан? деб сурасам, асл исми Эрк булганидан ифтихор этиб сузларди. Мен ҳеч қандай Эрик эмас, Эркман, дерди. Бу дарвеш-инсон билан дўст тутинганимга роса қирқ йил булди. У вақтларда «Фан» нашриётида ишлардик (1956). Мен уни бир катта йигин чоғида, таниқли ношир Милман билан жиддий баҳс асносида учратиб, муҳокамасига, журъатига, айниқса тиниқ нутқига қойил булганман. Ушанда купни қурган ношир Захар Аркадьевич довдираган куйи тили гўлдираб қолган эди. Нутқ ирод қилганида, фасоҳати, ақлига ман-ман дсган, дунёга танилган урис олимлари ҳам тан беришиб, таҳсин ўқишарди. Мен у билан фахрланардим. Қуй оғзидан чуп олманган жаннатий зот эди. Камдан-кам учрайдиган ҳодиса: ёзма нутқи ҳам, оғзаки нутқи ҳам бирдай равон ва фаровон, лафзи ҳалол, тукис ва текис эди. Худодод. Бутун вужуди билан урисча тафаккур қиларди. Менимча, узининг рангдор тушларини ҳам шу тилда қурган булса керак. Ғолибо! Ифтихорким, ботиний олами, руҳий тийнат-сажняси, иймон-эътиқоди билан соф узбек эди. Таъбир жоиз булса, мен у билан, у мен билан «огригандик». Сурункасига ёки галма-галига: Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида, узбек қомуси шуъбасида масъул, раҳбарий вазифаларда булдик. Ихтисослашган Катта илмий кенгашларда аъзо булиб турдик. Беруний мукофоти совриндорлиги унга насиб этди. Вожаб, худди келишин олгандай, навбатма-навбат айнан бир хил огир дардларга, юрак тулгоқларига чалиндик. Ё қудратингдан, ташхисларимиз ҳам бир хил эди. (Буёғи унчалик эмас.) Марҳаматли Аллоҳ узининг яхши қурган бандаларига огир дардларни беради, деб бир-биримизни овутиб юардик. У — менга, мен — унга баайни кузгу эдик. Дарвеш-дўстим менга қараб — узини, мен хароботий унга қараб — ўзимни куриб турардик. Узи ҳаёт-

да кўп гапирмас, гоҳи вақтларда шаҳарнинг Лимонзор даҳасидан бизникига — Бодомзорга узоқ йўл босиб, азза-базза суҳбатлашиб, ҳасратлашиб утиргани келарди-ю, ажабким, индамай келиб, индамай кетган ҳоллар ҳам бўлган. Сузлардан қура нигоҳлар бийронроқ буларкан. Бунга кўп маротаба иқроор бўлганман. Бу «соқов ташрифларнинг» бонси не эканини теран англардим. У донишманд инсон эди. Кейинги вақтларда бир одат чиқазди. Садпора, мажруҳ қалбининг қаъридан бир илоҳий муножот, битмас-туганмас ҳасрат беихтиёр сиртга отилиб чиқадиган бўлди:

— Э дунё!..

Шарқ кишисининг бу пурҳикмат каломи ва нидосини бошқа бирон тилга таржима қилиб бўлмайди. Интиҳойи сирли, сеҳрли. Унинг лафзида ва талаффузида бу тағинам ўн баробар чуқур Маъно касб этарди.

Сира ёдимдан чиқмайди. Чорак аср муқаддам докторлик рисоласини ёқлади. Бунақасини курмагандим: ҳимоя пайтида, минбарда туриб... паққос йиғлаб юборган. Уқтин-уқтин, хурсениб-хурсениб йиғлаган. Одамлар ушанда бирдан хомуш тортиб, чуқур сукунатга чумган, яқинлари саросимага тушган эди.

— Э дунё!..

Бу ашқу-надоматнинг «маъносини» илмий кенгаш аъзолари ва ўша ерда ҳозир бўлганлар зимдан билишарди. Қисман бўлса-да. Ҳайҳотдай золда кимлардир барқ ургандай, сув ва юрак дорп қидира бошлади. Олдинги қаторда утирган икки туллак-олим бир-бирига «маъноли» қараб, чала йўталди (бу «баттар бўл дегани!») Гап шундаки, ёқланаётган мавзу ўша давр муҳтида ўта қалтис бўлиб, нопок адабий-сиёсий донрлар томонидан «ҳаром» қилинган эди. Чунончи, ишда илк бор, докторлик тадқиқоти миқёсида, бир замонлар «халқ душмани» деб сазойи қилинган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхужа Беҳбудийларнинг ижодини теран илмий таҳлил қилинганди. Гарчи ҳимоя чиройли ўтган бўлса-да, ундан кейин ҳам шурлик олимни зимдан роса таъқиб қилишди. Ҳозир бу номлар ҳеч кимни ажаблантирмайди: бу ҳазрати адибларимиз қизил мустабид тузум қурбонлари, шаҳид бўлган улуғ инсонлар, мутафаккир зотлар, миллатнинг фахри эканини ҳамма билади. Бироқ у даврларда ҳали... Дустимизга «миллий фахр» қанака бўлишини кўрсатиб қўйишганди...

— Э дунё!..

Одамзот табиатининг мутлақо тушуниб булмайдиган тарафи: ариқни бировлар не ҳасратда қазиб, қақроқ ерга сув чиқазади. Сувини бошқалар ичади. Илло, уша ариқ қазиган мардни ҳеч ким бундай эслаб ҳам қўймайди. Ҳозир қодирийшунослару чулпоншунослар, носирийшунослару фитратшунослар жуда куп. Шундай кунлар ҳам келаркан. Хайрият. Аммо уларнинг баъзи бирлари уз-узларига ҳисоб беришармикан? Илгари, уша қизил фирқапарастлик замонларида бу тулпорлар нафасини ичига ютиб, қайси қовакларда пусиб ётган булсайкин? Майли, барчага баробар таъна тошларини отмайлик. Ерабий! Уларнинг орасида уша машъум замонларда катагон қилинган бул зоти шарифларни ашаддий «синфий душман»га чиқазиб, номларини минг хил оҳангда турлаган, арвоҳларини чирқиратган айрим муртад адабиётшунос ва танқидчилар ҳам йўқ эмас. Бизнинг Эрик Каримнинг номини булса ким йўл-йулакай эсласа эслар, ким тилга ҳам олмайди...

— Э дунё!..

Худораҳмати хаёлпараст, жафокаш Абдуллоҳ ўғли Эрик Каримийнинг номини янги Ўзбек Қомусида катта ҳарфлар билан ёзиш керак. Инсоф юзасидан. Ҳақиқий аҳволдан хабардор булган бир мутахассис сифатида айтаётгиман бу гапларни. Чунки у олтмишинчи йилларнинг урталарида, уша «ривожланган социализм» айни гуллаган палласида, маҳдуд фирқавий-синфий мафкура ҳамма еқни булутдай қошлаб ётган бир даврда узининг уч-тўртта содиқ шогирди ва дустларини қабатига олиб (Эркин Жалол, Муҳаммад Шариф...), мутлақ яширин бир тарзда (камина тирик шоҳидман), бояги айтганим ўзбек адабиётининг хаста виждони булган унлаб адибларнинг ҳаёти ва ижодига доир камёб маълумотларни йиғди. Асарларини, тилдамчи аҳволида, эшикма-эшик юриб қидириб топди. Йиғди, кучирди, кутарди! Шу зайл, не ҳасратда илмий истифодага киритган бисоти яна қанчадан-қанча янги ва энг янги қомусларга етиб ортади... Ҳеч булма-са, вафотидан кейин булса ҳам, бутунги қилни қирқ ёрган қомусшунослар инсофга келишиб, ҳақ гапни айтишга журъат этишар?

Шогирдлари куп эди. Оқибатли, иймон-этиқодли, инсофлилари ҳам кам эмас. Эркин Жалол, Ойгул, Илҳом, Шариф... (Купчилигининг номи хотирамдан кутарилган). Аввал шогирд тушиб, кузининг ёгини ёб

олим булганлари, доктор ёки мухбир-аъзо булиб, «Арши Аълога» кутарилганида устозининг номини тақир унутганлари, унутса ҳам майли, кўрнамаклик қилганлари ҳам топилади. Муҳолифлари орасида бир умр партия, «улуғ оға», «социалистик реализм», Ленин тимсолини боқиб, бир қарич ҳам шундан нари утолмаган мирзақуруқлар ҳар қадамда учрайди. Мана энди уларга дунё анча «кенгайиб» қолди...

— Э дунё!..

Эрик, азизим, довруғли, мискин, раҳматлик дустим, сафдошим! Хоксоргинам. Якка-ёлғизим. Нега бундай қилиб қўйдинг? Бемаслаҳат булибди бу ишинг. Мени кимга қолдириб кетдинг? Узинг-ку отадан стим усган эдинг. Муштипар волиданг насихатини сира-сира унутолмадинг. Комил мусулмон киши эдинг-да. «Болаларингни тирик стим қилма, жон болам» деб қаттиқ тайинлаганди онайи зоринг. Шундай қилдинг. Асли бошда стим эдинг. Шу кўйи одамларинг орасида узинг тирик стим булиб қолиб кетдинг.

Гарчи катта олим эдинг, Худошинг бир бандаси сифатида ожиз эдинг. Елдинг-югурдинг. Бировга этак булдинг, бировга — патак. Узингга ҳеч ким ёрдам беролмади. Илаҳоқибат, бандаликни бажо келтирдинг. Энди охиратинг обод бўлсин.

— Э дунё!..

Сен атрофдагилардан бездинг. Жула тулиб-тониб кетганингда, боя айтганимдай, менинг тақдиримни уйлаб ич-ичингдан эзилардинг. Ёрдам бермоқчи булардингу, хонадонимга кири-и-б келардинг... Бурролик, донолик, олийжаноблик илмининг алломаси эдинг. Сенга қараб ўзим эзилиб кетардим. Шунча ақлинг билан менга таскин-тасалли беришга сўз тополмасдинг. Тақдиринг шўриши савдоларп етмагандай, менинг таҳ-батаҳ дарду ҳасратларимни ҳам букур елканга ортмоқладинг.

Неча марталаб кўрганман. Бир узинг яшаган уша ҳайҳотдай кўргонингда қўй-кузиларинг бошини силаб турардинг. Жониворларга алланарсаларни уқтирмоқчи булардинг. Бир гал борганимда, сени бало-қазолардан қўриқловчи садоқатли қўша-қўша кўппакларинг билан гурунглашардинг. Улар сени тушунарди! Э, Фридрих Нитше бекорга айтмаган-да:

— Одамлардан қоч, саҳроларга, буриларга бор!..

Эвоҳ. Ҳовлингга дуойи фотиҳа уқигани борсам, ҳаммаёқ ҳувиллаб етибди. Дарвоза берк. Сени нога-

ҳонда йўқотиб, нима булганини билолмай, эшик тирқишидан мен томонга жовдираб қараб турган кадрдон итинг кузларида ёш курдим. Унга нима дейишимни ҳам билолмай қолдим.

— Э дунё-о-о!

## БЕШ ДАҚИҚА ТАФАККУРГА ИЗН

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

(ичингизда ўқинг)

Дум

Муҳаммадшариф Гулханийда шундай масал бор. Думсиз эшак дум топиш илинжида дала кезиб борарди... Экинзорни пайхон қилиб кетаётганида, деҳқон жаҳл устида шўрлик эшакнинг, ҳе йук, бе йук, қулоқларини шарт кесиб ташлади!

*Бечора харак орзуйн дум кард,  
Ноефта дум, ду гуш гум кард.*

Мазмуни: эшак бечора дум орзу қилган эди. Дум урнига узиннинг икки қулогидан ҳам маҳрум булиб қолди.

Биз ҳам баъзан...

Узимизнинг аксари бебаҳо шарқона, минг йиллик қуҳна манбаларимиздан айрилиб қолдик. Том маънодаги юксак Оврупо маданиятига бошқалар сингари муносиб бир тарзда етиб боролмадик. Ё Хужа Ҳофизни дурустроқ билмаймиз, ё Ғетени.

*Бир қулда Қуръону, биттасида жом,  
Баъзида ҳалолмиз, баъзида ҳаром.  
Фируза гумбазин осмон тагида  
На чин муслмонимиз, на кофир тамом.*

(Умар ХАЙЕМ)

Бир қарабсизки, биз ҳам, гулахда умр кечирган буюк Гулханий бобо айтганларидай, ҳали бирон арзигулик, дурустроқ нарсага эга булмай туриб, узимизда мавжуд бойликни тезда улоқтириб ташлашга жа-а устамиз.

Шундай эмасми?

Собиқ Интернационалная билан Ленин шоҳ кучаларининг туташган жойида, шундоқ муйилишда, қотиллик содир бўлди: аскардан қайтган буз бола йиғит, ароққа пул бермагани учун, бир уриб, уруш ногирони бўлган бувасининг жагини ушатди. Бу даҳшатни қуриб турган кекса бувиси, узи касалманд эмасми, юраги ёрилиб улди. Қуш фожеа юз берди. Орадан йиғирма кун утар-утмас, шаҳид бўлган кампир хотирасига етти даҳа одамларини йиғиб, худойи қилиб беришди. Биратула учта қуй суйилди. Сен же, мен же.

Ҳамма мамнун. Бошига саватдай оқ дастор ураган муллоларимиз соҳибни хонадонни (қотилларни деб уқийсиз) дуо қилиб чарчамайдилар:

- Касб-корингга барака берсин (еҳув!),
- Бевақт ажалдан узи асрасин (қимми?!),
- Тупроқ олсанг, олтин бўлсин (ҳим-м-м).

### Мушук

Афанди уйига уч қило гушт келтирибди. Эртасига қовурдоқ сийшини кунгли тусаган экан, гуштни қушнисига едириб юборган хотини ризкорлик қилибди:

- Гуштни лаънати мушук еб кетибди.

Гапнинг тагига етган афанди шу заҳотиёқ бароқ-войни ушлаб келтирибди-да, тарозига қуйибди. Қарашса, роппа-роса уч қило. Хужа Насриддин маккор аслига юзланиб, сурабди:

- Бу — гушт. Мушук қани?!

### Гўзаллик

Ҳар бир кишининг умри унинг неча ёшга кирганлиги билан улчанмайди. Инсон гузалликни ҳис эта бошлаган дақиқасидан бошлаб, гузаллик лаҳзаларида инсон.

Ривоят қиладиларки, бир киши қабристонни кезар экан, бир лаҳад қаршисида тўхтабди. Едгорлик мраммар лавҳага битилган экан: «Фалончи 80 йил умр қурди. 5 йил яшади». Бошқа бир қабр пешонасига ёзиб қуйишибди: «Қаршингда дафн этилган банда 59 йил умр қурди. 2 йил яшади». Навбатда яна бирида рақам қилинибди: «Бул зот 23 йил умр қурди. 4 ой яшади». Уша одам тагин бир қабр олдида тўхтаб, ҳанг-манг бўлиб қолибди. Бу ерда битилган экан: «Раҳматлик Фалончи 99 йил умр қурди. Тугилди-ю улди».

Бир кам юз йил умр қурган уша инсон бир кун ҳам яшамаган экан!

### Гўзаллик — рангбарангликда

Одамлар бир-бирига қанчалик ухшамаса, шунчалик гўзал.

Нарсалар бир-бирига қанчалик ухшамаса, шунчалик гўзал.

Ҳофизлар бир-бирига қанчалик ухшамаса, шунчалик гўзал.

Тиллар бир-бирига қанчалик ухшамаса, шунчалик гўзал.

Гўзаллар бир-бирига қанчалик ухшамаса, шунчалик гўзал.

Дунё уз зарралари билан гўзал. Зарра уз дунёси билан гўзал.

### Вақт ва овқат

Биз ҳамма вақт иш билан бандмиз. Иш, иш, иш... Вақтимиз йўқ.

Мушоҳадага, уй суришга, узимиз билан узимиз юз-ма-юз келишга, дийдор қуришишга, тўқнашишга, узимиз билан узимиз гаплашишга, уз-узимизга савол беришга, иккиланишга, шубҳаланишга... вақтимиз йўқ.

Биз вақтни аяймиз. Вақт бизни аямайди. Биз вақтни утказамиз. Вақт бизни утказди.

Қорин ташвиши билан бандмиз. «Авқот» сузи «вақт»дан олинган.

Аввал бошдан инсоннинг мусибати овқат ейишдан бошланган. (Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан қувилишлари сабабини эсланг).

Мендан «инсон қандай хилқат?» деб сурасалар, дердим: овқат ейишга маҳкум этилган мавжудот. Ҳолбуки, инсон овқат ейиш учун яшамайди, яшаш учун овқат ейди.

### Яшаш ва умргузаронлик

Инсон гўзаллик билан учрашган нуқтасидан бошлаб, гўзаллик онларида яшай бошлайди, дедим. Унгача нима қилади? Умргузаронлик қилади.

Бир суткада 24 соат бор. Бир соатда 60 дақиқа. Демак, бир сутка 1.440 дақиқадан ташкил топади. Бас: бир киши бир йилда, фараз қилайлик, 360 кун ёки 8.640 соат ёхуд 518.400 дақиқа вақт утказди.

Олтмиш йилда 311 млн 40.000 дақиқа вақт утказадди.

Киши шундан қанча вақт том маънода (гузал!) яшайди?

Агар бир кунда, урта ҳисобда, ярим соат (30 дақиқа) яшаган бўлса:

— 1 йилда 10.800 дақиқа,

— 10 йилда 108.000 дақиқа яшаган.

— 60 йилда у 6.108.000 дақиқа гузал яшаган бўлиб чиқади.

### Ким қачон яшайди?

Бировлар қорним туйганда яшайман, деб уйлайди.

Бировлар янги энгил кийганимда яшайман, деб уйлайди.

Бировлар амалга минганимда яшайман, деб уйлайди.

Кимлардир, алҳазар, фаҳшга ботганимда яшайман, деб уйлайди.

Улганимдан кейин яшайман, деб уйлагувчилар ҳам кун.

Камдан-кам одам: ақлли булганимда яшайман, деб уйлайди.

### Гуландом ва кучукча

Гузалик туйгусининг узи гузал. Гузалик одамнинг Аллоҳга, табиатга, жамиятга, она ватанга, шахсга ҳамда ҳайвонот оламга булган муносабатида зуҳур кургазади.

Бир воқса сира куз унгимдан кетмайди. Кенжа қизим Гуландом турт-беш ёшларда эди. Бир кун у жажжигина кучукчани қулига олди-да, девор ёнига, чеккага борди. Нима қилаётибди экан, деб кузатиб турардим. Сунгра бир донга гиштни девор тагига урнаиб, бармоги билан аллақандай маъноли ишора қилди-ю, кучукчани гишт устига ётқизиб қўйди.

...Епирай, шу-шу ҳайвон боласи уша гиштни «менинг уйим шу экан», деб қабул қилган куринади, ёзин-қийшин унинг устидан тушмай ухлайдиган бўлди. Қизиқ: кучуквачча маъсум инсон боласининг тилини тунгунган экан. Нақадар гузал! Орадан олти ойлар чамаси вақт утди. Бир кун қарасам, не куз билан курайки, анга тулишиб, етилиб қолган дулварсдай ит гишгдан бошини осилтириб, жуда унгайсиз бир ҳо-



латда ухлаб ётарди. Унга шунчалик унгайсиз эдики, ҳатто тушида ҳам алланарсалар «деб» вангилларди!.. Аммо уз эгасининг амрига кура, бояги-бояги «ватанига» хиёнат қилган эмас. Гиштии тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмади.

Балким оддий бир гапдир. «Одднймикан»? Ҳайвон боласи одам боласининг тилига тушунди. Лекин доғманки, одам боласи ҳамма вақт ҳам одам боласининг тилига тушунавермайдн.

### Садоқат

Эски мактаб дарсликларида кузатган булсангиз керак. Бир уй ловишлаб ёнаятми. Ут учирувчиларнинг ити узини гулхан ичига уриб, саросимада хона ичкарисида қолиб кетган гудакни эғнидан тишлаб олиб чиқади. Офарин. Шу заҳотнеқ у, апыл-тапыл, ҳаётини хавф остида қолдириб, узини яна бурқсиб ёнаётган хона томонга отади. Ҳамма ҳайрон. Бир пасдан сунгра қайтиб чиқади. Қарасалар: оғзида — қўғирчоқ!

Садоқат — гузалликда. Гузаллик — садоқатда.  
Катта мавзу.

### Сиз борсизки, мен борман

*(сунгсуз урнида)*

Сиз билан хайр-хушлашадиган фурсат ҳам етди, бардошли укувчим. Дийдор қуришиш яхши. Дейдиларку: меҳмоннинг келиши яхши, кетиши ёмон. Ҳаётда Сиз билан балким танишдирмиз, балким бегона. Инчунин, мана шу «бегона» деган сўзни жиним сира ёқтирмайди. Мумкин, шу топгача бегона булсак булгандирмиз ҳам. Аммо мана бу асаримни (ёки бошқаларини) уқиб чиққанингиздан буюгига, иқрор булнинг, бегона эмасмиз. Қадрдонмиз. Одатда, китобни уқиб чиққан одам, уни «тутатдим», дейди. Шундаймикан? Аслида, у тутатмади, балки танишиш, мушоҳада, баҳсни энди бошлаган булса ажаб эмас. Негаки, бундан буюн матн мазмуни, уй-фикрларим Сизнинг кузларингиздан — ёдингизга, дилингизга, кунгил мулжингиз ихтиёрига қўчди. Агар ихлосманд булсангиз, мен, муаллиф сифатида, ваъда бераманки, ҳеч қачон Сизни ёлғизлатиб қўймайман. Ишонаверинг. Биз гойибона мулоқот қилишда давом этамиз. Сиз мен билан биргаликда каминна жанобингиз тилга олган, таҳлил қилган ҳодиса-воқеа-

лар, одамлар, хилма-хил тақдирлар, давр шамоллари, инсоннинг боши — Аллоҳнинг тоши эканлиги ҳақида уйлай бошлайсиз. Мен Сизни кунгил ойнасида куриб тураман: фикримни тасдиқлайсиз, бош ирғайсиз ёки бошингизни сарак-сарақ қиласиз, гапларим узингизнинг ҳам тилингиз учидан турганини эътироф этасиз ёки даъволаримга қўшилмайсиз. Ихтиёрингиз. Ким билсин, эҳтимол, менинг айрим «қаҳрамонларим» хусусида андак ёхуд бусбутун бошқачароқ фикрда бўлишингиз ҳам мумкин. Начора. Ҳаёт бу ҳаёт. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам, аминман ва Сиз ҳам иқрор бўлишингизни хоҳиш этардимки, менинг даъволариму иқроримга, ё бўлмаса раддияларимга бефарқ, лоқайд қоллолмайсиз. Бармоқларим шоҳ томирингиз устида туради. Қулоқларим қалбингизга туташ. Мутолаа давомида неча марта-лаб Сизни ҳар хил ҳолатларда учратганман: гоҳо менга қўшилиб жунбишга келасиз, ҳамдардлик юзасидан бир неча марта кузларингиз намланганига ҳам иқрор бўлмай ёложим йўқ. Сабаби маълум. Бир қанча саҳифаларни, яшириш чикора, узим ҳам йиглаб-йиглаб ёзганман. Оқ қоғозга дув тўкилган куз ёшларим менинг ёна-ёна қалам сурганимни, қалб жароҳатларимни, муқаддас сирларимни ошкор қилиб қўйишини инкор этолмайман. Боя айтганимдай, ҳаёт бу ҳаёт. Уз ожизлигим учун Сиз шафқатли, мунис ва меҳрибон китобхонларимдан узрхоҳлигим бор. Мен, толиққан, кекса ва ожиз ҳожибобонгиздан хафа бўлмангиз, азизларим.

Бу жылда Шароф Рашидов, Саййид Ризо Ализода, Воҳид Абдулло, Иззат Султон, Нуриддин Шукуров, Эрик Карим сингари зотлар ҳақида ёзарканман, уларнинг руҳи покларини ботиний бир тиловат ила рози қилмоқчи бўлдим. Тарих ва замонавийлик, жамият ва шахс, инсон ва тақдир, фан ва дин мавзуларини ёритишга журъат этганимда, ўз счимини кутаётган долзарб Истиқлол муаммоларига тўхталдим. Тил, бадний ва публицистик ижод, таҳрир ва таржимачилик, миллийлик, умумбашарийлик, санъат хусусида мулоҳаза юритганда ворисийлик, анъана ва янгиликка эътиборни қаратмоқчи бўлдим.

Услубда қуруқ, сипо академик баёнчиликдан қочишга, талабчан ўқувчиларимнинг куз унгида бақадри имкон жонли манзара яратишга ҳаракат қилдим.

Навбатдаги китоб саҳифаларида учрашгунча хайр...  
Вассалом.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотух.

**Б и р и н ч и қ и с м .**

**Сўз сеҳри ва рақс жозибаси  
(Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи»)**

**Ғойибдан келадир бир садо**

**1-ф а с л. Манбалар ва илдиэлар (қўёсий-қолишловчи таҳлил)**

Биргина тилагим . . . . .	5
Тарихий шажаралар ва адабий аънаналар. Икки оғиз даромади суҳан . . . . .	9
Жавоҳарлал Нерунинг ташрифи . . . . .	9
Ҳайдаробод «Дорус-салтанаси»да учрашув . . . . .	10
Лисоний парокандалик «самараси» . . . . .	11
«Бобид минораси» . . . . .	12
Тамал ва амал . . . . .	13
Аънаналар ва услублар туташган жойда . . . . .	15
Ғойивий неғиз ва табиий тилмасол . . . . .	16
«Бу йуллар куп қадим йуллар» . . . . .	17
Беруний ва Ҳиндистон . . . . .	18
«Бошқа халқларни билишни истасанг, тилини урган» . . . . .	19
Камоли фидоийлик . . . . .	20
Бобур ва Ҳиндистон . . . . .	21
Бобурийлар салтанати . . . . .	21
Ҳинд тақдирнда Бобур ва Акбар . . . . .	22
Ҳожн Ҳусайн . . . . .	23
«Кашмир» калимасининг маъноси . . . . .	24
«...Вале меннинг ишим ул подшоҳларнинг ишига ухшамас» . . . . .	25
Қалами қилчидай уткир . . . . .	26
Ҳинд мейморчилигининг жонли обидалари . . . . .	28
Элгулик дарахтининг ширин ҳосили . . . . .	30
Меҳрибон волида янглиг . . . . .	31
«Латоғати оламга гулгула солибдир» . . . . .	32
Кашмирлар . . . . .	33
Адабий таркиблашув (синтеслашув) ҳодисасининг мундарижаси . . . . .	34
Ватан адабиетида «хорижий мавзу» . . . . .	35
Бадний тафаккур жавоҳироти . . . . .	36
«Ҳамса»да бирламчи манбалар . . . . .	37
«Искандар Мақдон» . . . . .	38
Хорижий мундарижа ва миллий мазмун . . . . .	41
Адабий аънаёларнинг юрисийлиги . . . . .	42
Сўз сеҳри таърифида . . . . .	43
Шекспир асарларининг «жугрофияси» . . . . .	44
Ҳамлет: Дания — лондон . . . . .	44
Алишер Навоий ва Вильям Шекспир . . . . .	46
Амир Темур — Кристофер Марло талқинида . . . . .	47
Ғете ва Шарқ адабиети . . . . .	48
«Лисонул ғайб» . . . . .	49
Обра-ишора . . . . .	51
Абул Аъло ал-Маъаррий . . . . .	51
«Ғойибдан» келган мактуб . . . . .	53
«Шарқнинг Ҳайисси» ва «Ғарбнинг Саъдийси» . . . . .	55

Варпет . . . . .	56
Тарихий ҳақиқат ва бадиний туқима . . . . .	57
Мирза Иброҳимов талқини . . . . .	59
Муаллиф ва қаҳрамон дунёси . . . . .	60
Фридрих Нитеше фалсафасига қойим . . . . .	61
Учинчи адабий-нафосат воқеалиги . . . . .	62
Соҳибқирон юлдузлар . . . . .	64

## Услубнинг биллурлашуви

### 2-ф а с л. Умумбашарийлик ва миллийлик, услуб ва таҳрир

Олмос қирралар . . . . .	66
Нафосат ва башарий мазмун . . . . .	67
Баҳраманлик . . . . .	67
Таъсирнинг самарадорлиги . . . . .	68
Умр фасллари ва ижодий самара . . . . .	69
Ижод руҳияти . . . . .	70
Лисоний хазина . . . . .	71
Янги сузлар ва маънолар кашфieti . . . . .	72
Сўзининг сеҳри ва меҳригиёси . . . . .	74
Муъжизавий услуб . . . . .	75
Жилдам сувидай тиниқ алфоз . . . . .	76
Қурғоқчилик, қирғин наллеси тасвири . . . . .	77
Мусибат, сарсонлик-саргардонлик ва ҳижрон тасвири . . . . .	78
Жонлантириш, тасвирий қуюқлаштириш, маънони чуқурлаштириш . . . . .	79
Образ ва тимсол . . . . .	80
Ҳиндисна нашъу намо (колорит) . . . . .	80
Муҳожавий тарҳ . . . . .	81
Сўз жонлидир . . . . .	82
Чегара қайси нуқтадан бошланади? . . . . .	83
«Гул»лар ва «булбул»лар уша-уша. Гоя галат . . . . .	84
Тамсиллий ифода ва воқеий тасвир . . . . .	85
Бўёқлар рамзи . . . . .	86
«Ҳазон ичра баҳор» . . . . .	87
Адабий турғунлик ва бадиний жараеи . . . . .	88
Гуллар боғи ва Оқ кема . . . . .	89
Вақт «Гринвич вақти» эмас . . . . .	91
Маҳоратдан маҳорат будди пайдо . . . . .	91
Ҳастининг ундай сержилва, мафтункор, гузал . . . . .	93
Табият неъматларидан фойдаланиб . . . . .	94
Дилрабо куй ва қулоқларни қоматга келтирувчи шовқин . . . . .	95
Нисбат бериш, ухшатиш ва сифатлаш санъати . . . . .	96
Тағмати яратишда қиес, ишора ва жонлантириш . . . . .	97
Далиллаш санъати . . . . .	98
Ишонтириш учун ишониниш керак . . . . .	99
Ақл бовар қиладиган ҳаслот . . . . .	100
Нингоҳлар «тилга кирганда» . . . . .	101
Бийрон боқинлар ва соқов забонлар . . . . .	102
«О, уеиш ва юксалиш тилсимоти!» . . . . .	104
Таҳрир — санъат . . . . .	105
Пайвандловчи лавҳалар, нозик тафсилотлар . . . . .	106
Сўз, тимсол ва тийнатиининг тобланиши . . . . .	109
Таҳрир — нодир адабий жараеи . . . . .	112
Мавзу, гоя ва таҳрир . . . . .	113
Манзара қандай безанди . . . . .	114
Талқин — таржима — идрок . . . . .	115

## Қуш тилини қуш билади

### 3-ф а с л. Адабиёт ва таржима. Санъатда меъёр ва мувозанат

Дуст нигоҳи билан . . . . .	118
Икки таржима . . . . .	119
Узукка куз қўйгандай . . . . .	119
Таржимавий ворисийлик . . . . .	120
Таржима табиати қизиқ . . . . .	123
Таржима «иқлим» нима? . . . . .	123
Шоир тилини шоир билади . . . . .	126
Қушқларда нур ва туйғу тошқини . . . . .	126
Сирқаси сув қутармайдиган санъат . . . . .	128
Икки таржима — икки манзара . . . . .	129
Таржима — асардан гула қутариш эмас . . . . .	130
Услубда меъерни билиш талаби . . . . .	132
Аниқ ва эркин таржима уртасидаги масофа қанча? . . . . .	132
Гуллар ва капалақлар . . . . .	133
Ҳордиқ қуналғаси . . . . .	136
Асалари йиғлай оладими? . . . . .	136
Бамбур — Дония шаҳодаси Ҳамлет эмас . . . . .	137
Ҳайрат . . . . .	138
Дарвоқе, таржимавий дахлдорлик . . . . .	139
Қушнинг бир мингу бир ҳунари ва кирдиқорлари . . . . .	141
«Эзгулик йўқки, атрофида фалокат уралашиб юрмаган булса» . . . . .	143
Таржима булмаслик «ҳақида» қушиқ . . . . .	144
Ҳар ким узича хиргойи қилади . . . . .	145
Табиий офатлар ва иқтимоий иллатлар . . . . .	145
Грамматик суврат ва таржима . . . . .	146
Услубий доира: давомийлик ва ворисийлик . . . . .	147
Шакл мазмунга вобаста. Мазмун шаклга пешрав . . . . .	149
«Гул уругдан, уруг гулдан ҳосил бўлади» . . . . .	150
Мувозанат . . . . .	151
Умид машъалининг сўкини . . . . .	153
«Ҳаёт — олов, ажал — кукуи» . . . . .	154
Асос ва ҳосила . . . . .	155
Қуш меҳвари сҳуд офтобнинг меърожа чиқиши . . . . .	156
Бадний одамшунослик билан табиатшунослик иттифоқи . . . . .	159
Янги таржималар давом этади . . . . .	160
«Севги афсонаси» ва «Кашмир қушиги» . . . . .	160
Сўз санъати ва рақс жозибаси . . . . .	163
Танавор янглиг . . . . .	164
«Икки дил достони» . . . . .	168
«Абулмаъоний» — маънолар отаси, демак . . . . .	168

## Дашти Карбало

### 4-ф а с л. «Яхшилик — муруватли, ёмонлик — бадкирдор»

Кўзгу . . . . .	171
Қўлмиш-қидирмиш . . . . .	173
«Қани бизнинг шогирдларимиз?» . . . . .	175
Тоқай . . . . .	176
Ҳабиб Абдуллонинг орузи . . . . .	177
Билмайсанки, бахтлисан . . . . .	178
Адабиётдаги снисатдон, снисатдаги адиб . . . . .	179
Довул (Шарафнома) . . . . .	181
Суронли йилларнинг тирик гувоҳи . . . . .	185

## Иккинчи қисм. Арши Аъло

### Мовароуннаҳр фарзанди

#### 5-ф а с л. Уш «Ого» дер эдилар

Чумолига озор бермаган инсон . . . . .	188
Тақдирнинг уйини . . . . .	189
Дорул Ализода . . . . .	190
Тарих — қози . . . . .	192
Ақл дастидан дод! . . . . .	193
«Арман тилини Ализоладан урганинг» . . . . .	194
Дузда ҳам одам яшайди . . . . .	196
Тириклигида-ку қилмадинг обод . . . . .	197
Иброний тилини билишинг икки хосияти. Биринчи хосият . . . . .	198
Саййид Ризонинг сунги шеъри . . . . .	200
Иккинчи хосият . . . . .	200
«Қафас ичра қизил гул» . . . . .	202
Соғиниб келдим сизи: (Уз вақтида ўқилмаган марсия) . . . . .	203
Биткилар . . . . .	204
Парчаланган умр . . . . .	205
Мутафаккир . . . . .	207
Оғу ва малҳам . . . . .	208
Зарралар . . . . .	210
Шаҳодатнома. Буюк мотам . . . . .	211
Воқеанома. Маилоно Баракатуллоҳ . . . . .	213
Али Акбар Собир Тоҳирзода . . . . .	214
Исмоилбек Ғаспирали . . . . .	214
Ғайзулло Хужа . . . . .	215
«Ғадои халта» . . . . .	217
Раввинский ехуд зиндон сабоқлари. Прокурор . . . . .	217
Ёмонга калтак — яхшига ишора . . . . .	219
«Бази Жамшил» . . . . .	219
Мухтасарнома . . . . .	221
Ҳадиси Шариф . . . . .	223
Ҳордиқ қуналгаси . . . . .	224
Уғри . . . . .	224
Очкуллик . . . . .	224
Деҳқон ила ошнаси . . . . .	224
Ҳимматлик гадои . . . . .	224
Китобда унраган айрим мақол, нақл ва қайроқи сузлар . . . . .	225

## Тасбиҳ

#### 6-ф а с л. Машриқзамин (Ўзбек шарқшунослиги ҳақида ўйлар)

Комусий нашр . . . . .	226
Машъум «2» ҳақида чупчак . . . . .	227
Сув бошдан лойқа эди . . . . .	228
Булар экан-ку! . . . . .	229
Нондай азиз китоблар . . . . .	229
Етуклик . . . . .	230
Йўқсулий тафаккур . . . . .	231
Илму амал . . . . .	232
Академик куп. Муаммолар ундан ҳам куп . . . . .	233
Парчаланми бизга нима беради? . . . . .	233
Йўқотиш учун топмаганмиз-ку . . . . .	234
Инсон, бу, хотира демак . . . . .	235
Шарқшунослиқнинг номи қўлбема . . . . .	236

## Қатралар

7-ф а с л. Дарен азим

Бир писла сув . . . . .	238
Эгуликка суиқасд . . . . .	239
Нудан бор буладими? . . . . .	239
Замон сенга боқмаса... . . . .	241
Сукрот . . . . .	242
Кафтдаги қуш . . . . .	244
Орузйим? Одамларни бахтиёр онларда учратиш . . . . .	245
Ношудлик . . . . .	245
Вақт менинг тақдиримда . . . . .	247
Сунгги учрашув. Йук, сунгги эмас . . . . .	247

## Тоғ Муҳаммадга келмаса, Муҳаммад тоққа боради

8-ф а с л. Силсила ва зилзила

Сухбат . . . . .	249
------------------	-----

## Мутолаа

9-ф а с л. Каромат

Качкул . . . . .	269
Осқ бошга чиққанда . . . . .	270
Яна осқ баҳсида . . . . .	272
Туш . . . . .	273
«Рашаҳот» . . . . .	274
Зулм . . . . .	275
Ранг қолмадики, синаб қурилмаган . . . . .	276
Қуш Шарқдан чиқали . . . . .	277
«Маҳкамани қазога ҳозир бўлма» . . . . .	278
Фурсат ҳам, муҳлат ҳам йук . . . . .	280

## Мушфиқ бир хотира

Ҳамиша баҳор . . . . .	280
------------------------	-----

## Овознигор

10-ф а с л. Довишмайд

Олим кетди — олам кетди . . . . .	285
Бешик булиб тебранар тобут... . . . .	285
Жайрон . . . . .	286
Одам алайҳиссалом . . . . .	289
Нуриддинжон марсияси . . . . .	290
Унинг дорилфунуни . . . . .	291
«Упар эдим патан тупрогин» . . . . .	292
Салламно, жаноби Вақт! . . . . .	293
Ҳа, кучи ожизлигида эди . . . . .	294
Ғафур Ғулом уғлим деган . . . . .	296
Туя қанча катта бўлса, ягири ҳам... . . . .	297
Беш дақиқа шакаргуфторлик . . . . .	297
Карвон . . . . .	299
Кимга айтай дардимни . . . . .	300
Қил кўприк . . . . .	301
Бир сиқим тупроқ . . . . .	301

Шукроналик .....	302
Бунчалар кенг экан Ватан кучоги .....	303

Э дунё!..

Дўст хотираси .....	305
---------------------	-----

Беш дақиқа тафаккурга илп

Йиллар ва одамлар (ичингида уқинг) .....	309
Хим-м-м .....	310
Мушук .....	311
Гузалик .....	311
Гузалик — рангбарангликда .....	311
Вақт ва овқат .....	312
Яшаш ва умргузаронлик .....	312
Ким қачон яшайди? .....	313
Гуландом ва кучукча .....	313
Садоқат .....	314
Ватан .....	314
Сиз борсангиз, мен борман (сунгуз уршда) .....	314

ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЎМ

ЭЗГУЛИККА ЧОҒЛАН, ОДАМЗОД

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1997

Мухаррирлар *Ҳ. Султонова, М. Умирова*  
Безакловчи рассом *А. Баҳромов*  
Бадий муҳаррир *М. Аъламов*  
Техник муҳаррир *Д. Ғабдрахманова*  
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теринга берилди 31.07.97. Босинга рухсат этилди 21.11.97. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шарғли босма табоғи 16,8. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,02. Адади 10.000. Буюртма № 1537. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.